

Азиз Қайумов



ДИЛКУШО ТАҚРОРЛАР
ВА РУҲАФЗО
АНЪОРЛАР





УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Азиз Қаюмов

**ДИЛКУШО ТАКРОРЛАР
ВА РУҲАФЗО
АШЎОРЛАР**



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

УУК: 821.512.133

КБК: 83.3(5У)

Қ-6

Нашрга тайёрловчи:

Озодбек Алимов

Масъул муҳаррирлар:

Саидбек Ҳасанов,

Маҳкам Маҳмудов

Тақризчи:

Суйима Ғаниева

Таҳрир ҳайъати:

Ҳ.Болтабоев, И.Ғафуров, Ю.Турсунов, М.Рашидова, А.Аҳмедов.

Қ-6 Қаюмов, Азиз.

Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар / А.Қаюмов;
Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Болтабоев, И.Ғафуров, Ю.Турсунов,
М.Рашидова, А.Аҳмедов. Масъул муҳаррирлар: С.Ҳасанов,
М.Маҳмудов. Нашрга тайёрловчи: О.Алимов; Алишер Навоий
номидаги Давлат адабиёт музейи. – Т.: «Sharq», 2014. –
272 б.

*Ушбу рисолада Алишер Навоийнинг таржмабанд, таркиббанд,
соқийнома шеърлари ва Султон Ҳусайн шарафига ёзган қасида
мадҳиялари тугрисида суз боради. “Назм ул-жавоҳир” туртликлар
тупламининг моҳияти ва гоявий мазмунига оид фикр, мулоҳазалар,
шарҳ ва талқинлар баён этилган.*

ISBN 978-9943-26-260-7

УУК: 821.512.133

КБК: 83.3(5У)

ISBN 978-9943-26-260-7

Ушбу асарни муҳтарам педагог ва адабиётшунос олим Раҳмонқул Орзиековнинг (1930–2011) нузли хотирасига бағишлайман.

КИРИШ СУЗИ УРНИДА

Алишер Навоийнинг шеърляти беҳад бой ва чексиз эканлиги маълум ҳақиқат. Унинг газал ва мусамматлари, рубойи ва китъалари анчагина урганилган. Л.С.Серикова уз номзодлик диссертациясини Навоийнинг кичик ҳажмдаги шеърлари таҳлилига бағишлаган эди. Аммо Навоий девони “Ҳазойину-л-маоний”да алоҳида урин эгаллаган йирик шеърлари – таржиъбанд, таркиббанд, соқийномалар буйича унча куп иш олиб борилган эмас. Бу соҳада Р.Орзиековнинг ёзган тадқиқотлари диққатга сазовордир. Унинг 1984 йили Самаркандда нашр этилган “Узбек поэзиясида мураккаб структурали жанрлар” китоби айниқса диққатни узига жалб этади. Унда олим таржиъбанд, таркиббанд, соқийнома, марсия, касидалар туғрисида суз юритади, уларнинг узбек адабиётида кулланилгани туғрисида муҳим маълумотлар беради.

Камина ҳам Р.Орзиеков китобида айтилганларни тулдирувчи ва давом эттирувчи фикр-мулоҳазаларимни ушбу асаримда келтирмоқчиман. Умид қиламанки, ёш тадқиқотчиларимиз бу ишларни бундан буён ҳам мукамаллаштира борадилар. Таржиъбанд, таркиббанд, соқийнома, касида каби шеърӣ асарлар таҳлилидан иборат китобимнинг биринчи булимига “Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар” деган сарлавҳа куйдим.

Султон Ҳусайнга бағишланган Навоий шеърлари туғрисидаги иккинчи булимни эса “Султон мадҳияси ва даврон тарбияси” деб атадим. Чунки Навоий бу шеърларда султонни мадҳ этиш билангина чекланган эмас, балки унга турли фойдали йул-йуриқларни ҳам адаб доирасида курсатиб утган. Буни султонга давр ва замон бераётган тарбия деб билмок раводир.

Ҳар ҳолда муҳтарам китобхонларнинг Алишер Навоийнинг йирик шеърлари туғрисидаги тасавурларини оз булса-да тулдирмок истаги мени ушбу асарни ёзмокча ундаган. Бу тилакнинг қанчалар амалга ошган-ошмаганига баҳо бермок, уни укиганларнинг ҳукмига ҳаволадир.

Ҳурмат ила Азиз Қаюмов

ТАРЖИЪБАНДЛАР

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазиналари”) девонида шоирнинг бир неча таржиъбанд ва шунга ухшаш йирик шеърлари бор. Улар “Хазойин ул-маоний”нинг XX асрда Тошкентда нашр этилган турттала китобида учрайди¹.

Аввал таржиъбанднинг маъносини ечиб олайлик. “Таржиъ” араб тилида қайтариш, такрор демакдир. Банд эса бугин, боғланишни англатади. Демак, таржиъбанд дегани бир-бирига боғланувчи шеър булаклари маъносидадир. Улардаги охирги байт (икки мисра) ҳар булақда узғаришсиз такрорланаверади. Масалан, Навоий қаламига мансуб “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи китоби “Ғаройиб ус-сигар” (“Болаликнинг ғаройиботлари”)даги таржиъбанднинг ҳар бири ун байтдан иборат булган булағида унинг байт такрор келаверади.

*Харобот аро кирдим ошифтаҳол
Май истарга илкимда синган сафол.*

Бу байт маснавий тарзида қофияланган. Қолган байтлар эса ғазалдаги сингари қофияланган. Демак, ушбу таржиъбанднинг тукқиз байтли ғазалдан фарқи, унинг унинг байтининг ҳар бир булақда такрорланишидир.

Куйида уша ун байтли булақни тулалигича келтирамиз:

1) “Ғаройиб ус-сигар” девондаги таржиъбанд

*Кетур соқий, ул майни² субҳи аласт
Анинг нашъасидин кунгул эрди маст.*

*Майиким, қилур қуйсалар жон аро
Узи масту кайфияти майпараст.*

*Анинг саргузаштиқи³, бу кун менга
Неча майпараст улдилар ҳамнишаст.*

¹ Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. Таржиъбанд (Нашрга тайёрловчи: Хамид Сулаймон). Тошкент, 1959. 1 т. Б. 687.

² Нашрда “майни” (Хазойин ул-маоний. Т., 1959. Б. 687-698).

³ Нашрда “саргузаште” (Хазойин ул-маоний”. Т., 1959. Б. 687-698).

*Май олмоққа пири мугон жазбаси
Мени чекти андоқхи, моҳини шаст.*

*Қилиб хирқа май раҳнию зарфининг⁴
Этиб огзини мум ила санбаст.*

*Келур эрдим, илкимда майлиқ сабу
Булуб тукқуз афлок оллимда наст.*

*Ки огоҳ улуб туш-тушимдин қабоб
Менга топтилар эҳтисоб аҳли даст.*

*Шикастим менинг ончи эрмас эди
Ки май зарфи топти арода шикаст.*

*Чу синди сабу, чораи топмадим
Мени муфлису уру гирёни маст.*

*Харобот аро кирдим ошифтаҳол
Май истарга илкимда синган сафол.*

Унинчи байт ҳар бир унликнинг охирида айнан такрорланади. Шундан “таржиъ” (такрор) келиб чиқади³. Ушбу таржиъбанднинг лирик қаҳрамони майпараст. У эрталаб май нашъасини сурмоққа илҳак. У худди қармоққа илинган балиқ сингари майхонаси ҳузурига интилади. У ерга бориб узининг эски чопонини гаровга қуяди, сунг мум билан беркитиб ташланган май идиши олдида турганича уз қувачасига майни қуйдиради. У энди хурсанд. Тукқиз фалакни назар-писанд қилмайди. Топажак май нашъаси умиди билан тула уйига қайтмоқда. Йулда унга мухтасиблар (текширувчилар) учрадилар ва ушладилар. Май солинган идишни синдирдилар. Мен, дейди ҳикоячи, муфлис, ярим яланғоч, йиғлок, маст ҳолатда қолиб кетдим.

Шундан кейин бу бенаво синган сафол идишини кутарганича, ошифтаҳол яна май истаб хароботга (майхонага) кириб борди.

Бу ун байтли шеърдаги асосий масала уша май истаган ринд майхур ва унинг аянчли аҳволи. Шеърда тилга олинаётган май, албатта, ичкилик, шароб эмас. У маънавий талаб. Майхур эса ана шу талаб ва эътиқод йулидаги ошифтаҳол.

³ Нашрда “зарофининг” (Ҳазофий ул-маоний. Т., 1959. Б. 687-698).

⁴ Агарда шу таржиъ шеърдан ажратиб олинса, таржиъбанд тукқуз байтли газалга айланади. Шунинг учун унинг таржиъдан узилган юсминини мен эпик газал деб айтмоққа мойилман – А.К.

Таржиъбанд – шеърнинг лирик қаҳрамони чин севги йулидаги фидойи. У севги ва садоқатда собитқадам. Севги майига доимо хумор ва ташна ошиқ. Унинг кунглини тулдирган туйғулари бу ошиқни муҳаббат девонаси, бенаво, хақир; дунёнинг барча икир-чикирларига бепарво, фақат ёр ва унга муҳаббат майига хумор ва ташна бечорага айлантриб юборган. Унинг учун ҳам шоир тонг ёришар-ёришмас соқийдан уша севги майини суровчи номидан ҳикояни бошлайди. Шу шахс пири муғондан узи тилаган майни олиб қайтаётганида юз берган воқеалар уша май кайфини йукка чикарди ва у бечора қулидаги синган сафоли билан яна хароботга қайтиб келади. Бу – умумлашма образ. Унда фақат бир кишининггина эмас, балки шу тоифадаги бутун бир жамоанинг ҳолати, кайфияти, интилишлари курсатилмоқда. Навоий куйламоқда булган “май” таърифи, бизнинг ошиқ ва унга ҳамнишаст (бирга улти-рувчи) булган неча майпарастларнинг аҳволи бу таржиъбандда тасвир этилган шароит, куринишлар ва ҳодисалар орқали намоён этилмоқда.

Иккинчи унликда лирик қаҳрамон узи чеккан укубат ва изти-роблардан хулоса кила бошлайди. Бу унлик ҳам соқийга хитоб билан бошланади. У купрок олдинги унликнинг давомига ухшаб кетади. Лекин унда воқеалар баёни йук. Балки фикр ва мулоҳазалар ортиқрок:

*Бу гулшан гулига чу йуқтур вафо,
Не парҳез этай жоми гулфомдин.*

Модомики, ҳаёт гулшани гулларига доимийлик берилмаган экан; гул рангли, гул ҳидли, гулдек гузал жомдан, ундаги май нашъасидан воз кечмак керакми? Шоир бу фикр асоси учун жуда кучли бир нисбатни ишлатади. Айрилиқ хумори зулматини йук килувчи тонг отмади. Шунинг учун майни шундайин ичайки, дейди ошиқ-майпараст, шом билан субҳнинг фаркига боролмайдиган булиб қолайин.

Шундан сунг шоир кундалик турмуш куринишларини бир-бири билан киёслашга утади. Унинг учун (яъни майпараст девона учун) дайр пири (майхонадаги жамоа бошлиғи) шайх ул-исломдан (мусулмонларнинг бош раҳбари) кура ортиқрок. Майхонадаги майхурлик хоҳ оддий, хоҳ хос одамлардаги ақлу хушдан афзалрок. У шундай фиғон чекадики, хароботда килган нолалари одамларда фарёдлар уйғотади. Зоҳир бу кишига савол бермоқка журъат ки-

лолмайди. Бу девона узи тилаган май учун бор-йўгини гаров қилиб тугатган. Бу бору йук ҳам факат эски чопон ва тасбеҳдангина иборат эди холос.

*Булай дайр пирига андоқ мурид
Ки ёд этмайин шайх ул-исломдин.*

*Кирай дайр аро уйла мажнуну маст
Ки кетсун хирад аҳли айёмдин.*

*Хароботий улмоғлигим, зоҳидо,
Савол этма мен зори бадномдин*

*Гаров қилгали майга чун қолмади
На тасбиҳу на чора нокомдин.*

Ана шундай ахволда эди, қулида синган сафолни кутарганича май истаб хароботга кириб келган бечора.

Учинчи уликда бу ошик-девона узининг синик жомида озгина лойка май борлигини айтади. Уша май куйқаси унга ойна (гетинамо) булиб куринар эди.

*Сафол ичра бир журъа лойи менга
Эрур жоми гетинамои менга.*

Энди кахрамонимиз уз бошидан кечирганларини ҳикоя қила бошлайди. Олдин у зоҳидга ишора қилади. Унинг савол бермокка ҳаққи йуклигини билдирган эди. Ҳозир эса узининг барча курган-билганларини очик изҳор этишга киришади. У дайр пирига вафоли. Шунинг учун замона жафоларини назар-писанд қилмайди.

*Чу мен дайр пири вафосидамен,
Фалакдин этишмас жафойе менга.*

У тарикат сулуқини (йулини) маҳкам тутган. Ундан олдин бу одам зухду тақвони шиор қилган, хонақоҳда маком қилган эди; зикр ва сажжода (жойнамоз)га берилганди. Уларнинг ҳеч қайси-сида тилаган нарсасини топмади. Шунинг учун уларнинг ҳаммасидан воз кечди.

*Бурун зухду тақвони айлаб шиор
Дедимким, этишгай сафойе менга.*

*Бориб хонақоҳ ичра қилдим мақом
Бу маъни хуб улди балойе менга.*

*Боқиб хилвату зикру сажжодани
Зухур этди ҳар дам риёе менга.*

*Булардин узимни халос айладим
Ки то ҳосил улгай фаноие менга.*

Ана шу истиғфор (хатолардан кечирим сураш)дан кейин қахрамонимиз узининг қулида синган сафolini тутганича хароботга кириб келгани ва бу ерда осойиш топмоқчи эканлигини айтади.

Агарда ушбу таржиъбанднинг (“Ғаройиб ус-сигар” девонидаги) биринчи ва иккинчи унликлари соқийга мурожаат билан бошланган булса, учинчи унликда бундай мурожаат йук. Бунда солиқ (йулчи)нинг олдинги ишлари туғрисида ҳикоя асосий ўринни эгаллайди, уша ишларнинг барчаси беҳуда эканлигига тан берилади.

Туртинчи уклик дайр (майхона) таърифига бағишланган.

Лирик қахрамон май истаги билан тула. У майхонага бир қошо-на сифатида қарайди. Бу ердаги пири муғон “саҳо шевали”, яъни қули очик бир зот. У хаммани маърифат майи билан зиёфат қилади. Майни тутувчилар эса

*Суманбарлар ичра пари чеҳрае
Паричеҳралар ичра девонае.*

*Менга гоҳи ул май бирла жон
Бу қилса гаҳи қатл мастонае.*

Майхонада туйиб-туйиб май ичган девонанинг хаёли афсоналарда. Бу ерга йиғилган муфлислар давра қуриб базмини авжига чиқармоқдалар. Яна маълум буладики, пири муғон яна бир майхона очиб унда ҳам ҳар гадога паймона тутмоқда эмиш. Демак, майхоналарнинг иши авжида.

Бешинчи укликда мавзу сал узгаради. Энди шоир ишқ туғрисида сузлайди:

*Яна булмишам ошиқи зор ҳам,
Хароботию ринду хаммор ҳам.*

У майга берилиб зуҳду такводан ор қилган. Узун май идишини бут қилиб олган, унинг ипини эшиб узига зуннор қилган. Кафш ва салласини эса нуқл (газак, май сунгидан ейиладиган мева) учун берган. У қаландарсифат бир кимсага айланиб қолган. Унинг маҳбубаси булмиш зот ҳам шундай.

*Мени ишқдин уртаган муғбача
Ки девонавашдур, паривор ҳам.*

Ана шу паривор “харобот куйида майхор” ҳам эди.

*Эрур чунки якраглик шарти ишқ
Бу тақриб бирла мене зор ҳам.*

Шундай килиб, шоир ишқ йулида телба булиб майхонада уриашган девона ошиқнинг ҳамда унга якраг булган бошқа бир майхоранинг суратини чизади. У уша девонанинг севгилсидир.

Бу ерда бир нарсага диққат қилмоқ лозим қуринади. Девона, майхори ошиқ зуҳду такводан юз угириб, белига зуннор (гайридинлик белбоғи) боғлаб; кафшу саллаю эски чопонини майга гаров қуйган эди. Бу қилмишларини у девоналар иши (девонақирдор) деб билади ва шундай деб тушунтиради. Амалда ҳам шундайми ёки йук? Уқувчиларимиз бу айтилганларни шоир томонидан бадий тасвир воситаларининг қулланиши деб қарашлари керак. Навоий ана шундай хатти-ҳаракатларни маъқулловчи ва айниқса, тарғиб этувчи сифатида чиқмоғи мумкин эмас. Шоир уз қаҳрамонининг ҳамиша майга илҳақлиги даражаси баланд ва қучли эканини тасвирламоқда. Мусулмон этикасида эса ана шу айтиб утилган ҳоллардан қура қучлироқ, таъсирчанроқ восита булмоғи қийин. Ушбу таржиъбанддаги маҳбуба образи ҳам узига хос уринга эга. У ишқ йулида қатъий ва муқим туради. Лекин бу маҳбуба уз сифатлари билан қаҳрамонимизга ухшаб кетади. Асосий масала ишқ ва унга муносабатдан иборат. Бу ерда ишқ туфайли девона ва унинг севгилиси уртасида содир булаётган воқеаларнинг бадий тасвири гуё қундалик турмушда буладиган оддий майхона, майхора ва май тутувчилар образи орқали берилмоқда. Агар биз бу тасвирни шундай узича қабул қилсак, бу ута сохталаштирув булади. Бундай ёндашув бадий ижод қондаларига мутлақо ҳилофдир.

Алишер Навоий таржиъбандида тасвир этилмоқда булган воқеалар ҳаёлот маҳсуллари, шоир фикри ва тасаввурининг самараларидир. Аммо шу тасвирлар Навоий ҳикоя қилаётган соф муҳаббат майнга мос келади. Худди воқеалар реал турмушда юз бераётгандек туюлади. Шоирнинг бадий қуввати ҳам шунда. У уқувчини уз айтганларига ишонтириб, уни шу юз бераётган воқеалар томошабини, ҳатто иштирокчисига айлантириб юборади. Амалда эса ёзилган нарсалар ҳаммаси ҳаёлийдир. Лекин бадий ижод шун-

дай вокеаларнинг кундалик турмуш ҳодисаларига ухшаш, якин булмоғига эришмоқни такозо қилади. Таржиъбанддаги майхора паричехра образи ҳам шу мақсадга хизмат қилади. У хаёлийми ёки реал образми – айтиш қийин. Эҳтимол, шоир билган шахслар орасида шундай дилбар паризод булгандир. Ҳар ҳолда шеър қаҳрамонининг кунгли унга тушди. Унинг юрагида бу гузалга муҳаббат уйғонди. Лекин бу муҳаббат олдинги қайта-қайта куйланган муҳаббат майи каби эмас, бу мажозий муҳаббат. Туғрироғи, уша олий, ҳақиқий муҳаббат шуълаларидан бири. Ҳар иккала шахсни бир-бирига боғловчи куч ҳам уша олий муҳаббатга берилишдаги уйғунликдир.

Таржиъбанднинг олтинчи унлиги яна уша девонаваш майхора аҳволи тасвирига бағишланган. У майга ташна, соқийи гулӯзорни қидиради. Майга хуморлик унинг жонига касд этмоқда.

*Қани соқийи гулӯзорим менинг,
Ки жон қасди этмиш хуморим менинг...*

*Хумор айлаб ул навъ ошуфтаким,
Иликдин бориб ихтиёрим менинг.*

Ана шундай аянч аҳволга тушиб қолган майхоранинг нолаи зори бу унликнинг ҳар байтида эшитилиб туради.

Вокеалар тасвири шу йусинда давом эта боради.

Олтинчи унликда девонаваш майхоранинг эндиги аҳволини курамит.

Қаҳрамонимиз хоксор, ер билан яксон булган, айрилик туфайли куп оғирликларни кутармоқда, ғам ва дардларга мубтало. У майхона сари интилади. У ерга етгач пири муғоннинг озми-купми тутган майига йуғу борини сарф этмоққа тайёр. У фақиҳга мурожаат қилади, узининг бу машаққатларидан хабардор булмоқни ундан сурайди. Кеча хароботда сармаст булгани, энди эса майсиз сабру тоқатини йуқотганини айтиб зорланади.

Еттинчи унликда ҳам майхоранинг ана шундай аянч ҳоли туғрисидаги ҳикоя давом этади.

*Мени май ошифтаҳол айлади,
Бу водийда мажнун мисол айлади.*

Бу ошифтаҳоллик шундайки, майфуруш узумни канчалик эзиб, мижиғлаб ташласа, менинг жисмин ҳам шунчалар янчилиб

кетган, дейди у. Май (чоғир) тула идиш урдакка (бот) ухшагандир. У идишнинг жозибаси шу қадар кучли эдики, ақл булбулини гунгу лол айлаб қуйган.

*Чоғир қасрати май ботидек менга
Хирад булбулин гунгу лол айлади.*

Майхора девона қулида қадаҳни тутганича ғам юки остида қадди букилиб кетган, қизил май иштёқкида унинг юзи сарғайиб куз ёшлари қондек қизарган. Зилол май қуйилган жом учун у саломатлик чопонини гаровга қуйган, осмон атласчи майхона йулида кетаётганида унга кийим урнига эски шол (юнгдан туқилган ёпинчиғ) ёпган эди. У қулида жом урнига синган сафолни тутганича бормоқда. Идбор (бахтсизлик, омадсизлик) ва ошифталиғ шу аҳволда май истаб тентирамоқка мажбур этган.

Шоир майхоранинг бундай зор аҳволини курсатар экан, унинг майга интиқлиги қанчалар зур эканлигини ёзмақда. Лекин унга етиша олармикин?

Сакқизинчи уликда баҳс бор. Бу зиддиятни курсатади. Зиддият эса зоҳид билан майхора уртасида. Баҳс олдида девонаваш майхур майни улуғлайди, соқийга мурожаат қилиб бу миръот, яъни софлик, тиниклик, равшанлик (аслида кузгу, ойна)даги майни оғзига қуймоқни сурайди. Унинг хароботга келмоқдан мақсади шу.

*Яна дардкашмен мубоҳот учун
Бериб жон ҳавойи харобот учун*

*Кетур соқий, бода, оғзимга қуй,
Дамеким, улубмен бу миръот учун.*

Туққизинчи уликда ҳам хикоя реал турмуш қуринишларига оид. Бунда майхоранинг ҳабиби рақиб билан бирга бода ичаётгани тугрисида суз боради. Бундай аҳволда майхора дарвеш ошиқ оғир кайфиятга тушиб қолди.

*Яна бошламиш бода ичмоқ ҳабиб
Менга ичмай улгайму сабру шикеб*

*Ичармен вале қон, надинким ичар
Ҳабибим била бода ҳар дам рақиб.*

У дардини бода ичмоқ билан босмоқчи. Лекин ҳабибининг рақиб билан бирга эканидин у май урнига хун ютади.

*Насиби рақибимнинг ар май булуб
Насибам менинг булса қон ё насиб.*

Шоир энди бечора ошиқ-девонанинг изтироблари тасвирига кучади. Бу қандай гапки, гулшанда зог гулга маҳрам булсаю, булбул гулдан маҳрум булиб қолаверса.

*Не зулмики, гулшанда гул маҳрами
Булуб зогу маҳрум эрур андалиб.*

Бундай беҳад зулмдан куйиб ёнган ошиқ ишк кофирига айланади. У белига зуннор боғлайди, буйнига салиб (бут) осади, ёкасини чок этади, куксига тош уради; эл аро гавго, тус-туполон бошлайди. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йук.

*Не тонг, боғламоқ кофири ишқ улуб,
Киши белга зуннору осмоқ салиб.*

*Ёқам чок этиб, куксума тош уруб,
Солиб рустахез эл аро мен гариб.*

Лекин бу ишлардан натижа булмади. Энди ошиқ беҳудликка утмоқчи. У лаболаб май ичиб узидан кетмоқчи. Шунинг учун қулидаги синган сафол билан хароботга кириб келади. У “харобот йулида булдим нишаб (пастлашмоқ)” дейди.

Шундай қилиб, туккизинчи унлик олдингиларидан фаркли. Бунда рақиб ва унга мойиллик курсатувчи бевафо хабиб образлари бор. Бу ночорликдан бечора ошиқнинг аламзадалиги ортиб бормоқда. У кофири ишққа айланади. Яъни уша маҳбубадан воз кечиб номусулмон йулига утмоқчи. У белига зуннор боғлаб, буйнига бут осмоқни хаёл қилади. Бундан барибир фойда булмаслигини билгани учун харобот ичра тубанлашиб, тинмай май ичиб беҳудликка тушмоқни афзал куради.

Туккизинчи унликда воқеа – хабибнинг рақиб билан бирга булмоғи, бундан ошиқнинг озурдалиги ва шу туфайли яна май ичмоққа берилиб кетмоғи ошиқнинг беқарорлигини курсатади. Лекин ошиқ май урнига қон ютгандай изтироб чекмоқда. Бу воқеа тасвири туккизинчи унликда бош урин эгаллайди. Ҳолбуки, бу воқеа таржиъбанднинг олдинги байтларидаги ошиқ, май, майхора ва бошқалар тугрисадаги тушунчаларга мувофиқ келмайди. Чунки агар уша олий муҳаббат ва унинг объекти булган буюк кучга нисбатан бу гапларни нафақат ёнма-ён куймоқ, хатто уларни тилга ол-

моқ ҳам мумкин эмас. Туккизинчи унликда шоир ёри қошидаги ракибни зоғчага, узини эса гулшандаги гулга маҳрамликдан маҳрум булган булбулга ухшатмоқда. Бу тасвир Навоийнинг ҳаёт ҳақиқатидан узилмай уз юрагидаги дардларини баён этмакдан асло узилмаслигидан далолат беради. Биз шоирнинг кундалик турмушда бевафо ёр етказган азобу уқубатларидан хабардормиз. Узининг таржибанд шеърда, айниқса, “Соқийнома”да Навоий бу тугрида муфассал сузлаган. Бу тугрида биз ҳам уз урнида айтиб утамиз (Ушбу ишнинг “Севгинома” бобида). Демак, шоирнинг юраги дардга шундай тулиб кетган эдики, у уйлаган мавзудан сал узоклашса ҳам уша дардларини айтиб кунглини бушатмай қола олмайди.

Демак, шоир ижод жараёнида ҳамиша реал заминда туради, ундан ҳеч узилмайди. Реал ҳаёт тугдирган турли-туман кайфият, изтироб, кайгулар унинг шеърлятида уз аксини топа боради. Бадний ижоднинг кучи ҳам ана шу реалликда, унинг ҳаёт билан чамбарчас бирлигидадир.

Туккизинчи унлик шундай ачинарли куриниш билан якунланган.

Уннчи унлик таржибандга хотима ясайди. Шоир бу шеърда узининг фикр дунёсидаги мушкулликлар тугтрисида сузлайди. У дунёга назар ташлар экан, бу “коргоҳ вазъи”га, яъни дунёнинг тузилишига ҳайратда қолади. Қуёш у ёқда турсин, ҳатто бир зарранинг ҳам моҳиятини ечмоқдан ожиз булган уз ҳатту ҳаракати ва фикратига (фикр дунёси) афсус қилади. Унинг учун на келмак, на кетмакнинг, на келиб чиқиш жойи (мабдаъ), на орқага қайтмоқнинг аниқ эмаслигига тан бериб ҳайронланади.

*Назар айла бу коргоҳ вазъига
Ки ортар тамошосида ҳайратим.*

*Қуёш, йўқки, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.*

*На келмак аён булди, на кетмагим,
На мабдаъ яқин булди, на ражъатим.*

Бу мушкулликларни ҳал этиш осон эмас. На касбу улум (илм урганиш), на тақвою тоат уларни оча олади; на ҳоким, на шайх уларни ҳал этмоққа кумақлаша олади.

*На касби улум этти ҳал мушкилим,
На тутти илик тақвию тоатим.*



*На қилди бу дардим иложин ҳаким
На шайх айлади дафъ бу иллатим.*

*На қилмоққа бир амрдин ҳосилим
На кечмакка бу фикрдин журъатим.*

Шу ҳаётдаги мушкулликлар қаҳрамонимизнинг фикрини чулғаб олган. Уларни ечмоқдан воз кечмоққа у журъат қилмайди. Аммо бундай ечимни топмоққа ҳеч ким унга ёрдам бера олмайди. Бу ҳақда қавм билан утказилган суҳбатлар ҳам бефойда.

Хуллас, шоир:

*Менинг бошимга бир қатиг тушмиш иш
Чу тоқ улди бу дард ила тоқатим*

дея фигон қилганича қолаверади.

“Ҳазойин ул-маоний”нинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги унта унликдан иборат таржиъбанд шу билан тугалланади. Ушбу таржиъбанд мазмуни туғрисида қуйидаги хулосаларга келмоқ мумкин.

Алишер Навоийнинг машҳур газалида (“Ҳазойин ул-маоний” 1-газал) шундай мисра бор:

Ёр аксин майда кур деб жомдин чиқди садо

Яъни севикли маҳбубанинг гузал жамоли аксини майда кургин, деб жомдан (қадахдан) овоз келмоқда.

Таржиъбанддаги май ана шу севгилининг чиройини узида акс эттирувчи майдир. У ҳақиқий муҳаббат майи. Таржиъбанд шеърда уз тасвирини топаётган лирик қаҳрамон эса уша май хумори. У гоҳо шу майдан сармаст, гоҳо эса унга ташна. Ана шу май ошиқнинг кунглига ҳаёт жозибаси, хушнудлик ва сархушлик бағишловчи кучга эга.

Менинг бу ерда шу май мавзуини чуқурлаштирмоқ ниятим йук. Тасаввуфий мазмундаги муҳаббат майи, ҳамиша унга интилувчи, фақат шу май оркалигина ором ва ҳузур топувчи ташналаб майхора образи бу соф, юксак, олийжаноб муҳаббат эгасининг образидир. Унинг муҳаббати Тангрига тушган. Унга севги ва садоқати бу муҳаббат соҳибининг туб моҳиятини ташкил этади. У ҳар доим шу ёр ёди билан яшайди, унга интилади, шу билан хушҳол.

Академик Ойбек бу туғрида бундай деб ёзган эдилар: “Шоирлар Худони гоҳ севгилиларига ухшатадилар. Гоҳ эса қадахларига

май тулдирувчи гузал сокий сифатида тавсифлайдилар”⁶. Шундан келиб чикиб хулоса қилмоқ мумкинки, Навоий уз таржиъбандида куйлаган май, пирн мугон, гузал сокий каби образлар ошиқ кунглидан урин олган севгили образларидир⁷. Аммо бу муҳаббат тимсоли булган май фақат илохий муҳаббатнигина англатади дейилса, бу унчалик тугри булмайти. Чунки ишқи хақиқи (илохий севги) ишқи мажозий (дунёвий севги)дан айру тасаввур қилинмоғи мумкин эмас.

*ишқ чун хуршиди ховар
Мажозий ишқдир чун субҳи анвар*

Ёки:

Гар назар пок айласа айни ҳақиқатдир мажоз.

Ана шу пок, юксак, олий муҳаббатнинг рамзидир май мисолидаги чин муҳаббат! Бу фикрнинг исботи учун академик Ойбек Алишер Навоийдан бир фалсафий-шеъринг парча келтирганлар:

*Нечук май билан булмасун улфатим
Ки жон қасди айлар гаму меҳнатим*⁸.

Ойбек бу шеърни “Мутафаккир шоирнинг қидиришлари ва оламшумул шубҳалари ёркин ифодаланган бир фалсафий шеър” деб баҳолаган⁹. Бу хулосага тула қушилмоқ матлубдир.

Навоийнинг зуҳд, такво, хонақоҳ кабилардан воз кечган, ҳатто ғайридинлик аломатлари зуннор, салиб кабиларга интилгандек булмоғига оид мисралар унинг ислом динидан қайтганини зинҳор-зинҳор англатмайти. Аксинча, шоир қаҳрамоннинг уз мақсадида, эътиқоднида койим эканлиги, унинг бу мавкега зид булган догматик, схоластик карашларга, риёкорлик ва юзакиликка қарши булганини курсатади. Бу тугрида Ойбек, Воҳид Зоҳидов, Е.Э.Бертельс каби устозлар жуда аниқ ва ишонарли равишда ёзганлар. Бу ерда уларнинг айтганларини такрорлаб утирмоқка ҳожат йук. Биз фақат таржиъбанддаги айрим парчалар орқали уша фикрларни янада асослаб утмоқдамиз холос.

⁶ Ойбек. Тўла асарлар тўплами. 13-жилд. Т., 1979. Б.212.

⁷ Уша ерда. Биз ҳам ушбу шеър - таржиъбанд тугрисида сўзлаб ўтганмиз (Ушбу асар) - А.К.

⁸ Уша ерда

Шундай қилиб, “Ғаройиб ус-сигар”даги таржиъбанднинг бир қисмида Алишер Навоий уз дунёқарашининг маълум ва муҳим соҳасини ёртиб утганлигига шохид буламиз.

“Ғаройиб ус-сигар”даги таржиъбанднинг тукқизинчи булагиди (унлигида) бевафо маҳбуба, унинг рақиб билан бирга экани, шу туфайли ошиқнинг чеккан ранжу озорлари тугрисида суз бор. Бу Навоийнинг ҳар қандай шеърда ҳам, ҳатто олий муҳаббат майини улугловчи таржиъбандда ҳам реал ҳаёт заминидан узилмаганини курсатади; ҳал қилинмоғи қийин булган турмуш мушкулотларининг шоир фикрида ҳар доим урин эгаллаб келганидан далолат беради.

2) “Наводир уш-шабоб” девонидаги таржиъбанд

Бу таржиъбанднинг ҳар бир булагини ун бир байтдан иборат. Жами саккиз булак.

(“Ҳазойин ул-маоний” т. II. Т., 1959, с. 673-680)

Биринчи байт:

*Жаҳон қасригадур сув узра бунёд
Чу йуқ бунёда андин булмагил шод.*

Демак, жаҳонда бор нарсанинг ҳаммаси сув устига қурилган. Шунинг учун унда урнатилган (бунёд) нарса йуқдек гап. Сен бор нарсаларга ишониб куп қувонмагин. Бу айтилганлар VI-VIII аср Урхун-Энасой битикларидаги “Сувга суянма” деган мақолга ухшаб кетади.

Саккизинчи, такрорланадиган байт эса жаҳонда бор нарсаларнинг бақосизлиги тугрисида. Жаҳондаги раъно гуллари, Худо ҳақи доимий эмас. Худодан бошқа жаҳон раъноси йуқ, деган фикрни изҳор қилади.

*Бақосиздур жаҳон раъноси, биллоҳ,
Жаҳон раъноси йуққим, мосиваллоҳ.*

Умуман, бу таржиъбанднинг мазмуни анча кайғули. Аммо бу кайғу тула мисраларни Навоийнинг дунё ишларидан чекиниш, умидсизликка берилишга чақириғи деб ҳисоблаш туғри булмайди.

Чунки Навоий бу шеърда дунёдаги турмушда бако (доимийлик) йуқ эканлигини айтиб унга хирс қуймасликка даъват этмоқда. У

ҳаёт ҳақиқатини очиқ курсатмоқда. Инсон ана шуни ҳисобга олган ҳолда уз ҳаётини уюштироғи лозим, деб сабоқ бермоқда. Бу дунё меҳнатобод сифатида яратилган. Бу ердаги меҳнат сузи иш, хизмат юмуши эмас, балки кулфат, машаққат, оғирликни билдиради. Ушбу фикрни Навоий куп шеърӣ мисоллар орқали исботлаб боради. Бу дунё қасри қаср эмас. У нуксонли. Лекин кишиларга зулм ва бедод етказмоқда беқусур. Бу дунё худди сувда балиқ овловчиға ухшайди. У денгиз тулкинлари аро тириклик қушларига тузук урнатган.

*Эмаским, қаср, балким қосиредур,
Ки тақсир айламас айларда бедод.*

У лола сингари кизил тун кийиб олган. Лекин узи аслида қиё туриб тиг тортувчи жаллодга ухшайди. Йуқ қотил эмас у. У париваш дилбар. Аммо бу гузалнинг жавру жафоларидан одамзод боласи ҳеч қачон қутила олмайди.

*Кийиб қатл айламакка лоладин тун
Қиёдин тиг тортиб мисли жаллод.*

*Эмас қотил, париваш дилбаредур
Ки жавридин қутилмас одамизод.*

Шундай кириш сузидан кейин шоир уша золим паривашнинг қилгиликларини тасвирлай бошлайди. Унинг билими, фириб ва найранглари шунчалар таъсирлики, агарда одамнинг кунгли пулатдан булган эса-да, уни мумга айлантириб юбора олади. Лекин сузида субут йуқ. Васл ваъдаси ёлғон. Яна висоли ҳам, фироки ҳам куз очиб юмгунча утиб кетади. Шунинг учун шоир уқувчига маслаҳат бериб ёзади:

*Кунгул қуйма анга қим, боқий эрмас,
Инонмас булсалар айлай қасамёд.*

Бу маслаҳатнинг ҳаққонийлигига у қасамёд қилмоққа ҳам тайёр. Навоий фақат кишиларни шу ҳақиқатни англамоққа, уни унутмасликка чорламоқда холос. Шунинг учун биз бу шеърни тушқунлик, ноумидликни ёювчи асар дейишимиз хатодир.

Иккинчи булак ун икки байтдан иборат. Унинг бошида жаҳон шухининг сифатлари баён этилган. Уларнинг биринчиси бундай: Ҳақ (Аллоҳ) бу шухга вафони бермаган. Шунинг учун бу гузал бевафо. Чунки ундан етадиган дарду кулфатларнинг сону саногӣ йуқ.

Албатга, бу шух уша жаҳоннинг узи. Яъни дунёнинг вафоси йук,
жафоси эса мангудир.

*Жаҳон шухидан олмиш Ҳақ вафони
Не олмоқким, анга бермайдур они.*

*Буким, йўқтур вафоси, бас эмастур
Ки дарду меҳнатидур жовидоний.*

Шундан сунг шоир табиатда буладиган катор ҳодисаларни мисол сифатида келтиради. Тикан ҳар лаҳза гулга ниш уриб туради; Сабо савсани уравериб кукартириб юборган. Чақин гунча кунглини яралайди. Ёгин йиғлайди. Булут титраб фиғон чекади. Жаҳон раъносининг қиладиган ишлари фақат шундай. Лекин буларнинг ҳаммасига токат қилмоқ, чидамоқ даркор. Бошқа чора йук. Чунки:

*Ки ҳақ тақдиридиндур олам ичра
Ёмону яхшининг яхши, ёмони.*

Таржиъбанднинг учинчи бўлаги ҳам мазмун жиҳатидан олдинги булакка яқин. У қуйидаги байт билан бошланган.

*Жаҳонким, зоҳир айлар лолау боғ
Эрур ул боғ – зиндон, лоласи – доғ!*

Ана шу фикрни асосламоқ учун шоир яна узи севган усулини ишлатади. У табиат ҳаётидан мисоллар келтиришда давом этади. Оловдек қип-қизил гулнинг жонига ут қуймоқ учун ёмғир худди ёғ сингари бу ут устига ёғилади. Наргис кузга ухшаш гул. Савсан (гули сафсар) гунчасини юлиб олиб унинг кузига суқадилар. Шамолни ишга солиб ҳазин шамшод ва гул бошига тупроқ сочадилар. Насриннинг яроғидан тирноғ ясаб гулнинг чехрасини тирнайдилар. Хазон ели эсиб турган чоғда бустоннинг вафоси булмайд, у сула боради. Бу хазон пайтидаги боғни эслатади.

Бундай нохуш нисбатларда ҳам Навоийда руҳий кийнок, замона ва даврон жафосидан шикоятни бош ўринга қуймоқ туғри эмас.

Навоий ҳаётнинг охири сунажаги, яшаш даврида инсоннинг турли-туман кийинчиликларни учратмоғи мумкинлигини айтмоқда. Лекин у ҳаёт, турмуш кийинчиликлари туфайли ҳаётдан воз кечмоққа ундаётгани йук. Табиатнинг турли қуринишлари орқали баён этилмоқда булган хулоса шуларнинг ҳаммаси бирин-кетин

туғаб кишиларни хушёрликка чорламоқда. Таржиъбанднинг асос гоясн ва мазмуни ана шунда.

Туртинчи булакда ҳам шу мазмун давом этади. У инсонни жаҳон раъносига берилиб кетмасликка чақиради:

*Жаҳон раъносидан булгил мужсаррад (айрил)
Ки қилмишлар қабул аҳли ани рад.*

Бу фикр, хулоса, яқун шунчалар аниқки, дейди шоир, уни тушунтирмоқ Абу Али ибн Сино каби буюк олимга абжад (бошланғич ҳисоб) уқитмоққа ухшаб кетади. Агар жаҳон раъносига асир булмасанг, Навоийнинг айтишича, фасоҳатли шеъринг Ҳасан Басрийни хушидан кетказади; Қорундек давлатманд шахс сенинг хизматингда булади; шижоат даштида Рустам каршингда қад эғиб таъзимда булади; худди Искандар каби бало яъжужига қарши девор кургандек буласан, шундай даражадаги шоҳдек обрӯ топасанки, Фарқад¹⁰ гавҳар сингари тожингга безак булади. Жаҳонда бақо йуклиғини билмак, англамак ва шунга яраша иш тутмак кишини юксакликка кутаради. Шу гаплардан Навоийнинг қилган хулосаси бундай:

*Жаҳонга чун бақо йуқтур, бу барча
Неча кундур, вале эрмас мухаллад (абдий эмас).*

Мен, дейди шоир, сен жаҳондан четлан, узил, яккалан демокчи эмасман. Фақат ҳаққа тесқари, зид булган нарсалардан узингни четта торт, демокдаман.

*Демак, ялғуз жаҳондин айла тажрид (узил)
Неким ҳақ гайридир булгил мужсаррад (ҳоллий).*

Навоийнинг дилу жондан одамларга бераётган маслаҳати шу. Яъни “ҳақ гайри”, ҳақиқатга зид ишлардан сақланмоқ керак.

Таржиъбанднинг бешинчи булагида жаҳон раъноси туғрисидаги суҳбат давом этади. Шоир ёзадики:

*Жаҳон раъноси бирла қилма пайванд,
Эр улсанг, бул анинг ҳажрига хурсанд.*

Жаҳон раъносининг ҳар бир жозибасини таҳлил этар экан, Навоий унга боғлиқ нарсаларнинг салбий томонларини курсата

¹⁰ Фарқад – шимолий кутб яқинидаги икки ёруғ юлдузнинг бири. Ҳар иккаласини биргаликда эса «Фарқадон» дейдилар – А.К.

боради. Олам уйи йулчи учун бир зиндон. Ундаги ҳар бир тутун йулни тусувчи банд мисолидир. Агарда бу бандларни ечмокни истасанг, яхшиси уларга боғланиб қолмай қуя қол. Жаҳон нуши заҳардир. Сен эса уни канд деб қабул қиласан. Ундан лаззатланиб табассум қиласан. Ҳолбуки, у заҳарханд-ку, ҳеч шакарханд эмас. Модомики, жаҳон раъноси билан боғлиқ, кишига яхшидек қуринувчи, аммо унга зарарли булган бу ишлар шунчалар ёмон экан, унда дунёдаги нима нарса яхши? Инсон нима қилса уша яхшилиққа етишади? Бу саволга жавоб шеърнинг иккинчи қисмида бор. Навоий ёзадики, Худованд инсонни йукликдан олиб чиқиб мавжуд этганида унинг мақсади ирфон (билиш, таниш, тафаккур, маърифат) эди.

*Ғараз ирфон экандурким, адамдан
Сени мавжуд айлабдур худованд.*

Энди инсонга ирфон мададкор булсин. Омонат умр нақдини кунгилга қуй. Бу ишда сенга ҳатто малаклар ҳам тенг кела олмасинлар. Саройу боғ-роғлару оилаю фарзандлар ҳам бу ишда сенга қаршилиқ курсата олмасинлар. Жаҳон жоҳилга маҳбуб. Сен унинг олдида ақлирок бул. Шоир демокчики, бу умрнинг киска ва омонат эканлигини унутма, узингни тулалигича эзгуликка банд қил, унга бағишла.

Олтинчи булақда бу суҳбатнинг давомини уқиймиз. Шоирнинг мақсади одамларни жаҳон жомини ичишдан қайтармок. Жаҳон жоми, дейди у заҳри қотилга лик тула. Ақли кишилар ҳеч қачон унга майл курсатмайдилар. Лекин барибир купчилик жаҳон аҳлида бунга майл бор. Ҳолбуки, юз минглаб одам ҳар куни шу заҳардан ичиб улганлар каторига қушилмоқдалар. Яна юз минг одам ҳар куни шу заҳарни ичиш билан машғулдирлар. Қолган юз минги эса уша заҳарни ичмок истайдилар. Бу заҳардан элни қутқарувчи ким? Фано тарёки, яъни улимми? Йук. Пири комил кишиларни бу даҳшатдан қутқара олади.

Шундай жон аччигида айтилган гаплардан кейин Навоий жаҳон жомини севгувчиларга таъналар қилади. Улар угитларга қулок осмадилар. Охири эса барча сармояларини барбод бердилар.

*Жиҳатсиз, эй кунгул, севдунг жаҳонни
Менинг пандимдан айлаб узни омил.*

*Чу бердинг барча сармоянгни барбод,
Пушаймон булмогинг эмди не ҳосил.*

Таржиъбанднинг ҳар булагида Навоий одамларни гафлатдан сақлаб қолмоққа интилади, уларни ҳушёрликка ундайди. Дунёнинг омонат экани туфайли жаҳон раънолари, жаҳон жомидан олинган роҳатлари вақтинча, уткинчи эканлигидан тинмай, огоҳлантиради.

Таржиъбанднинг еттинчи булагида шоир жаҳон айёраси тугри-сида ҳикоя қилади. Бу олдинги булаклардан шу билан фарқ қиладики, агар олдинги булакларда жаҳон раъноси, жами тугри-сида айтилган булса, энди умуман жаҳон образи тугри-сида суз боради. У бир айёр, макр ва ҳунарға бой куч сифатида курсатилмоқда. Ундан четлана билмок зарур.

*Жаҳон айёрасидан тут узни канора
Ки макр фаннига йуқтур шумора.*

Бу айёранинг оёқ-қулида ярақлаб турган нарса ут. Устидаги тун-и олтиндан булиб қуринади. Бу тундаги басма (солинган гуллар) уша оловнинг учқунларидир. Бу овчи тутига қасд қилади. Бу ишда Язд чанги тузукни ёпиб туради. Тузоқ ичидаги дона инжу зиракка ухшаб қуринади. Агар қузланган мақсадингга назар ташламоқчи булсанг, асло бу нарсаларға қарама. Улар улус бағрини яраловчи уқлардир.

Жаҳон айёрасининг хийла, макр ва фискини фош этиб булғач, Навоий уз уқувчисига хитоб қилиб дейди:

*Йироқ бул, эй кунгил, ул дилрабодин
Ки, сенсен шиша, онинг кунгли хора (тош)*

Аммо бу фойдали уғитларни тингловчи уларға амал қилмайди, жаҳон айёрасининг макрлари қурбонига айланади. Бундай бебахт-ликдан уни сақламоқчи булган носех (насихатчи) эса қуйингандан ёкаларини чок этгудай булиб кетади.

*Бориб ҳуш-ҳуш анга сайд улганингдан
Қилай дермен ёқамни пора-пора.*

Шоирнинг барча айтилганлардан қилган хулосаси бундай:

*Дединг кечмоқ нечун булғай жаҳондин
Не ҳожат хайр ишига истихора.*

*Демон ялғуз жаҳондин тут канора
Ки тутқил мосиволлоҳдин канора.*

Яъни нафакат жаҳондан, балки худодан бошка ҳамма нарсадан
воз кечиб юборгин. Чунки

*Бақосидур жаҳон раъноси валлоҳ,
Жаҳон раъноси, йуққим, мосиваллоҳ.*

Таржиъбанднинг охириги саккизинчи булаги барча айтилган гап-
ларга яқун ясайди.

Шоир жаҳон шухининг суратини келин тарзида чизади. Унинг
кун билан тун боғлиқлигини оригинал шоирона ифодаларда тас-
вирлайди. Бу шўхнинг халққа етказаетган жабру зулмларини ҳам
шундай курсатади.

*Фалак бирла шафақ эрмаски, қилмиш
Муҳайё дамбадам қон тутқали кос.*

*Эмас қон, бодадурки, беҳуд айлаб
Йиқарға элки қилмиш чархдан кос.*

*Сизинма бодаи лаъл ониким, бор
Улус қониға рангин булгон олмос.*

Шу қадар кескин фикрлар Навоийнинг жаҳон аруси макр-
ларидан элни сакламоқ учун айтилмоқда. Одамларни турли жафо-
лардан қутқармоқ учун халқларвар хассос бу зотнинг жони куяди.
У шунинг учун бу аччиқ ҳақиқатни баралла айтмоқда. Чунки унинг
узи ҳам бундай азоб-уқубатларни бошидан кечирган эди.

*Жафоларким мен англабмен жаҳондин,
Вафо сендин менга қолибдурур ёс .*

“СЕВГИНОМА” I

“Хазойин ул-маоний”нинг учинчи девони “Бадоеъ ул-васат”-
даги таржиъбанд куйидаги байт билан бошланган:

*Эй, киртики нешу кузи хунҳор,
Қонимни неча қилурсен афгор.*

* Луғат: кош-ўқдон; ос-пўсти; кос-коса; ёс-маъмолик; дос-ўрок

Шеър ёрнинг кирпичи ва кузи тутрисидаги сузлар билан бошланиб, уларнинг қайгусида ошиқнинг қони тукилаётгани ҳақидаги ҳикоя билан давом этади. Ошиқ уз ёридан узилган. Олдинлари ҳам у севгили ёрнинг лаъл лабларини эслаб кузидан қон ёшлар тукар эди. Ҳозир эса ошиқнинг қонидан алам, танида озор бехисоб.

*Лаълинг гамидин қунгулда эрди
Ҳар қонқи, сиришқим этди изҳор.*

*Ҳақиқотки ҳажринг илгидиндур
Жонимда алам, танимда озор.*

Ошиқ илгарилар ёз юзини қургандаёқ ишқ утига гирифтор бўлган эди. У вақтларда ошиқ ёри билан бирга, унга улфат ва яқин бўлган. Аммо золим, гаддор (бераҳм) фалак унга ҳасад қилди, ошиқни ёридан айирди. Энди ошиқ узи ёлғиз. Ёнида севгилиси – улфати ва дусту йуқ.

*Сен эрдинг мажлисим ҳарифи
Қим еди ҳасид спехри гаддор.*

*Юз ҳасрат ила мени айирди
Васлингдин, эй хужаста (қутлуг, муборақ) дийдор.*

*Эмдики, фироқ аро тушубмен
Топқунча яна ҳариф ё ёр.*

Бу шеъринг булак саккиз байтдан иборат. Унда шоир оғир алам ва изтироблар ила узининг бебахт муҳаббати тутрисида ҳикоя қилади. У биринчи қуришдаёқ уша қутлуг гузалга қунгил берди, сунгра улар бир-бирлари билан улфат булишди. Аммо қахрамонимизнинг севгувчи қалбига золим фалак оғир зарба етказди. У ошиқни уз маҳбубасидан маҳрум этди. Энди бечора ошиқ кузидан қон ёшлар тукади, ёри васлини тилайди. Унга ёр ёди фикридан бошка ҳеч нарса тасалли бера олмайди.

Қуришиб турибдики, ушбу таржибанд ишқий мавзуда. Ҳозиргина уқиганимиз булақда ошиқнинг уз севгилиси кирпичлари, кузларини, лаъл лаблари, гузал чехрасини қандай тавсиф этгани билан танишдик. Севишганларнинг висол шодликларидан баҳра топишганларидан, бир-бирига ҳариф-улфат бўлганларидан қувондик. Аммо бераҳм золим фалак бу бахтга барҳам берди. Энди фироқ аро қолиб кетган бечора ошиқ фақат уз ёрининг ёди, фикри билангина

яшайди. Уни уз мажлиси ҳариф этади, кунглида уни мунис тутишини айтиб, фақат шу билан овунгандек булади.

Ушбу таржиъбанд мазмун эътибори билан олдинги икки таржиъбанддан кескин фарк қилади. У ёр таърифи ва тавсифи билан тула. Аввалги икки таржиъбанд эса Навонийнинг дунё ва жамиятга муносабати, жаҳон раъноси ва жом гулининг бевафолиги, макри хусусида эди. Шоир уларга кунгил бермасликка чакирган эди. Булар ҳаммаси ижтимоий масалаларга оид гаплар. Ишқий масалалар эса “Бадоеъ ул-васат” девонидаги учинчи таржиъбанддаги пафос, мазмун, унинг бутун борлиги олдинги икки таржиъбанддан катъий фаркли. Шунинг учун мен ушбу таржиъбанд шеърни **севгинома** деб атамоққа мойилман.

Бу шеърнинг иккинчи булагада ошиқ уз вафосиз ёрига мурожаат қилади. Лекин бу мурожаатда ёрдан ранжиш, унга упка-гина учрамайди. Ошиқ худони уртага солиб уз ёрига дейди:

*Дардинг билан уйла шодмен ким,
Улсам доғи истамон вафони.*

У ёрдан кутар эдики, мабодо айрилиқ бошга тушса, зора ёр лутф курсатар деб. Лекин бу кутишлар беҳуда булди.

*Ҳар лутфки, мен тутар эдим куз
Юз войки, сенда қурмон они.*

*Васлинг била дедим айлайин шод
Бу шифтаи жони бенавони.*

Лекин бу тилаклар амалга ошмади. Бунинг устига яна одамлар ошиқнинг қасдига тушганлар. Улар бу бечорага юз жафо ханжари урадилар, азоб-уқубат уқларини отадилар. Ана шундай аянчли шароитда ошиқ учун фақат бир йул қолган. У энди бир чеккага чекиниб, холи бир гушада ёрининг ёди, хаёли билангина яшайди. Бошқа чора йук.

*Мен доғи қачон зарурат улса,
Бир гушада ултириб ниҳоний.*

*Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кунгулга мунис.*

Таржиъбанд иккинчи булагининг мазмуни шундай. Севгинома шундай давом этади. Навоий ёрдан айрилган ошиқнинг юрак дард-

ларини таъсирли ва аниқ ифодаларда изхор эта боради. Бу дардлар конкрет бир шахснинг жону дилидан урин олган маҳбубага мурожаат мазмунини ташкил этади. Ёр куйида фидойи ошиқ бу оғир кулфатлардан, айрилик дардидан даво истамайди. У ҳатто ёр дардида улмокка ҳам тайёр.

“Бадоеъ ул-васат”даги таржиъбандда куйланган севги оҳанглари турмушда юз берадиган чин инсоний, дунёвий муҳаббат куйларидир. Улар Навоий ижодига хос гузаллик ва фидойи ошиқликнинг жарангдор тароналаридир.

III булакда бу мавзу узгача мазмунда давом этади. Бунда ошиқ уз севгилисига садокатини ифодалайди. Унинг юрак сузлари содда, туппа-туғри, аммо гоят тулкинли ва таъсирчан.

*Гоҳ-гоҳ итим деб айлагил ёд
Девона қулингни, эй паризод.*

Ошиқнинг кузидан оқайтган ёшлар селдек кучли. Бу сел сабр урнатган ғовларни бир лаҳзадаёқ ер билан яксон қилиб ташлади.

Ошиқ уз маҳбубасига хатлар ҳам битар эди. Лекин унинг оҳ тортишидан кутарилган совуқ нафаси шамоли бу руқъаларни совуриб юборди.

*Ҳар руқъаки, езди сабр ила ҳуш
Совуғ нафасимдин улди барбод.*

Энди у маҳбубага илтижо қилиб унинг чекаётган изтиробларини қупайтирмасликни сурайди. Бу изтироблар овчи қулига тушган қуш талпинишларига ухшаб кетади. Аммо маҳбуба ёр ғамларидан беҳабар, ҳатто унинг телбалигини ҳам билмайди.

*Қуп истама кунглум изтиробин
Қуш толпинурин, нечукки сайёд.*

*Сен гарчи ғамимдин этмадинг фикр
Ё телбалигимни қилмадинг ёд.*

Таржиъбанднинг бу булаги ҳам ёр ёдини узига ҳаммажлис этиб, ёрни уйламоқни узига мунис этган ошиқ эътирофи ила тугалланади. Бу булакда ошиқ – лирик қаҳрамоннинг аҳволи тасвиридан бошқа нарса йук. Унинг ёрга илтижоларигина бор.

Шу мавзу IV булакда ҳам давом этади. Шоир биринчи байтдаёқ ёрга мурожаатни бошлайди. То еттинчи байтгача шу мурожаат давом этади. Охирги такрорий байт ҳам унинг таркибий булагидир.

Паридек гузал ёрнинг юзи ошиқдан беркинган. Ушандан бери ошиқнинг кузидан ёш урнига кон окмоқда.

*Билмонки, юзунг паридек, эй жон,
Невчун яна куздин улди пинҳон.*

*То булди юзунг ниҳон кузимдин
Ашк урнига тинмайин оқар қон.*

Бу мурожаатда ёрнинг ошиққа бепарволиги, уни хатто бир кун булса-да ёдламаслиги айтилади. Булган аҳду паймонларни ёр унутган. У узини ошиққа нисбатан душман каби тутади. Лекин гарчи васлга етишув имкони йуқ булса-да, ошиқ учун энг муҳими ёрни ёдловидир. Шунинг учун ошиқ ҳамиша ёрни тилга олади, уни хотирлайди, ёр ошиқ учун ҳар доим қадрли ва азиз. Васл ва фирок эса ошиқ учун баробар. Чунки ҳар иккаласи ҳам ёрга тааллуқли. Ошиққа шунинг узи бас.

*Сендин менга чун гараз сен – уқсен,
Бас булди фироқу васл яксон.*

*Таҳқиқ чу айладимки, эмди
Васлингга етарга йуқтур имкон.*

Ошиқ тушундики, энди ёр васлини орзу қилмоққа ҳеч имкон қолмаган. Шу йусинда у фақат ёрни ёдлаш билангина овунади.

*Ёдингни қилай ҳарифи мажлис
Фикрингни этай кунгулга мунис.*

Бундай кайфият V булақда ҳам давом этади. Унда васлдан маҳрум, ғамга маҳрам булган ошиқ туғрисида суз боради. Ёр лабидан чиқадиган ширин сузларни соғиниб ошиқнинг икки кузи кон ёшларини тукиб йиғлайдилар. Кунгли шундай ғамли оҳлар тортадики, унинг учқунларидан оламга ут тушиб кетгудек булади. Энди бундай оловдан таскин топмокнинг чораси қандай? Чора фақат ёр етказайтган озорларни роҳат деб, отайтган уқларини эса уз яраларига малҳам деб билмоқдадир.

*Чекти кунгул андоқ утлуғ оҳе
Ким, куйди шарори бирла олам.*

*Бу навъ шароралиғ утумнинг
Таскини учун мени хазон ҳам.*

*Ранжингни тилай танимга роҳат
Нишингни дейин ярамга малҳам.*

VI булак “Севгинома”нинг якуний булимларидан бири. Унда ошиқ уз муҳаббатининг қисмати тутрисида сузлайди. Бу муҳаббат шунчалар кучли эдики, ошиққа етган ишқ тобидан барча хайрат-дадирлар. Куплар буни тушунмадилар ва қабул қила олмадилар ҳам.

*Ҳам дустлар улди менга душман,
Ҳам тарки муҳаббат этди аҳбоб.*

Аммо ошиқ учун ажабланарли ҳол шунда эдики, ёр узи бу душманлар учун асбоб тузатиб бораётгандек. Яъни у уша душманларга ошиққа қарши иш тутмоқларига имкон яратиб қуйган. Барибир қаҳрамонимиз севги йулидан қайтмайди. У ёрга хитобан дейди:

*Куйингни қилай узимга қибла,
Қошингни этай кузимга меҳроб.*

Ошиқ хижрон хуморига ҳам, ноёб етишув майига ҳам интизор, уларни қабул этмоққа рози. Унинг учун нимаики, ёрга тааллуқли бўлса, уша қимматли, тиланган ва кадрлидир.

*Ёхуд етибон хумори ҳижрон
Васлинг майи булди эрса ноёб.*

Курнииб турибдики, Навоий севгини шунчалар улуғлайди; сев-ги эгаларининг олижаноб, юксак интилишлари фақат ёр билан боғлиқ экани, ёрга оид ҳамма-ҳамма нарса, ҳатто хижрон ва васл ҳам баробар даражада қимматли эканлигини курсатади. Чин ишқ шундайдир. Бу мисраларда шоир ошиқларга ошиқлик даражасини уқитмоқда. Чин ошиқ учун ёрдан азизроқ ҳеч нарса йук. Ёр сурати, ёди, унинг ҳар бир қадами, иши, таважжуҳи ошиқ учун баланд даражада кадрли. Шунинг учун ҳар булакдаги якунловчи байтда ошиқ ёр ёдини ҳарифи мажлис, фикрини кунгилга мунис қилмоғини тақрорлар экан, шу хулосанинг накадар туғри ва ҳаққонийлигига ишонамиз.

Таржиъбанднинг охириги VII булаги олдингилардан фарқ қилади. У севгили ёрга қарата айтилган мактов сузлари билан бошланади.

*Эй, кишвари ҳусн узра ҳоким,
Хублар бари хизматингда ходим.*

Ана шундай гузал, барча яхшилардан юкори турувчи, ҳусн мамлакатининг ҳокими булган ёрга ошиқ дейди: “Сен менинг кунг-лимни хароб қилгансен. Агар шоҳ золим булса, албатта унинг мулки барбод булади”. Шундан сунгги мисраларда уша хароб кунгилнинг ачинарли ҳолати акс этади. Ошиқни бундай зор қилган, уни ҳалокатга олиб келган куч – бу айрилик. Шундай аянч ҳолга тушган ошиқнинг мадад қилмоғинг лозим эмасми, дейди бу бенаво. У беинойатликни бас этиб, гуноҳи йук ошиқни айбдор қилмокни тухтатмокни сураб ёрига ёлворади.

*Ҳижрон мени чунки ултирур зор,
Сен ҳам мадад этмагинг не лозим.*

*Ҳар нечаки, беинойат улуб
Қилдинг мени бегуноҳ мужрим.*

Аммо энг муҳим гап шундаки, ошиқ уз ёлворишлари ёрга таъсир қилмоғига ишонади. У умидворки, тангри уни ёр макомига етказар. Ушанда ошиқ

*Иқбол каби туриб қошингда
Булсам яна хизматингга жозим.*

*Васфингда газал тафаккур айлаб
Унутгаймен ушбу байтником:*

*Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,
Фикрингни этай кунгулга мунис.*

Чунки васл муяссар булиб, ошиқ уз ёри ҳузурида хизматда булганида, хизматини жойига куйиб, унинг ҳузурида эътибор қозонишига умид боғлайди. Ушанда такрорий байтни кайтармокнинг ҳожати колмайди.

Шундай килиб, биз “Севгинома” деб атаганимиз таржиъбанд охири ошиқнинг умидворлигини куйловчи руҳан тетик мисралар билан якун топганига шоҳид буламиз.

“СЕВГИНОМА” II

Мажозий, дунёвий муҳаббат мавзуи Навоийнинг “Соқийнома” асарида ҳам бор. “Соқийнома” “Ҳазойин ул-маоний”нинг туртинчи

девони “Фавойид ул-кибар”да жойлашган. Турт юз элик саккиз байтдан иборат.

“Сокийнома”даги севги туғрисидаги булак анъанага кура сокийга мурожаат билан бошланади.

*Соқийё, кел менга тут бодаи ишқ,
Ким, эрур хилқатим афтодаи ишқ.*

*Токим ул утқа узумни ташлай,
Дарди ишқим ўтидин сўз бошлай. (таъкид меники, А.Қ)*

“Сокийнома”нинг шу булагида Навоий уз бошидан кечирган севги савдоси туғрисида сузлайди. Бу мухаббат хакида Навоий “Фарход ва Ширин” достонининг мукаддимасида, “Хамса”даги достонларнинг айрим жойларида ҳам ёзган. “Лисон ут-тайр” (“Куш тили”) достонидаги Шайх Санъон севгиси туғрисидаги булимнинг охирида Навоий уз мухаббати туғрисида гапириб, унинг Шайх Санъон севгисидан кам эмаслигини айтган эди. “Агар бир неча кун даҳрдан топсам омон, дарди ишқим шарҳ этай бир достон” деб уз мухаббати туғрисида бир достон ёзмок нияти борлигидан хабар берган эди. Аммо Навоий бу достонни ёзишга улгурмай дунёдан утди.

Навоий уз ишқи туғрисидаги хикояни “Сокийнома”да қуйидаги байт билан бошлаган.

*Ким нелар қилди мени зорга ишқ,
Жони зору тани беморга ишқ.*

Бир гузал шух шоирнинг кунглини олди. Ёш одам бу ишқ туфайли узини бутунлай йукотди.

*Кунглум олди бути шухе ногоҳ,
Қолмадим ишқида уздин огоҳ.*

Уша паривашга етишувни тилаб йнгит узини ҳар йулга солади. Ошиқда телбалик устун кела бошлайди.

*Ул пари васли чу булди матлуб,
Телбалик қилди кунгулни мағлуб.*

Ҳозирча бу ишқнинг бошланиши ишқ ва телбалик авж олиб охири бир-бирига кушилиб кетди. Энди бундай сир кишининг кунгли ичида сакланиб қола олармиди.

*Чун жунун ишк ила булди дамсоз,
Асрай олгайму киши кунглида роз.*

Кунгил берган йигит уша шуҳ париваш узининг сирдоши булар деб хаёл қилди. Менинг юрагимдаги муҳаббат асроридан хабари бордир деб уйлади. Шунинг учун у уз севгилисига аҳволини маълум қилди. Чунки бу ишк дардининг кучи ошиқни тобора эзиб ташламоқда эди.

*Аниким маҳрами асрор дедим,
Дарддан кунгли хабардор, дедим.*

*Чидай олмай қатиг аҳволимдин,
Оллида шаммаи уз ҳолимдин.*

Бу иш ошиқнинг аҳволини енгиллашгирмади. Аксинча, уни янада мураккаблаштириб юборди. Аслида бу ишк сирини унга (ёрга) билдирмай қўя қолган тузук булар экан. Буни кейинчалик тушунган бечора ошиқ энди дейди:

*Зор жисмимга анолар қилди,
Телба бошимга балолар қилди.*

Севгининг туғилиши, унинг маҳбубига изҳор этилмоғи, шу туфайли ошиқнинг бошига зур ано (азоб-уқубат) ва балолар тушгани туғрисидаги ҳикоя “Севгинома” II нинг биринчи қисмини эгаллайди.

Шундан сунг шоир эндиги қисмда уз бошига шу севги сабабли тушган кулфат ва машаққатларнинг баёнига утади. Бу ерда биз шоир деганимиз лирик қаҳрамон Навоийнинг узи ошиқ эканлигини ёдда тутайлик. У уз муҳаббати ва унинг аччиқ қисмати туғрисида сузламоқда. Кейинчалик курамызки, бу муҳаббат Навоийда бир умр сақланади, шоир қалби шундай эди.

*Чарх ёғдурди менга тийги ситам
Балки даврон ҳаму аҳли даврон ҳам.*

Бу туғрида аввалги таржиъбандлардан бирида (“Севгинома” I) ҳам уқиган эдик. Ушанда Навоий уз ишки туфайли дустларининг ундан узоқлашганлари, баъзиларнинг эса душманлик йулига утиб кетганликларидан зорланиб ёзган эди. Бу ерда ҳам уша гаплар такрорланмоқда. Ҳам диёр, ҳам аҳли даврон ошиқ шоирга қарши тур-

моқдалар. Лекин энг ёмони бу эмас. Энг ёмони унга илгари яхши муомалада булган гузал узи ошик жонига душманга айланиб колди.

*Кимки ёрим эди таври аҳсан
Булди жонимга қатигроқ душман.*

Барча одам, уз якинларим ҳам, ётлар ҳам оғир зарба берувчи тигларни менга санчдилар. Гуё осмон, ҳам ер менга қарши ук отар эди, деб ёзади шоир.

*Узу ёт неши маломат урди,
Еру кук бошимга тош ёгдурди.*

Якинларим жисмимга жафо тигларини урган булсалар, аёллар кузимга игналар сукаётгандай эдилар, деб зорланади у.

*Ақрабо жонга уруб тийги жафо,
Кузума игналар урди зуафо.*

Ошик шоир бундай жафолардан бошдан оёғигача яраланиб, оғир ахволга тушди ва охири йиқилиб колди. У хатто бу яралар ту-
файли улим билан ёвушмоқ (етмоқ) даражасига бордим, дейди.

*Кечибон боштин, аёгдин туштум,
Улгали заъф ичида ёвуштум.*

Ҳикоянинг навбатдаги қисмида бечора ошикнинг ахволи кан-
чалар ночор эканлиги тугрисидаги ҳикоя давом этади. Унда ошик-
нинг ахволи накадар аянчли экани курсатилган.

*Дарду ранжим ҳаду гоятдин кун,
Маразим булди ниҳоятдин кун.*

*Танда юз дарду суҳбат курдум,
Жонда юз онча укубат курдум.*

*То ишим улмак ила тутти қарор
Булди бошимдин атиббога фирор (табиблар кочдилар).*

Шундан кейинги қисмда шоир жондан умид узаётганини ёзади. Лекин шоҳ бу ишга бош қушди. У шоирда ёрга етишув умидини тугдирди.

*Мен булиб умр ила жондан навмид
Шоҳ бериб васл умидига навид (хушхабар).*

Бу ишдан ошик кунгли тивчланди.

*Яъни бу суз ила жоне топибон,
Бирдам улмактин омон топибон.*

Лекин, дейди шоир, мен бебахтга кайси висол насиб булмоғи мумкин. Бу менга жуда муҳол куриннар эди. Дарҳақиқат, унинг атрофини ураган мингдан ортик одамдан бирортаси ёрдам курсатмади. Ҳеч ким азобини чекаётган, хижрон аламини тортаётган бечора ошиққа диққат-эътибор бермадилар. Ишқ утида куяётган зор, доғли беморга, бир бузукнинг бир чеккасида афғор булиб ётган бу ошиққа ёрнинг узи ҳам бепарво эди. У ошигим ёнига бориб аҳволини сўрайин, лутф билан жисмига жон еткурайин демас эди.

*Утди бу зорлигим икки йил,
Ҳар замон икки йил чоғлиқ, бил.*

Демак, ошиқнинг хор-зорлиги икки йил давом этди. Бу вақтнинг ҳар бир пайти икки йил каби туюлар эди у бенавога.

“Соқийнома”нинг шоир ишқига бағишланган XXVII боби қуйидаги яқун билан тугалланади. Қанча вақт утиб кетди. Уша маҳбубанинг юзида, кунглида не-не узгаришлар содир булди. У ҳозир

*Гоҳи-гоҳи ҳолима парво айлар,
Саъб (қаттиқ, оғир) ҳолимни тамошо айлар.*

Лекин ошиқ шоир учун бу дилбарнинг ҳозирги яқини ким эканлиги, унинг ким билан бодаи ноб нуш этаётгани маълум эмас. Бу ёрнинг кундузлари ким билан бехуду маст булмоғи, кечалари кайси базмда иштирок этмоғидан ошиқнинг хабари йук. Булганда ҳам унинг учун нима аҳамияти бор?

Ишқ ҳикоясининг хулосаси бундай:

*Кимга бу навъ бало булса насиб,
Маст хушроқдурур ул зору гариб.*

“Соқийнома”даги бу ишқ ҳикояси Навоийнинг турмушида юз берган воқеанинг тасвири. Бу муҳаббат Навоийнинг калбидан ҳеч қачон учган эмас. Навоийнинг уз севгисида барқарор булиб қолгани, вафодорлиги унинг ушбу асари “Соқийнома” да ҳам уз тасвирина топган.

*Бир вафо аҳли агар даҳрда йук,
Дашту водий элию шаҳрда йук.*

*Бу сифат соҳиби мен басдурмен,
Бевафолар каби эрмасдурмен.*

Шундан сунг Навоий узи кимга вафо курсатган булса, унинг бадалига факат юз жафо курганлигини ёзади.

*Бир вафо кимсаки, мен қилдим фош
Юз жафо утруда эрди подош (эвазига)*

*Куз анинг йулигаким еткурдим,
Кузда юз неш балосин курдум.*

*Қайсининг оллидаким, қуйдум бош
Ёғди бошимга жафосидин тош.*

Бу ҳасратли гаплар ҳам уша хулосанинг давомидир. Вафосизликдан шикоят, умуман вафонинг жаҳонда йуқ эканлиги аччиқ ҳақиқат. Чунки вафо курсатган кишининг бунинг эвазига жафо курмоғи уша замона, давр, муҳит учун одатдаги ҳол булган. Бу фикрни Навоий таъкидлаб қайта-қайта дейди:

*Йуқ вафо аҳлики, бир жоми вафо
Тутти қилмай менга бедоду жафо!*

Бу сузлар Навоийнинг юрак сузлари. Улар канчалик аччиқ булмасин Навоий шу ишларни бошдан кечирган, уларга чидамоққа мажбур булган.

Биз ҳам бу қайғули хулосани уқир эканмиз, шоирга ҳамдард буламиз, бундай машаққатли қисмат ҳеч кимнинг бошига тушмаслигини тилаб қоламиз

Таржиъбанднинг XXIX булагиди Навоий умуман вафо туғрисида суз юритади. Бу суз Навоий шеърятига ҳос вафонинг жаҳонда йуқ эканлиги ҳақида. Юқорида курганимиздек, Навоийнинг бу хусусда айтганлари шоирнинг куп ғазалларида, дostonларида ва бошқа шеърӣ асарларида қайта-қайта учрайди. Дастлаб ҳаётда инсон умрининг кискалиги, унинг бора-бора охири туташади, утмоғи – бу ҳам вафосизликнинг бир куринишидир. Не-не улугларнинг дунёдан юз угириб абадийлик кучогига утганларини Навоий такрор-такрор эслатиб утади. Аммо ушбу “Соқийнома”даги вафосизликка онд гаплар кундалик турмушда одамлар уртасидаги муносабатлардаги куринишларга онд.

Вафонинг дунё ишларида йуклигига Навоий тула ишонган. У ёзади:

*Ким жаҳон ичра баче сайд эттим,
Дайри беҳадга дағи куп еттим.*

*Юзланиб шавкату жоҳу иқбол,
Қисматим булди баче мансабу мол.*

*Ҳар не эл қилди талаб мен топдим,
Барчадин силкиб этак куз ёндим.*

*Улча мен топқали бор эрди ҳавас,
Ким вафо топилмади эрдию бас.*

“Соқийнома”нинг XXX булагига Навоий уз дустлари тугри-сида сузлайди. Улардан баъзилари ҳозир марҳум.

*Соқий дустлуғни кургузгил,
Дуст кони қадаҳи еткузгил.*

*Ким кирар дустларим ёдимга
Ут солур хотири ношодимга.*

Ана шундай муносиб дустлар юзларига ниқоб ёпсинлар. Бу эса худди қуёшни булут беркитганига ухшаб кетади. Шундай дустлардан бири Муаммойи эди. Яна бири Хожа Камол, яна бири Мир Садр эди.

*Ҳар бири уз торида бешибҳу назир,
Бордилар барча, не айлай тадбир.*

*Булайин ёдлари бирлан маст,
Яна то кимсага булмай побаст.*

XXXI боб эса Навоийнинг барҳаёт дустларига бағишланган. Шоир уларнинг борлигига шукроналар қилади.

*Бириси Мир Атойи англи,
Бири Дарвеш Фанойи янгли.*

*Ул бири илм спехри уза меҳр,
Бу бири фазл қуёшига сипехр.*

*Осафий, улки, не назм этса рақам
Қиймати мулки Сулаймондур кам.*

*Яни бир келди Биноийки, фукун
Касбда айламади манъи жунун.*

*Яна бир Машҳадий ул даҳрда тоқ
Пок таҳриру каримул ахлоқ.*

Навойй ана шу “мунису раҳбару гамхору рафик” якин дусларини бирма-бир таъриф қилади. Сунгра у қолганларини “Ма-жолис ун-нафоис” (“Нафислар йиғинлари”) асарида айтиб утганини эслатади.

Шеър охирида Навойй олдинги санаб утилган дуслари адам даштига кетган, яъни дунёдан утган эсалар-да, бу курсатиб утилган якинларининг ҳозир узига ҳамдам эканликларидан тақдирга миннатдорлик изҳор этади.

*Гар алар тутти эса дашти адам,
Шукр, бу ҳайл эрурлар ҳамдам.*

*Шукр неъматқа чу ҳамдаст булай,
Жоми шукрона ичиб маст булай.*

Шундай қилиб биз “Соқийнома”да “Ҳазойин ул-маоний” девони тузилган пайтдаги (XV аср охири) Навоййнинг якин доираси, дуслари билан танишамиз. Шоир уларнинг сифатларини айтиб утган. Бундай сифатлаш ҳам бадий, ҳам ҳаққоний.

“Соқийнома”нинг Навойй даврасига оид булагини биз “Севгинома” бобига киритдик. Чунки бебахт муҳаббат дардлари, жаҳон ахлида вафонинг йуклиги туғрисидаги ғамли изҳорлардан сунг Навоййга якин булган зотларнинг тилга олинishi уша қайгули мисралар юкини енгиллаштирар, Навоййнинг уз якинлари билан бирлиги унга жаҳон мулкидан гинахонлигини ҳам укувчи тасавурида оз булса-да юмшатар деб умид боғладик. Ундан ташқари севги туғрисидаги гаплар, дуслик ҳақидаги фикр ва маълумотларга якин деб ҳисоблаб уларни “Севгинома” бобида келтирмоқдамиз.

“Севгинома”нинг асосий мазмунига оид мулоҳазаларни эса алоҳида бобда баён этамиз.

Тўртинчи таржиъбанд Навоййнинг “Фавойид ул-кибар” девонида. (Ҳазойин ул-маоний. т. IV. Т., 1960. Б. 673-682). Унда ун бу-

лак бор. Ҳар бири ун бир байтдан ташкил топган. Биринчи булак қуйидаги байт билан бошланади:

*То харобот аромен дард ошом
Мастлиг бирла ишим айш мудом.*

Охирги такрорий байт эса бундай:

*Яна муг дайрига кирдим сармаст,
Май тут, эй мугбачаи боданараст.*

Биринчи булак туласича май, харобот, мастлиг, соқий, шайх, савмаъа, ринд, хонақоҳ, дайр мавзуида. Бу жиҳатдан ушбу таржиъбанднинг биринчи булаги “Наводир уш-шабоб” девонидаги таржиъбандга ҳамоҳанг. Аммо Навоий бу таржиъбанднинг айрим булакларида севгили ёр образини ҳам курсатади. Яна севгининг кучи ошиқ қалбини бутунлай эгаллаб олгани тугрисида сузлайди.

II булак қуйидаги байт билан бошланган:

*Куйдум ул ҳусни жаҳон ородин,
Улдум ул нуктаи руҳ афзодин.*

*Рухума ҳол тагаййур топти
Куруб ул нахли қади раънодин.*

Шеърда тавсиф этилмоқда булган маҳбуба турмушда учрайдиган бекиёс даражадаги ҳусндор гузал. Унинг ҳар бир сузи ошиқ кунглига, руҳига кутаринкилик бағишлайди. Унинг раънодек нозик ниҳол коматини куриб ҳар бир дил руҳланиб кетади. Ошиқнинг ошуфта димоғи ёрнинг хуш хидлар таратувчи кокилларида атрофга ёйиладиган ёқимли буйларидан харобликка учраган. Ёрнинг гуё икки қадах тутаётган сингарни лаъл лаблари ошиқ жонини ҳалок этган. У ёр васлига эришмоққа умид боғлаган эди. Аммо нолаю фарёдлари туфайли унга васл насиб этмади.

*Булди ошуфта димоғимга футур
Ҳар дам ул турраи анбарсодин.*

*Жонга хуноби ҳалок булди насиб
Ул ики лаъл қадах паймодин.*

*Васлига ҳар нечаким, туттум умид
Булмади наърау вовайлодин. (афсус ва надомат овози)*

Ана шундай шикоят сузларидан кейин шоир яна такво, тоат мавзуига утади.

*Тоату тақво ила булмади кам
Ишқ ошуби мане шайдодйн.*

Тоат ва такво ишқ кучини енга олмайди. Ошиқ юрагидаги ишқ ошуби (хаяжон, галва) янада ортади.

Навоийда диний мансубликка оид масала купинча ишқ мавзуидаги суз кетганда тез-тез учраб туради. Бу ерда ҳам шуни курамиз. Шоир ёзади:

*Дину иймонима офат етди
Ул бути ишвагари тарсодин.*

*Зухд туттумки, унутқайман ани
Кеча-кундуз қилибон ҳақ един.*

*Эндики, зухд ила очилмади иш
Чиқайин савмаъаю тақводин.*

*Яна муг дайрига кирдим сармаст,
Май тут, эй мугбачаи бодапараст.*

Бу мисраларда ошиқнинг муҳаббати бир тарсо (христиан, насроний) ишвагарга тушгани айтилмоқда. Шу муҳаббат таъсири остида ошиқ уз дину иймонидан айрилган (уларга офат етган). У олдин фақат ҳақ едини қилай деб зухдга (дунёдан чекинишга) берилган эди. Барибир иши юришмади. Савмаъаю такво ҳам фойда бермади. Шунинг учун бу девонаваш шайдо яна майхонага кириб келади ва майпараст мугбачадан май сурайди. Демак, майгина унга озми-купми тасалли бермоғи мумкин. Лекин укувчимиз бу майхона, май, мугбача деган гапларни юкорида биз изохлаган тарзда тушунар деб умид қиламиз. Булар ҳаммаси бадний тасвир воситаларининг натижалари, таъсир кучини оширмоқ учун ишлатилаётган тушунчалар. Кундалик турмушда бир неча май ишкибозлари йигини эмас, балки юксак олий муҳаббат мухлисларининг жамиятидир. Ҳар ҳолда таржиъбанднинг ушбу булагига шоир муҳаббатнинг кучи ва таъсирини ёрқин бадний буюкларда тасвирламоқда.

Таржиъбанднинг III булаги ҳам ёр, ҳам ошиқ, ҳам дайрда майхоранинг курганлари туғрисида ҳикоя қилади.

Ошиқнинг ахволи оғир ва мураккаб. Ишқ дарди кунгилни қоплаган. Айрилик эса жонни фарсуда (эзилган, титилган) холга келтирган. Уша ҳурсифат гузалнинг ишида бор-будим йук булиб кетган, дейди ошиқ. У муносиб ва эътиборли бир зот. Лекин ёр томонидан рад этилган булса, унга олам аҳлининг мақбул тутмоғидан нима фойда бор.

*Олам аҳли аро мақбул улмоқ
Не осиг, гар сенга булсам мардуд*

деб фиғон чекади бечора севгучи. Ана шу ишқ кучи таъсири остида у белига зуннор боғлаб, бут олдида сажда қилмоқда.

*Боғлабон руст белимга зуннор
Айладим маст бут олдида сужуд.*

Албатта, амалда шундай булмагандир. Лекин севги йулида ошиқнинг шундай кайфиятга тушиб қолгани эҳтимолдан узоқ эмас. Бу гаплардан сунг майхора яна майхона ичида. У узига осойиш тилайди. Шунинг учун муғбачадан бода сурайди. Бу ерда бир масалага диққат қилиш керак булади. Девонаваш майхоранинг муҳаббат объекти олий муҳаббат маҳбубаси. Майхона ва дайр аҳли ҳам унга ухшаш уша ишқ соҳиблари. Бу туғрида биз қайта-қайта сузладик. Лекин айрим тафсилотлар яна бир қушимча фикр туғдиради. Олдинги таржиъбандда маҳбубанинг рақиб билан бирга булгани, у билан май ичишгани, буни курган майхора ошиқнинг қанчалар куйингани айтилган эди. Ҳозир элда эътиборли бир кишининг уз маҳбубаси томонидан рад этилгани, шунинг учун бундай обру ва мартабанинг ошиқ учун ҳеч бир фойдаси йуклиги курсатилмоқда. Бундай ахвол купроқ мажозий севгига доир. Ваҳоланки, бизнинг девонаваш қаҳрамонимиз майхонадагина осойиш топмоқчи булади. Бу зиддий лавҳаларда Навоийнинг ҳар иккала муҳаббат – ишқи илоҳий ва ишқи мажозий элементларини баробар қуйишида тасвирланишини кураимиз. Чин севги шундай булади. У ҳар қандай шароитда уз кучи ва таъсирини саклайди. Шоир айрим пайтларда илҳом ва жушқинлик таъсири остида зиддиятли булса-да, юрагида бор булган, уни тулқинлантирувчи, ҳаяжонга келтирувчи лавҳаларни уз ижодида тасвир этмоққа ҳақлидир.

IV булақда майхона ва майхора мавзуи давом этади. Олам сайридаги йулчиларнинг ҳаммаси ҳам “парншонвашу ошифта ниҳол” эдилар.

*Маърифат эрди гараз хилқатинга
Менга кунглум бу суз этгач иршод.*

*Кимгаким, ҳол дедим бор эрмиш
Ушбу аламдин қилди фарёд.*

Чунки бу барча ҳаракатни қилди. Лекин иши юришмади.
Эхтимол, фақат шу ердагина иши кушод топар.

*Ҳар неча саъйни купроқ қилдим,
Топмади ҳеч ишим анда кушод.*

Охири у яна сармаст дайрга кириб келади. Зора шу ерда иши
кушод топар.

V булак (у ҳам бошқа ҳамма булақлар қатори ун бир байтдан
иборат. Анча мураккаб сюжетга эга). Дастлаб маҳбубанинг таъ-
рифи келади. Сунг зуҳду такво эли зулмидан шикоят эшитилади.
Шундан кейин уша маҳбуба ва бизнинг қаҳрамонимиз – девонаваш
майхора уртасида суҳбат булиб утади. Улар суҳбатда бир-бирлари
билан чикншмайдилар. Чунки бири ҳарам (махсус жой. У ерда фа-
кат аҳдлашганларгина учрашадилар), бошқаси эса майкада туғри-
сида сузлар эди. Ошиқнинг тортган оҳларидан маҳбубага фароғат
етгандек булар эди. Шоир бундан хулоса ясаб ёзади:

*Чунки бу дайри фано ичра кунгул
Олама ишқинг аро булди алам.*

Яъни ошиқнинг кунгли йуклик майхонасидан бир нишона, бел-
ги каби. Тунов кунн бу девона ошиқ майхонадан чиккан пайтда
унга довдираган бир чол дуч келди. Уни шоир узи паст булса ҳам
сузи катта эди, деб характерлайди. Девонаваш билан чол суҳбати
ковушмади, бу чол сунг ҳарам сари кетди. Девона ҳам уша ерда
булди, у ердан чикқанда яна уша чолга йуликди. Гузал маҳбуба ҳам
ҳарамда эди. Бу чалқашликлардан гангиган девона сармаст ҳолда
муг дайри (майхона)га қайтиб келди ва бодапараст муғбачадан май
суради. Девона ошиқ фақат шу ердагина уз дардини енгиллаштира
олади.

*Туно кун чиқмиш эдим майхонадин,
Ки иулуқти менга бир шайхи дижсам.*

*Мустамий паст эдию сузи бийик,
Тунд улуб урди ҳарам сори қадам...*

*Яна муг дайрига кирдим сармаст,
Май тут, эй мугбачаи боданараст.*

VI ун бирлик маҳбубанинг тавсифи билан бошланади. V ҳам худди шундай эди. Демак, таржиъбандлар фақат май ва майкада тасвиридан иборат эмас, балки унда севимли ёр сурати ҳам бор. Ёрнинг жозибаси ҳам, унинг ишида куяётган ошикнинг талвасаси ҳам укувчи қалбига хуш келади. Мана ёр тавсифига оид мисралар:

*Эй бути сарваду гул рухсор,
Гунчанг айтур чоги ширин гуфтор.*

*Майи гулгун юзунга шуъла солиб
Ул гулунгни бу гул айлаб гулнор.*

*Оразинг кунглума очти юз гул,
Кирпикинг багрима сочти юз гул.*

*Ҳар нафас лаъл лабинг нукта боли
Исо эъжозини айлаб ихзор.*

Демак, гузал ёрнинг сарв комати, гулдек рухсори ширин сузлар айтувчи гунчадек оғзи, кизил май сингари гулранг юзи ошик кузига курингач, унинг қаршисида юз гул чехра очгандек булди. Ёрнинг кирпиклари ошик бағрига минглаб хорлар санчди. Ёрнинг лаъл лабларидан чиққан ширин сузлар Исо муъжизасини (уликка ҳаёт бермоқ) намоён этар эди. Ёрнинг шу гузаллигини ошик дайр томида туриб курди. Унинг юрагидан нолалар отилиб чиқди.

Ошик уз қалбининг маҳбубага зорлигини Шайх Санъон аҳволига киёс этади. Шайх Санъон дин тарқини қилиб зухду тақводан воз кечиб, уша дилбарга муҳаббат куйган эди. У гузал тарсо қизи эди. Унинг дами олдида масиҳонинг (тирилтирувчи) нафаси чиқмай қолар эди. Ана шундай сеҳргарга кунгил берган шайх Санъон эгнига габрий шол (оташпарастлар ёпинчиги) солади; ақлу ҳушини йукотади; бути тарсо қошида буйин этади, мусхафни куйдиради, белига зуннор боғлайди.

*Габрийи шол солиб эгнимга,
Булубон ҳушу хираддин безор.*

*Бути тарсо қошида сажда қилиб,
Куйдуруб мусхафу боглаб зуннор...*

Бу гаплар ошик юрагидаги ишқ дардининг нақадар кучли ва куйдирувчи эканлигини курсатувчи муболагалардир. Бу ерда бош мавзу ишқ, уни юзага келтирувчи аёл гузаллиги. Бу гузаллик олдида ҳамма соф дил инсон бош эгади. Унинг учун бундай назоҳат ва нафосат сохибасининг кайси дин, миллат, қавмга мансублигининг фарқи йук. Мана Навоийнинг уз сузлари:

*Назоҳат ила кунгулни олса тафовути йуқ
Хитой булса агар арманий ва ё ҳинду.*

Шайх Санъон ҳикояти бу хулосани тасдиқлаб турибди.
VII булак ҳам шу ой юзли гузал таърифи билан бошланган.

Улки бор ой каби рухсора анга.

Кейин эса ана шу ой юзли гузал ишқида ошиқнинг тортаётган азоб-уқубатлари беҳад эканлигини курсатувчи мисралар келади.

Булмишам бедилу бечора анго.

Шу шеърнинг VIII-IX, X булаклари эса май, махмурлик, майкада, пири мугон ва мугбачалар ҳақида. “Фавойид ул-кибар”даги таржиъбанд мазмун жиҳатидан “Наводир уш-шабоб”даги таржиъбандга ухшаб кетади.

Навоий уз таржиъбандларида олижаноб фазилат майини улугламоқда. Шу йулга кирган ва ундан қайтмас инсонларининг ҳақиқий инсонийлик йулида катъий бормокларини шарафламоқда. Ҳаммамиз ҳам шундай юксакликка мушарраф булайлик.

Қисқа хулоса

Навоийнинг таржиъбанд шеърлари “Ҳазойин ул-маоний” девонининг туртала китобида келтирилган. Бу таржиъбандларда шоир кунглига энг яқин ҳис ва туйғулар уз бадний тасвирини топган.

Навоий бу шеърларда уз дунёкарашига оид фикрларни изҳор этган. Биринчи ва иккинчи таржиъбандларда май ва майкада мавзун бош урин тутади. Булар тимсолий тушунчалар. Улар орқали олий муҳаббат объектининг гузаллиги, бу муҳаббат эгаси – ошиқнинг уз ёрига чин садоқатини ифода этилмоқда.

Навоний таржиъбандларда илоҳий ва мажозий муҳаббатнинг бир-бирига боғлиқ эканлиги, бирининг иккинчисидан келиб чиқилиши кўрсатиб берган.

Айни замонда Навоний таржиъбандларнинг ҳар бирида мажозий муҳаббатга доир лавҳаларни ҳам келтирган. Уларда реал маҳбуба образи бор. Унинг бевафолигидан зорланиш айниқса “Бадоеъ ул-васат” девонидаги таржиъбанднинг асос мазмунини ташкил этади. Дунёда инсонга яшамок учун оз вақт берилган. Дунёнинг инсон учун фонийлиги мутлақ ҳақиқат. Шунинг учун эзгуликка хизмат қилиб улгуриб қолиш керак. Гарчи Навоний дунёда вафонинг йуклигидан шикоят қилса-да, у ҳеч қачон кишиларни тарки дунёчиликка чақирган эмас. Аксинча, ана шу қисқа умрни хайрли ишларга сарф этмоқка чорлаган.

НАВОИЙ ВА САЙЙИД ҲАСАН АРДАШЕР

(*"Маснавий"* – *"Ҳасби ҳол"*. *"Соқийнома"* дағи боб. *"Таркиббанд"*)

Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин баҳодир ва унинг ғам-хури, тарбиячиси ва мухлиси Хуросон подшоҳи Абулқосим Бобур мирзо деярли бир вақтда 1457 йили бирин-кетин дунёдан утишди. Эндигина катта ҳаёт йулига кириб келаётган, адабиёт аҳли уртасида эътироф қозона бошлаган ёш Алишер учун бу қутилмаган бахтсизлик эди. Ана шундай оғир шароитда бу етим болага ғам-хурлик ва меҳрибонлик курсатган зот Хуросон улугларидан бири Саййид Ҳасан Ардашер будди. Бу мухтарам инсон билан Алишер Ғавоий уртасидаги ота ва фарзанд каби яқинлик ва дустлик улар уртасида бир умр давом этган. Кейинчалик Саййид Ҳасан Ардашер вафотидан сунг Навоий бу улуг инсон хотирасига бағишлаб *"Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер"* номли бир рисола ёзган. Насрда битилган бу китобда Навоий Саййид Ҳасан Ардашернинг ибратли ҳаёти ва юксак фазилатлари туғрисида ҳикоя қилади. Навоийнинг узун шеърлари орасида иккитаси махсус Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган. Биринчиси, Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан йуллаган шеърӣ мактуби. Уни *"Маснавий"* ёки *"Ҳасби ҳол"* деб аталади. Иккинчиси таркиббанд шеър. Буни шоирнинг уз кадрдон дустӣ Саййид Ҳасан Ардашернинг вафотига ёзилган марсия деб қаралса ҳам булади. Яна Навоий *"Соқийнома"* шеърӣ асарида Саййид Ҳасан хотирасига махсус боб ажратган. Бу ҳам Навоий ва бу мухтарам инсон уртасидаги зур ҳурматли муносабатларни билдирувчи манба дейилса хато булмайдӣ. Ҳозир Навоийнинг ана шу асарлари билан танишиб утамыз.

"Маснавий" – *"Ҳасби ҳол"* Бизнинг авлодимизга илк бор *"Ҳасби ҳол"* туғрисида хабар берган олим Олим Шарафиддиновдир. У *"Ҳасби ҳол"*ни Хуросоннинг аҳволини ҳаққоний тасвирловчи йирик тарихий ҳужжат деб баҳолаган¹¹ (1939). 1965 йили нашр этилган *"Алишер Навоий"* китобида бу асар муаллифи Суйи-ма Ғаниева *"Ҳасби ҳол"* туғрисида умумий тасаввур туғдиради ва унинг бир парчасини насрий баёнида келтиради. Бу парча Хуросондаги халқ ҳаётининг аянчли аҳволини курсатади¹².

¹¹ Олим Шарафиддинов. Танланган асарлар. Т., 1978. Б. 74.

¹² Ғаниева С. Алишер Навоий. Т., 1965. Б. 77.

Иzzат Султоннинг “Навойнинг қалб дафтари” китобида ушбу маснавий-мақтубдан қуп шеърӣ парчалар келтирилган. Унга Навоӣ таржимаи ҳолига оид муҳим асар сифатида баҳо берилган¹³. Абдулқодир Ҳайитметов ҳам “Навойнинг Сайид Ҳасанга шеърӣ мақтуби” мақоласида бу маснавийнинг моҳияти тугрисида мазмундор фикрлар изҳор этган¹⁴.

Камина – Азиз Қаюмов ҳам “Алишер Навоӣ” (“Ажойиб инсонлар ҳаёти” сериясида) “Ҳасби ҳол” ҳақида билганларимни айтиб утганман¹⁵.

Қуриниб турибдики, Навоӣнинг “Маснавий” – “Ҳасби ҳол” шеърӣ мақтуби ҳар доим навоӣшуносларнинг диққатини узига жалб қилиб келган. Биз бу ерда “Маснавий” – “Ҳасби ҳол”ни Навоӣ ва Сайид Ҳасан урталаридаги дустона, ота ва фарзанд каби яқин муносабатлар билан боғлиқ равишда курсатмоқ ниятидамиз.

Навоӣ таржимаи ҳолига оид бу шеърӣ манба уз даврининг таникли фозилларидан бири Сайид Ҳасан билан Навоӣнинг ҳамкорлиги ва дустлигини ёритувчи ёркин бир саҳифадир. Бу масала алоҳида бир тадқиқот мавзуи бўлмоғи керак. “Маснавий” – “Ҳасби ҳол” шеърӣ Навоӣ “Ҳазойин ул-маоний” девонининг биринчи китоби “Ғаройиб ус-сиғар”га киритилган¹⁶. Унинг ёзилган йили 1466 йил атрофида бўлмоғи керак. Чунки Навоӣ Самарқандга келгач, уни ёзиб Ҳиротга “Сайид Ҳасан Ардашер”га йуллаган эди. Бу шеър сарлавҳасидан ҳам қуриниб турибдики, маснавий (кофиядош байт) йулида ёзилган.

“Маснавий”нинг биринчи байти бундай:

*Сано ҳаққаким, қошифи ҳол эрур,
Хирад мушқилотига ҳаллол эрур.*

Маъноси: Ҳар қандай ҳолни юзага келтирувчи, фалак мушқулотларини ҳал этувчи Ҳаққа мақтовлар бўлсин.

“Маснавий” – “Ҳасби ҳол”нинг ҳамдга оид байтларида шоир Яратувчининг “Ҳозар ичра бечоралар ёвари, Сафар ичра оворалар

¹³ Султон И. Навоӣнинг қалб дафтари. Т., 1969 й. Б. 139-154.

¹⁴ Ҳайитметов А. Навоӣ даҳоси. Т., 1970. Б. 54-75.

¹⁵ Қаюмов А. Алишер Навоӣ. Т., 1976. Б. 32-35.

¹⁶ «Ҳазойин ул-маоний». Т. 1. «Ғаройиб ус-сиғар». Т., 1959, Б. 699-717. жами 148 байт (Нашрга тайёрловчи: Ҳ Сулаймон).

рахбари” эканлигига алоҳида ургу берган. Чунки бу шеърнинг туб мазмуни шоирнинг аянчли аҳволини курсатмоқдир.

Мукаддима мисраларда Навоий яна Яратувчининг (Ҳакнинг) бировни гурбатга йуллаши, бошқа бировни эса бир ерда куп турғизиб хор этмоғи; бир эл орасида хор булганнинг эса шу элдан чикиб кетмоқдан бошқа чораси колмаслигини айтиб утади. Бу гаплар бевосита Алишер Навоийнинг узига алоқадор. У Хуросонда экан пайтида. ёшлик йиллари шундай қисматга мубтало булди. У Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳи Султон Абу Саид таъкиби остига тушди. Шунинг учун Ҳиротдан чикиб Самарқандга кетмоққа мажбур булди. Бу шоир учун оғир қисмат эди. Лекин Навоий тангридан умидини узмайди. Тангрининг кунгилсизга мушфик, кишисизга ёр, “умиди йук эл андан умидвор” булмоғига ишонади ва ишончни таъкидлайди. Шундан кейин “Маснавий” бошланғич қисмида шоир набий ва унинг асҳоби туғрисида ҳам икки оғиз суз айтиб утган. (“Набий равзасига алайҳиссалом оли (оиласи) ҳам асҳобиға бардавом”).

Шундан сунг Навоий уз дусти, гамхур ва меҳрибони, ота урини олувчи кадрони Саййид Ҳасан Ардашерни таъриф этади. Бу таъриф – шеър ун икки байтдан иборат. Ана шулардан кейин Алишер Навоий уз аҳволи, кайфияти, турмуш ва ундаги оғирликлар туғрисида хикоя қила бошлайди.

Ғаме етти чархи жафопешадин,

Ҳам ул анжуми хориж андешадин.

Ки булмоқ ватан ичра душвор эди,

Кунгулга жила (ватанни ташлаб кетиш) дафъи озор эди.

Демак, Навоийга фақат жафо етказмоқни одат қилган чарх унга куп гам етказди. Шоирнинг уз ватанини қолдириб бошқа элларга келмоқдан бошқа чораси колмаган эди.

Сафар тушти олимга беихтиёр,

Қазо амрида элга не ихтиёр.

Ватандан жудо булиш, ундан узоқлашув шоир бошига тушаётган мушкулотлардан биринчиси эди.

Инсон мусофирликда эканида ватанида қолган хеш-ақроболарини соғинади. Навоий уз хатида улардан мени ёд этиб турингиз, деб илтижо қилади. Яна бир мушкулот адабий ижодга хос. Наво-

ий узининг туркий тилда ижод килувчи, бу тилда назмий асарлар яратмоғи мумкинлигини эслатади. Лекин ундан ана шу ижод намуналари яратмоқни тилаган кишилар йуклигидан уксинади.

*Мен ул менки, турк бедодидур¹⁷
Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

*Вале айт деб, ким менга тутти юз
Ки мен юз учун демадим икки юз.*

Ана шундай туркий тил ва шеърятининг буюк даҳосига ҳеч ким ёз деб таклиф қилгани йук. Агар юз байт ёз деганида икки юз байт ёзиб бера олардим, деб афсус қилади шоир. Шундайин талантили, меҳнатсевар, уз халки, она тили ва шеърятининг эътибор ва эътирофга сазовор булмоғини истаган ижодкор юз озор ва дардан бошқа ҳеч нарсани курмайди.

*Биров булса бир ишда бу навъ фард,
Вале курмаса баҳра юз ранжу дард.*

Яна тирикчилик ташвишлари ҳам етарли. Уйи кунгли каби бузук. Пулсиз. Одам шундай ночор аҳволга тушиб колса:

*Нечук майли оворалиқ этмагаи,
Бошин олибон бир тараф кетмагай.*

Демак, Алишер Навоий бошига тушган бу машаққатлар унинг Хуросонда эканлигида юз берган эди. Шунинг учун у мусофирликни буйнига олмоққа рози булиб Хуросондан чиқиб кетганини Саййид Ҳасанга изохлайди. Мана канча мушкулот бир одамнинг бошига тушмаган. Бу шеърин мактубда Навоий суз каддини баланд кутаради. Узининг куп ижодий ишларга қодир эканини ҳам ёзади:

*Бу майдонда Фирдавсий ул гурд эрур
Ки, гар келса Рустам жавобин берур*

(“Шоҳнома устида уттиз йил машаққат чекдим”).

Агар менга қолганда, дейди Навоий, шундай ишни уттиз йил эмас, балки уттиз ой давомида бажарган булар эдим.

*Ки гар неча нутқ улса қоҳил сарой (шошилмай)
Битигайман уттиз йилин уттиз ой.*

¹⁷ Бу ерда бедод сўзи турк учун жабру жафоларга қидамли маъносида ишлатилмоқда. А.Қ.

Навойи узининг ишлаш қобилиятини яхши билар эди. Шеър санъатлари орасида “ийҳом” дегани бор. Бунга биноан шоир икки хил маъноли сузларни ишлатади. Лекин шулардан энг кам ишлатиладиганини мақсад қилиб олади. Навойи ёзадики, махсус муътабар маънолар ийҳом этиб ҳар куни юз байт ёзмак мен учун ҳалво егандай гапдир.

Фаҳрия усулида айтилган бу гап амалда айни ҳақиқат. Акс ҳолда Навойи шунчалар чуқур мазмунли шеърлар, дostonлар, насрий асарларни ёзган булармиди. Фарход тешаси текканида тоғ жинслари мумдек эриб кетган булса, Навойи қалами остида суз маъдани ҳам шундай эриб кетар эди.

*Агар хосса маъни гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Аммо шоир маъюслик билан айтадики, ким менга шу ишни бажаргин деб топшириқ берди. Ҳеч ким. Менинг қаламим Аторуд¹⁸ билан карама-қарши була олади. Агарда киши шунчалар ягона қобилиятли булсаю, аммо юз озор ва дардлардан бошқа нарсани қурмаса, шу инсофданми ахир!

“Маснавий” – “Ҳасби ҳол”да Навойи узининг Хуросон халқи бошига тушган жабр-зулмлардан чеккан изтиробларини ҳам билдирган. Халқнинг зулму бедод остида қолгани, оғир ва машаққатли турмуш кечираётганини ачиниш билан бирма-бир курсатиб берган.

*Элида кишиликдан осор йўқ,
Шароратдан узга падидор йўқ.*

*Не эл, не киши, балки шайтону дев,
Келиб барчага даъб бедоду рев.*

*Булуб ло макон сатҳидин хонлари,
Адам мулки бугдойидин нонлари.*

*Қаро пул учун айлабон қатл фан
Улуктин тамаъ айлаб аввал кафан.*

*Улум келса бир зори бедил сари,
Мадад айлабон лек қотил сари.*

¹⁸ Аторуд – шоирлар қомийси деб ҳисоблашувчи Меркурий сайёраси. Уни «Давбир» деб ҳам атаганлар. А.К.

Абу Саид ҳукмронлиги даврида Хуросон халқи ана шундай ёвуз истибдод зулмига учраган эди. Бу мактубда танқид остига олинган воқеалар Хуросонда нақадар истибдод авжига чиққанини курсатар эди. Бу ҳам Навоийнинг халққа муҳаббати, унинг бошидаги оғир кулфатларда халққа ҳамдард булганини билдириб туради.

Шундай қилиб, “Маснавий” – “Ҳасби ҳол” шеърӣ мактубида Навоий узининг энг яқин дустӣ ва ғамхури Саййид Ҳасан Ардашерга юрагидаги барча мушкулот ва дардларни баён этган. Улар ҳам ёш шоирнинг уз ҳаётига, ҳам Хуросон халқи бошидаги ташвиш кулфатларга оиддир.

Ёш Алишер гурбатда экан пайтида уз ҳаётӣ ва истикболи тугрисида қайғурар эди. У оғир кулфатлардан қутилишнинг икки йулини куради. Бири – дунёдан воз кечиб тарки дунё қилмоқ. Иккинчиси эса бир муршиди қомил булсаю, у билан бирга у бошлаган йулдан борса, умрини ана шу мақсад ижросига сарф этса.

“Маснавий” – “Ҳасби ҳол” Навоийнинг ҳаёт йулида, дунёда курган-билганларидан қилган хулосаларидан огоҳ этади. Ёш шоирнинг тилақ ва умидлари қатта эди. Аммо уларнинг амалга ошмоғи ёқи ошмаслиғи ҳозирча маълум эмас. Шунинг учун бу ёш инсоннинг қалби турли ҳаяжон, ташвиш, ҳатто умидсизликка ҳам тула. Шунинг учун “Маснавий” – “Ҳасби ҳол” Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга кетиши сабаблари айтилган аччиқ уй ва ташвишларининг изҳори сифатида қаралмоғи мумкин.

“Соқийнома”да ҳам Навоий қаттагина бир булақни Саййид Ҳасанга бағишлаган (XXVI). Ундаги илҳомли мисраларда Саййид Ҳасаннинг Навоийга қанчалар яқин ва қадрдон эканлиғи қуриниб туради. Бу ердаги Саййид Ҳасан таърифига қаратилган байтлар “Маснавий” – “Ҳасби ҳол”дагиларга уйғун ва ҳамохангдир. Навоий бу шеърда ҳам Саййид Ҳасаннинг унга ҳам ота, ҳам устоз синғари булгани ҳақидаги гапларни такрорлайди. Шоир ҳамиша Саййид Ҳасанга фарзанд қабӣ булгани, шундай олижаноб инсонга рафиқ ва бандалиғидан шод, мамнун. Ёш шоирнинг бошига ташвиш ташадиган булса Саййид Ҳасан ҳар доим унга нажотқор. Унга қандай малол, оғирлик етгудек булса, Саййид Ҳасан уша мушкулларни ечувчи. Навоий “Соқийнома”даги Саййид Ҳасанга бағишланган бобнинг бошланғич қисмида ҳар байтда фано (улим) тугрисида ёзади. Бу Саййид Ҳасаннинг фанога юз угиргани, яъни дунёдан утгани тугрисидаги сузлар учун кириш эди. Навоий Саййид Ҳасаннинг дунёдан утганлиғини билдириб ёзади:

*Булубон жоми фанодин бебок
Фониёна¹⁹ қилайин хирқани чок.*

Саййид Ҳасаннинг дунёдан утганини шоир унинг жаннат боғига йул олгани деб курсатади. Мотамзада шоир эса айрилик дузахи ичра қолиб кетди.

*Борди йул равзаи жаннат сори,
Мен тушиб дузахи фурқат сори.*

Шеър охирида шоир уз мавзуи соқийномага қайтади.

*Тона олмай мени ошuftа мизож
Бодадин узга бу дардимга илож.*

“Соқийнома”да Саййид Ҳасанга бағишланган XXVI шеърй булак Навоийнинг бу муътабар зот номига ёзилган асарлари каторидан муносиб урин олади.

ТАРКИББАНД

Навоийнинг “Ҳазойин ул-маоний” девонидаги “Наводир уш-шабоб” китобида (II) бир таркиббанд бор. Унинг ҳар булаги саккиз байтдан иборат. Улардан олдинги байтлари бир-бири билан ғазал сингари қофияланади. Аммо охирги саккизинчи байти мустақил булиб, маснавий тарзида қофияланган. Ҳар булакда у алоҳида байт сифатида келади.

Масалан, “Наводир уш-шабоб”даги ушбу таркиббанд

*Даҳр боғини жафо шорича (йули) бордур чамани,
Жуз вафо аҳлига санчилмади онинг тикани*

байти билан бошланади. Охирги байт эса бундай:

*Баҳри ирфон дури Саййид Ҳасан улқим, афлок
Етти дуржи аро бир курмади андоқ дури пок.*

Таркиббанднинг қолган етти булаги ҳам шундай таркиббадир²⁰.

¹⁹ Бу ерда фано туғрисида муттасил сўз борганидан менда шундай фикр туғилдики, Навоий «Фониёна» деганда, эҳтимол, у ўзининг Фониё таҳаллусини қуллаган булиши мумкин. Чунки фанога кетган дустининг хотирини эсламоқда, шу сўз купрок ўрили куринади - А.Қ.

²⁰ Таркиббандда агар охирги алоҳида, ҳар булакда уз қофияси ва мазмунига кура олдингилардан фарқли бўлган юксми ажратиб олинса, таркиббанднинг ҳар булаги бир ғазалга айланади. Шунинг учун мен ўшаларни ёшиқ деб айтмоққа мойилмен. Уларнинг етти байтдан иборатлиги ҳам шунга имкон беради - А.Қ.

“Наводир уш-шабоб”даги таркиббанд мазмун жиҳатидан Навоийнинг уз дусти ва гамхури Саййид Ҳасан вафотига ёзган марсияси деб қаралса бўлади. Шоир вафо аҳлига ҳамиша тикан санчадиган даҳр боғидан, унинг ҳар бир чаманидан ҳафа. Бу кай-фият ҳар етти байтда (ёпик ғазалда – А.Қ) давом этади. Лоланинг кафани қонга буялган. Чунки бу даҳр боғи ким вафоли булса, уни улдиради, кимдан меҳр ҳиди келса, уни оёқ ости қилади; пок хотирларни елга совуради; барча ростларни бесамар қилади; авлиёларни Мансур сингари қатл этади. Шунинг учун шажару сунбулларни аркон ва дорга айлантирган. Даврнинг энг комил одамларининг ватанини ер ости қилган (ерга кумган). Ана шундай нола-лардан кейин пок гавҳар Саййид Ҳасаннинг номи шеърда тилга олинган. Шундан маълум бўладики, Навоий Саййид Ҳасан могамини тутмоқда. Юқорида даҳр боғидан азоб чекканлар тутрисида суз борганда шоир Саййид Ҳасанни кузда тутаётгани аниқ куринади.

Иккинчи ёпик ғазалда Навоий яна уша фалак золиннинг, яъни осмоннинг вафолиларга вафосизлигини айтади.

*Золи гардун кишига майли вафо айламади
Кимдаким, курди вафо гайри жафо айламади.*

Бу ажойиб шоирона фикрлар уз исботини топа боради. Фалак, агарда бирор кишига равшанлик насиб этиб, уни етишмоқ қунига муяссар этган булса, барибир охири унинг рузгорини айрилиқ туни билан қоронгу қилади.

*Қайси бир васл кунин меҳр ила қилди равшан
Ким, яна ҳажр туни бирла қаро айламади.*

Кимнингки, давлат қушини юксакликка кутариб камол авжига етказган булса, охири унинг масканини ер остида қилади.

*Қайси давлат қушини чекти камол авжи уза
Ким, яна ер тубида маскан анго айламади.*

Бундай зулмларга чек йук. Чора ҳам йук. Одамлар бу зулмларни чека-чека йуклик сари йул оладилар.

*Чекти бу зулмин анинг барча халойиқ, лекин
Чора бу дардга жуз аҳли вафо айламади.*

Куриниб турибдики, иккинчи ёпиқ ғазал ҳам биринчи ёпиқ ғазалдаги дард. Ачиниш, куйинишлардан келиб чиккан нолаларнинг давомидир.

Учинчи булакда ана шу фалак зулмининг натижаси, шоир бу воқеани юмшоқроқ ифодаларда баён қилиб “равзан ризвон сари кетган” зот тугрисида сузлайди. У Саййид Ҳасан Ардашердир. Мархумнинг яқинлари мотамда қолганлар.

*Ғарчи ҳуро юзи шамъи била ёрутти юзин,
Мотами бирла улуг даҳр юзин тор этти.*

Бу ёпиқ ғазал (булак) шоирнинг одамларга панду утити билан тугайди. Эй дустлар, дейди у, етишув жомини тиламангиз, барибир айрилиқ қадахни мул-кул ичмоққа туғри келади.

*Дустлар, бир-бирларингиздан тиламанг жоми висол,
Десангиз ичмали ҳижрон қадахин молмомол.*

Ҳар бир яқин дуст узининг бемор дустига марҳамат курсатмоғини, унинг бошида ултириб парвариш қилмоғини, унга доридармонга қушиб уз донининг ширасини ҳам ичкурмоғини тилайди. Беморнинг ёнида ултириб ширин сузлар айтиб овқат егизсам эди, дейди. Фарзанд каби гоҳ бошининг тузатиб, гоҳ оёғининг ёпиб ёнингда ултурсам эди; агар қазо етгудек булса “Ёка йиртиб этибон тош ила куксимни фиғор” деб ёзади шоир. У мархумни қабрга элтиб уша ерда сокин булсам, элга бу ерга қандай хизмат қилиш кераклигини курсатсам эди, деб фиғон чекади. Чунки тақдир шоирга буни насиб этмади.

*Чора йуқтурки, бу навъ эрмас экандир тақдир,
Мумкин эрмас киши тақдирга бермоқ тағйир.*

Бундай улуг ва муътабар зотнинг ҳаётдан куз юмгани туфайли барча фикр аҳли қора кийиб куз ёши тукдилар. Лекин дейди шоир, бу айниқса, мен савдозада (оғир қайғуга тушган кимсага – А.К.)га оғир мотам булди.

*Учти ул шамъи валоятки, фалак мотамида
Қора кийдию дури ашқини ийсор этти.*

*Барча фикр аҳлига бу навъ азо кам тушти,
Мене савдозадага узгача мотам тушти.*



Энди уша улуг зот (Сайид Ҳасан)нинг фазилатлари, ибратга сазовор сифатлари айтиб утилади. Шоир бу зотнинг узи учун ҳам ота, ҳам муршиду пир булганлигини ёзади.

*Мене мотамзадага ҳам ота, ҳам муршиду пир,
Балки ҳам гамхуру ҳам ёвару ҳам ёр қани?*

Бешинчи булакнинг мавзуси икки хил. Биринчиси уша улуг зотнинг равзаи ризвонда фароғат куриши туғрисида. Иккинчиси эса шоирнинг уз пири муршиди руҳидан мадад кутажаги хақида.

*Бор умидимки, мадад руҳинг ила қилгайсен,
Ҳар қачон олдима даврон аро шиддат булгай.*

Таркиббанднинг охири еттинчи булаги Навоийнинг дунё ишларига қандай муносабатда булмоқ кераклиги туғрисидаги уғитлардан иборат.

*Дустлар, даҳр вафосини хаёл айламангиз,
Буржу қоҳига тамаъ гайри завол айламангиз.*

Бу фикрлар бирор торроқ маънодаги, бирор шахс ёки кимсанинг бевафолигига оид эмас. Бу умрнинг вафосизлиги туғрисида. Барибир бир кун эмас, бир кунни оламда қурганинг умр саройи ва миноралари ер билан яксон булади. Шуни унутма, шунга қараб иш тут. Иккинчи байтда бу фикр янада аниқроқ айтилган.

*Турфа маҳбубдурур умр вафоси йуқ анинг,
Андин истарга вафо фикри муҳол айламангиз.*

Модомики, шундай экан, ҳар ким учун чин касби камол фақат ҳақга бандалигидир. Бу ерда бандаликни шундай тушунмоқ керакки, ҳеч қачон ҳақ уз бандасига ёмонлик йулини курсатмайди; унга ҳа-миша эзгулик сари етакловчи йул-йуриқларнигина беради. Унинг учун ҳаққа ҳақиқий банда булиб, унинг айтганларига амал қилмоқ ҳақиқий касби камолдир.

*Ҳар киши қомил эрур, бас анга ҳақ бандалиги,
Мундин узга тамаъи касби камол айламангиз.*

Шундан кейин Навоий одамларни бу утиб кетадиган (фоний) дунё учун ранжу машаққатлар чекмасликка, молу дунё йиғишга берилмасликка чақиради. Бундай ҳаракатларни фикри муҳол (оғир, арзимайдиган иш) деб тушунтиради.

*Олами фоний учун ранжу машаққат чекманг,
Мол учун гам емангиз, фикри муҳол айламангиз.*

Ҳатто ишк масаласида ҳам Навоий уз укувчисига “узни ҳар маҳваш учун шифтаи ҳол” булмасликни таълим беради. Унга Навоийга ухшаб ишк дардига мағрур булмагин, дейди.

*Ишк дардига Навоий каби мағрур улманг,
Узни ҳар маҳваш учун шифтаи ҳол айламангиз.*

Айтилганлардан куриниб турибдики, таркиббанд ҳаётнинг бевафолигидан шикоят билан бошланган ва тугалланган. Унинг асосий мазмуни Навоийнинг энг яқин кадрони Саййид Ҳасан Ардашер вафоти билан изҳор этилган мотамзадалик ҳис-туйғуларидир.

Таркиббанд Навоийнинг бу муътабар зотга муҳаббатн, садоқати, ихлосини курсатади. Устоз ҳаётининг охирида унга дамсозлик қила олмагани учун шоир қалбини тулдирган афсус ва надоматларини билдириб туради.

“СОҚИЙНОМА”. **Навоийнинг дустлари**

“Соқийнома”нинг XXI бобидан бошлаб Навоий узининг марҳум ва барҳаёт дустлари туғрисида суз юритади.

Утганлар туғрисида шоир бундай деб ёзган:

*Барча гурбатга хиром айладилар,
Хулд (жаннат) боғини мақом айладилар.*

*Ҳар бири ҳажрида қун уртандим,
Қунга чун сахти фироқ ургандим.*

Марҳум дустлар қатори Навоий дастлаб икки кишини ёдга олади. Улардан бири Мирзабек эди. Навоий бу “йигитлар зебоси, йигитлик фанининг доноси” булмиш зотнинг узига ёр ва фарзанд каби булганини ёзади.

*Бири ҳам ёр менга, ҳам фарзанд,
Жонга орому юракка пайванд.*

Иккинчиси эса Мир Дарвеш деган киши булган. Навоий уни “хушсуҳбат, ҳамдард, рафик” булганини айтиб унинг узи учун

“Тукканимдин дағи юз катла шафик” булганини чуқур дард билан ёдлаб утади. Уларнинг ҳар бири шоирнинг умр гулшанида тазарв (тустовук) ва ҳаёт боғида сарв каби эдилар.

*Ул бири оти чу мазкур булуб
Мирзабек ила машҳур булуб.*

*Бу бири исмини айларда хитоб
Мир Дарвеш дебон шайх ила шоб.*

Шоир бу нажиб дустларининг жаннат боғида эканликларини ёзади, узи эса уларнинг ҳажрида фарёд килади.

*Хулд аро бор эсалар базм орой,
Вой, ҳижронларидин, юз минг вой!*

“Соқийнома”нинг XXII, XXIII, XXIV, XXV булаклари Жомий хотирасига бағишланган. XXVI боб Саййид Ҳасан, XXVII боб Муҳаммад Паҳлавон ёдига бахшида этилган. XXVIII бобда Навоий уз бахтсиз муҳаббати туғрисида хикоя килади (“Севгинома II”). XXIX бобда шоирнинг вафосизликдан шикоятини изҳор этилган XXX булақда жамолига никоб тортган (вафот этган) яқинлар санаб утилган. XXXI бобда эса барҳаёт дустлар таърифи келади. Шундай қилиб, “Соқийнома” Навоийнинг юрагидаги оғир дардлари, ҳаяжонли кечинмаларининг бадний кузгуси сингари куринади. Унда Навоийнинг яқин даврадошлари туғрисида тасаввур пайдо қиламиз, шоирнинг аламли калбига ҳамдард буламиз.

Жомийга бағишланган турт булақда Навоий бирор кишининг отини айтмаган. Аммо барча таърифлардан шундай кузга ташланиб турадики, бу ерда кукларга кутариб тасвир этилмоқда булган зот машҳур шоир, мутафаккир, олим ва фозил шахс, Навоийнинг энг яқин дустини, ҳаммаслағи, устоз ва пири Абдурахмон Жомийдир.

XXII бобда Навоий соқийга мурожаатида Сухайл (Канопус) ёруғ юлдузини тилга олади, уз кунглининг Сухайлга илҳақлиғи, унинг суҳбатига зорлиғини ёзади.

*Ким Сухайл соридур зор кунгул,
Куп тилар суҳбатин афгор кунгул.*

*Топмасам узни висоли бирла,
Нуш этай они ҳаёли бирла.*

Шундан сунг уша фархунда сифат зот (Шайх Сухайлий)нинг мактовлари келади. Хулоса эса бундай:

*Сенсен улким, яна йуқ сен киби зот,
Нақди маъни била фархунда (қутлуғ) сифот.*

Навой узининг бу улуғ зот билан якин дуст, улфат, ҳамма сирларидан огоҳ ҳамроз булганини билдиради.

*Сен эдингки, менга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг.*

Шундан кейин Навой бу дуст ва устозидан айрилиб азоб-укубатларга колганини ёзади. Сунгра у мархумнинг буюк шоир булганлигини таърифлай бошлайди.

*Саъдию Хисраву Салмону Камол
Ким эди ҳар бири бе шубҳа мисол.*

*Гарчи чарх этти барин мутаворий (беркинган),
Сен алар урнидадурсен бори...*

*Ҳар неким, айладинг утруда савод,
Айладинг бир-бирининг руҳин шод.*

XXIII бобда Навой устоз шоирнинг қасида жанрида гузал асарлар яратганини ёзади:

*Ҳар қасидаки, тузатти рақаминг
Ё саводин рақам этти қаламинг.*

*Булди маъни юзидин бир олам
Ул савод анда саводи аъзам...*

XXIV бобда шоир соқийга мурожаатида унга ойнаранг кадах тутмокни сурайди. Токим, у кунгилда зангни ювиб кетсин. Бода гулранг булсин, кадах эса ойнафом. Унинг қуриниши гул мавжини эслатсин.

Шундан кейин шоир уз ҳамсуҳбатининг зотига (яъни Жомийга – А.Қ) баробар келадиган ҳеч нарса етти иклим ва туккиз осмонда йуқ эканлигини айтади. Яна, дейди шоир, бир нечалар бор эдики, улар суҳбатимда ҳозир булар эдилар. Ҳозир эса ҳаммалари утиб кетганлар.

Шундай афсус билан бу боб якунланади. XXV боб шоирнинг мотамона ошуби (хаяжонли мотами) билан бошланади. Сунг уша

улуг зот (Жомий) тавсифи гоят баланд ифодаларда баён қилинади. Шундай бир буюк инсон Навоийни ҳурматлар, уни мактар, Навоий туғрисида унга бағишлаб асарлар ёзар эди. Унинг қалами ишга тушганда Навоий номини хатта туширар эди.

Мана бу туғрида Навоийнинг уз сузлари:

*Мен киби заррани ул янглиг меҳр
Буйла тупроғни ул андоза сипеҳр.*

*Юз узум ҳаддича эъзоз айлаб,
Васфлар бирла сарафроз айлаб.*

*Сеҳри тасниф аро сурмай қалами
Ким, менинг отими чекмай рақами.*

*Ҳамасин қайд қилиб нукта фишон,
Қуйибон мендин ҳам анда нишон.*

*Хослиг наътини жонимга чекиб,
Ёрлиг васфини отимга чекиб...*

Навоий ана шундай вафоли, меҳрибон кадрдон дустри ва устозидан ажралиб колди.

Биз юқорида бу мухтарам зотнинг оти гарчи шеърда айтилмаган булса-да, унинг Жомий эканлигини билдириб утдик. Чунки у ҳаммага маълум ва машхур, ҳамма учун ҳурматли, мухтарам ижодкор эди. Агар Саъдий, Хисрав, Салмон, Камол каби буюк шоирларга мисол була олса, уз ижоди билан уларнинг руҳини шод этган булса, бу факат Нуриддин Абдурахмон Жомий экани аён ва ошқордир. Агар Анварий, Хоконий, Фарёбий ва Исфаконийларнинг барчасининг руҳини тургизган; ҳар бир қасидаси маъни юзасидан бир олам булган булса, у факат Жомийдир. Уша мухтарам зот Навоийни “васфлар бирла сарафроз этган” булса, у албатта Жомийдир.

Шундай қилиб, Навоий “Сокийнома”да Жомийни шунчалар юксакликка кутаради, унинг шарафли хотираси олдида тиз чуқади. Жомийни куёш, узини эса заррача деб билади, яна узини тупроқ, Жомийни эса “андоза спеҳр” деб таърифлайди. Устоз ва шогирд уртасидаги кадрдонликнинг олий даражаси эмасми бу нисбатлар!?

“СОҚИЙНОМА”

Вафо туғрисида. Навоийнинг дустлари (давоми)

“Соқийнома”нинг XXIX бобида Навоий узининг жамиятда баланд даражага эришгани туғрисида ёзади. Лекин бу ҳол дарҳол юз берган эмас. Навоий узи туғрисида ёзар экан, бекаслиги, ёлғизлигидан шикоят қилади.

*Йиғламак ҳолима бир дам фан этай,
Зору бекаслигим шеван этай (нола қилай).*

Шоир авваллари куп жаҳон кезд²¹. У одамлар орасида, турли қавмлар ичра булди. Сафар машаққати, оғирликларини бошидан кечирди.

*Қавма-қавм ичра қилиб меҳнатлар,
Хайту-хайл ичра чекиб шиддатлар.*

Охири Навоийга шавкату бойлигу иқбол етишди. Эл истаган ҳамма нарса унга насиб булди. Лекин Навоий уларнинг ҳаммасидан амалда воз кечган эди. Чунки у узи орзиқиб истаган нарсани топа олмади. У нарса вафодир.

*Юзланиб шавкату жоҳу иқбол
Қисматим булди баче мансабу мол.*

*Ҳар не эл қилди талаб, мен топдим,
Барчадин силтаб этак, куз ёпдим.*

*Улча мен топқали бор эрди ҳавас
Ким, топилмади вафо эрдию бас.*

У кимга вафо қилмасин, эвазига факат юз жафо қурди. Навоийнинг вафосизликдан нолишлари бир томондан вафога мухтож кунгилнинг нолаю зорларидир. Иккинчи томондан, одамларда ва-

²¹ Бу жаҳон кезиш Хуросон ва Мовароуннаҳрдагина амалга ошган. Навоий бошқа элларда бўлгани туғрисида ҳеч нарса ёзган эмас (Масалаи, Хитой, Хиндистон ёки араб мамлакатлари). Аммо Ҳиротдан узоқлашув Навоий учун ҳар дони оғир кечар эди – А.К.

Масалаи, бир ғазалида Навоий ёзади:

*Навоий улмасива озими Ироқу Ҳижоз
Назоҳати мулки Ҳирий эрур боис*

Маъноси: Навоийнинг Ироқ ёки Ҳижоз томонларга бормаслигининг сабаби Ҳиротнинг гузаллиги туғайлидир. Лекин XV асрда транспорт воситаларининг ожизлиги ҳар қандай сафарини машаққатга айланттирар эди. Шунинг учун хатто Балх, Астробод, Марв каби жойларда ҳам, Самарканд ҳақида сузлашнинг ҳам ҳоҷати йук – А.К.

фосизликни туғдирувчи замон, мухитга қаратилган айбномадир. Шоирнинг ҳасратлари чексиз.

*Куз анинг йулигаким, еткурдим
Кузда юз неси балосин курдум.
Қайсининг оллидаким, чекдим бош
Ёғди бошимга вафосиздин тош.
Кимки, мадҳини деди неча тилим,
Тилида қилгай ани неча тилим.
Истади айламак илгимни қалам,
Улки авсофи менга улди рақам.
Кургузуб меҳр, жафо етти менга,
Жон бериб, дарду бало етти менга.*

Лекин, дейди шоир, гарчи одамларда вафо йуқ эса-да, мен ҳам узимга узим тухмат қилмаслигим керак. Агар жаҳонда бирор вафодор топилмаса, битта мен вафоли булиб қоламан, ҳеч қачон бевафалик қилмайман.

*Бир вафо аҳли агар даҳрда йуқ
Дашту водий элию шаҳрда йуқ.
Бу сифат соҳиби мен басдурмен,
Бевафолар киби эрмасдурмен.*

Бу гаплар “Севғинома” Ини ташкил этувчи XXVIII бобдан кейин келмоқда²². Шунинг учун вафосизликдан шикоят шоирнинг бебахт севғисига ҳам дахлдорлиги шундай сезилиб туради.



“Соқийнома”да Навоий узининг кадрдон дусти Муҳаммад Паҳлавонга махсус шеър бағишлаган. Навоий у билан бир умр дустана муносабатларини билдириб ёзади:

*Ҳар бағир ёрасининг марҳами ул,
Қирқ йиллик бу гадо ҳамдами ул.*

²² “Ҳазойин ул-маоний”нинг XXVIII боби нагрда (“Ҳазойин ул-маоний”, “Фавоид ул-кибар”. Т., 1960) курсатилмай қолган. Бизнинг фикримизча, бу боб ушбу китобнинг 713 сахифасидаги

*Соқие, кел менга тут бодаи ишқ
Ким эрур хилқатим афтодаи ишқ*

байти билан бошланса керак Чунки шу байтдан сўнг Навоий “Дарди ишқини ўтидан сўз бошлай” деб ўз бахтсиз мухаббати тўғрисидаги шикоятга ўтади. Бу ҳикоя 716 с.да тугайди Шу ердан XXIX боб бошланган – А.К.

Шоир уз дустини соғинч билан ёдлайди. У соқийга мурожаатида дейди:

*Берки, (май) тарки хираду ҳуш қилай,
Паҳлавон ёди билан нуш қилай.*

Шундан сунг шоир уз дустининг фазилатларини бирма-бир тавсиф эта бошлайди. Паҳлавон тарикат аҳлига шох, бошлик эди. Осмондаги куёш каби ягона, ортиқча нарсалардан холийликда Исо даражасида булган.

*Меҳрваш торами тафрид ичра,
Исавий мартаба тажрид ичра.*

Куч-қуввати унта филга тенг келар эди. Лекин узини чумолидек хокваш (тупрок сингари) паст тутар эди.

Паҳлавон Неъматобод деган жойни бино қилди. У ерда халқ унинг неъматидан баҳра олар эдилар. У ҳар қандай илмни тула эгаллаган, гузал шеърлари билан дард аҳлига ҳамдард булган.

Навоий Паҳлавоннинг узига энг яқин дуст, ҳамдард булганини таърифлаб ёзади:

*Махфий асрорда дамсоз менга,
Ҳар ниҳон розда ҳамроз менга.*

*Борди ҳамдамлар ичинда фардим (бирдан-бир)
Ёриму, ҳамнафасу ҳамдардим.*

Шундай яқин кадрдон дустидан айрилган шоир уз шеърининг охирида дустни фироқида сабру қарорини йукотганини, гаму ноладан бошка ишни йуклигини айтиб зорланади.

XXIX-XXXI бобларда Навоийнинг яқинлари тутрисида суз боради. Улардан баъзилари марҳум, баъзилари барҳаёт. Марҳумлардан Муаммой, Хожа Камол, Мир Саидларни шоир надоматлар билан ёдлайди. Уларнинг хотираси билан маст булмоғини айтади. Барҳаётлардан Мир Атоий, Дарвеш Фаноий, Осафий, Биноий, Машҳадий ва яна “Мажолис ун-нафоис” антологиясига кирган куп яхшилар тилга олинган. Улар Навоийга “мунису раҳбару ғамхору рафиқ” дирлар. Гарчи дустларидан айримлари дунёдан утган эсаларда, Навоий буларнинг борлигига шукроналар қилади.

*Гар алар тушти эса дашти адам,
Шукр бу хайл эрурлар ҳамдам.*

“Соқийнома”нинг якуни

XXII боб “Соқийнома”нинг якунловчи бобидир. Навоий бу бобдаги соқийга мурожаатида “То тутай дайри фано жониби йул, йулда гахи енг солайин, гахи кул. То фано дайри фазосига кирай, риндлар базми аросига кирай” дея истак билдиради. Демак, шоир яна иккинчи таржибандда урин олган фано дайри, ундаги майни эслайди. Бу май муҳаббат майи ва уша май кайфига берилган мастона риндлар базмидир.

“Соқийнома”даги май эса бу табний май, узум сувидан ясалган ичимлик. Соқий шоирга ана шундай шаробни узатади. Ундан кайф олиб “Жоми шукрона ичиб маст” булади. Энди эса шоир яна риндлар базми сари ошиқмоқда. Чунки унинг кунглидан жой олган нарса уша дайр, уша риндлар ва уларнинг жамоаси. Ҳар ҳолда “Соқийнома”даги май билан риндлар базмидаги майни чалкаштириб юбормаслик керак. Бири ҳушёрликка олиб келади (риндони май) бири мастона хушвақтликка (узум суви).

“Соқийнома”даги охирги саккиз байт Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган:

*Шоҳлар шоҳи сарафроси учун,
Риндлар шоҳи Абулғози учун.*

*Ул куҳан дайр гадойи бошлиг,
Яъни ошуфта Навоий янглиг.*

*Маст оҳанги Навоий қилали,
Бериё барча дуойи қилали.*

Шоир шоҳга умрбоқийлик тилайди, унга жоми Жамшид насиб булмоғини истаб дуолар қилади.

*Токи инсонга ҳаёт имкони
Булғуча булсин анинг даврони.*

Шундай тилаклар изҳоридан сунг “Соқийнома”ни якунлайди.

Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги “Соқийнома” турт юз эллик саккиз байтдан иборат (Ҳ.Судаймон ҳисоби). Унда Навоийнинг дунёкараши, ҳаётининг айрим лавҳалари, Навоий мансуб булган муҳит, даври туғрисида маълумотлар бор. Бу маълумотлар Навоийнинг узи томонидан айтилмоқда булганидан айникса қимматли ва диққатга сазовордир.

Бу асар ҳақидаги тадқиқотлар уз давомини топмоғи керак.

**СУЛТОН МАДХИЯСИ ва
ДАВРОН ТАРБИЯСИ**

“ХИЛОЛИЙА” ҚАСИДАСИ

Навойй 1469 йили Самарканддан Хиротга кайтиб келгач, Хуросон тахтини қулга киритган Султон Хусайн Бойқарони бу муваффақият билан табриклаб, унга узининг ёзган қасидасини тақдим этади. Қасида²³ 91 (туксон бир) байтдан иборат. Навойй уз қасидасини “Хилолийа” деб атаган. Бу шеърнинг биринчи байти бундай:

*Чун ниҳон қилди турунжи меҳр раҳшон талъатин,
Ошқор этди фалак бир тавқи ғабгаб ҳайъатин.*

Охирги байти эса бундай:

*Янги ойу икки қуллугчинг улсун айлагин
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу ернинг кунъятин.*

Гарчи қулёздама қасиданинг оти “Хилолийа” деб ёзилмаган эсада, охирги байтдаги сенинг ҳам янги ой, ҳам ийд (руза байрами) қуллугчинг булсин, шунинг учун унинг отини сен ҳилол, бу ернинг кунъятини эса (лақабини) байрам деб куйдинг, деб ёзилгани бу шеър – қасида “Хилолийа” дейилганига сабаб булса керак.

Ҳар ҳолда қасиданинг биринчи байти ҳам, охиргиси ҳам осмоний қуринишлар тасвиридан иборат.

Биринчи байтда куёшнинг ботиши туғрисида суз боради. Офтоб лимонга (турунж) ухшаш, лекин порлоқ қуринишини (талъатин) беркитгач, фалак айлана шаклидаги сувратни курсатди.

Шундан кейин шоир осмонда жуда нозик, ингичка, гоҳ кузга ташланувчи, гоҳ қуринмай қолувчи бир равшан хаёл сингари аниқ нарсанинг қуринганини ёзади. У янги ҳилол (уч кунлик ой) эди.

Шоир ёзадики, уни қурганлар, эгма қуринишига қараб ё дилбаримнинг қошига, ёки менинг таъзим учун эгилган қаддимга ухшатар эдилар.

*Уила зоҳир булдиким, қилгай ани қурган киши
Дилбарим қошигаю менинг қадимга нисбатин.*

²³ Қасида “Ҳазойи ул-маоний”нинг учинчи китоби “Бадоеъ ул-васат”да жойлаштирилган. Ҳазойи ул-маоний. III. Бадоеъ ул-васат. Т., 1960. Б. 679-687.

Шундан сунг шоир ана шу ҳилол тавсифини килади. Унда осмоний жисмлар Баҳром, Аторуд тилга олинган ёки Доройи аъзам хизматига тайёр турувчи фалак ҳам эслатилган.

Сунг етти маскан туғрисида суз кетади. Бу фалакнинг етти сфераси каби.

Биринчи раҳба (манзил)даги зот “Зоҳир этти, солди туғёнга кунгулнинг ҳайратин”. Бу султоннинг узига хос ва мос таърифидир. Иккинчи масканда олим ва фозил бир инсон билим аҳлини узига ром этган. Учинчи гулшанда руҳ афзо сурудчилар.

*Чолибон нақшу амал боглаб Навоий шеърига
Ийд жашни хуш тутарга шоҳ базми ишратин.*

Туртинчи манзил шабистонида шамъ ёнмаган. Бу ерда шоҳнинг ҳарами хилвати жойлашган. Шамънинг дуди хуш ҳидли эсада, унинг (шоҳнинг) нозик димогига ҳалал бермасин ҳамда эрамвашлар билан суҳбатини бузмасин, деб шундай қилишган.

*Ҳар тараф шамъи мунбар дуди ногоҳ қилмагай
Тийра ҳам нозук димогин, ҳам эрамваш суҳбатин.*

Бешинчи гулшанда Рустам сингари паҳлавон шоҳ тинчини куриқлайди. Саҳаргоҳда эса шоҳ бирор ерга отланса, у ясовуллик ва зифасини жойига қуйиб бажаради.

Олтинчи манзарада нозидан такво, ақл, илм ва саодат шуғла-лари ёғилиб турган зот хутбада шоҳ отини уқийди.

*Айлабон иншоки, минбар узра тангла хутбада
Зоҳир этгай шоҳ отидин сунг дуою мидҳатин.*

Еттинчи бир ҳинду

*Шоҳтин байрам шариф топқонни англаб гум қилиб
Оби ҳайвондек адам сори нуҳусат зулматин.*

Саккизинчи булимда гавҳару зар билан безанган кумушбадан гузаллар шоҳнинг осмон қадар улуғ тахти атрофида юксаклик хонини ёзадилар.

*Йўқхи, гардун, ложуварди атласин ёпиб қазо
Гавҳару дур бирла соз айлаб саросар зийнатин.*

*Ёққали шоҳнинг фалакваш тахтига байрам куни
Чун ёпар жинси башар ҳайлига хони раъфатан.*

Туккизинчи боргоҳда ажойиб санъатчи уйинчилар уз хунарларининг камолини курсатиб шоҳнинг инъому эҳсонларидан баҳраманд буладилар.

*Ким чу шоҳ байрам нишоти қилгали тузганда жашн
Ҳар уюнчи зоҳир этган чоғда лубий санъатин.*

*Шоҳнинг инъому эҳсонидан улгай баҳровар
Кургузуб уз фаннида ул ҳам камоли диққатин.*

Гарчи уша Уторуд номидан ёзилган матлаъ “Ҳилолийа”даги Навоийнинг уз байти эсада, Навоий асарга жонлилик бағишлаб дейдики, Уторуд ёзган матлаъни эшитгач, менда рашк уйғонди ва мен шоҳ мадҳида қуйидаги байтни ёздим:

*Гаҳ қошингнинг рашки айлаб ҳам янги ой қоматин
Ийди рухсоринг қилиб нобуд байрам зийнатин.*

Маъноси: Қошингнинг (эгмалигини) қурган янги ойнинг қомати рашқдан эгилиб кетди. Юзингнинг байрами эса байрамдаги барча безакларни чиппақка чиқариб юборди.

Хикояни давом эттириб Навоий ёзади: Бу шеър билан Уторудни енгиб, завқу нишот қилган ҳолда гузал маҳвашнинг хонасига кириб келдим. У сархуш эди, савму такво оғирлигидан воз кечган. Унинг гузаллигини тавсиф этиб, сунг шоир ёзадики, бу маҳваш мендан нима учун бундай яхши кайфиятдасан деб суради. Мен фахр билан Уторудни енгиб келмоқдаман, шундан хурсандман дедим. Сунг унга уша иккала матлаъни уқиб бердим. Мен маҳвашдан тахсин кутмоқда эдим.

Маҳваш қулди ва бирор соат ичида ушбу байтни ёзди:

*К-эй юзунг зоҳир қилиб байрам сабоҳи сафватин
Анда қошинг айлабон пайдо янги ой ҳайъатин.*

Шу йусунда шоир подшоҳнинг кундалик турмушига оид лавҳаларни келтиради. Подшоҳ ҳокимиятининг турли томонларини уқувчи куз олдида гавадантиради. Шундан кейин бир мушоара берилган. Бу мушоарада турт ижодкор иштирок этган. Албатта ундаги турт байтни ёзган шоир Навоийнинг узи. Аммо Навоий узининг бу мушоарадаги иштирокчиларидан бири этиб курсатган. Ҳатто бу ҳолни исботлашга ҳаракат қилиб уз байтига гуё ортиқча аҳамият бераётгандай қилиб ҳам курсатган. Гарчи мушоара катнашчиларининг номлари курсатилмаган булса-да, улар уз даври-

нинг таникли шоирлари сифатида тасвирланган. Ҳозир шу мушоара билан танишамиз.

Навоний томонидан Уторуд чархида турувчи шоир бундай деб ёзган эмиш:

*Эй, сенинг қошинг қилиб зоҳир янги ой хижлатин,
Вэй, юзунг шарманда айлар эъди акбар талъатин.*

Яъни ёрнинг қоши эгмалиги янги ой (ҳиллол)ни хижлатга қуйди, эъди акбарни эса шармандаликка юз угиртирди.

*Ой юзинг байрам тонги порлоқлигини курсатди,
Ушанда қошинг янги ой сувратини пайдо қилган эди.*

Бу шеърдаги нафосат ва мулойимликни эшитгач, мен хайратда қолдим, дейди Навоний. Сунг шоир узининг шоҳ ҳузурига киргани ва унга бу уччала матлаъни уқиб берганини ёзади. Унинг фикрига кура бу уччала тавсифлар матлаъдан яхшироқ, бу мавзуда суз айтмоқ мумкин булмас.

Шоҳ қулди ва бадиха қилиб (тезда, уйланиб ултирмай) бир матлаъ ёздики, ундан Хисраву Салмону Жомийлар руҳининг нодирлиги шундок кузга ташланиб турар эди.

*Ки эй, ҳилолинг майли айлаб тоқ кунглум тоқатин,
Жон бериб ёд айлагач, ийди висолинг жаннатин.*

Маъноси: Ҳиллол қошингга интилув кунглимининг тоқатин тоқ этиб юборди. Чунки у жон бериб (сенга) етишув жаннати байрамини эслатар эди.

Шоҳ бу матлаъни уқигач, ҳамма офаринлар айтиб унинг дуойи давлатини қилиб шовкин кутардилар. Демак, Навоний уз қасидасининг иккинчи булагини ана шу мушоара билан яқунлайди ва энди шоҳ давлатини, саодат ахтари Абдулғози Султон Ҳусайннинг бевосита тавсифини қилмоққа утади.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг шахсияти туғрисида сузлар экан, уни шоҳлар шоҳи деб атади. Лекин табиатан Султон Ҳусайн дарвешнамо эди.

*Шоҳлиқта ояти дарвешлиқтин курмайин
Бу риёий фарқча зарқаш сарири рафъатин.*

Маъноси: Шоҳликда у дарвешлик оятини буюк олтинли тахт юксаклигидан устун қуяр эди.

Бундан чиқадиган хулоса эса бундай:

*Шоҳлар дарवेशию дарवेशлар шоҳики Ҳақ
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сиқратин.*

Бу ерда Навоийнинг дарवेशликни қанчалар улуглаётганига аҳамият беринг. Демак, инсонлар ичида энг буюғи, энг юксак олижаноб даражадагиси дарвешдир. Бу ерда дарвеш девона, телба маъносида эмас, энг пок тийнат, тубан интилишлардан холи, элу юртга, одамларга меҳрибонликда фидойи булган зот кузда тугилади.

Навоий сифатловида:

*Демонким кунгли поку ҳам кузи пок,
Тили поку, сузи поку, узи пок*

булган пок инсон кузда (Ф.Ш.дан) тугилади. Ана шундай сифатловдан кейин Навоий подшоҳга бевосита мурожаатини бошлайди.

*Эй жанобинг наст этиб гардуни вола поясин
Вэй замиринг синдуруб фирдавси аъло назҳатин.*

Маъноси:

*Эй, сен юксак осмон поясини наст эта олган зот,
Эй замиринг (ички дунёинг) аъло фирдавс богининг
гузаллигидан ортиқ.*

Шундан сунг султоннинг тиги, байроғи, душманга қарши нафрати ва унинг устидан албатта ғалаба қозонажаги туғрисида суз боради. Подшоҳнинг зоти тоза, ҳар бир истаги яхшилик манбаидир. Хайри саховати қуёш панжаси каби олтин сочади. У зот чуқур ҳилм (юмшоқлик, мулойимлик, шафқат эгаси булмоқ, ҳурмат қурсатувчи) эгаси. Ҳукмрон ва кумондон сифатида у ер билан кукни созуриб юбормоққа кучи етади. Бошида кизил ва сарик байроғи кутарилган, қиличи эса унинг рангини ҳар ёнда акс эттиради. Шоир шоҳнинг ҳарбий қудрати, ғолибона жанглари тасвирига анча урин берган.

Қасида ёзилган фурсатда Султон Ҳусайн эндигина ҳокимият устига келган эди. Ҳали олдинда уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш буйича куп қизгин курашлар турибди. Шунинг учун Навоий кураш, жанг ва ҳарбий қудратнинг зурлигини алоҳида уз қасидасида қурсата беради. Қасида охирида Навоий камтаринлик билан ёзадики, эй шоҳ, сенинг зотингни мактамоққа Навоийнинг ҳадди йук. Аммо беноволар одатини тарк этолмай бунга журъат этди ва

ушбу касидани ездн. Султон Хусайн рамазон ойида ҳокимият тахтига утирган эди. Шунинг учун шоир рузани ҳам, руза пайти май ичмокни ният қилиб булмаслигини ҳам эслатиб утади.

*Хисраво зотингни васф этмак Навоий ҳадди йуқ,
Аvlo улким зоҳир этгай бенаволар одатин.*

Токи байрам шoми совм (савмаъа)

аҳли талаб қилгай ҳилол

Руза ният айламай қилмоқ май ичмоқ ниятин.

Қасида шoҳ номига дуолар билан якунланади.

*Ҳар қунинг байрам булуб, жойинг ҳилол улсун мудом,
Курмагил беайш умринг муддати бир соатин.*

Шундай қилиб, қасидада Навоий Султон Хусайн Бойқаро ҳокимиятининг Хуросонда урнатилмоғи билан табриклайди, шoҳнинг барча фазилатлари, унинг ҳукмронлиги мустаҳкам ва интизомли эканлигини, шoҳнинг шахсияти нақадар бой ва гузал эканлигини барибир тасвирлайди. Бу ҳокимиятнинг музаффар ва енгилмас эканлигига ишонч билдиради.

“ВАҚФИЯ”ДА МАДҲИЯ

“Вақфия” асари 1481-1482 йилда ёзилган. Навоий узининг “Маснавий-ҳасби хол”да билдирган режалари туғрисида ёзган. Унда шоир узининг ё дунёдан юз угириб узлатга чекинмоғи ёки булмаса муносиб бир бошлик кули остида булиб дунё ишлари билан банд булмоғини хаёл қилгани айтилади. 1469 йили Навоий Самарқандда эканида унинг дустн ва ҳаммаслағи Султон Хусайн Бойқаро Ҳиротда ҳокимиятни қулга олди ва Навоийни уз ҳузурига чорлади. “Вақфия”да Навоий Хусайн Бойқаронинг бу чақиригини шеърнй шаклда ифода этган²⁴.

“Вақфия”да Навоийнинг Султон Хусайнга бағишланган махсус мадҳияси ҳам бор²⁵.

Бу мадҳиянинг биринчи байти бундай:

²⁴ Бу туғрида муфассалроқ маълумот учун қаранг: Азиз Каюмов. Асарлар. IV жилд. с. 25-30. Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2009.

²⁵ Навоий. 20 томлик. № 14. Т. 1998. с. 242-244.

*Шоҳи шаҳриёрон жаҳон хисрави
Фалак рафъати. муштарий²⁶ партави.*

(Гарчи бу шеър мазмун жихатидан қасидага ухшаш булса-да, унинг маснавий шаклида булгани, ҳамда асарда назм деб номлангани учун уни қасида деб атамаи, мадхиялар каторига киритдик).

Шоир уз подшоҳини улуғлаб, унга “Саъди акбар”нинг (“Энг катта бахт”) томонидан юксак фалак буйлаб сочаётган нурига нисбат беради. У барча мамлакатлар учун Жамшид каби улуғ, балки Қуёш каби нурли бир сиймодир. Сунг шу қаҳрамоннинг (Султон Ҳусайннинг) сузи, юзи, жамоли, жабини (пешонаси)ни бирма-бир тавсиф этади.

*Сузи маҳзани роз ганжинаси,
Юзи жилваи зот ойинаси*

*Жамолида шамс уз-зуҳо (муборак қуёш) жилвагар,
Ҳадисида руҳ ул-қудсдан асар.*

(Сузларида муқаддас Рухуллоҳ – Исо нафаси бор).

*Жабинида анвори шоҳаншаҳи,
Каломида ихёи Рухуллаҳи.*

Бу қаҳрамоннинг куриниши ана шундай гузал ва файзли. Унинг сузлари сирлар хазинасидаги энг катта бойликлар йиғини; шунчалар урнакли, ёқимли ва гузал. Пешонасида шаҳаншоҳлик нурлари порлаб туради. Бу подшоҳ каломи Рухуллоҳнинг ҳаётбахш ихё сузларига ухшаш.²⁷ Навоий узи мадх этаётган подшоҳни шу қадар кукларга кутаради. Бу ерда шоирнинг калом, сузнинг кучини қандай тасвир этаётганига диққат қилайлик. Дарҳақиқат, яхши суз жон озуғи эмасми?

Шулардан сунг подшоҳнинг қасри таъриф этилган. Унинг минган оти, бу отнинг паридек гузал, дев сингари кучли экани айтилган. Яна у девонаваш ҳам.

*Узи деғу, девонаваш пайкари,
Назарда, пари чехра, балки пари.*

²⁶ Муштарий-фалак қозиси, олтинчи фалакда жойлашган Форсча номи Биржис, уни Саъди акбар ҳам дейдилар.

²⁷ Рухуллоҳ Исо а.с. лақаби. Айтилмоғига кўра, Исоюнг сузи билан ўликка қайта ҳаёт бахш этилар эмиш. А.К.

*Бу деғу пари узра султон малак,
Не султонки, алҳақ Сулаймон малак.*

Бундай муболағали тавсиф кейинги байтда янада авжигга чиқади. Бу шохнинг ёруғ, равшан фикри қуёш атрофига шунчалар нур сочиб турадики, унинг қаршисида Қуёшнинг узи бир парча патирдек туюлади. Бундан кура ортиқроқ шеърини мактов, бадний муболаға булмаса керак! Ана шундай тавсифлардан сунг Навоий уз шеърининг асосий қахрамонининг номи, лақабини тилга олади.

*Дема, айни инсонки, инсони айн (чуқур мазмунли)
Ҳам инсону ҳам айну Султон Ҳусайн.*

*Фалакқадрларнинг ниёзи анга,
Фалакдан лақаб Шоҳи Ғозий анга.*

Ана энди шоир дуога утади ва худодан унинг тану жонига паноҳ ва сихатлик тилаб қолади.

*Танинг ҳужраси жон қушига паноҳ,
Тану жонинга воқиф улсин илоҳ!*



“ХАМСА”ДА СУЛТОНГА БАҒИШЛАНГАН МАДҲИЯЛАР

Навой “Хамса”сининг биринчи китоби “*Ҳайрат ул-аброр*”да Султон Ҳусайн (Абдулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон)га бағишланган мадҳия бундай бошланган:

*Қайси шоҳ ул хисрави олампаҳо,
Оламу одам анга мулку сипоҳ.*

Мадҳиянинг охириги байти эса бундай:

*Тоғжинга тарсеъи (безак) абад зевари,
Авжи уза баҳри бақо гавҳари.*

Мадҳия эллик туккиз байтдан иборат (Ҳайрат ул-аброр / Хамса. Т., 1960. Б.37-38).

Шоир уз мадҳиясининг биринчи булагиди Султон Ҳусайнни ҳарбий кийимда, қуролланган ҳолда жангдаги бир баҳодир сифатида тасвирлайди.

Иккинчи булақда шоҳнинг ғалабадан кейин уюштирилган базм, айшу ишрат чоғидаги сувратини чизган. Ҳар иккала тасвир ҳам гўзал бадиий тасвирлар орқали берилган. Бу табиий ҳол. Султон даставвал уз мамлакатини қуролли кучларга бошчилик қилган ҳолда саклай олиши, босқинчи душманлар устидан ғалабани қулга кирита билмоғи керак. Ғолиб подшоҳга бу муваффақиятдан сунг базму айшу ишрат ҳам ярашиб туради. Навоий тасвирида Абдулғози Султон Ҳусайн Бойқаро ана шундай подшоҳлардан эди. Шундан сунг Навоий Султон Ҳусайн Бойқаронинг аждодлари туғрисида суз бошлайди.

*Хон келибон ҳам ота, ҳам от анга,
Фақр оти бирла мубоҳот (фахрланув) анга.*

*Турку муғул қуллари хонлар анинг,
Мулк лиҳи (уники) мулкистонлар анинг.*

*Қуллиги хонларга келиб фарзи айн
Хонлару шоҳлар шоҳи Султон Ҳусайн.*

Навой яна султон сувратини чиза боради. Унинг устидаги кийим-боши, улардаги безаклар, қурол-аслаҳаси бирма-бир уз тасвирини топа боради. Султоннинг жангдаги қаҳрамонлиги яна

бир алоҳида мавзу булади. Шоҳнинг минган оти ҳам ана шу кури-нишларнинг муносиб бир булаги сифатида курсатилади. Ҳарбий олишув султоннинг ёв устидан зафари билан яқунланди. Душман қушинлари тор-мор қилинди.

*Иш куни бу рахш (югурик от) уза жавлон уруб,
Юз туман аъдо черигин синдируб...*

Ана энди шоҳ ишрат сари юз угирмоғи мумкин. Базм карти-наси ҳам аниқ буёқларда чизилган. Не-не шоҳлар Султон карши-сида одоб саклаб ерга тикилганча турмоқдалар. Мусика чалиниб турибди. Гулчехра соқийлар базм иштирокчиларига бода тутмоқ-далар.

*Шоҳлар одобдин тикибон ерга куз,
Сурмаса бекларга не имкони суз.*

Подшоҳ эса уз маснадида Жамшид сингари утирибди. У осмон-даги қуёшга ухшаб кетади.

*Маснади узра узи Жамшиддек
Йўққи, спехр авжсида хуршиддек.*

Султон санъаткорларга, базм аҳлига “дирами зар, абири ба-ҳорий” каби дурру гавҳарлар сочади. Навоий шоҳнинг саховатини олқишлайди.

*Ул биридин элга зарафшонлиг эт,
Бу бири янглиг гуҳар афшонлиг эт.*

“Ҳайрату ул-аброр”даги Султон мадҳиясининг умумий маз-муни ана шундай. Унда шоир Султонни қушёр ва уста қумондон, мард жангчи сифатида тасвирлаган. Шундай музаффар подшоҳ-нинг уз галабаларини муносиб базму айш-ишрат билан нишон-лашини ҳам бой бадний буёқларда курсатган.

Навоий “Хамса”сининг иккинчи китоби “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Султон мадҳияси (“Хамса”. Т., 1960. Б.167-169) бун-дай байт билан бошланади:

*Қазо қилки чу тортиб нақши дилкаш
Жаҳон авроқини қилди мунаққаш.*

Шу йуснида шоир дунё ва ундаги мамлакатларнинг пайдо бу-лишини ёзади. Лекин ташкил топган тоифалар турли-туман эдилар. Улардан баъзилари ер каби паст булса, баъзилари тунд (шиддатли,

асов, ғазабли), саркаш эдилар. Улар уртасида бир интизом урнатилмоғи зарур булди. Бу вазифа авлиёлар ва султонларга юклатилди.

Султонлар ичида энг танилган ва баланд кутарилгани Шох Ғозий (Султон Ҳусайн Бойкаро – А.К) эди.

*Наби шаръига берган зебу зайн ул,
Салотин сарвари Султон Ҳусайн ул.*

Бу мадҳиянинг асосий қисми Султон Ҳусайннинг ҳарбий ишларини улуғловга қаратилган. У қушинга бошчилик қилади. Бутун қушин қурқмас баҳодирлардан ташкил топган. Улар ҳар қандай ёвни ер билан яқсон қила оладилар.

Шундан сунг шох базмининг таърифи келади.

Бу таъриф яқунида шоир ёзади:

*Бинойи салтанат зотингга боқий,
Саодат маҳваши базмингда соқий.*

*Бу соқий илгидин жоминг паёнай
Зилоли Хизр ул жоминг аро май.*

*Кетур соқий, шароби армаки соз,
Тут они шоҳ мадҳин айлаб оғоз.*

*Ки аввал нуше беркин мен қилай нуш,
Қуш ичсанг тутки, мен доғи ичай нуш.*

Куруниб турибдики, “Ҳайрат ул-аброр” ва “Фарход ва Ширин” дostonларидаги Султон мадҳияси мазмунан бир-бирига яқин. Улар шохнинг ҳарбий шавкати ва базмининг дилосолиғини тасвир этади. Фақат “Фарход ва Ширин”да Навоий узини ҳам охириги байтга киритган. Чунки шох базмини таърифлаганда уни қоралаш ёки танқид қилиш эмас, балки макташ ва шарафлаш Султонга хуш ёқади. Яна Абдулғози Султон Ҳусайн узи ҳам май ва ишратни ёқтирар, куп вақтини шунда утказар эди. Шунинг учун Навоий уз мадҳиясида Султонга ёқимли ишларни таъриф этган.

“Лайли ва Мажнун” дostonида Султон мадҳияси

Бу мадҳия олдингилардан фарқли. Олдинги ҳар иккала мадҳияда Султоннинг ҳарбий маҳорати ва жасорати, сунгра эса базму зиёфати тасвирланган эди. “Лайли ва Мажнун”даги мадҳияда икки қахрамон туғрисида суз боради. Улардан бир Навоийнинг узи. Иккинчиси эса Султон Ҳусайн Баҳодирхон Ғозий. “Лайли ва Маж-

нун” достони ёзилаётган вақтда Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидойа” девони эл уртасида кенг ёйилган эди. Яна унинг “Ҳайрат ул-аброр” асари, “Фарҳод ва Ширин” достони, яъни “Хамса”нинг икки достони ёзиб тугалланган. Навоийнинг шоирлик шуҳрати бутун мамлакатларни тутган эди.

Навоий узининг бундай аҳволини “бахти Фарруҳ” деб билар, унга фатҳ ва Зафар руҳ берар эди.

*Чун ёварим улди бахти Фарруҳ,
Куйди менга фатҳ ила Зафар руҳ.*

*Ҳиммат тутибон Жунайди соний²⁸,
Очтим бу хазоини маоний.*

Бу очилган маънолар хазиналарида, яъни шоир яратган асарларда олам-олам пок гавҳарлар куп эди. Бу гавҳарлардан шоир қимматбаҳо дурларни хоҳлаганича олди; унинг куйни ҳам, чунтаклари ҳам, этаклари ҳам дурларга тулиб кетди. Энди у шу гавҳарларни арсаи (майдон) базмга элтиб ҳаммасини у ердагиларга улашмокни орзу қилади.

*Жайбу этагимни айладим кон,
Йуқ эрди кутармак узга шикон.*

*Ким арсаи базм ичра этсам,
Борини онинг нисора этсам.*

Шоир учун узидаги шу дурру гавҳарларни элга нисор этмок бахти жовидона (абადий бахт) сингари эди. Ана шу бахт уни (шоирни) бир хужаста (хутлуг) манзилга етаклаб олиб келди.

*Чун ёр эди бахти жовидона,
Тортар эди мени беҳудона.*

*То элди бир хужаста манзил
Ҳар навъ мурод анда ҳосил.*

Шу мисралар билан шеърдаги Навоийнинг узига бағишланган булак тугайди. Энди суз уша қутлуг манзилдаги жаннатга ухшаш бир базмгоҳ, у ерда тахтда утирган хужаста шох туғрисида боради.

*Жаннат киби анда базмгоҳе,
Тахт устида бир хужаста шоҳе.*

²⁸ Жунайди Соний – Навоий ўзини авлиё Жунайд Бағлодийга қиёсламокда.

Мадҳиянинг эндиги булаги Султон Ҳусайннинг шахсияти ва иш олиб боришининг тутрилигини тасвирлашга бағишланган. Биз унда улут ҳукмдорнинг оддий дарвешона феъли-хуйи билан танишамиз. Унинг давлатни бошқарувдаги маҳоратини кукларга кутариб ёзилган мактовларни уқиймиз. Шоҳнинг шахсияти тутрисидаги гаплар ҳақиқатдан узок эмаслиги аниқ. Давлатни бошқарувга оид гаплар эса Навоийнинг давлатда тартиб-интизом, иш тутув усули тутрисидаги орзулари сифатида каралса ҳам булар.

Султон Ҳусайннинг давлат ишини олиб борувида дин шаръига канчалар риоя қилмоғи тутрисида шоир бундай деб ёзади:

*Дин нусратининг оламтарози (накши),
Яъни Султон Ҳусайн Ғози.*

Шоир бу султоннинг барча ислон қонуни ва қондаларига риоя қилувини алоҳида таъкидлайди. Шундан кейин Навоий уз султоннинг илмга муҳаббати ва ҳар бир фанни чуқур билишини айтади.

*Ҳар илмда бир кишики, сълан
Етгач очаолмай олдида дам.*

Султон, айниқса, диний билимларни, фикҳни (қонуншунослик) тула эгаллаган; хусусан, масалаларни ечмоқда у жуда моҳир эди. Яна ҳадис ва тафсирга оид билимларда ҳам гоят доно булган. Султон қуп жойларда масжидлар, хонақоҳлар бино қилдирган; муҳтожларга овқат, яланғочларга қийим улашадиган жойлар очган. У ерларда мусофирлар дам олишар, ҳаммомларда чумилар, ором олиб истироҳат қилар эдилар.

*Марғуб газо еб анда муҳтож,
Матбуъ либос олиб яланғоч.*

*Ҳар йулдаки, офат эҳтимоли
Гардунга етиб работи олий.*

*Барча сафар аҳлига паноҳ ул,
Ҳориб етганга такягоҳ ул.*

*Чун топти мусофир анда ором,
Оч улса таому кирса ҳаммом.*

Султон савдо-сотик ишларига ривож берган. Савдогарларни тамгадан озод қилган. Уз элида туппа-тузук иззату иқромга эга булган киши саҳролар кезиб йул босса, узида борини ишга солиб

ундан фойда курмоқчи булиб тижорат билан машгул булади. Агар у тоғ ораликларида боғ яратмоққа ҳаракат қилса, энди унинг кунглига катта солиқ-тамгадан хавотир тушмайди.

*Чун азм қилиб бу ишни тожир,
Суд истаю мулкидин муҳожир.*

*Манзил қилур улса тоғ уза боғ,
Тамгадин кунгли ичра йўқ доғ.*

Агар савдочи ашёларини сотмоққа харидор топа олмаса, ураб куйган матоларига ҳам сотиб олувчи чикмаса, қанча одамлар унга хизматда булиб, бу нокулайликлардан қутқарадилар, молларни сақлов учун лозим шароит туғдириб берадилар. Дунё юзини дон қоплаган. Агар гадога бугдой ё арпа берсалар у олмайди. Умуман шаҳарда гадонинг узи йўқ. Бундай тинч, бежавотир турмушни Султон адолати юзага келтирган. Барча халқ турку арабу белуж унинг давлатида ана шундай фаровон турмуш кечирадилар.

Хуллас, Султон Ҳусайн Бойқаро даврида мамлакатда адл, иттифок, бирдамлик ҳукмрон.

*Куйга буридан булиб омонлиқ,
Куйчи ити бирла посбонлиқ.*

*Десам бу деганча уну гар юз,
Мингдан бир эмас бу сузни бил туз.*

Навой Султон Ҳусайн шахсиятини тасвирлаб ёзади:

*Олам уза шоҳ зоти поки,
Дарвеш замири дардноки.*

Султон шундай инсондирки, у фалак фили олдидан узини четга тортади. Аммо агар пашшанинг пари сингудай булса юраги эзилиб куз ёши тулади. У шер устига қилич тортиб яшиндай чакнамоғи мумкин. Лекин агар чумоли яраланган булса, куз ёши оқизади. Унинг тиғи жаҳонни эгалламоғи мумкин. Лекин унинг хулки жаҳонни тузатади. Гарчи Султоннинг урни шоҳлар олдида фалаклар тоқидай юксак булса-да, у дарвешлар қаршисида узини бир ҳовуч тупроқдай туттади. Кибру ҳавога берилиб кетган шахслар қаршисида у бир буюк арш каби. Аммо фақир аҳли олдида узини заррдан ҳам кам деб билади.

*Кибр аҳли қошида ариши аъзам,
Фақр аҳли қошида заррадин кам.*

*Дарвеш десам улус уза шоҳ,
Шоҳу дарвеш. баракаллоҳ.*

Навоий Султон Ҳусайннинг “шоҳликдур сурати, дарвешликдир сийрати” деб куп ёзган. “Лайли ва Мажнун”даги мадҳияда ҳам Султоннинг бундай сифатларига алоҳида ўрин берилгани кузга ташла-ниб турибди. Мадҳия Султон Ҳусайн номига мадҳу санолар ва дуо-лар билан тугалланган.

“Сабъаи сайёр” достонида Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳияси
Мадҳиянинг биринчи байти:

*Суз демакка қилур ҳаво кунглум,
Килк унидин тилар наво кунглум.*

Охириги байти:

*Мулкунга аришдан келиб бу нидо:
“Халлодаллоҳу мулкуху абодо”.*

(“Аллоҳ унинг мулкани доимий мустаҳкам килсин”).

Шоир мадҳиясининг биринчи булагиде осмоний кудратдан бу мадҳияни ёзмокда ёрдам беришларини сурайди. Сунгра

*Шоҳ Султон Ҳусайн бин Мансур
Ким бериб нусрати жаҳонга сурур.*

деб ёзади шоир. Султоннинг отаси ҳам, отасининг отаси ҳам, онаси ҳам хонлардандир. Унинг аждодлари хатто Чингиз ва Аланқува авлодидирлар.

*Анга Чингиз улуг ато келган,
Онаси худ Аланқуво келган.*

Шоирнинг ёзишича, Султон Ҳусайн салтанатта фаҳри йук, у дарвешликни афзал куради. У жангларда жасур курашчи. Шундан сунг шу фикрлар исботига хизмат килувчи байтлар келади. У оз фурсатда бутун бошлиқ иқлимларни забт этмокка кодир.

*Қуймайин олам аҳлида бийме,
Фатҳ этиб бир дам ичра иқлиме.*

Султоннинг фазилатларга бой шахсияти базмдаги иштироки оркали намойиш этилади. Султоннинг мусикага муҳаббати, мусикий наволарни чин идрок, иштиёқ, нафосат билан тинглаши, улар ижроси ва моҳиятидан топадиган завқи бекиёс. У куп халқлар санъатига хос мусика асарларини берилиб тинглайди.

*Икки ёндин муганнийи ики хайл
Жонга тандин чиқарга айлаб майл.*

*Унгада туркийнавоз уруб дoston
Қузгалиб ҳар навода Туркманистон.*

*Тортқон турк нагмасида суруд
Оқизиб халқ кузларидин руд.*

*Сул сари форсий сурудун нагам
Фитнаи форс, бал Ироқу Ажсам.*

*Кавкаби жом акси ламъ афган
Тоб аро уйлаким Суҳайли Яман.*

Базмда гулчехра сокийлар май тутадилар. Ёқимли мусикий садолардан лаззат олувчи ахл май ичадилар. Бу лавҳани шоир гузал нафосат билан куйлайди. Мана майхурликнинг куриниши:

*Май ичиб беҳисобу маст улмай,
Нафс ҳукмига зери даст улмай.*

*Май сенга мужиби фано булибон,
Сарбасар нур ила сафо булубон.*

*Не ажсаб булса бода нуру сафо,
Кам эрур ҳар қадаҳда истигно.*

*Бода моҳиятин табоҳ билмак,
Ичмагин дамбадам гунаҳ билмак.*

*Барча мазҳабда фосиқу ранжур
Яхшироқдурким, зоҳиди магрур.*

Демак, аҳёнда оз-оз май ичмоқ гуноҳ эмас. Фақат меъёрни билмоқ, узни ортикчаликдан асрамоқ шарт.

Эрталабдан иш куни бошланади. Подшоҳ арзгуйларни очик чехра, ширин суз билан қарши олади. Одамлар бошидан бедодни кетказиб, адолати билан уларнинг кунглини шод этади. Брига бир чора билан кумак беради, бошка бировининг бошидаги ташвиш-

ларини йук килади. Барчасидан “Алифбаҳо” (экиннинг куплигига караб белгиланадиган солик)ни олиб ташлайди. Шу билан одамларнинг умр сабзалари айш килиб кукарадилар. Ҳамманинг эзгу максоди амалга ошади. Одамлар бир зумдаёк саранжом топадилар, муродига етиб кайтиб кетадилар. Мулжаллаган ишлари адолатли булган бу султонга ҳатто Нуширавони Одилнинг узи ҳам хайратда қолар эди.

Навобий адолати элда овоза булиб кетган уз султонини дуолар қила мадҳияни тугаллайди.

*Адлдин токи булгай овоза,
Ҳар куни улсун адолатинг тоза.*

*Шоҳлик хилъати қадинг била хуб,
Шоҳлар қадди ҳам аёгинга куб.*

*Доду адлинг била жаҳон обод
Ким, бу булгай жаҳонда адл ила дод.*

Мадҳияда Султоннинг барча ишлари уз аксини топган. Унинг жанглардаги баҳодирлиги ва ғолиблиги; базмлардаги мусиқий таъриқлар хузури эвазида буладиган майхурлиги; энг муҳими, кун буён амалга ошар ишлари, адолатли қарорлари, одамларга енгиллик тугдирувчи амалиётини шоир тасвирлаб чиккан. Булар нафақат бир одил ҳукмдор таърифи, балки одил ҳукмдорлик низомидир.

*“Садди Искандарий” достонида Султон Ҳусайн мадҳияси
(“Ҳамса”, Т., 1960. Б.642-644)*

Биринчи байт:

*Азал субҳиким, мавж уруб баҳри жуд,
Бериб офаринишга нақши вужуд.*

Одамларни бир тартибли йулдан олиб бормоққа набилар бош булганлар. Улар орасида бу ишга энг моҳири Муҳаммад а.с. эдилар. Унинг уммати булмиш султонлар ичида эса

*Вужудини офоқ аро зебу зайн
Улус хони бинни хон Султон Ҳусайн.*

алоҳида ажралиб туради. У саховатда бемисолдир. Бу султоннинг қиличи яшиндай тез, душманлари Дашти Қипчоқдан то Қримгача

хаммалари тор-мор этилганлар. Улар кочибориб охири ваҳмдан ҳалок булганлар. Унинг душманларни енгиб оламни эгалловидан одамларга куп наф етди. Султон қулга киритилган ҳамма нарсани олам аҳлига эҳсон этади.

Навой уз султонни Искандарга ухшатади. Ҳатто ундан юкори хам қуяди. Хулоса эса бундай:

*Мулозимларини Скандар фар эт,
Адолат уйин "Садди Искандар" эт.*

Ана шундай дуолардан сунг Навой уз достони "Садди Искандарий"ни бошлайди.

"Садди Искандарий" "Хамса"нинг охириги бешинчи достони булганидан "Хамса"нинг яратилиши ва бу ишда Султон Хусайн тутган урни туғрисида шу дoston охирида – "Хамса" якунида суз юритган.

“ХАМСА” ЯКУНИДА ШОҲ МАДҲИЯСИ

"Садди Искандарий" достонининг охирида Навой "Хамса"га якун ясайди. Унда шоир буюк ҳакимлар номидан шоҳ Султон Хусайн Бойкарога яхши гаплар айтади, уни дуолар қилади (Алишер Навой. Хамса. Т., 1960. Б. 837-838). Бу гаплар кейинги бобларда хам турлича шаклда давом этган.

Навой бу туғрида бундай деб ёзган:

*Бу дурларни мен сочтим офоқ аро,
Нужум (юлдузлар) урнига чархи муҳтоҳ (осмон) аро.*

*Умид улки, чун булсалар бархабар,
Шаҳу шаҳзодае булиб баҳравар.*

*Солиб уз қулогига шаҳзода ҳам,
Қабул айлагай шоҳи озода ҳам.*

Бундан маълум буладики, Навойнинг уз асарида билдирган панду угитлари шаҳзодага қаратилган, зора уларни "шоҳи озода" узи хам қабул қилар, деб умид қилади шоир. Сарлавҳада хам шаҳзода тилга олиб утилган.

Бу шаҳзода Бадиуззамон булса керак. Гарчи Навой шаҳзодининг номини айтмаган булса-да, у Султоннинг вориси шаҳзода

Бадиуззамон эканига ишонар эди. Чунки у бош угил, ҳаёт тажрибасига ҳам анча бой ҳукмдор эди. Яна гарчи бу уғитлар улут ҳакимлар номидан айтилаётган булса-да, улардан истифода этган ҳолда Навоийнинг узи томонидан ёзилгани айни ҳақиқатдир.

“Ҳамса”нинг якуний қисмида Султон Ҳусайн номига ёзилган мадҳиянинг бири бундай:

*Бари шоҳлар сарфарозини бил,
Скандар сифат Шоҳи Ғозийни бил.*

*Эрур олам аҳли ниғаҳбони ул,
Ниғаҳбон, йуқ, Искандари соний ул.*

Ана шундай бошланиш орқали Навоий Искандар билан Шоҳи Ғозийни киёсловга утади. Бу киёслов ҳаёт ҳақиқатидан узилмаган ҳолда берилган.

Навоий гарчи уз мадҳиясида Султон Бойкарони улуғлашда давом этса-да, баъзан киноялар ҳам қилиб утади. Масалан, шоирнинг ёзишича, Искандар куп хазиначарни қулга киритиб уларни йиғди. Улардан Искандар тилсимини яратди. Шоҳ Ғозий эса купрок уз хазиначарни бор нарчаларни сарф этиш билан шуғулланади.

*Гар ул ганжлар узра қилди тилисм,
Мунга ганж сарф айламак булди қисм.*

Тасвир шу йусинда давом этади. Агар Искандар ҳикмат, уй, мулоҳаза, маслаҳат билан иш тутган булса, бу (Шоҳ Ғозий) таваккал қилмоқни афзал куради.

*Гар ул эрди ҳикмат тариқида чуст,
Бу келди таваккал йулида дуруст.*

Униси душманларини ер билан яксон қиладиган булса, буниси, аксинча душманларига раҳм-шафкат курсатар эди.

*Гар ул қўймади душман этмай табоҳ,
Бу душманларига эрур неқхоҳ*

Навоий Шоҳ Ғозийни таърифлар экан, донмо киноя қилавермайди. Ҳар ишда меъёр булмоғи шарт. Хусусан, подшоҳ туғрисида гапирганда. Шунинг учун гоҳо шоир Шоҳ Ғозийни Искандардан юқори ҳам қўяди. Масалан, Искандар зулматга кириб обихаёт кидирган эди. Шоҳ Ғозийнинг эса ҳар бир сузининг узи обихаёт кабилдир.

*Гар ул обиҳайвон учун сурди от,
Мунинг ҳар сузи келди оби ҳаёт.*

Искандар фитналарни бостириш билан банд булди. Шох Ғозийнинг ерига эса фитнес келмоққа журъат кила олмайди. Искандарнинг халафи (болалари) йук эди. Бунга эса тангри ун олти фарзанд берган. Шундан сунг Навоий шоҳнинг авлодини тавсиф эта бошлайди. Улар ун икки угил, икки набирадир. Улардан иккитаси эса алоҳида тавсиф этилган. Шулардан кейин ҳокимлар томонидан Искандарга, аслида Шох Ғозийга қарата айтилган ҳикматли гаплар келтирилади.

Арасту хирадномаси:

*Халойиққа қилма, қилиб бенаво
Ўзингга раво курмагани раво.*

Фалотун (Плотон) сузи:

*Сипоҳ хотирин лутф ила шод қил,
Раиятни адл айлаб обод қил.*

*Бу иккига сендин қачон етса ком,
Топар шахлигинг равнақу интизом.*

Сукрот сузи:

*Раиятни адлингдин осуда тут,
Фарогат миҳодида (курнасида) уйкуда тут.*

Букрот (Гиппократ) дейди:

*Ғалатдур тамаъ айламак молу ганж,
Не андозасиз гам, не ҳадсиз сурур,
Керак ишда ойини хайр ул-умур,
(Ҳар ишининг уртакчаси яхши).*

Файсоғурс (Пифагор) сузи:

*Керак огзи поку сузи даги пок,
Яна кунгли поку кузи даги пок.*

*Узи чун шиор айлади поклик,
Булур дафъ нопоку бебоклик.*

Аскадинус (Асклепий) сузи:

*Чу шоҳ зулм сори узатти илик,
Очилди улуг зулм уйига эшик.*

*Агар ёшларга боғланса мактаб йули,
Булур гум улугларга мазҳаб (маслак, таълимот) йули.*

Хурмус (Гермес) бундай деди:

*Сахо ул эмасдурки, ҳар булҳавас
Мубоҳат учун сарф этар сийму бас.*

Авалло уз одамларини ва сипоҳни таъминлаш керак. Лукмани очга егизмоқ лозим. Муҳтожларнинг кунглини олиб хурсанд қилмоқ керак.

*Берур луқма ангаким, оч эрур
Олур кунглин онинги, муҳтож эрур.*

Скандар сўзи: У уруш ва юриш қондаларини баён қилади. Жангчида ором булмайди. Шоҳ жасур булмоғи шарт. Туғри сиёсат олиб бормоғи лозим. Ушанда жамоа ҳам унга буйсунганлар ҳам тартибли буладилар.

*Тузук истаган табиъу хайлини
Сиёсатқа туз айласун майлини.*

Етти ҳаким ва Скандар сузларини келтириб булгач, Навоий ёзади:

*Навоий не арз айлагай жуз дуо,
Вале бор анга икки суз муддао.*

Биринчиси, шарият қулини маҳкам ушла.

Иккинчиси, ота-онанг хизматини урнига қуй.

Шундан сунг Навоий шоҳ ва шахзодани дуолар билан алқайди, уларга Скандар сингарни мулк эгаси булмоқни тилайди. Аммо шоир шахзодага унинг учун шоҳнинг узи мураббий эканини айтади, шахзоданинг шоҳ кунгли тилаган ишларни амалга оширмоғини уқдириб утади.

*Бу навъ айлабон шоҳи озодани
Анинг кунгли истарча шахзодани.*

*Аниким, мураббий анга шоҳдур
Қил ул навъким, шоҳга дилхоҳдур.*

Элу юрт хаётининг осойишталигини тилаган Навоий шоҳ ва шаҳзода бир-бирлари билан иттифок булишларини истаб шу угитларни уларга кайта-кайта изҳор этмоқда эди.

Навоий уз “Хамса”сининг охирида улуг шоирлар билан хаёлий учрашуви (истихора) тугрисида ҳикоя қилади. Шунда шайх Низомий “Хамса” яратгани учун Навоийга миннатдорлик билдиради. Низомий сузларини келтирар экан, Навоий яна бир бор Султон Ҳусайннинг унга курсатган меҳрибонликларини таъкидлаб бундай деб ёзган (Низомий тилидан):

*Яна улки, фазл аҳли ҳар не қилур,
Урар лоф ишни мураббий қилур.*

*Ҳунарпарвар ишни буюргувчидур,
Ҳунарвар вале лоф ургувчидур.*

*Чу шоҳинг сенинг соҳиб камол,
Яна оллида қадрсиз мулку мол...*

*Шаҳеким, улус чорасозидурур,
Улус фозили Шоҳи Ғозийдурур*

*Ки тангри фузун айласин давлатин,
Ети чархдин ҳам бийик рифъатин.*

*Ки келди замонида сендек киши,
Ки эрмас ишинг одамизод иши.*

Шундай қилиб, Навоий уз “Хамса”сини яқунлар экан, бу ишнинг илҳомчиси, мураббийси Шоҳи Ғозий Султон Ҳусайнни улугловчи дуолар уқийди, унга миннатдорликлар изҳор этади.

‘СОКИЙНОМА’ДА МАДҲИЯ

“Сокийнома”да ҳамд, наът, чаҳор ёрлар ва меърожга бағишланган боблар йук. У тутридан тутри сокийга хитоб билан бошланади.

*Соқиё, тут қадаҳи шоҳона,
Қатраси лаъл, вале якдона.*

“Сокийнома”нинг биринчи булаги май таърифида. Лекин бу май таржиъбандлардаги сингари тимсолий муҳаббат майи эмас. Бу май узумдан ясалган оддий май – “У лаъл каби кип-кизил”. Унинг ранги оловда кизитилган наъл (така)га ухшаш, кизиллиги яна шох тожига урнатилган лаъл сингари.

*Лаъли кони каби хумдан чиқибон,
Лаъли якдона узумдан чиқибон.*

*Ранги утда қизиган наъл каби,
Тоби шоҳ афсарида лаъл каби.*

Шох ана шу майдан, худди хизр сув ичсаю куйқуми қолган жомни менга узатса эди, деб орзу қилади шоир.

Шундан сунг Навоий шохни улуглайди. Аммо айни замонда жоҳ ила шавкатнинг абадий эмаслигини, умр, давлатда ҳам вафо йуклигини эслатиб утади.

*Йуқ бақо жоҳ ила шавкатга доғи,
Йуқ вафо умр ила давлатга доғи.*

Шох дунёдаги ҳамма ишлар ва гаплардан огоҳ. Шунинг шукронасини қилган ҳолда улардан ибрат ҳам олмоғи лозимдир.

*Шукр анга ким, қилибон шоҳ сени,
Қилди ҳар нуктадин огоҳ сени.*

Бу нукта нимадан иборат? У шундан иборатки, бутун дунёни эгаллаган шохлар, охири қаро ерга кириб кетганлар.

*Қурки, ҳар шоҳни, юруб олди жаҳон,
Барча бордурму қаро ерда ниҳон.*

Шу гапдан кейин Навоий уша йук булиб кетган ҳукмдорларнинг ҳаммасини – Каюмарсдан тортиб то Амир Темургача бирмабир санаб чиқади; сунгра уз подшоҳининг аждоди, яқунлари ҳам утиб кетганликларини айтади. Бу гаплар ҳаммаси Навоий томони-

дан шоҳни хушёрлантирувга қаратилгани аниқ. Шундай уғитнома мисралардан кейингина шоир Султон Хусайн таърифига утади. Султон – у Жамшиди замондир. Барча ҳукмронлар унинг амри-ни ижро этадилар. Султоннинг одамлари калин юлдузлардан ҳам купрок.

*Ки эй улус шоҳи чарх жаноб
Хотиринг бадру кафинг мисли саҳоб...*

Лекин мадҳияда бундай баландпарвоз жумлалар куп эмас. Аксинча, шоир тезрок фойдали уғитлар изҳорига киришади.

*Бевафодур фалаки буқаламун,
Созу оҳангига йуқ бир қонун...*

Дунёни эгаллаган шоҳлардан биронтаси ер остига қумилмай қолмади. Фалак олдин уларни куёшдек баландга кутариб утиргизди. Сунгра эса бирма-бир ҳаммасини тупрок орасига жойлади. Демак:

*Чун бу маъни бу сифат топти раво
Ким, на шоҳ қолгуси боқий на гадо.*

Ана шундай жуда жиддий сузлардан сунг шоир уз панду насихатларини давом эттиради.

*Тангри ёдини унутма бир дам,
Узни гайридин овутма бир дам.*

*Раҳматидин доғи булма навмид,
Ғазабидин доғи ваҳм эт жовид.*

Яъни шоҳ ҳеч қачон тангри ёдини унутмасин, унинг лутфу марҳамати, раҳматидан умидини узмасин; яна Тангрининг газабидан ҳам ҳайиксин. Бу панду уғитлар энди аниқ, кундалиқ ишларга оид фикрлар билан алмаша бошлайди. Энг муҳими, элни адолат билан бошқармок. Адолат ҳар доим сен учун асосий шиор булиб қолсин, деб шоҳга уқдиради шоир.

*Мулку кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла.*

*Тангри ёди чу сенга булди ҳисор (қалъа),
Дод ила адл улус бирла шиор.*

Энг асосий масала шу. Шоҳ адолатпарварликни шиор этса бошка ишлар ҳаммаси қунгилдагидек булаверади.

Навой подшоҳ билан қандай гаплашмоқни билар эди. У панду угитларнинг асосийсини баён этгач, подшоҳнинг кунглига ёқадиган гапларга утади. Чунки подшоҳнинг узи ҳам шундай ишларга мойил булгани ва амал қилгани тарихдан маълум. Узингни овута бил. Ниманки, булиб утган булса, уларга ортикча куйинмагин. Узингни яхши кайфиятда тута бил.

*Чу булар булди, узингни хуш тут,
Ҳар баҳона била кунглингни овут.*

*Бир нафас айшдан булма гофил,
Ки жаҳон мулки зрур беҳосил.*

*Булмагил ҳеч нафас гафлат ила
Адл қил, йуқ эса бул ишрат ила.*

Куп насихат тингламок подшоҳга ёқимли булавермайди. Шунинг учун Навой шоҳга адолатни яна бир бор такрор уқдирадио сунг шоҳ кунглига ёқувчи сузларни айтади. Шундан кейингина хулосага утади.

*Чу фалак боиси гамдур, хуш бул,
Сиймпошандод (сочувчи) согаркаш бул (қадах кутарувчи).*

*Элга сендин чу етар осойиш,
Тангридин айла тамасъ бахшойиш.*

*Чу қилиб лутф ҳей гофур
Динингу охиратингни маъмур.*

“Соқийнома”да Султон номига айтилган угитлар ва мактов сузларидан сунг Навой Султоннинг фарзандларига карата насихатлар қилади. Улар анчагина бор. Бу насихатларни йиғиб чиқилса, махсус бир панднома тузилгандай булади.

Биз ушбу ишнимизда уша пандлардан биттасини диққатингизга ҳавола қилмоқчимиз. Навой соқийга мурожаат қилиб шоҳваш, равшан фикрли, давлат ва базмга оро берувчи бир зотнинг хизматида булмоқни маслаҳат берган. Сунгра уша зотнинг таъриф ва тавсифини қилади.

*Ки эй, шараф авжсида меҳри иқбол,
Боги давлат аро фархунда ниҳол.*

Унинг насаби шоҳлиг. Тангри сенга шунчалар камол берганки, сен хамиша шу юксак даражага муносиб булгин.

*Шоҳлик одамгача зотингга насаб,
Одам авлодида йуқ сенга ҳасаб.*

*Тангри ончаки, сенга берди камол,
Айла лойиқ бу камолингга ҳисол.*

Кейинги насихатлар бу ёш олижаноб зот учун гоҳат фойдали гаплар. Аммо уларга барча ёш авлод риюя килса ҳеч зарар қилмайди, фойдаси эса беҳисоб.

*Фазл касбига куп улғил машғул,
Топмасун йул вале хайлингда узул (четланиш).*

*Сени ҳақ айлади чун гавҳари пок,
Поклар суҳбатидан айлама пок.*

*Поклар ҳодийи покинг булсун,
Қодири пок паноҳинг булсун.*

Навой насихатлар орасида бу ёш одамнинг бодага берилиб кетмаслигини ҳам тайинлаган.

*Бода куфри сари булмас мулмин.
Ҳақдин улди чу лақабинг Мумин.*

Бу йигитча шаҳзода Бадиуззамоннинг уғли Мумин Мирзо экани шундан маълум булади. Афсуски, бу қобилият ва куп фазилатлар эгаси, салтанатнинг умиди булган ёш инсоннинг умри фожиа равишда узилди.



ШЕЪР ДУРДОНАЛАРИ

Навойнинг “Назм ул-жавохир” деб аталган туртлик шеърлар тупламининг сарлавҳасини “Шеър дурдоналари” ёки “Шеърӣ дурдоналар” дейилса булади. Бу туртликлар Ҳазрат Алининг ривояти билан айтилган ва шеърга солинган пайғамбар (с.а.в.) хадислари – хикматли сузларига бағишланган. Навоӣ Алининг адабий маҳоратига юксак баҳо берган. У узининг “Махбуб ул-қулуб” (“Қунғилларнинг севгани”) асариди шеър аҳли туғрисида суз юритганда биринчи булиб ҳазрати Алини тилга олган. Навоӣ бу асариди ёзади: “Бу азиз қавмнинг пешво ва муқтадоси ва бу шариф хайлнинг сардафтари ва сархайли валоят баҳрининг гавҳари ва қаромат авжи мунир ахтари Амир ул мумин Али навараллоху ваҳҳаху (Аллох унинг юзини нури қилсин)дурким, назм девонлари мавжуддур ва анда асрор ва нуқат нолиъдуд” (Алишер Навоӣ. Асарлар. т.14. Б. 24-25).

Маъноси: Бу азиз қавмнинг (шоирларнинг) пешво ва йулбошчиси ва бу шариф гуруҳнинг илғори ва бошлиғи, азизлик денгизининг гавҳари ва қаромат авжининг ёрут юлдузи Амир ул мумин Али...дурки, назм девонлари бор ва унда сирлар ва нозик маъноли сузлар беҳисобдир.

Навоӣнинг “Назм ул-жавохир” асари Ўзбекистонда чуқур ва ҳар томонлама урганилган эмас. “Назм ул-жавохир”нинг матни Навоӣ асарларининг ун беш томлик асарлар тупламида (1968 й.) ва йигирма томлик муқаммал асарларида (1999) Тошкентда нашр этилган. Маъмура Рашидова “Назм ул-жавохир”нинг илмий-танқидий матнини тузиб чиқди ва уни филология фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация сифатида муваффақият билан ёклади (1991).

“Назм ул-жавохир” ҳақида С.Ғаниева, М.Маҳмудов, Т.Ғафуржонованинги ёзган мақолалари ҳам диққатга сазовордир. 1387 (ҳижрий шамсий) йили Техронда “Назм ул-жавохир” сарлавҳасида Ҳазрат Алининг хикматлари ва уларнинг ўзбек, рус, инглиз тилларига таржималари алоҳида рисола сифатида чоп этилди (Тузувчилар: Баҳман Акбарий, Суйима Ғаниева). Бу аслида Ҳазрат Алининг “Наср ул-лаъолий” (“Лаъллар насри”) асаридир.

Биз Навоӣнинг “Назм ул-жавохир” шеърӣ туртликларини ҳазрат Али баёнидаги хикматларларнинг қисқача шарҳлари сифа-

тида ушбу ишни мухтарам уқувчилар диққатига ҳавола этмок-дамиз. Мақсад китобхонларни “Назмул-жавоҳир”даги Навоий берган панду угитларни, уларнинг ҳазрати Али ҳикматлари билан алоқадорлигини намоён этмокдир. Чунки бу адабий-бадиий асар бошдан оёқ таълим-тарбияга доир. “Назм ул-жавоҳир”да Навоий элу юрт ҳаёти тажрибасидая келиб чиққан хулоса ва умумлашмалари оркали эзгулик, инсонийлик, адолат ғояларини кенг тарғиб этади. Кишиларни маънавий юксакликка кутаришга ҳаракат қилади, моддий ва маънавий уйғунлик қандай булмоғи кераклиги туғрисида йул-йуриқлар курсатади.

Умид қиламизки, “Назм ул-жавоҳир”даги Навоий фикр дунёсининг дурдоналари халқ учун, айниқса ёш авлод учун баркамоллик безаклари булиб хизмат қилади.

“НАЗМ УЛ-ЖАВОҲИР”

“Назм ул-жавоҳир” дегани “Шеърӣ дурдоналар” ёки “Шеърӣ гавҳарлар” демақдир. Бу гавҳарлар тизмасини Навоӣ ҳазрати Амир Алининг “Наср ул-лаъолий” (“Сочма дурлар”) деб аталган ҳикматлар туплами асосида тузган. Бу тупламдаги ҳикматлар араб тилида наср билан айтилган эди. Уларни Навоӣ узбек (туркий) тилида шеър билан баён қилди. Бу шеърларнинг ҳар бири бир туртликдир, яъни турт мисрадан иборат.

Бу туғрида Навоӣ “Назм ул-жавоҳир” муқаддимасида ёзган:

*Ёраб, бу жавоҳирларники, манзум этдим,
Чекканим анга ҳар нуктаки, маълум этдим,
Ҳар нуктага бир тараона марқум этдим,
Куп гавҳар анинг зимнида мактум этдим.*

Маъноси:

Эй худо, бу жавҳарларни шеър билан ёзиб чиқдим,
Турли нозик маъноли сузларни териб уларнинг
(мазмунини) маълум қилдим.
Ҳар бир шундай сузга бир оҳанг бердим.
Уларнинг орасига куп гавҳарларни берқитдим.

Энди биз “Назм ул-жавоҳир”даги туртликларни қурмакка ва уларда берқитилган гавҳарларни очмоққа киришамиз.

Ҳазрат Али ривоят қилганлардан биринчиси бундай:

Имону маръӣй йӯърафу би иймониҳи.

Маъноси:

Кишининг имони унинг аҳдига вафосида қурнади.

Демак, кишидаги имон, яъни ишонч, эътиқод унинг уз аҳдига вафодорлигида билинади. Шу фикрни Навоӣ шеър билан бундай баён этган:

*Имони анингки, қуфрива сотир (берқитувчи) эрур,
Чин нукта демакка ул киши қодир эрур,
Ҳар кимсаки, имон ишида моҳир эрур,
Имонини билки, отидин зоҳир эрур.*

Маъноси:

Ул кишики, имони қуфрини йукотар экан,
Чин тоза маъноли суз демакка қодирдир.



Имон ишида маҳорат касб этган ҳар бир кимсанинг
Имони унинг отидан билиниб туради.

Ушбу туртликдаги асосий масала нукта ва имондир. Нукта – чин тоза маъноли суз. Бундай сузни демакка кодир инсон соф имон эгаси булган инсондир. Куриниб турибдики, Навоий асл нусхадаги маънони анча кенгайтирган. Асл нусхада “аймон” аҳдга вафо қилув тугрисида боради. Навоий эса имонга эга булмокни бош ўринга қуяди. Ҳақиқий чин маъноли сузни демокка факат имон ишида моҳир булган зотгина кодирдир. Ким соф имон эгаси булса, бу унинг отиданок англашилиб туради. Демак, ҳамма гап имон, ишонч, эътиқодда саҳоватли булмокликдадир.

2. *Ахука ман асока фил шиддати.*

Фалокат етганда ёрдамга келган киши биродарингдир.

Навоий бу ҳикматни бундай шарҳ қилади:

*Қардошинг эмас улки қуюб бош санга,
Давлат чоғи қилгай узни қулдош санга.
Ким қилди қатиглигда вафо фош санга,
Ул булди ҳақиқат ичра қардош санга.*

Маъноси:

Сен давлатга эга булган чоғингда ёнингда
Сенга бош қуйиб турган киши қардош эмас.
Бошингга оғир кун келганида сенга вафо
Курсатган киши ҳақиқий чин қардошингдир.

3. *Изҳор ул ғаний мин аш шукри.*

Бу ҳикмат гоят ибратли. Бойликнинг куриниши, изҳори шукр орқалидир. Демак, шукр қилган киши ғаний – бой кишидир. Бу маъно Навоий туртлигида бундай шакл касб этган:

*Шукр айлади шиддатда рижо изҳори,
Ҳар меҳнат аро дафъи бало изҳори,
Мол истасанг эт шукру сано изҳори,
Ким шукр демак қилур гино изҳори.*

Маъноси:

(Кимки) Оғир кунда яхши умид билан шукр қилди
Ҳар бир кийинчиликда балолардан қутула олди.
Агар молу мулк тиласанг, шукрона изҳор қилгин.
Кимки, шукр қилса, уша бойликка эришган булади.

Шундан маълум буладики, том маънодаги бойлик борига шукр килмоқдадир. Шундай қилган одам боридан ортигига интилмайдди, тинч ва шукр қилиб яшайди. Асл бойлик (ғино) ана шудир, деб уқдиради ушбу хикмат.

4. *Ад-диб айюлака танфаъухум.*

Бу хикмат кишининг уз карамоғида булганларга (оғла, бола-лар, рафикаси) адаб ургатишни, уларга фойда етказмоқни ташвиқ этади. Бу фикрни Навоий анча кенгайтирган холда ифодалайди.

*Топтинг чу аёл, яхшилик еткурғил,
Ургат адабу яхши қилиқ еткурғил,
Ҳар неча адаб булса қаттиг еткурғил,
Хайлингга адаб қилиб осиг (фойда) еткурғил.*

Агар оила, карамогингдаги кишиларга эга булсанг, уларга яхшилик қилгин. Адаб ургат, яхши қилиқлардан тарбия бер. Адабни қаттиққуллик билан ургатгин. Агар уз оилангни адабли қилиб тарбияласанг, уларга фойда етказган буласан.

Куришиб турибдики, асл хикмат араб тилида буйрук феъли орқали баён этилган. Шунинг учун Навоий унинг маъносини қатъий ва кескин ифодалар орқали бермоқда.

5. *Адаб ул маръи хайрун заҳабиҳи.*

Бу туртлик ҳам адабга тегишли. Адаб кузга ташланиб куришиб турса, у олтиндан яхшироқдир. Навоий ана шу фикрга шоирона либос кийгазган.

*Олтин-қумуш этма касб давлат кунидин,
Қим тортар адаб улусни меҳнат тунидин,
Гар йуқтур адаб не суд олтин унидин,
Элнинг адаби ҳушироқ эрур олтинидин.*

Давлат кун келганида олтин-қумуш эгалламоққа зур берма. Чунки одамларни (улусни) оғирлик кечаларидан қутқарувчи уларнинг адабидир. Агар кишида адаб булмаса, олтиннинг жарақлаган овозидан нима фойда. Элнинг адаби унинг олтинидан кура яхшироқдир. Асл нусхадаги кузга курунувчи адаб олтиндан яхши деган фикрни Навоий кенгрок шарҳ этмоқда.

Даставвал, шоир кишиларни бой, давлатли булган кунда олтин-қумушга ҳирс қуймасликка чакиради. Чунки одамларни оғир машаққатлар тундан қутқарувчи куч уларнинг адабидир. Шунинг учун унутмаслик керак. Бу ерда кун ва тун ёнма-ён келмоқда. Давлат

қуни келганда олтин-қумушга хирс қўймаслик панди уша кунга етишганларга қаратилган. Чунки давлат қуни келмаган шахс умуман олтин-қумушга алоқаси булмайди. Меҳнат тунига дуч келганларни эса уларнинг адаби бу оғирликлардан халос эта олади. Ана шундай тушунтиришлардан кейингина шоир яқунловчи хулосани эълон қилади. Адабнинг олтиндан устунлигини баралла айтади.

Эндиги туртлик (6) бошқача мавзуда. Унда “дайн” – қарз тугрисида суз боради. Ҳикматнинг асл нусхасида “дайн” – бурч маъносида берилган.

Адо уд дайни мин ад дини (“Бурчни уташ диндандир”).

Лекин Навоийнинг туртлиги бу кенг тушунчани маълум равишда конкретлаштирган. Чунончи, Навоий бу ерда “дайн” сузини “қарз” маъносида талкин қилади.

Хуб эрмас дайн муддаоси элга

Ким, қаттиг эрур бурч балоси элга.

Қайтармоқ эрур анинг давоси элга,

Ким диндин эрур бурч адоси элга.

Маъноси: Элга қарз олиш мақсади яхши эмас. Чунки қарз балоси элга қаттиг булади. Унинг давоси қайтариб бермоқдир. Бурчни бажармоқ диннинг талабидир.

Бу туртликнинг аввалги уч мисрасидаги “дайн” – бу қарз. Уни олмоқни муддао этмоқ эл учун яхши эмас. Чунки бу қарзни узмоқ осон эмас. Қарз элга қаттиг балодир. Бу балонинг бирдан бир давоси уни қайтармоқ. Ана шу кундалик ҳаётдаги ҳар бир кишига алоқадор фикрлар изхоридан сунг Навоий охириги туртинчи мисрада хикматнинг асл нусхасидаги фикрнинг соф таржимасини беради: Ким диндин эрур бурч адоси элга.

Демак, Навоий талкинидаги “дайн” – қарз киши учун оғир, уятли, қаттиг балонинг давосини қилмоқ, уни қайтариб туламоқ ва бу балодан қутулмоқ кераклиги тугрисидаги сузлар юқори мисраларда айтилди. Умуман, мумкин қадар қарз олмаслик кераклиги уқдирилади. Шундан кейинги умумий хулоса бурчга онд булиб, унинг диндан эканлиги билан бу хулоса мустаҳкамланади.

7. Эндиги туртлик ёмонликка яхшилиқ билан жавоб бермоққа ундайди: *Аҳсин илаал мусъи тасуддуҳу*. Бу сузма-суз таржимада бундай булади: “Яхшилиқ қил ёмонликка, уни йукотасан”.

Навоий бу уғитни одатдагидек кенгрок шарҳлаган ҳолда баён этади.

*Гар хасм жафосидин сарандоз улгунг,
Доим таабу аламга анбоз улгунг,
Сен лутф этиб агар навосоз улгунг,
Бу важх ила анга сарафроз улгунг.*

Маъноси:

Агар душманнинг жафосидан гамгин булсангу
Доим кийинчилик, аламга тушсангу
(Жавобан) лутф этиб агар яхшилик қилсанг,
Шу сабаб булиб ундан устун чиқасан.

Маълум буладики, ёмонликка яхшилик билан жавоб қилган одам энгиб чиқади. Ёмонликка ёмонлик эса ёвузликнинг кучайишига олиб келади. Ана шу оддий ҳақиқатни Навоий лутф, наво-созликни амалга оширувчи даъват орқали ташвиқ ва тарғиб этади.

8. Ҳикматлар мавзуи турли-туман. Улар ҳаётнинг ҳар хил қуринишларини узида акс эттиради. Агар хозиргина курганимиз туртликда ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш кераклиги туғрисида суз борган булса, ундан кейинги саккизинчи туртлик кишилар уртасидаги садоқатсизликни курсатади. “Ихвану” – қардошлар, биродарлар, яъни яқин кишиларнинг сенинг айбингни пойлаб юрувчилардир, деган фикр арабчада бундай:

Ихвану ҳаза аз замани ба васис уя уйуби.

*Даҳр элики, келди аҳли номус бари,
Қардошлар эрур макр ила маҳбус бари,
Олингда неча қилса заминбус бари,
Лекин бордур айбинга жосус бари.*

Маъноси:

Олам эли гарчи узларини ору номусли деб билсалар-да,
Қардошларнинг ҳаммалари макр тузоғига тушган,
унга тутқун булганлардир.
Улар сенинг олдинда ер упиб таъзим қилиб турсалар-да,
Барчаси сенинг айбингни пойловчи жосуслардир.

Бундан хулоса шуки, ҳузурингда бош эгиб турган айрим яқинларингга куп ишонаверма. Улар маккорлар, сенинг айбингни кидириб топувчилардир. Бас, шундай экан, сирларингни улардан яширинг. Яхшиси эса умуман айбга йул қуйма, беайб бул, деган насиҳат келиб чиқади. Бу утит кишини ҳушёрликка ундайди, ҳар кимга ортиқча ишонч билдирабермасликка, атрофидагиларни билиб, улар-

нинг ана шундай садоқатсизлигидан ҳушёр булмоққа қорлайди. Яна асл нусхадаги “ҳаза аз замани” ифодаси “ҳозирги замон киши-лари” демакдир. Демак, Навоий ана шундай маккорлар сифатида уз замонидаги айрим шахсларни, уз атрофини ураган сохта “замин-буслар” – итоаткорлар ва таъзим қилувчи кимсаларни кузда тутган.

Кишининг руҳий ҳолати турли қуринишларга эга. Гоҳ киши хурсанд, шуҳ, серкулги булади. Гоҳ эса уйчан, хомуш кайфиятда. Эндиги ҳикмат кишининг руҳий ҳолати учун ёқимли ҳолат маъюслик экани туғрисидадир. *‘Истироҳат ун нафси фил йаъси’* (9).

Навоий бу фикрни бундай изҳор этган:

*Ҳақдин дурур элга аҳли таъйид улмоқ,
Навмид улуб толиби тажрид улмоқ,
Чун яъс дурур осудаи жовид улмоқ,
Роҳат етурур нафсқа навмид улмоқ.*

Мазмуни:

Элни бирор нишда қувватловчи факат ҳақдир,
Киши ноумид ҳам булади, тинчланмоқни ҳам тилайди.
Доимий тинч, хотиржамликни маъюслик келтиради.
Рухга роҳат етказувчи ана шу маъюсликдир.

Ҳақдан инсонга бериладиган турли-туман ҳолат ва кайфиятлар ичида энг ёқимлиси ва роҳатбахши маъюслик, ҳазинлик, хомушлик экани шу ҳикмат ва унинг асосида яратилган тўртликнинг туб мазмунидир.

Умуман, Шарқ таълим ва тарбия қондалари орасида бу омил муҳим урин тутади. Маъюслик деганда хафалик, зикликни кузда тутмаслик керак. Бу худди камтаринлик каби қатта бир фазилатдир. Маъюслик жимжит, камтарона узни четда тутмоқ, беҳуда олди-қочди ишлар ва гаплардан четланиш, ортиқча кузга ташланмаслик, тинч ва ювош муомала демоқдир. Ана шундай ҳолат киши руҳига роҳат бағишлайди, деб хулоса қилади Навоий.

10. Бу ҳикмат кийинчилик бошга тушганда уни яширмоқ кераклиги туғрисида. Агар шундай қилсанг мурувват (мардлик, одамгарчилик, сахийлик)дан булади, деб уқдиради бу ҳикмат. *Ихфोъ уш шада оидун мин ал муруввати.*

Навоий шарҳи:

*Олам тарки кишига ҳикматдин эрур
Ким, қун шиддат ул сари рағбатдин эрур.*

*Нафсинга қаю аламки, шиддатдин эрур,
Махфий тутмоқ ани муруватдин эрур.*

Мазмуни:

Агар киши олам ишидан бош тортиб чекинса,
бу унинг химматидандир.
Чунки кимки бу ишларга куп рағбат курсатса,
шунча куп оғирчиликларга учрайди.
Агар сенга қанча оғирликлар туфайли
алам-изтироб етса,
Уни яширсанг шу мардлик, одамгарчиликдандир.

Навойи уз шарҳида, аввало, одамни олам ишларини тарк этмоққа чақиради. Чунки олам ишларига рағбат курсатмоқ кишини куп кийинчиликларга дуч келтиради. Лекин мабодо шу туфайли куп кийинчиликларга учраб алам тортсанг, дейди насихатчи, уларни махфий тут, бошқаларга билдирма. Ана шу сенинг мардлигинг, одамгарчилигинг белгисидир. Демак, мусибатга учраган киши охвоҳ тортиб ҳар бир учраган одамга бу туғрида шикоят қилабермоғи туғри эмас. Балки чинакам инсон булган мард кишилар бундай аҳволни сир тутадилар, уни бировга изҳор этмайдилар, аксинча, мардлик ва чидам билан бошдан кечирадилар.

11. *Бир ул волидаини салафун.* Бу хикматни Навойининг мукамал асарлар туплами 15-китобида “Ота-онага меҳрибонлик меросдир” деб таржима қилинган (230 б.).

Навойи шарҳи эса бундай:

*Иста ота йулида фидо жсон қилмоқ,
Куллуқ онага ҳам улча имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ота-онага эҳсон қилмоқ.*

Мазмуни:

Ота йулида жонингни фидо қилмоқни иста,
Онага ҳам имкон борича куллик қилгин.
Агар ёруғ кунларинг мул булмоғини истасанг,
Донмо ота-онага эҳсон қилгил.

Бу тўртликда ота-онани, утмиш аждоқларни эъзозлаш, уларнинг иззат-ҳурматиния баланд тутмоқ кераклиги туғрисида суз боради. Ота йулида киши жонини фидо қилсин. Онага ҳам имкон борича кул сингари хизматда булсин, унинг таъзим ва эҳтиромини

жойига куйсин. Агар, дейди шоир, сен ёруғ кунларингинг куп ва муллигини тиласанг, уни ота ва онага эхсон килмоқликда кур.

Ота ва онанинг хурматини жойига куймоқ, уларга сндкидил билан хизматда булмоқ энг юксак, олижаноб инсоний бурч. Ҳар бир йигит ва киз, ҳар бир фарзанд бу бурчни шараф билан ижро этмоғи шарт.

12. Бир жойда ажойиб ёзувни укиган эдим: *Мин сабри зафарун*. Яъни “Сабрдан зафар келади”. Ун иккинчи ҳикматда шу мазмун ётади. *Башишр нафсика биз зафари баъд ас сабри*. “Билдиргин узингтаки, сабр туфайли зафарга эришасан”. Демак, барча ютук ва зафар сабрдан кейин келади. Сабр муваффақиятларга асосдир.

Навойи бу туғрида ёзади:

*Нафс уйига сабр ила иморат англа,
Бесабрлигин анинг шарорат англа,
Иш сабр сори анга ишорат англа,
Сабрни зафар сори башорат англа.*

Мазмуни:

Уз уйингга сабр билан иморат килгин.
Бесабрликни эса ёмонлик деб бил.
Сабр билан бориши кераклигини курсат.
Сабр зафарга элтувчи хушхабар эканини англа.

Шундан келиб чиқадики, киши уз ҳаёт учун сабр иморатини тикламоғи лозим. Ҳар қандай ишнинг бориши сабр билан боғлиқ. Бесабрлик ёмонликка, сабр эса зафарга етказади.

13. Ун учинчи ҳикмат яхши ишнинг фойдаси туғрисида. *Баракат ул умри фи ҳусн ил амали* (“Умрнинг баракаси чиройли ишлар билан амалга ошади”). Демак, инсоннинг бутун фаолияти эзгу ишлардан иборат булмоғи керак. Унинг иши гузал булсин. Ушанда инсоннинг умри ҳам узун булади.

Навойи бу пандни изоҳлаб ёзади:

*Ҳақ йулида ҳар кимга ибодат булғай,
Яхши амал асбоби саодат булғай,
Гар яхши амал кишига одат булғай,
Умри бу амал бирла зиёдат булғай.*

Мазмуни:

Ҳақ йулида ҳар ким ибодат килгани сингари
Яхши иш, амал бахту саодатга сабаб булади.

Агар инсон яхши иш қилмокни узига одат қилса
Бу яхши иш орқали унинг умри ҳам узун булади.

Демак, одам яхши иш қилмоққа одатланмоғи лозим. Бу унга худди Ҳақ йулида ибодат қилмоғи қандай зарур булса, шундай заруриятга айланмоғи керак. Яхши иш бахту саодатга олиб келади. Яхши иш туфайли одам узок умр куради.

Шундай қилиб, бу ҳикмат кишиларни яхши ишлар қилмоққа ундайди. Яхши иш деганда тутрилик, ҳалоллик, мухтожларга ёрдам, одамларнинг оғирини енгил қилиш, уксиган кишининг кунглини кутариш, ҳеч қачон бировга ёмонлик қилмаслик кузда тутилади.

Инсон боласи ҳеч кимга ёмонликни раво курмасин. Қулидан келса яхшилик қилсин, қулидан яхшилик қилмоқ келмаса, ёмонлик қилмасин. Ушбу ҳикматнинг том маъноси ана шундай. Бу ҳаққа ибодат қилмоқ қанча зарур булса, шунчалар зарур булган бир ҳолатдир.

14. *Баракат ул маоли фи адоъ из закоти.* (“Молу дунё баракаси закотни адо этишда”). Бу уғитни Навоий бундай баён этади:

*Гар молни асбоби нажот айлагасен,
Дарвешга садқасини бот айлагасен,
Молингдин агар сарфи закот айлагасен,
Купрак булурига илтифот айлагасен.*

Маъноси: Агар молу мулкингни (мухтожликдан) қутулишга сабаб қилмоқчи булсанг, тезда дарвешларга бериладиган садақани бергин. Агар молингнинг бир булагини закот бермоққа ажратсанг, ушанда молингнинг купаймоғига ҳаракат қилган буласан.

Шундан куринадики, мухтожларга хайру садақа қилган киши узини ҳам мухтожликка учрамайди. Агар уз молидан закот бериб турса, охири бориб унинг молу давлати ортса ортадики, камаймайди. Хайру саховат, садақа, закот туламоқ ана шундай яхши оқибатларга олиб келади. Шунинг учун киши улардан узоклашмаслиги, аксинча хайру саховатда, садақа қилмоқ ва закот бермоқда қойим булмоғи керак.

15. Ун бешинчи ҳикмат дунё ишига муносабатга онд. Ҳикматда айтиладики, дунёнинг ишига берилиб кетиб ортиқча ясаниш, бешинчи киришиб кетмоқ хато. Бу билан гуё дузах утини пайдо қилгандек буласан. Агарда дунёдан чекиниш, тарки дунё қилмоқ

мумкин булмаса, охират билан савдода бул. Яъни бу дунё ишини охиратни уйлаб савдолаш. *Баъд ад дунё бил охирати тарбиҳу.*

Навой шарҳида бу хулоса бундай баён этилган:

*Дунё била неча зебу оро қилмоқ,
Ул зеб ила дузах ути бирпо қилмоқ.
Мумкин эмас эрса тарки дунё қилмоқ,
Уқбо била хушдур ани савдо қилмоқ.*

Мазмуни:

Дунёга зебу зийнат бермоқ
Уша зеб билан дузах ути яратмоқдир.
Агар тарки дунё қилмоқ мумкин булмаса,
Уни (бу дунёни) нариги дунёга сотиб қуяқолмоқ керак.

Албатта, Навоий кишиларни дунё ишидан бутунлай кечмоқка чақираётгани йук. У дунё ишида ортиқча зебу зийнатга берилмасликка даъват этмоқда. Ҳаётда кераги йук, зарур булмаган, хатто зарарли хашамат, дабдабаю асъаса, ақл бовар қилмайдиган исрофгарчиликдан четланмоққа, тортинишга ундамоқда. Агарда, дейди шоир, тарки дунё қилмоқ оғир туюлса уқбони – оқибатни уйла, унинг тадоригини кур, яъни кишиларга яхшилик қил, одамларни эзгуликка жалб эт, хайру саховатли бул. Шу нарса сенинг охиратингни обод қилади.

16. *Ҳар кимки, хушӯ уйини маскан қилгай,
Олам сижинин ҳақ анга маъман қилгай.
Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилгай,
Ул ашк анинг кузини равшан қилгай.*

Мазмуни:

Кимки, (худога) сизгиниш, қуллик қилиш уйини
узига маскан этса,
Худо унга олам ишидан омонлик беради.
Кимки Ҳақ ваҳмидан ҳайкиб куз ёши тукса,
Уша куз ёши унинг кузини равшан этади.

Куриниб турибдики, бу туртликда шоир кишиларни худога сизгинмоққа, унга қуллик қилмоққа чақирмоқда. Шунда Худо уларга олам ишларида баракот беради, уларни омонликда асрайди. Худо ваҳмидан қурқиб йиғлаган кимсанинг куз ёшларидан унинг кузи нур топади, ривожланади. Аммо бу ҳикматнинг шакли бошқача-

рок. *Буқоул маръий мин ҳашйат иллаҳи қурратул айни.* Бу ҳикмат “Кишининг оллоҳдан куркиб йиглаши кузни равшан килади” деб таржима қилинган (Алишер Навоий, 20 томлик, 15-т. Б. 230). Бу фикр туртликнинг учинчи ва туртинчи мисраларидаги мазмунга тугри келади. Аммо биринчи ва иккинчи мисралардаги фикр таржимада тушириб қолдирилган. Ҳолбуки, ҳикматда бошланғич фикр “Буқоул маръий” “Назарга олинган ҳаёт”дан иборат. Демак, “назарга олинган”, “этиборга лойик” ҳаёт кузларнинг (“қуррат ул-айн”) “Худодан” (“ҳашйат-иллоҳи”) куркишидандир.

Маълум буладикки, Навоий бу ҳикматни кенг талқин ва шарҳ этади.

Аввало кишининг “хушӯ уйи”ни, яъни Худодан курқув уйини узига маскан этиши тутрисида суз боради. Шунда Худо унга олам юзасини унга тинч, осойишта бошпанага айлантиради. Ана шундан кейингина кузларнинг Худодан куркиши тутрисидаги фикр келади. Буни Навоий тушунарли ва аниқ ифодаларда баён этган.

17. *Батнул маръий адуваҳу* (“Тула қорин кишининг душмандир” маъносида). Бу ҳикмат соғлиқни сақлашга оид. Асл нусха гоят қисқа ва лунда. Образли ифодани Навоий жуда уринли, аниқ тушунчалар орқали ифодалаган.

*Ҳар қимгаки, куп таом емоқ фандур,
Билгилки, нажосатқа тани маскандур,
Қорнинг била дуст булмасанг аҳсандур,
Невчунки, эр углига қорин душмандур.*

Мазмуни:

Кимки куп таом емокни узига ҳунар қилиб олса,
Билиб куйки, унинг тани нажосат уяси булиб қолади.
Қорнинг билан дуст булмаганинг яхшироқ,
Чунки йигит кишига унинг қорни душмандир.

Шоир кишига қорни унга душман экани тутрисидаги панд-утитни конкрет мисоллар орқали асослайди. Куп таом ейдиган одам уз танасини аҳлатгоҳга айлантириб қуяди. Шунинг учун бундай машғулотга одатланмаслик керак. Яхшиси қорин билан дуст-лашмаслик керак. Ана шундан сунг туртликда юқоридаги ҳикматнинг таржимаси келтирилган. Демак, Навоий уз уқувчисини бу ҳулосага олдин тайёрлайди. Унга куп овқат емокнинг зарарини тушунтиради. Бу зарарнинг қандай ва нимада қуринишини очик-

ойдин айтади. Фақат шундан кейингина умумий хулосани баён этади: “Эр углига корни душмандир”.

18. *Букрат ус сабти вал хамиси баракатун.* Мусулмон хижрий таквимида (календарарида) пайшанба ва шанба кунлари алоҳида урин тутади. Бири – пайшанба ҳафтанинг охирги куни. Чунки жумъа – дам олиш кунидир. Шундай қилиб, бу ҳафтанинг тугалланиш куни ва янги ҳафтанинг бошланиш кунлари (панжшанба ва шанба) алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Ушбу ҳикмат ана шу маънони англатади.

“Шанба ва пайшанба тонглари баракалидир”. Бу хулосани Навоий асословдан бошлайди. Яъни даврнинг такрорланиб турувчи эрталари (субхлари) куп. Лекин уларнинг ҳар қайсиси ҳам баракат гавхарлари билан безанган эмас. Ана шундай барака зеварига (безагига) эга булган тонглар пайшанба ва шанба кунлари тонгидир.

*Куп келди замонанинг мукаррар субҳи,
Баракат дуридан топмади зевар субҳи,
Кургузмади они чархнинг ҳар субҳи,
Жуз шанбау панжшанбаи анвар субҳи.*

Мазмуни:

Замонанинг такрорланувчи тонглари куп,
Аммо (баъзилари) баракат дури билан безанган эмас.
Чархнинг ҳар бир тонги ҳам шундай эмас,
Фақат шанба ва пайшанба тонгларигина шундай
баракат безагига эгадир.

19. Куп гапирмоқ, тилни узун килмоқ ҳеч қачон ҳеч кимга яхшилик келтирган эмас. Бу оддий ҳақиқатни куп унутамиз. Навдатбаги ҳикмат шу муҳим мазмунни лундагина баён этган:

Бало ул-инсони мин ал-лисони. “Инсонга бало тилдан келади”.

*Сузидин кишиким, гаму бало ҳосилидур,
Ҳар нуқтада тили деса бало дохилидур,
Бесирфа деган кишига тили қотилидур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.*

Мазмуни:

Киши нимаки гаму бало яратса, тили туфайлидир,
Ҳар маънода тили бир нарса деса у билан бало
кириб келади.

Куп ва мул гапирган кишига тили унинг
улдирувчиси булади.
Хулоса, инсонинг балоси тилидандир.

20. Карам ва мурувват, саховатпешалик, одамларга яхшилик килмок ва ҳеч қачон буни миннат килмаслик ҳар бир олижаноб инсонга хос бир фазилат. Навбатдаги ҳикматда шу тугрида суз боради. *Баррик ло тубтиҳу бил мунна*. “Яхшилик кил, уни миннат билан йуқ қилма”.

Навоний ёзади:

*Жуз жуду сахо уйини манзил қилма,
Имсокни сахо юзига хойил қилма.
Қил яхшилику демакни дохил қилма,
Миннат била яхшилигени ботил қилма.*

Мазмуни:

Саховат, карам, марҳамат уйдан бошка жойда яшама,
Саховатинг юзига тортинчоклик пардасини ёпма.
Яхшилик килгину ҳеч бу тугрида сузлама,
Миннат билан яхшилигингни йукка чиқарма.

Демак, инсон ҳамиша кишиларга лутфу карам килмок мақомида булмоғи лозим. Карам ва сахода тортинчоклик қилиш керак эмас, яъни карам юзига бундай ёпинчик ёпмаслик керак. Аммо қилган яхшилигини фош қилмасин, бу тугрида ҳеч кимга гапирмасин. Чунки миннат бу яхшиликни йукка чиқаради.

Алишер Навоний бу фикрни куп асарларида такрорлайди. Бу ерда ҳам ана шундай олижаноблик узининг бадийи ифодасини топган.

21. Эндиги ҳикматда “Башошат” тугрисида суз боради. Унинг маъноси “мулойимлик”, “очик чеҳралик”, “хурсандлик” булади. Аммо Навоний бу сузни “эхсон” деб таржима қилган. Асл нусха бундай: *“Башошат ул маръий атийатус”²⁹ сонийатун*. Буни “Кишининг мулойимлиги (эхсондан сунг) иккинчи совғадир”.

Асл нусхадаги “Башошати маръий”ни “Амалга оширилган мулойимлик, хурсандлик иккинчи совғадир” деб сузма-суз таржима қилинса ҳам булади. Барибир маъно укувчига тула етиб бормади. Суз нима тугрисида кетмоқда? Совға, эхсон, торттик тугрисидами ё

²⁹ Нашра атийатус Т.15 (1999) с. 140.

мулойимлик, очик чехралилик, хурсандлик хакидами? Бу саволга Навоий аниқ жавоб берган.

Эҳсонки, биравга сийрату сон келди.

Ашколи спехр олдида осон келди.

Эҳсон ҳар неча зеби инсон келди,

Эҳсонда тараб иккинчи эҳсон келди.

Мазмуни:

Бировларга эҳсон ҳам одат булди, ҳам уларга ярашди.

Бундайлар учун осмоннинг мушкуллари осонлик

билан ечиладиган булди.

Эҳсон инсон учун безак сингаридир.

Эҳсондан буладиган шодлик эса иккинчи эҳсондек булади.

Демак, Навоий эҳсон ва эҳсон қилмокни бош уринга қўяди. Эҳсон қилувчиларга бу нарса яхши одатга айланса, уларга ярашиб турса, бундай одамлар учун осмоннинг юборадиган барча оғирчиликлари, чигаликлари осон ечилади. Эҳсон одамга ярашиқли безакдир. Яна эҳсон қилувчига бу эҳсон туфайли келадиган шодлик худди иккинчи эҳсондек булади. Бу шодлик эҳсон олувчи томонидан қилинган миннатдорлик туфайли пайдо булади. Аммо энг муҳими, эҳсон қилувчининг узига ҳам эҳсон ҳузур бағишлайди. Чунки бундай одам эҳсон этмоқдан узи роҳат топади.

22. Таваккал алаллоҳи йақфика.

Аллоҳга таваккал қил, сенга шу етарли.

Бу қонда одамларимиз уртасида кенг шуҳрат топган. Бирор иш олдидан одамлар таваккал қиладилар ва уни бошлаб юборадилар. Чунки оллоҳга таваккал қилмок оллоҳга умид боғламок, унинг кумагига ишонмокни англатади. Бу эса кишининг ушбу ишни яхши натижа билан тугатмоғига ишончини кучайтиради. Шунинг учун ҳикматда оллоҳга таваккал қилмок уни бажармок учун етарли булмоғи айтилган.

Навоий ана шу ишончини мутлақ этмокка, агарда мураккаб бир ишга киришаётган киши Аллоҳга илтимос этиб ёрдам сураса, Тангри унга чорарас (йул курсатувчи, чорасини топиб берувчи) булажагини ёзади. Шунинг учун одам Тангрига таваккал қилиб, яъни унинг қувватлашига умид боғлаган ҳолда ишга киришмоғи лозим.

*Ҳар ишдаки, Ҳаққа мултамас булғусидур,
Иш саъб эса Тенгри чорарас булғусидур,
Ҳар йулгаки, кунгунга ҳавас булғусидур,
Тенгрига таваккул санга бас булғусидур.*

Мазмуни:

Ҳар бир ишда ҳаққа илтимос қилгин.
Агар иш қаттиқ булса тангри уни ечиш йулини курсатади.
Кунглинг қайси йулга кирмоқни истаса,
Тангрига тавакқал қилганинг ҳолда қирабер.

23. *Таъхир ул асръати мин ал иқболи.* “Балонинг кечикиши иқболдир”.

Дарҳақиқат, ҳар қандай ёмонлик, нохушлик, бало юз берадиган булсаю, у сал кечикса ёки умуман ушланиб қолса бу ҳол киши учун яхшилик (узбекларда “Болта келгунгача кунда дам олади” деган мақол бор).

Бу фикрни Навоий шеър билан бундай баён этган:

*Не ишки ёмонлиг улди таъсири анинг,
Йуқ дарду надамдин узга тавфири анинг.
Муқбил агар истар улса тадбири анинг,
Иқболдурур кишига таъхири анинг.*

Мазмуни:

Ёмон таъсир курсатувчи бирор иш булса,
У пушаймон, афсусни орттиришгагина сабаб булади.
Бахтли киши ундан қутулиш тадбирини истайди.
Уша ёмонлик кечикишининг узи ҳам одам
учун иқболдир.

Бу ерда уша ёмонликдая тамоман қутулиб кетмоқ туғрисида суз бораётгани йуқ. Ёмонликнинг кечикмоғи туғрисида гап бор. Демак, ёмонликдан қутулмоқни истаган киши, ҳеч булмаса уни кечиктирмоққа ҳаракат қилсин. Чунки ушандай иш ушланиб қолса, оз фурсатга булса-да тухтатилса, шунинг узи ҳам иқболдир.

24. Эндиги хикмат ҳаёт фалсафасига оид. Унда кишининг умр бошидан то охиригача қилмоғи лозим булган иши туғрисида суз боради. Яъни умр бошида ё унинг давомида юз берган хатоларни умр охиригача тузатмоқ маслаҳат берилган.

Тадорака фи охир ул умри мо фотака фи аввалиҳи. Яъни умр бошидаги қилган хатоларингни умр охиригача тузат.

Навонийда ушбу угитнинг шеърӣй шакли бундай:

*Куллик ишида қисмати авқот айла,
Чун умрга йўқ эътимод бот айла.
Умр аввалида ҳисоби мосот айла,
Умр охирида қазойи мофот айла.*

Дунё ишларини амалга оширмақда (қуллик иши – яъни қулнинг қиладиган ишлари) вақтни тақсимлаб чиққин. Чунки умрга ишониб булмайдӣ, бу ишни тез бажар. Умрнинг бошланишида йул қуйган мосот-маъсият хатоларингни ҳисоблаб чиққин, сунгра эса умр охиригача уша хатоларни тузатмоққа интилгин. Бу туртликда айтилмаган бир фикр бор. У хатога оид. Қул (яъни тирик киши, Аллоҳнинг бандаси) хатодан ҳолий эмас. Шунинг учун панд этувчи маслаҳат берадики, қилган хатоларингни тузатабор, уларни такрорлама. Бунинг учун эса уша хатоларни ҳисоб қилмоқ, буйинга олмоқ керак. Сунграгина уларни тузатмоқ мумкин булади.

25. Эндиги угит торроқ мавзуда. Унда намоз пайти такосул қилмаслик, яъни эринчокликка йул қуймаслик туғрисида суз боради. *Такосул ул маръи фис-салоти мин заъфил иймони* (“Намоз чоғи эринчоклик қилмоқ имоннинг заифлигидан дарак беради”).

Навонӣ ёзади:

*Ҳар кимки, эрур тамом таваккул анда,
Булғуси намоз бетааммул анда,
Ҳар кимки аён этар тагофул анда,
Имон заъфидур такосул анда.*

Мазмуни:

Кимки, таваккулга берилган булса,
Намоз ишини чуқур уйлаб амалга оширсин.
Кимки бу ишда бепарволик қилса, эринчоклик
Курсатса, унинг имони буш экани маълум булади.

26. *Таффала бил хайри танулҳу* (“Яхшилиқдан фол оч, ундан хабар қил башорат билан, шунда ушани (яхшилиқни) бағишлагандек буласан”).

Демак, ҳар ишни яхшилиқка йуймоқ керак, яхшилиқка боғламоқ мақбул. Ушанда сен кишига яхшилиқ бахш этасан. Ана шу фикрни Навонӣ бундай ифода этган:

*Бас кимсаки, меҳнат ичра солди гам ани,
Ким яхши тафъул айлади хуррам ани.*

*Фолеки, ёмондурур айлагил мубҳам ани,
Уз фолини яхшиким, топарсен ани.*

Мазмуни:

Бирор кишига иш асносида гам бошига тушса,
Яхши фол, яхшиликка йуймоқ уни хурсанд қилади.
Агар ёмонрок фол (туғри келса) уни яшир,
Унинг фолини яхшиликка бур, яхши деб топгин.

Куриниб турибдики, Навоий ташвишда колган кишига факат яхшиликни башорат қилмоқ лозим, дея қуймайди. У аввал кишига яхши башорат, фол ёкимли булмоғини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам уша одамга яхшилик фолини қилмоқ лозим. Зинҳор ёмонлик фолини унга гапирма. Фақат яхшилик фоли оркали унинг ахволини яхшилаётган.

27. *Гар даҳр элидан этишса макруҳ санга,
Албатта керак булмаса андуҳ санга,
Ул ишда тагофул улса анбуҳ санга,
Ортар тавфир куҳ то куҳ санга.*

Тагофул ан ил-макруҳи тавфирун ("Макруҳ ишни рад этишда гофиллик қилсанг, у купайиб бораверади").

28. *Меҳмоннинг меҳрин асрагил жон ичра,
Неъмат қалин айла хони эҳсон ичра,
Ҳар неча адад уксук эса нон ичра,
Баракат етурур қалин илик хон ичра.*

Мазмуни:

Меҳмонни меҳр билан жон ичида тутгин,
Унга бой неъматли дастурхон ёзгин.
Агарда нон оз булса ҳам,
Қалин кул (яъни саховатли, меҳрибон кул)
дастурхонга барака бағишлайди.

Куринадики, кул очик булса, киши меҳрли булса, унинг оз неъматли дастурхони ҳам баракали булади.

Асл нусхада факат охирги мисрадаги маъноғина берилган: *Тараҳумо ал аёдийа ало ат таоми баракатун* ("Кулларнинг таом билан меҳрибонлик қилиши барака келтиради").

Навоий ана шу хикматни тулдирган. Уни конкретлаштирган. Мана сизнинг уйингизга меҳмон келди. Уни жон-жон деб иззату

хурмат билан кутмок керак. Мехмонга бой дастурхон ёзмок керак. Агар уйда ноз-неъмат кам булсаю, дастурхондаги ноннинг сони кам булса-чи? Парво килма. саховатпешалик, мехмонга мехрли муносабат, очик юзлилик, иззат ва хурмат шу камбағал дастурхонга хам файз, баракат бағишлайди.

Ҳикматда мехмон туғрисида суз йук. Унда фақат қулнинг тараххумли саховатли (калин) булмоғи айтилган. Навоий эса бу угит шароитини (мехмон келиши, унга мезбоннинг муносабати) қушган. Натижада угит қачон ва қандай адо этилмоғи аниқ булиб қолган.

29. *Татруф би тарк из зунуби* – “Гуноҳларни тарк этишга гайрат кил”.

Оддий, тушунарли ва тугри угит. Гуноҳ килма, килган булсанг уни тақрорлама. Навоий бу угитни ана шу туғри ва лунда айтилган фикрни кенг, умумлашма ҳолида шарҳ этган.

Кунглингга хирад йулин падидор айла,
Бу нақдқа жонингни харидор айла,

Мазмуни:

Кунглингга ақл-идрок йулини курсат
Жонингни шу бойликка харидор эт.

Демак, суз хирад, ақл-идрок туғрисида бормоқда. Жонинг ана шундай бебаҳо бойликка интилсин, унга харидор булсин.

Шундан сунг

*Ҳар ишда хирадни узунга ёр айла,
Журминг таркидин хирад изҳор айла.*

Мамуни:

Ақл-идрокни ҳамма ишда узинга дуст, ёр эт.
Гуноҳинг, хатоларингни тарк этиб,
ақл эгаси эканингни намоиш қил.

Агар асл нусхада ҳикмат “гуноҳни” тарк этмокни ташвиқ этса, Навоий унга, яъни гуноҳнинг юзага келишига сабабчи ақл-идрокнинг йуқлигига қарши чиқади. У ақлли булишга, гуноҳ килмасликка, ақл билан иш тутмоққа чақиради. Навоийда гуноҳ эмас, хирад бош урин олган. Чунки хирадманд киши гуноҳга йул қуймайди. Хирад борлиги гуноҳнинг тарк этилмоғига боисдир.

30. *Тавозуъ ул маръий юкримуҳу*³⁰ (Кишининг камтаринлиги унга ҳурмат келтиради).

*Тавъзимда улки эҳтимоми булгай,
Ул мужсиби иззу эҳтироми булгай.
Ҳар кимки, тавозуъ амри коми булгай,
Ул феъл ила халқ аро киромий булгай.*

Мазмуни:

Кимки камтаринлик билан одоб саклаб юрса,
У иззат, эҳтиромга эришади.
Кимки, одоб ва камтарлик тақозо этган ишни
узига мақсад қилиб олса,
уша феълӣ туфайли эл орасида обру қозонади.

Масала жуда аниқ ва соддагина ҳал булган. Ҳамиша камтарин бул, одоб сакла. Шунда иззат, эҳтиромга сазовор буласан. Сенинг мақсадинг одоб ва камтарлик вазифаларини адо этиш булсин, шунда халқ орасида ҳурмат топасан.

31. *Салосун муҳликотун бухлун ва ҳаван ва ужбун.* Яъни, уч нарса ҳалокатга олиб келади: бахиллик, кибру ҳаво, махфий такаббурлик (ужб).

Бу фикр Навоийда қуйидагича изҳор этилган:

*Уч феъл эрур кишига қотил охир,
Қотиллик аро заҳри ҳалоҳил охир.
Бухл англа бирин, бирин ҳаво бил охир,
Қил ужбни ҳам аларга дохил охир.*

Мазмуни:

Уч феъл кишини улдирувчи – қотилдир.
Яъни қотиллик ичида у тиник заҳар.
Бирининг бахиллик эканини бил, яна бири
кеккайиш, манманлик,
Ужбни ҳам шулар қаторига қуйилади.

Куринишда оддий, камтарин булса-да, ичида узига бино қуйган, ҳаммага такаббурлик билан қаровчи кишилар ужб эгасидирлар. Ужб кибрнинг махфийси. Кибрда кишилар уша феълларини очик-ойдин курсатадилар (А.К.)

³⁰ Тавозуъ”ни фақат “камтарлик” деб тарғибли қилмоқ етарли булмас. У аини замонда одоб, тавъзим, ҳурмат изҳори маъносида ҳам ишлатилади. Чунки тавозеъда ҳам улди ҳилол, қундан қуни қасб этди қамол. (Навоий) – А.К.

Демак, инсон ана шу уч ёмон феълдан узини эхтиёт этсин.

32. *Сулс ул имони ҳайоун ва сулсуҳу вафоун ва сулсуҳу саҳоун*
(Уч нарса имондан: ҳаё, вафо, саҳо”).

Олдинги туртликда киши учун зарарли сифатлар айтилган бўлса, бу туртликда киши учун фойдали фазилатлар тугрисида суз болади. Навоий уларни назм либосида безаб тасвирлайди.

Уч қисм ила имонга бино фаҳм айла,

Аввалгисини ҳаё фаҳм айла.

Иккинчисини дағи вафо фаҳм айла.

Учинчисини билмасанг, саҳо фаҳм айла.

Мазмуни:

Имон биноси уч қисмдан иборат. Буни фаҳм эт.

Биринчиси ҳаёдир, буни фаҳм эт.

Иккинчиси вафодир, буни фаҳм эт

Учинчисини агар билмасанг билиб ол,

бу саҳоватпешалиқдир, буни фаҳм эт.

Жуда содда ифодаларда баён этилган бу ҳикмат кишининг хотирига енгил урнашади. Ёдда қолади. Энди ҳамма гап ҳамиша унга амал қилмоқликда.

33. Илм-фанга ислом катта аҳамият берган. “Илм урганмок ҳар бир мусулмон эр ва мусулмон аёл учун фарздир” деган ҳадис – шиор кенг ёйилган. Муҳаммад пайгамбарнинг илм урганмок учун ҳатто Чингача боргин деган сузлари ҳам кенг шуҳрат топган. Шунинг учун булса керак Ҳазрат Али ҳам олимларга юксак баҳо берган. Аммо ҳикматда бир масала – олимларнинг улими динга раҳна солади, унга дарз келтиради деган фикргина айтилган. *Сулмат уд дини мавт ул уламои.*

Навоий эса илм ва дин масаласини катта куламда кутарган. У аввал илмнинг ҳар бир динга, ҳар қандай одатларга шараф бағишловини ёзади. Сунгра Муҳаммад пайгамбарнинг ҳатто Чинга қадар бориб илм ургангин деган сузларини эслатади. Шундан кейин ҳар бир олимнинг динга безак буладиган урни ва аҳамиятини таъкидлайди. Охири ҳикматдаги олимларнинг улими динга раҳна солажаги фикрини келтиради.

Шундай қилиб, Навоий ҳам динга олимларнинг етказадиган фойдасини бош уринга қуяди, ҳам уларнинг динга безак беришларини очик билдиради. Сунгра эса олимлар улимнинг динни дарз келтиришига оид фикрни баён этади.

*Илм улди шараф дин аро ҳар ойинга,
Бормоқ булур ургангали они Чинга.
Динда уламо мужиб эрур тазйинга,
Улмоқлиқ аларга рахна солди динга.*

34. Ҳирс (очкузлик, тамаъ, беҳуда интилишлар) инсон ҳаётини заҳарлайди. Уни шафқатсизлик билан йуқ қилмоқ керак. Ҳикматда дейилган: *Сулмат ул ҳирси ло йаддаҳу илло-т-туроби* (“Ҳирс етказган рахнани фақат тупроқ тулдиради”). Яъни хирсни йуқ қила олувчи куч тупроқ. Демак, хирсни улдириб тупроқ остига куммак керак. Улуглар хирсга қарши ана шундай кескин ва раҳмсиз курашганлар. Улар қаторида Навоий ҳам бор.

*Ҳирс улса қаноат утига ёқ ани,
Яъники, адам риштасига тоқ ани.
Не раҳнаки ҳирс айлагай, боқ ани
Маҳкам қилгай магарки туфроқ ани.*

Мазмуни:

Ҳирс пайдо булса уни қаноат утида ёқиб юбор,
Яъни уни йуқлик ипига боғлаб қуй (йукот).
Кургил, хирс етказадиган зарарни,
Фақат тупроқгина уни йукотмоғи мумкин
(кабр тупроғи).

Навоий хирсни шунчалар кескин рад қилган. Уни қаноат утида ёндириб юбормоқ керак. Қаноат – бори билан чекланмоқ, озини қабул этмоқ, шикастанафслик демакдир. Навоий хирс сингари тубан нарсага қаноат сингари озодаликни карама-қарши қуяди ва хирсни қаноат утида ёқиб ташламоқни маслаҳат беради. Чунки хирс шунчалар зарарлики, унинг эгаси тупроқ остига кумилмагунгача ундан қутулиб булмайди.

35. *Субот ул мулк фил адли* (“Давлат адолат билан мустаҳкам булади”). Яъни мулк (мамлакат, улка)нинг саботи – барқарорлиги, мустаҳкамлиги адолат туфайли юзага келади. Демак, ҳукмдор адолатни касб этмоғи керак. Навоий ана шу пандни бевосита ҳукмронга қарата айтган.

*Адл айлаки, ул халқ ҳаёти булмиш,
Ҳуш ул кишиким, адл сифоти булмиш.
Ҳам мулк била адл жиҳоти булмиш,
Ҳам адл била мулк саботи булмиш.*

Мазмуни:

Адл айла, у халкнинг ҳаётидир,
Адл сифатига эга одам яхши кишидир.
Адл сабабли мулк барқарор булади,
Ҳам адл билан мулк сақланади.

36. Бу уғит дунё ва охират тугрисида. Унда айтиладики, дунё неъматларидан кура охират учун савоб йиғмоқ яхшироқдир. Бунинг моҳияти шундаки, дунё неъматларига берилиб кетмагин, уларга хирс қўйма. Осойишта, камтарона, қаноат билан ҳаёт кечиргин. Агар шундай қилсак, қупгина муаммолар нафакат хал булар, балки умуман туғилмас ҳам эди.

Савоб ул охирати хайрун мин наъиймуд дунё.
(“Охират савоби дунё роҳатидан яхшироқдир”³¹).

Навоий ёзади:

*Дунёки, утар юрт мисоли булғай,
Анда не иқомат эҳтимоли булғай.
Уқбо хабарики, ло йазоли булғай,
Хушироқ бу наимдинки, холи булғай.*

Мазмуни:

Дунё уткинчи юртга ухшайди,
Унда донм яшамокнинг эҳтимоли йўқ.
Уқбо (нариги дунё) хабари доимийдир,
Ҳозирги наимдан (неъматлар: фаровон ва роҳатли
турмуш учун керакли нарсалар) воз кечмоқ яхшироқдир.

37. *Сун эҳсонака би ло иътизори* (“Эҳсон қилсанг хоксорлик билан уни такрор эт”). Бу уғит эҳсон этувчининг одати, тутган йули, узини тутмоғига оид.

Бу ҳақда Навоий бундай деган:

*Эҳсонки, қилурсен ифтихор айлаб ани,
Оламда улуг иш эътибор айлаб ани,
Ҳеч айлама элга гирудор айлаб ани,
Қилгил ики онча эътизор айлаб ани.*

Мазмуни:

Элга ифтихор билан эҳсон қиласан,
Уни оламда улуг иш деб биласан.

³¹ Китобда “наъийму-д-дунё” дунё роҳати деб таржима қилинган. Ҳолбуки наъиймун неъмат, яъни дунёдаги бор молу дунё, мулк, бойликлар кўзда тутиллади – А.К

Ҳеч уни оламга овоза – шов-шув қилмагин,
Камтарлик билан яна эҳсон этмоқда давом қил.

Демак, эҳсонни ҳаммага куз-куз қилиб амалга оширмаслик керак. Уни камтарин туриб бажармоқ, сунгра эса яна эҳсон қилишда давом этмоқ даркор.

38. *Субот ул нафси бил ғизо ва субот ур руҳ бил ғиноъ* (“Тан овқат билан, руҳ куй билан тирикдур”).

Ушбу ҳикмат ҳаётнинг борлиги, моҳияти: унга мазмун бағишловчи омиллар туғрисида. Инсон жисм (тан) ва руҳга эга. Уларга куч берувчи нарсалар танга овқат, руҳга эса куйдир. Навоий бу фикрни конкретлаштиради, тулдиради. Натижада инсоннинг тирик бўлмоғига сабаб булувчи кучлар бирма-бир тилга олиниб утади.

*Куз топти жамоли дилрабо бирла сабот,
Кунгул доғи васли жонфизо бирла сабот.
Нафс уйлаки касб этти ғизо бирла сабот,
Руҳ айлади жонфизо ғино бирла сабот.*

Мазмуни:

Куз гузал чеҳрани куриб тириклик касб этади,
Кунгул жон бағишловчи васл ила тирик.
Тан овқат билан тириклик топади,
Руҳ эса ҳаётбахш куйлардан роҳатланади.

Демак, Навоий куз, кунгул, тан ва руҳга ғизо буладиган сабабларни санаб чиқади. Уларнинг бирлашмаси инсонга жисмоний ва маънавий куч бағишловини таъкидлайди.

39. Инсон унга мутеъ булганларга марҳамат қилсин. Уларга қилинган раҳм-шафқат, кумак кишининг молу мулкани зиёда этади. Эндиги ҳикматнинг маъноси шундай.

Саноъ ур ражули ала муътиҳи мустазийдун (“Кишининг берувчига раҳмати унинг неъматларини оширади”).

Навоий бу фикрни бундай баён этади:

*Куфрон бирла ҳар кимки узин дун қилгай,
Камлик сари неъматини вожсун қилгай.
Чун шуқрга уз тилини макрун қилгай,
Уз неъматини шуқр ила афзун қилгай.*

Мазмуни:

Кимки курнамаклик курсатиб узини ерга урса,
Неъматни камликка юз угиртиради.

Кимки, уз тилини шукрга бурса, яқинлаштирсан,
Уша шукр оркали уз неъматини янада орттиради.

Навойй уз туртлигига шукр тушунчасини киритган. Кимки, шукр этса, у уз неъматини кўпайтиради. Курнамаклик қилган кимса эса бор неъматини камликка қараб йуналтиражагини айтган.

Бундан кўринадики, ҳикматлар шарҳида Навойй уларнинг асл маъносига боғланиб қолмайди. Аксинча уларни кенгрок шарҳ этмокка ҳаракат қилади. Ушбу уғитнинг асл нусхасида берувчининг эшитган раҳмати бош урин тутса, Навоййда шукрнинг неъматни оширажаги туғрисидаги фикр устун урин эгаллайди. Яна Навойй неъматни қамайтирувчи нарса курнамаклик, бу эса кишининг узини тубанлаштирувчи эканини алоҳида курсатиб утган.

40. Бу уғит саховат ҳақида. Киши ҳар доим саҳий булиши, узидан борини бошқалар билан бирга баҳам куриши керак. *Жуд бимо тажиду садақа ал-амри* (“Нимаики топсанг, садақа қил”)

Навойй бу уғитни анча кенг шарҳ қилади.

*Майдони сахо ичра жалодат кургуз,
Топқонни берур амрига одат кургуз.
Бухл айласа, нафсингга адоват кургуз,
Ҳар нимаки, топилса саховат кургуз.*

Мазмуни:

Саховатпешалик майдонида шижоат кургуз,
Топганингни кишиларга бермокни узингга одат қил.
Агар нафсинг бахилликка мойиллик курсатса унга
душман бул,
Нимаики топсанг, уни саховатта бағишла.

Бу шеърда бош маъно қули очиқ булмок, узгаларга гамхурлик, мадад курсатмок, саховатда койим турмокдир. Шоир ана шуни ташвиқ этмокда. Кишиларни саховат майдонида мард, шижоатли булмокка чақирмокда, топган-тутганини саховат йулига сарф этмокка ундамокда.

41. *Жаҳд ул муқилли касирун* (“Оз бало ҳам кўпдир”)²². Бу фикрни Навойй бундай шарҳ қилган:

²² Китобда бу ҳикмат “фаюр учун оз бало ҳам кўпдир” деб таржима қилинган. Аммо асл нусхада “фаюр учун” деган ифода йўқ. Шунинг учун уни биз асл нусхада қандай бўлса шундай келтирдик. Дарҳақиқат балонинг оз-кўпи йўқ. У ҳамма учун бало – А. Қ.

*Ҳар кимдаки, даҳр ибтилоси кундур,
Йўқ бок агар ҳаққа ризоси кундур.
Борлиқда агар даҳр жазоси кундур,
Йўқсизда вале фоқа балоси кундур.*

Мазмуни:

Кимгаки, дунё ичида куп балолар учраса,
Агар у ҳаққа рози булиб яшаса, бу балолардан
ҳеч қандай қуркинч булмайди.
Бадавлат кишиларга дунё жафо курсатади.
(Ҳеч нарсаси) йукларга эса камбағаллик балоси узи
купрок бало булади.

Дунё одамларни куп балоларга дуч келтиради. Аммо ҳақдан рози булиб яшаётганлар бу балолардан қуркмасинлар. Бор элга дунё жафо қилади. Йўқ элга эса унинг камбағалчилиги, йуксизларга мансуб эканлиги узи бир бало сингаридир.

42. Агар одам хушмуомала, мулойим, юмшоқ феълли булса, у том маънода гузал булади. Шу сифатлар ҳилм деб аталади. Ушбу угит урнашган гузаллик ҳилмдадир деган маънога эга. *Жамол ул-маръий фил ҳилми* (“Урнашган гузаллик мулойимликдадир”)³¹.

Навоний шарҳи:

*Ҳар кимдаки, даҳр ичинда донолиқ эрур,
Ҳилм ила иш анга мажлисоролиқ эрур.
Ойини таҳаммулда тавонолиқ эрур,
Юк чекмак уйла кишига зеболиқ эрур.*

Мазмуни:

Оламда кимки доно булса,
Унинг иши мулойимлик, юмшоқлик билан йигинга
хусн бағишловдан иборат булади.
У сабр-чидамда катта қувватга эга булади,
Оғирликни қутармак унга безак бахш этади.

Демак, киши мулойимлик билан узининг донолигини курсатсин, атрофидагиларга мамнуният бахш этсин, йигинга гузаллик берсин. Чидам ва сабр – тоқатда бундай одам кучли булади, оғирликни ентил қутармак бундай кишига ярашиб уни безаб туради.

³¹ Китобда бу ҳикмат “Кишининг хусни мулойимлигидадир” деб таржима қилинган”. Биз бунга қўшмиламиз. Лекин бу ерда биз асл нусхада қандай дейилган бўлса, шундай тарҷомани бермоқни афзал ҳурдик – А.Қ.

43. Бу угит кимлар билан ҳамсухбат булмок тугрисида. Агар сен яхши ҳамсухбат булсанг, жонингга оро булади. Ҳамсухбатни танлай бил. *Жалис суъи шайтонун* ("Ёмон дуст шайтондир")²⁴.

Навоий ёзади:

*Яхшиликдин топса нишон ҳамсухбат,
Берур сенга осойиши жон ҳамсухбат.
Чун булди малак нафърасон ҳамсухбат,
Шайтон сангаким булди ёмон ҳамсухбат.*

Мазмуни:

Ҳамсухбатинг сендан яхшилик нишонини топса,
У сенинг жонингга роҳат еткази.
Малакка ухшаш ҳамсухбатдан фойда курасан,
Шайтон эса ёмон ҳамсухбатдир.

Туртликда, аввало, қандай одам билан ҳамсухбат булмок тугрисида суз боради. Унда агар одам уз сухбатдошига яхшилик килса, жони тинчланмоғи айтилади. Шундан кейингина одамнинг узига сухбатдош танлови тугрисида суз кетади. Малаксифат сухбатдошдан фойда курасан, шайтон эса ёмон сухбатдош булади.

44. *Жавлат ул ботили соатун ва жавлат ҳаққи илассоати* ("Ботилнинг (беҳуда, булмагур нарса) умри бир соат, ҳақиқатники эса киёмат кунигача).

Бу фикр изхори Навоийда бундай:

*Ботилки, чақилса барқи тобони анинг,
Кузини юмуб очкунча имкони анинг.
Ҳаққим йўқ нафъ ичинда поёни анинг,
Булгуси қисматқача жавлони анинг.*

Мазмуни:

Беҳуда ишнинг яшиндек оловланиб чакилгани
Куз юмуб очкунча фурсатда утиб кетади.
Тинимсиз фойда келтирувчи ҳақиқат эса
То дунёнинг охиригача жавлон уриб яшайбери.

Ушбу хикмат юзаки, беҳуда, булмагур баъзи ишлар оз фурсат кузга ташланиб турса-да, тез вақтда утиб унутилиб кетажанини

²⁴ Китобдаги таржима "ёмон дуст" тугрисида. У шайтонга ўхшаш. У асл мақсадни очик айтган. Аммо бу ерда "жалис" (бирга ултирувчи) тугрисида суз бормокда. Навоий уни "ҳамсухбат" деб атайди. Шунинг учун бу хикмат "шайтонсифат дуст" тугрисида эмас. "шайтоннамо ҳамсухбатдан кочиш" тугрисидадир - А.К.

тушунтиради. Аммо ҳақиқат абадий яшайди. Унинг умри боқий. У ҳеч қачон учмайди, сунмайди, яшайди. Демак, ҳар бир инсон ҳақиқатни маҳкам тутмоғи, унга содиқ булмоғи лозим. Умри қисқа, лекин ялтирок сунъийликдан узини узок тутсин, унинг қисқа муддатли ярқирашига берилиб доғда қолмасин. Бу ҳикмат кишининг узига мос дуст, ҳамсуҳбат топмоғига оид. Узбек тилида “ухшат-магунча учратмас” деган гап бор. Яъни кишилар узларига фикран, маслак ва ғоя жиҳатидан ухшаш одамлар билан топишадилар ва дустлашадилар. Ушбу ҳикматда шу фикр баён этилган.

45. *Жалис ул маръи мислиҳу* “Кишининг ҳамсуҳбати узи каби була-ди”. Навоий бу тушунчани анча кенг баён этади.

*Йуқ олам ичида фардлик меҳнатидек
Ким, кимсага қилса ёрлик нисбатидек.
Булғуси хисоли ёрининг хислатидек,
Бордур кишининг чу феъли ҳамсуҳбатидек.*

Мазмуни:

Оламда ёлғизликнинг оғирлигидан ортик нарса булмайди, (Шунинг учун) киши кишига ёрлик қилмоғи керак. Одамнинг сифати дустининг хислатларига мос келади. Шунинг учун одамнинг барча хатту ҳаракати ҳамсуҳбатиникига ухшаш булади.

Бу ерда жалис – ҳамсуҳбат кишининг доимий ҳамдами, яқин кишиси, дусти маъносидадир. Ҳар бир йиғинда тасодифий ҳамсуҳбат буладиган кишилар бундан мустасно, албатта.

46. Сузнинг қисқа ва мазмундор булмоғи ҳамиша таъкидлаб келинган. Шунинг учун ҳам “Чин суз муътабар, яхши суз мухтасар” (ҳаққоний, чин суз эътиборли, сузнинг яхшиси эса қисқаси) деган гаплар бор. Шунинг учун ҳазрат Али ҳикматларида ҳам сузнинг нимаси яхши, нимаси ёмонлигини билдирувчи ифодалар бор. Унда *Жавдат ул-каломи фил ихтисори* (“Сузнинг яхшиси – қисқасидир”) дейилган.

Навоий ушбу афоризмни бундай шарҳ этган:

*Ҳар кимсаки, суз демак шиорида турур,
Маъни гули нутқининг баҳорида турур.*

Мазмуни:

Кимки бир суз айтмоқчи булганида (билиб қуйсинки) Маъно гуля унинг нутқи баҳорида булади.

Маълумки, гул баҳорда очилади. Демак, сузнинг маъноси ана шу “нутк баҳорида” булмоғи керак. Албатта, ҳар кимнинг нимани хоҳласа, шуни гапирмоғи мумкин. Яъни,

Сузким десун улки ихтиёридадурур
(“Нимани сузламоқ унинг ихтиёрида”).

Лекин умумий қатъий қоида битта: суз қисқа булмоғи керак. Шунда у яхшилик билан қарши олинади.

Суз яхшилиғи чу ихтисорида эрур.
(Сузнинг яхшилиғи унинг қисқалиғида!)

Биз ҳам шарҳ чузилмасин деб сузни шу ерда қисқа қилдик.

47. *Жалис ул-хайри ганиматун* (“Яхши ҳамсухбат ганиматдир”). Бу фикрнинг Навоий баёнидаги шакли бундай:

Ёреки, тегар бировга озори анинг,
Ақл олдида тенгдурур йуқу бори анинг.
Ёреки, эрур ҳамида атвори анинг,
Курмакка ганимат улди рухсори анинг.

Мазмуни:

Бировга озори етадиган шерикнинг
Ақл олдида бору йуги баробар.
Хуш феъл ёрнинг феълу атвори ҳам,
Унинг очиқ чехраси ҳам сенга ганиматдир.

Куриниб турибдики, Навоий бу ҳикматни икки булақдан иборат қилиб тузган. Биринчи булақда кишига озор етказувчи шерикнинг қилиқлари шунчалик ёқимсизки, унинг бору йуги тенг. Эҳтимол, ҳатто ундай шерикнинг булмагани афзал. Иккинчи булақда ушбу ҳикматнинг маъноси очик ва шундайича келтирилади. Агар ёр-дустнинг феъли-атвори мактовга сазовор булса, унинг ёқимли рухсори ҳам ганимат. Бунинг каддини билмоқ ва асрамоқ керак.

Шундай қилиб, Навоий ҳикматнинг доирасини кенгайтирган, унга ёқимсиз шерик туғрисидаги тушунчани киритган. Бу тушунча қаршисида ёқимли феъл-хуй эгаси булмиш ёрнинг рухсори ганимат эканини очик, руйи-равшан ифода этган.

48. *Жудеки, хирад буюрса тобеъ булғил,*
Нафс айласа бухл амрига монёъ булғил.
Озу куп аро бир сузумга сомёъ булғил.
Куп бергилу озга лек қонёъ булғил.



Мазмуни:

Ақл эҳсон-саховатни буюрса, унга буйсун.
Агар нафс бахилликни амр килса уни бажарма,
унга тускинлик кил.
Оз ва куп туғрисидаги бир сузимга ҳамниша
кулоқ сол
Куп бергину озга қаноат кил.

Бу ҳикмат асл нусхада бундайдир: *Жуд бил касири ва қонеъ бил қалили*. Унинг китобдаги таржимаси эса “Бераётганда куп бер, олишда оз билан қаноатлан” деб берилган.

Ҳикмат асл нусхада буйруқ феъли оркали ифодаланган: куп саҳо кил, озга қаноат кил. Куриниб турибдики, бу ерда олиш туғри-сида гап йуқ. Узингда боридан одамларга купрок бергин. Яъни са-ховатпеша бул. Узинг эса озга қаноат килмоққа одатлан.

Навойи уз туртлигининг биринчи булагиди (1- ва 2- мисралар) ақл ва нафсни қарама-қарши қуяди. Гар ақл эҳсон – саховатни амалга оширмоқ лозим топса, сен унинг айтганини килгин. Лекин нафс бахилликни такозо килса, унинг сузига кирма, унга монё бул, дейди шоир. Ана шундан кейин Навойи бу ишни қай йусинда бажармоқ угитини берган: Куп бергин (бошқаларга), узинг эса озга қаноат кил.

Демак, Навойи бу ҳикматни ақл ва нафс билан боғлайди. Ҳам-да ақл сузи билан иш килмоқни, нафснинг интилишини эса рад килмоқ лозимлигини маслаҳат беради.

49. *Жалас ал-фуқарои таздад шукран*. “Камбағаллар билан ул-фат бул, шукронангни купайтир”. (Китобда: Камбағаллар билан суҳбатда булиш шукрни купайтиради. Бу ҳикмат бевосита камба-ғаллар билан суҳбат қуриб ултирмоқни маслаҳат бермоқда. Чунки ушанда камбағалларнинг уз оғир ахволидан шикоят килмай шукр қилиб яшаётганларини қуриб улардан ибрат оласан ва узинг ҳам шукрона килмоғингни орттирасан.

Навойи:

*Жаҳл аҳли била кимгаки, улфат булғай,
Ул улфати ичра юз минг офат булғай.
Фақр аҳли била ангаки, суҳбат булғай,
Шак йуққи, зиёда шукри неъмат булғай.*

Мазмуни:

Кимки жаҳл аҳли билан улфат булса,
Бу улфатчилик унга юз минг офат келтиради.
Кимки фақр аҳли билан суҳбатда булса
Ҳеч шубҳасиз, зиёда шукри неъмат булғай

Навоийнинг бу хикмат доирасини кенгайтирганини курамит. Шоир масалага диалектик ёндашади. Агар ҳадисда камбағаллар билан купроқ улфатчилик қилиб уз шукроналарини оширмоқ тугрисида суз борса, Навоий олдин жаҳл аҳли улфатчилигидан қоч, чунки ундан сенга юз минг офат булади, деб огоҳлантирмоқда.

50. *Гардунки, халойиққа вафоси йуқ анинг,
Жавр ичра кичик-улуққа поси йуқ анинг.
Ҳар кимки, кичик булса бақоси йуқ анинг,
Сен они улуқ билки, фаноси йуқ анинг.*

Мазмуни:

Осмоннинг халойиққа вафоси йуқ.
Жавр қилишда катта-кичикка қарамайди.
Сен йуқ булиб кетмайдиганнигина (яъни
худони) улуғ зот деб бил.

Бу хикматнинг асл нусхаси бундай: “Жалла ман ло ямуту”. Яъни буюк зот улмайди. Туртликда ҳам Навоий олдинги туртликларга хос диалектик ёндашувни қуллаган. Унда кичикнинг доимийлиги йуқ экани, улуғнинг абадий барҳаётлигига зид қуйилади. (Улмайдиган, доимий бор бу – Худо). Булмаса осмоннинг меҳрсизлиги, вафосизлиги каттаю кичикка баробар. Улуғнинг улуғлиги унинг улмас эканлигидадир. Шунинг учун хикмат эгаси Али ҳам, унинг таржимони Навоий ҳам “Сен они улуқ билки, фаноси йуқ ани” деб фаноси йуқ худонигина улуғ деб билмоқ керак, деб пандугит қилмоқдалар.

51. *Ҳилм ул-маръи авнуҳу* (“Ҳилм инсон мададкоридир”). Бу хикмат китобда кенгрок таржима қилинган: Кишининг юмшоқ феълли булиши унинг мададкоридир. Бу таржима шарҳ сингари. Аммо Навоий дарҳол бу хулосага кела қолмайди. У аввал бу хулосага асос яратади. Кишига энг яқин нарса унинг ниши, қилиқлари. Бунда у сабр-тоқатли булмоғи керак. Иш асносида унга айримлар ёрдам курсатмоғи мумкин. Лекин унинг энг яхши ёрдамчиси узининг юмшоқ феълли (хилм) ҳам сабр-тоқатли булмоғидир.

*Ҳар кимки, иши таҳаммул изҳори эрур,
Албатта муқорин анга кирдори эрур.
Йуққим мадад ичра улу, бу ёри эрур.
Ким ҳилми, таҳаммули мададгори эрур.*

Мазмуни:

Кимнинг иши сабр-бардош курсатмок эса,
Унинг энг якин нарсаси унинг ишидир.
Бу ишда унга у, бу кишилар ёрдам берадилар.
Лекин юмшоқ феъли (хилми) ва сабри-тоқати
унинг (энг яхши) мададкори булади.

52. Марднинг безаги адаб – асл нусхадаги “Хулий – ир – рижол – ил адабу”ни сузма-суз шундай таржима килинса булади. Китобда бу умумлашма ҳолда берилган: Кишиларнинг безаги – одобдир³⁵.

Навойнинг ёзишича, кишига ярашикли безак бу тож эмас, балки адаб ва ҳаёдир. Адабсиз кишининг иши чала, юлук булади. Мард кишига безак адабдир.

Навой туртлиги:

*Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил.
Ҳар кимки, адабсиздир ишин абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб зевар бил.*

Мазмуни:

Кишига безак булувчи нарса тож эмас, билиб куй,
Балки адаб билан ҳаё ярашикли безакдир, шуни билиб куй.
Ким адабсиз булса унинг иши чаток булажагини билиб куй,
Хулоса, мардларга, эранларга адаб чин безакдир, билиб куй.

Навой бу фикрни ҳар доим уқдириб келган. Шоир “Ҳайрат ул-аброр”нда ёзган эди:

*Элга шараф келмади жоҳу насаб,
Элга шараф келди ҳаёу адаб.*

53. *Ҳаё ул-маръи сатруҳу* – “Ҳаё унинг пардасидир”. (Китобда: “Кишининг ҳаёси унинг пардасидир”). Демак, ҳаё парда. У кури-ниши лозим булмаган нарсаларни ёпиб туради.

³⁵ Бундай таржимага эътироз билдириб бўлмайди. Лекин биз ўз таржимамизни бердик. Чунки бизга шу асл нусхага яқинроқ кўринди. Аммо адабнинг ҳам рижол (эркак) ҳам нисо (айл) учун безаги аён ҳақиқат. А.К.

Навой бу фикрни шарҳ этар экан, хаёни кукларга кутаради. У бор шоирлик кучи билан хаёни улуглайди. Ана шундай юксак таърифлардан кейингина хаёнинг хижоб, никоб сифатидаги урнини таъкидлаб утади.

Навойнинг ёзишича, хаё – офтоб. У шараф осмонинияг энг юксак (авж) даражасида туриб нур сочади. Хаё – булут. Унинг ёмгири туфайли бахт-саодат бустони камол топади.

Хаё ёмон киликларга ёпинчиқ (беркитувчи).

Хаё элнинг кузига тортилган парда сингаридир.

Энди шу тавсифларни шеърда укйимиз:

*Авжи шараф узра офтоб улди хаё,
Бустони саодатга сахоб улди хаё.
Мазмун хасоилга хижоб улди хаё,
Эл айнига гуёки никоб улди хаё.*

Мазмуни:

Шараф авжидаги куёш хаёдир,
Саодат бустони учун (суб тукувчи) булут хаёдир.
Ёмон хислатларни беркитувчи хаёдир,
Эл кузига никоб (булувчи) хаёдир.

54. Маълумки, айтиладиган суз ҳам, ейиладиган овқат ҳам инсоннинг оғзи билан боғлиқ. Шунинг учун шоир асосий мавзу килиб оғизни олади. Шундан оғизга олинадиган емиш ва айтиладиган суз туғрисида ёзиб, бу мавзудан чуқур мазмунли ахлоқ ва тарбия, одоб ва муомала туғрисидаги хулосани баён қилади.

Навой ёзади:

*Гар захр била кишига ком улса ачиг,
Юз ончаки суз ила мудом улса ачиг,
Ҳар неча мазоқ аро таом улса ачиг,
Хушроқдурур, андинки, калом улса ачиг.*

Мазмуни:

Захар туфайли кишининг оғзида аччиқ пайдо булади,
Яна суз билан ҳам кишининг оғзи аччиқ булади.
Таом қанча аччиқ булса, у ҳеч нарса эмас.
Бу аччиқлик аччиқ суздан кура яхшироқдир.³⁶

36 “Назм ул-жавоҳир” буйича ушбу рисолати 2003 йилда Тошкентда ёза бошлаган эдим. Аммо уртада узиллиш пайдо бўлди. Ниҳоят энди – 2011 йилнинг 2-февраль - чоршанба куни уни давом эттирмакка киришдим (А.Қ.).

Демак, оғизнинг захардан аччиқ булиб унга озор етмоғи оғиздан чиккан аччиқ суз билан бировга озор етказмоғидан кура яхшироқ. Хуллас, оғиздан аччиқ суз чикмасин.

Ҳазрат Али ривоят қилган ҳадис асли эса бундай: *Ҳамузот ит-таоми хайрун мин ҳамузот ил-каломи.* (“Таом аччиқлиғи суз аччиқлиғидан хушроқ”).

Навойи Ҳазрат Алининг хикматини шеърга туширар экан, уни биринчи байтда оғизга захр била аччиқлик булмоғини, бу эса таом орқали оғизга тушади, оғиздан чиқадиган аччиқ суз билан киёслайди. Сунг Алининг гапини тасдиқлаб, таом аччиқлиғи суз аччиқлиғидан кўра яхшироқлиғини таъкидлайди. Яна шунга диққат қилмоқ керакки, таом аччиқлиғи кишининг узигагина озор етказади, суз аччиқлиғи эса уни уша кишидан чиккан суз тинглаётган кишига озор беради. Шунинг учун “Халойикни этма қилиб бенаво, узингга раво курмагани раво” (Навойи).

55. Алишер Навойи бу фикрни шарҳлаб, дейди:

Ҳиддат ул маръи тухликуху. (Али)

Ғазабли булмоқ (кишини) улдиради.

Табъ ичра эрур таҳаммул оmezлиги,

Андин ортиққи, ваҳшат анғизлиги,

Жам қасди агар қилса ғазабрезлиги,

Алқисса кишини ултурур тезлиги.

Бу шеърдаги туртинчи мисра Али хикматининг айнан таржимаси. Лекин Навойи бу таржима билан чекланмаган. У аввал кишининг сабрли, чидамли, булмоғини эслатади. (“Таҳаммул оmezлиғи”). Лекин одамдан ундан ҳам ҳайбатли, қурқинчли хислатлар бор. Айниқса, унинг ғазабли булмоғи жонига қасд қилиб туради. Демак, чидамли, сабрли булмоқ урнига қурқинчли, ғазабли булмоқлик уни улдиради. (Тахликуху – ултурур). Ғазабдан сақланнинг, дустлар!

56. Пасткаш, тубан кишилар туғрисидаги туртлик асли зоти кишининг турмушида қатъий аҳамиятга эга булиши туғрисидадир. Узбек мақоли: “Қазисан, қартасан, охир аслингга қайтасан”. Ушбу туртликнинг мазмуни шунга туғри келади.

Ҳазрат Али сузлари уша маколга ҳамоҳанг. *Ҳуррам ал-вафоу ли ман аслаҳу*. Яъни кимнинг асли паст булса, унинг учун вафо харомдир¹⁷.

Навоий бу фикрни анча шарҳлаб беради. Унинг ёзишича, беасллар (зоти пастлар) хурсандлик, яхшиликка муносиб эмасдирлар. Уларга бундай ишлар харом. Уларга жафодан бошқа ҳар қандай иш харом. Бундай кимсалар фақат жафогагина муносибдирлар.

*Беасл ҳалойиққа сафо келди ҳаром,
Ҳар ишки, эрур гайри жафо келди ҳаром.
Ҳам жавр асл эл аро келди ҳаром,
Ҳам асли йуқ эл ичра вафо келди ҳаром.*

Куриниб турибдики, Навоий уз талкинида Али айтган фикр доирасини кенгайтирган. Агар Али беаслларга вафо харом деган булса, Навоий асл зотлар учун жафонинг харом булиб қолажагини таъкидлайди. Яъни асл зотлар жафо чекмасликлари керак. Шундан кейингина бу беасллар (асли йуқ эл) ичида вафо булмаслиги, уларга жафонинг харом эканлигини билдиради.

57. Эндиги туртлик олдингининг акси. Яъни агар беасллар учун вафо харом эса, ҳусни хулк эгалари учун бу сифат ганиматдир. Уни сақламоқ лозим. Навоий бу фикрни яна шарҳлашда давом этади. Чунки фақат Алининг айтгани *Ҳусну-л-хулқи ганиматун* (“Яхши хулк ганиматдир”) сузларини Навоий кенг шарҳлайди. У олдин бадхулклар тутрисида сузлайди. Улар узларининг ёмон киликларини яхши деб биладилар. Халқнинг тинч, осойишта, оромда булмоқларини тан олмайдилар. Аммо шуни билмоқ шартки, кимнинг феъли-хуйи ёмон булса, у фақат машаққат чекади. Шунинг учун яхши феълни ганимат тутмоғ лозим.

58. Навоий ҳар доим касбу ҳунарни юқори баҳолаган. “Назм ул-жавоҳир”даги ушбу туртлик ҳам шундан далолат беради.

Ҳазрат Али уз ҳикматида соддагина қилиб “Ҳирфа ул таръи канзуҳу” (Касби унинг хазинаси) дея қўяқолган. Навоий эса бу фикрнинг доирасини кенгайтиради. У даставвал косиб суратини чизади. Косибнинг кафи, унинг кунжи (бир чети) олтин йиғадурган жойдир. Икки қули эса олтинни улчовчи тарозу каби. Ана энди

¹⁷ Ҳаром – фойдаланиши, истеъмол этилмоғи шарият томонидан тақиқланган нарса, иш харом деб қўрсатилади лутатларда. Демак, Али зоти пастлар учун вафо харомдир, демоқда Улар вафо ҳам юлмайдилар, вафога ҳам муносиб эмаслар (А.К.)

косибни, унинг хунарини шу қадар кадрлагандан кейин шоир деярли афоризм шаклидаги мисрани топган: “Ким булса хунарсиз иши уқ ранжи эрур”. Бу узбек мақолини эслатади: “Хунари йук кишини, мазаси йук ишини”. Ана шундай хунар, касбга оид фикрлар изхоридан кейингина Ҳазрат Али хикматининг таржимаси келади. У фақат бир мисрани ташкил қилади.

*Косиб кунжи кафи зар алгинчи эрур,
Икки қули мезони дирамсанжи эрур.
Ким булса хунарсиз иши уқ ранжи эрур,
Бу вазеҳ шлаким, хунари ганжи эрур.*

Демак, асл нусхада косибнинг хунари туфайли ҳазина эгаси сингари булиб кетмоғи айтилган булса, Навоий туртлигида ҳам хунар эгасининг узгалардан нима билан афзаллиги айтилади. Яна хунарсиз кимсанинг иши фақат озор чекмаклиги курсатилади. Шундан кейингина хунар унинг учун ҳазина каби қимматли экани курсатилади. Шу билан Навоий кишиларни касбу хунар эгаси булмокка, шу орқали уз турмушини яхшилашга чақиради.

59. *Хаф аллоҳу таъмана гайруҳу* (Али). Бу жумланинг таржимаси бундай: “(Худодан) қурққан одам душмандан омонликка эришади”. Одатига қура Навоий ҳар бир хикматни тулдиргани каби бу хикматни шундай узбекчага ағдариб қўяқолмаган. У Ҳақнинг (яъни худонинг) бемалоллигининг, омонлигининг, тинчинини сақлашига эришиб жон топасан, деб ёзади. Душмандан эса чексиз хавфу хатар кураман. Сенга умидларинингни ҳар доим юзага чиқарувчи (яъни худо)дан қурқсанг, ҳар қачон душмандан қутуласан.

60. Бу туртлик яхшилик, яхши дустлик туғрисида. Навоий Али сузларининг аксини келтиради. Али деган: *Хайр ул асҳоби ман йадуллака ала хайри*. “Сухбатдошнинг яхшиси сени яхшилик сари йуллайди”. Навоий эса сузни шар (ёмон) яқинлардан бошлайди. Дустларинг, яқинларинг орасида қимки сени ёмонликка етакласа, ушани ёмон деб бил. Шундан кейингина шоир кимнинг яхши эканлигини тушунтиради. Ким сенга яхшилик йулида бирга булса, уша яхши дустдир.

*Асҳоб аросида ани бил шарлик,
Ким шар сора айлагай диловарлик.
Яхши ул эрурки, айлабон боварлик,
Қилгай сенга яхшилик сари ёварлик.*

Яъни, дустининг ёмони сени ёмонликка бошлайди.

61. Нафс ва унинг амрига буйсунмаслик кераклиги тугрисида куп ёзилган. Ҳазрат Али ҳам *Халаф нафсака тастариҳу* деб лунда айтиб куяколган (Нафсингни тий, уни кайтар). Навоий бу фикрни ҳам мазмунан, ҳам шаклан анча улгайтган. Навоий уз укувчисини огохлантираднки, у нафс амрига буйсуниб куп ҳаракатлар киласан. Лекин билгинки, шундай қилиб бутунликка эришмоқчи булсанг, эл билан бирга бул, унга ялингин. Нафсингга хамиша қарши чикқин. Ушанда тинч ва хотиржам яшайсан, дейди.

*Нафс амрида ҳар нечаки талпингайсен,
Куп гарчи бутунлик тиласанг сингайсен.
Ком истаб неча элга ёлинггайсен,
Нафсингга халаф айлаким, тингайсен*³⁸.

62. *Халил ул маръи далил ул диниҳи.*

*Ҳар кимки, назари шамъ яқин келди анга,
Дин аҳли гадоий хушачин келди анга.
Қил анга назарки, ҳамнишин келди анга,
Ким соҳиби-уқ далили дин келди анга.*

Бу туртлик “Кишининг дусти унинг динига далилдир” деб таржима қилинган (15 т. Б.231). Бу ҳикматнинг шарҳи кенгрок булмоғи керак. Шунинг учун Навоий гапни узоқдан бошлайди. Кимгаки, шамъ яқинрок келса, унинг бошоқчиси дин аҳли булади. Назар сол, ким у билан ҳамсуҳбатдир. Уша одам (соҳиб) унинг динидан далолат бериб туради.

Бу фикрни тор маънода тушунмаслик керак. Уша ҳамсуҳбат бошқа динга мансуб булмоғи мумкин. Бу ҳар иккала дин соҳибининг бир-бирига зидлигини англатмайди. Аксинча, улар уртасидаги узаро ҳурмат ва бағрикенгликни курсатади.

63. Бойлик молу мулк эгаси булмоқ ҳар бир даврда ва тарихий шароитда купчиликнинг орзу-умиди булиб келган. Аммо Ҳазрат Алининг бир ҳикмати бу тушунчанинг тамомила тескарисини англатади.

Хулув ул қалби хайрун малаъ ил кийси – “Қалбнинг соф ва сафолн булмоғи чунтакнинг тулалигидан яхшироқдир”.

³⁸ Нафс сузининг икки хил маъноси бор: 1) шахс, вужуд, гавда, там, яъни ўзи; 2) кишининг маъний орзу-ҳавасга бўлган табий майли, истаги. Бу ерда нафсинг иккинчи маъноси кўзда тутилмоқда (А.К).

Бу фикрни Навоий кенгрок тушунтиради. Агар одам боласи камбагаллик томонидан эзиб ташланган булса, парво қилмасин. Чунки унинг кунгли сафоли булса, шу юксак даражадир. Чунтакда бир дунё молнинг булмоғидан кура, кунгилнинг соф ва сафоли булмоғи яхшироқдир.

*Ҳар нечаки, кимса фақр помоли эса,
Ғам йуқтур агар сафо кунгул олий эса.
Ғар кисса аро тула жаҳон моли эса,
Хушроқ андин агар кунгул холи эса.*

64. *Хулус ул-ваудди мин ҳуснил аҳди.* Бу ҳикмат узбек тилида бундай эшитилади: “Аҳду паймоннинг яхшилиги аҳдлашувчиларнинг гузаллигидир”.

Бу гапнинг кенгрок шарҳини Навоийда уқиймиз:

*Аҳдингнинг агар бор эса мезони дуруст,
Асра ани иқбол нигоҳбони дуруст.
Ҳар дустки, суз ичра десанг ани дуруст,
Холисдур агар бор эса паймони дуруст.*

Аҳду паймоннинг дурустлик тарозуси, улчови бош масала. Бу аҳду паймонни бахт-саодат сокчиси сифатида карамоқ керак. Бундай иш холис булмоғи шарт. Дустлар орасида яхшиси аҳду паймони холис (беғараз) булгандир. Ана шундай дустни яхши дуст деса, булади. Курниб турибдики, Навоий ҳикмат маъносини уз шарҳи билан ҳам кенгайтирган, ҳам безаган.

65. Аёллар тугрисида ёзилган шеърлар, васфу таҳсинлар беҳад. Аммо Али уз ҳикматида бу масалага гоят амалий ёндашган. Унинг айтишича, аёлларнинг суюклиси ва туғувчиси яхшисидир¹⁹. *Хайрун нисо ил-вадуд ил валуди*”. Аммо Навоий бу йулдан бормаган. У даставвал хотинлар тугрисида айтилган икки мисрани уз туртлигига киритган:

*Хайли зуафони бевафолик фанидур,
Хийла уйи ул гуруҳнинг масканидур.*

Бу байтда, албатта, фақат хийла уйини узига маскан қилиб олган бевафо хотинларгина кузда тутилади. Умуман, аёллар тоифаси

¹⁹ Навоийнинг Мухаммал асарлар туплами 15-жилдида (Т., 1999) бу 65-гўртлик бундай таржима қилинган: Хотиннинг яхшиси – суюкли ва хуп туғадигандир. Мен Али ҳикматида хуп курмадин Чунки валуд кўп туғмоқин эмас, балки, умуман, фарзанд курмоқин англатса керак (А.К.).

эмас. Бу шеърдаги “хайл” (туда, жамоа), “гурух” каби сузларнинг ишлатилмоғи ҳам шундан далолат беради. Демак, бу байтда барча хотинлар эмас, бир гурух вафосиз ва хийлагар аёллар ҳақида суз боради. Чунки Навоийдек аёллар гузаллигининг илҳомли куйчиси, Ширин, Лайли, Дилором, Мехрнос, Луъбати чиний каби идеал аёл кахрамонлар бадий сиймоларини яратган ижодкор, аёллар тон-фаси ҳақида бундай умумий баҳо бермоғи мумкин эмас.

Туртликнинг кейинги икки байти эса Алининг ҳикматини сал кенгайтирган ҳолда такрорлайди. Бундай кенгайтириш эса Навоий томонидан куп сузининг кушилганидир. Бунда Навоий нафақат шоир, балки давлат арбоби сифатида, демографик сиёсатни кузда тутган булиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

*Яхшиси деса киши куп севганидир,
Куп севса ва куп тугса аҳсанидир.*

Бу фикримиз ҳам Навоийнинг Али ҳикматларини нафақат таржима қилгани, балки уларни гоҳо тулдириб берганини курсатиб туради.

66. Молу мулк тугрисида юқорида бошқачароқ маънода айтилган эди. Унда (63-туртлик) кунгулнинг холи экани чунтакнинг тула булганидан яхшироқ, деб Али ва Навоий инсон қалбининг пок, соф, бегам, беандухлигини таъриф этганлар. Ушбу 66-туртлик унга ҳамоҳанг куринади. Ҳазрат Али деган: *Хайрул моли мо анфақа фи сабил ил лоҳи*. Буни 15-жилдда (147-б.) соддагина ва тушунарли қилиб, “Молинг Аллоҳ йулида сарф булгани – яхшироқдур” деб таржима қилинган. Лекин Навоий бу тугри гапни шунчаки, таржима қилмоғи тугри келмас эди. Шунинг учун шоир бу фикр изҳорини бор молни нималарга сарф этилажагидан бошлайди. Купинча мол турли мақсадлар учун, кибру ҳаво йулига сарф этилади. Май, жом, жонга ором берувчи куйлар тингламоққа харж қилинади.

*Молинги, эрур кому ҳаво йулида харж,
Жоми майу лаҳни жонфизо йулида харж.*

Энг ёмони эса, риё (юзаки куриниш, икки юзламалик, алдамчилик) йулида мол сарф этмоқдир. Ана шундай салбий ҳолларни рад этиб булгач, Навоий асл мақсадга кучади. Энг яхшиси молни Худо йулига, яъни одамларга яхшилик қилмоққа, эзгулик ва хайрли ишларга, Худо қандай йул курсатган булса, шунга сарф этмоқ яхшидир.

*Бордур ёмон айламак риё йулида харж,
Яхшиси эрур, булса худо йулида харж.*

67. Бу туртлик умумжахоний, умуминсоний ахамиятта эга. Яъни тақдирда, казода ниманки содир булса, уни ризолик билан кутмоқ керак.

Калб давоси шудир дейди, Али: *Даво ул қалбур ризоу бир қазо.*

Навой бу хулоса билан чекланиб колмаган. У айтадики, хар бир киши чархнинг эски байроғи остида булмоғи керак. Юрагида осмон дарди булмоғи лозим. Кимки, кунглидаги дардларни кет-газмокчи булса, қазо туфайли юз берган хар бир ишни ризолик билан кутмоғи лозим. Бу гапларнинг асосида машаққатларни чидам ва сабр билан енгмок, чарх келтирган дардларни токат билан қарши олмоқ ташвиқ этилади (“Бошга тушганни куз кўрар” – узбек маколи).

Мана Навоийнинг уз сузлари:

*Хар кимга ливойи чарх фарсуд керак,
Кунглида спехр дарди мавжуд керак.
Хар кимгаки, кунгли дарди нобуд керак
Хар неки, қазодин улса хушнуд керак.*

68. Бу туртлик хирсни ёмонлайди, уни рад этади. Ҳазрат Алининг “Доъун нафси ил хирсу” деган хикмати Навоий туртлигининг охириги мисрасида уз таржимасини топган: “Ким нафсга (узингга – нафснинг иккинчи маъноси – А.К.) хирсдан етур дард охир”.

Шунинг учун олдинги уч мисра мазмунини, хирснинг ёмонлигини, яъни очкузлик, таъмагириликнинг одамни хору зор килмоғи мумкинлигини исботлашга қаратилган. Навоий гапни жавондмардликдан бошлайди. Асл маънода жавонмард буламан десанг (жавонмард – эр йигит, мард, сахий, очик кулли) факир йулига кир ва хирсни йул чангига айлантириб юборгин. Хирс утида ёниб дарду балоларга дуч келмагин, деб уғит беради Навоий. Чунки хирснинг ёмонлиги сенга аёндир.

*Гар айтур эсанг булай жавонмард охир,
Қил хирсни фақр йулида гард охир.
Хирс утидин булма дардпарвар охир,
Ким нафсга хирсдин етар дард охир.*

69. Бу хикмат яна хирс, очкузлик хақида.

*Ҳирс офатини нафс ҳавоси билгил,
Куймоқ ани нафс муддаоси билгил.
Нафсингга алам ҳирс балоси билгил,
Кечмак мундин анинг давоси билгил.*

Бу туртликда Навоий ҳирс ва нафс туғрисида суз юритмоқда. Нафсининг икки хил маъноси туғрисида юкорида айтиб утилди.

(Нафс – интилиш; нафс – уз). Биринчи мисрадаги нафс учинчи маъносида. Яъни ҳирс офати уша интилишнинг авж олишини англатади. Уни куймоқ, тарк этмоқ, йукотмоқ кишининг (нафсининг, яъни узининг) муддаоси булмоғи керак. Ҳирс балоси сенинг узинг учун катта алам етказади. Агар у оламдан қутилмоқни тиласанг, хирсдан тамомила кечмоғинг керак. Навоийнинг бу сузлари билан Ҳазрат Алининг ҳикмати худди хулоса каби бирлашиб кетади.

Доъун-нафси ва наъл⁴⁰-ҳирсу

Ҳирснинг тескари иш қилмоғи узингга офатдир.

70. Бу туртлик икки бир-бирига зид келган одамлар уртасидаги муносабатга бағишланган. Ҳазрат Али деган: *Дори ман жафока таҳжислан лаҳу*. Бу жумланинг таржимаси бундай: “Кимса сенга жафо қилса ҳам ундан уялиб муроа қил” (15 ж. Б.231).

Навоийнинг шарҳи эса бундай:

*Ҳар кимки, сени раво қурар шиддатига,
Сен қупроқ иштиғол эт анинг хизматиға.
Ҳар тутмас ул ҳариф уз хислатига,
Сен лек мадоро қил анинг хижлатига.*

Навоий демоқдаки, агар бирор киши сенга каттик, шиддатли (қупол) муомала қилмоқни узига эп курса, сен ҳам унга қуполлик билан жавоб қилма. Аксинча, яна унинг хизматида бул ва тиришиб бу иш билан машғул бул. Сен шундай ҳаракат қилгинки, сенинг бу ишинг охири уни хижолатда қолдирсин. Сен унинг хижолат чекишига ёрдам курсат, қувватлагин (мадори қил). Ҳар қандай киши ҳам бир инсон-ку. У уз нолойик ишидан хижолат чекмоққа қодир. Шунга кумақлашув даркор. Бунинг учун эса ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш лозим.

⁴⁰ Навоий МАТ 15-жилдида бу ҳикматдаги “наъл” – инжиклик дейилган (Б. 231). Бу нотўғри эмас. Лекин “Навоий асарлари лугати”да (Т., 1972) “наъл” – “тескари қилмоқ, чатоқлаштирмоқ” маъносига эга эканлиги ёзилган (Б. 455). Эҳтимол, бу ерда шу таржима қупроқ тўғри келар (А.Қ)

71. Эндиги туртлик суз тутрисида. Сузлаш кобиляти факат инсонга берилган. Бошка бирор вужуд бунга эга эмас. Шуни кузда тутиб хазрат Али сузнинг ахамиятини бундай ифодалаган: *Далилу ақл-ил-маръи қовлуху* – “Суз ақл далилидир” (Бир француз файласуфи ёзган экан: кур киши бошка биров тутрисида дебди: “У сузласин, биз уни курайлик”. Демак, суз кишини хатто курларга ҳам унинг кимлигини курсатар экан). Лекин Навоий бу оддий, аммо чин ҳақиқатни шундай таржима қилиб куя қолмаган. Навоий одил одамнинг одил суз билан иззат-хурмат топажагини ёзади. У сузни дур деб баҳолайди. Бу дурлар уша одамнинг ишидаги тартиб, интизомни курсатмоғи, хатто уни ташкил этмоғини айтади. Ақли одамларнинг максади соғлом фикр қилиш булганидек, уларнинг ақли қандай эканлигини курсатувчи уларнинг сузлари эканлигини билдиради.

*Одамки, демак била киромийдуру бас,
Суз дурри ишининг интизомидуру бас.
Сихҳат ончаки, ақли ақл комидуру бас,
Ақлига далил анинг каломидур бас.*

Шундай қилиб, Навоий одатдагидек факат туртинчи мисрадагина Али сузининг таржимасини берган. Шу билан суз, сузлашув инсон учун қанчалик ахамиятга эга эканлигини тушунтириб утган.

72. Бу туртликдаги биринчи мисра олдингидаги каби суз таърифи билан бошланган. Унда Навоий кимнинг қандай эканини унинг сузи орқали билишдан кура купрок ишидан билмок мумкинлигини ёзади.

*Кимни тиласанг билай мақолин англа,
Аслини десанг англай фиолин англа.*

Уша кишининг асл моҳияти, қандай шахс эканлигини эса унинг феъли-хуйи, хатти-ҳаракати, қилган ишлари курсатиб туради.

Аслин десанг англайин фиолин англа.

Қилмишларига қараб эса асл ҳоли қандай эканини билмок мумкин. Факат шундай тушунтиришлардан кейингина хазрат Алининг айтганлари *Далилу асл-ил-маръи феълуху* – “Асли кимлиги унинг феълу хуйи, ҳаракатларида куринади”.

Бу галнинг туппа-туғри таржимаси Навоий туртлигининг охириги мисрасида келади.

Аслига далил анинг ҳисолин англа.

Демак, Навоий ҳазрат Али таржимони эмас, унинг ҳикматлари маъносини кенг шарҳ этувчи шоир, ҳақим сифатида иш олиб бо- раётгани бу туртликда шундай кузга ташланиб туради. Агарда Али инсон феълени унинг аслига далил деб билган бўлса, Навоий ки- шининг ҳам сузи, ҳам феъл-и-хуйи, ҳам қилмишлари унинг ким экан- нини билдириб туражагини таъкидлайверади.

73. Ҳазрат Али дустлар, оға-инилар билан бирга булмоқ, уч- рашмоқ, уларни курмоқ ва суҳбатидан баҳра олмақ шодлик ва хурсандликнинг бардавом булмоғига сабаб булади деган. *Давом- ус-сурури бируят ил-ахвон*. Навоий уз туртлигини дуолар билан бошлаган. Қардошлар ҳамиша бирга булсинлар. Оралари узилиб қолмасин. Уларнинг юлдузлари ва сайёралари ҳамиша баланд- да ярқираб турсин. Агарда улар бир-бирларини соғиниб қолсалар, учрашувдан узоқлашгудай булсалар, бунинг чораси қуришувлари, бир-бирларига назар туширувлардир. Шу нарса шодлик сабабчиси.

*Қардошлар очилмасунким оралари,
Фаррух булсун кавкаби сайёралари,
Васл ила йироқлашувларининг чоралари
Ким, келди фараҳ мужиби наззоралари.*

Куриниб турибдики, Навоий дустлар уртасидаги бирдамликни қувватлайди, уни сақлашга чақиради. Дустлар, оға-инилар ҳамиша бир-бирлари билан учрашув, қуришувга одатлансинлар, дейди. Шо- ирнинг айтувича доимий шодликнинг боиси шу.

74. Бу туртликда Навоий муқбил (иқбол эгаси) ва нокас (паст- каш, гайри инсоний) шахслар туғрисида сузлайди. Муқбилларнинг ишларида қуп латифликлар, ёқимли куринишлар содир булади. Бахтсизлик, иши олдинга босмаслик (идбор) улардан узоқда бу- лади. Шундай ижобий ҳоллар баънидан сунг шоир бошқа тоифа туғрисида суз бошлайди. Улар нокаслар. Буларнинг иши айни касо- фат. Уларнинг молу давлати кишиларга етган офат сингаридир. Демак, Навоий жамиятдаги икки бир-бирига тесқари тоифаларни қарама-қарши қуймоқда. Бирининг ишида латофат бор (муқбил- ларда). Иккинчисининг молида эса элга касофат, офат етади.

*Муқбиллар ишида қуп латофат, билгил,
Идборда ул эл аро масофат билгил.
Нокаслар ишин ани касофат билгил,
Давлатларини эранга офат билгил.*

Ҳазрат Али эса уз ҳикматида фақат нокасларни танкид қилади. Уларнинг одамларга зарар, офат етказишдан бошқа иши йуқлигини билдиради. *Давлату-н-навода офат ар-рижולי* – “Нокасларнинг давлати – кишиларнинг офати”.

75. “Шарҳ халқлари мақоллари” китобини уқиганда бир мақол кузга ташланган ва эсда қолган эди. “Қарзсиз турмуш бадавлатликдир”. Ҳазрат Али ҳам қарзнинг кишига ҳазинлик (ғам) келтиришини ёзган: *Дай-ал-маръи ҳузнуҳу*, яъни “Қарз кишининг ғамидир”.

Навойи бу фикрни шарҳ этиб ёзадики, ҳар бир киши учун дирҳам озор ва нохушлик билан чатишиб кетади. Қарз ҳар бир кишидаги ғамга ёр, дардига ҳамдам. Яъни уша дарду ғамни қупайтиради. Қарз берган одамни қурмоқ эса қарздор учун мотам қабидир. Охириги мисра эса ҳазрат Али гапининг айни таржимаси. Алқиссаки, қарздорлик бурчи одамнинг ғамидур.

Шундай қилиб, бу тўртликда кундалиқ турмушнинг бир ёқимсиз қуриниши – қарздорлик ва унинг киши бошига қанча ташвиш ва ғам келтириши узининг аниқ аксини топган.

Ҳар қимсақим, бурч ранжининг дарҳамидур,

Ғамининг ёрию дардининг ҳамдамидур.

Қурмақлиги вомхоҳи⁴¹ мотамидур?

Алқиссаки, бурч одамнинг ғамидур.

76. Адолатпарварлик гоёларининг бадий ташвиқи “Назм ул-жавохир” таркибида анчагина бор. Бу ҳазрат Али томонидан қуп аҳамият берилган масаладир. Навойининг ижтимоий қарашларида эса адолат, адл, адолатпарварлик бош урин эгаллайди.

Ҳазрат Али деган: *Давлат ул-мулуқи фил-адли* – “Мулкнинг (яъни мамлакатнинг) давлати адолатдадир”. Давлат сузини бу ерда ҳукмронлик сифатида қабул қилмоқ тўғри булади. Демак, ҳукмронлик, унинг қуч-қуввати адолатдадир. Яна адолат билан бошқарилмоқда булган мамлакат обод булади.

Навойи ана шу фикр, ҳулоса, ҳикматни бундай шарҳ этади:

Шаҳ уббаҳату ҳашматидур адли била,

Иқбол дағи шавқатидур адли била⁴².

⁴¹ Шу мисрада “вомхоҳи”дан кейин “анинг” сўзи тушиб қолганга ухшайди (А.Қ.).

⁴² Нашрларда “Иқбол дағи шавқат эрур адли била” деб ёзилган. Гарчи маъно жиҳатидан бу ерда фарқ бўлмаса-да, шеър қондаларига ҳилофдир. Чунки “ҳашматидур” сўзига ҳофиядош “шавқатидур” тўғрироқ булади. “Адли била” эса радифдир (А.Қ.).

Демак, Навоий айтмоқдаки, шоҳнинг шону шарафи, ҳиммати унинг адлида, адолат билан иш бошқарувида. Унинг бахту саодати, шавкати ҳам ана шунда. Яна Навоий бу фикрни мустаҳкамламоқ учун адолатнинг олам эли учун зийнат, зеб, безак эканини ҳам айтмоқда. Шундай муфассал изоҳлардан кейингина Ҳазрат Али сузларининг айнан таржимасини беради.

Олам эли амонатидур адли била.

Султонларнинг давлатидур адли била.

77. Шундай баланд даражадаги мулоҳазалар баёнидан кейин келадиган туртлик турмушдаги салбий қурунишлардан бири – бахиллик танқидига қаратилган. Унда Ҳазрат Али деган: – “Бахилнинг динори (олтин тангалари) тош қабидирлар”. Яъни бахил кимса бир умр динорларни йиғадн, сақлайди. Фойдали ишларга сарф этмайди. Шу билан у олтин тангалар бир бефойда тош булиб қолаверади. Кучли айтилган гаплар. Гарчи мазмуни бир дунё эса-да, бир жумла холос. Навоий бу шеърнинг мазмунини баён этишда у зурнатган шарҳ талабига кура, аввал бахилнинг узи кимлиги тугрисида суз очади. Бахил кимса азалдан, уз қисматига кура пул йиғишга мубтало булди. Узининг йиққан пулларини – олтин ва кумуш тангаларини элу юрт фойдасига сарф этмайди. Чунки бахил уларни харж қилишдан қизганар, харж этилиб кетмоғидан қурқар эди. Натижада унинг йиққан тангалари⁴³ беҳуда жамланган тошлар булиб қолди.

Жам этмак азалда топти тақсим бахил,

Ким этмади сийм элга таслим бахил.

Чун харж қилур чоғда қура бийм бахил,

Тош ҳукмидадурки, жамъ этар сийм бахил.

78. Ҳазрат Али уз ҳикматида дейди: *Дум ало казам ил-ғайзи таҳмуду овоқи бака*. Бунинг таржимаси бундай берилган: “Жаҳлга йул берма, шунда оқибатлари мақталади” (15жилд, Б.231).

Аммо Навоий бу ҳикматли фикрни албатта шарҳ этади. Агарда сен яхши таърифга сазовор булмоқчи булсанг (таҳмуду) нималар қилмоғинг керак? Навоий шу саволга жавоб бермоқни истади. Яъни мактовга эришмоқ учун қандай ишлар қилмоқ лозимлигини бирма-бир санаб утади. Биринчидан, бировнинг гуноҳини кечир-

⁴³ Навоий Али ҳикматидаги “динор” (олтин танга) сўзини “сийм” (кумуш) деб ишлатган. Навоий даврида сийм сўзи кўпроқ ишлатилган бўлса керак (А.К.).

мокни узингга одат кил. Иккинчидан, яхшилик килгил, кишиларга куп фойда курсат, токим узинг ҳам куп фоида топасан. Учунчидан, умуман, эл ғаму ғуссасини, машакқат ва кулфатларини йук қилиб ташламокни узингга мақсад қилиб ол. Шундай қилсанг, оқибатда сен элу юртнинг таҳсинига эришасан.

Куриниб турибдики, Навоий Ҳазрат Алининг ҳикмати шарҳида бутун бир эзгулик низомини тузиб чиккан.

*Таврунда гуноҳ кечурмоқни мавжуд эт,
Суд қилубон бу навъ беҳад суд эт.
Эл ғуссасини сингурмоқни мақсуд эт,
Бу шева била оқибатинг маҳмуд эт.*

79. “Исёнчининг ҳалокати уз түгёнида”. Ҳазрат Алининг бу ҳикмати ғоят қисқа, ғоят мазмундор. Унинг асли бундай: *Зарр ут-тогий фи түгъаниҳи*.

Навоий бу ҳикматни аниқлаштирган, уни кундалик сиёсий машгулот билан боғлаган ва амалий маслаҳат билан тулдирган. Навоий ёзади:

*Фармон хатин айлагил рақам жон ичра,
Түгён рақамини ташла найрон ичра.*

Демак, юкоридан берилган буйрук хатини жон ичида тутгин, унга буйсунмаслик, каршилиқ курсатмокни ташлаб юбор.

Кейинги байтнинг мазмуни мураккаброк.

*Тогийки, узин солмади фармон ичра
Куй нофармон халқни түгён ичра⁴⁴.*

Эхтимол, кейинги түгён сузи бошка маънодадир?

80. Бу туртлик тоат-ибодатга оид. Ҳазрат Али тушунтирадики, битта гуноҳ ҳам куп. Мингга тоат ҳам оз. *Занобун воҳидун касирун ва алфу тоатин қалилун*.

Навоий бу ҳикматни олдин уни эшитувчи билан боғлайди. Гар деди, шоир, сен зухуга шерик, улфат эмас эсанг, агарда фиску фу-журга уралашиб қолмаган булсанг, (билиб куйки) биттагина гуноҳ купдир; куп тоат-ибодат эса оздир.

⁴⁴ Навоий бу мазмундаги фикрни кўп изҳор этган. Бир ғазалда шоир ёзган:

*Десагки, курмайим ситез (огирлик, душманлик, кулфат) замонидин ҳама дам,
Замонни куи туту, қилма замона бирла ситез.*

Бу байт ҳам тоғийларга қаратилган кўриниб турибди (А.Қ.).

*Гар эмас эсанг зухуга дамсоз ҳануз,
Фисқ ичра қилур эсанг току тоз ҳануз,
Куп англа бир улса журм носоз ҳануз,
Гар минг эса тоат эрур оз ҳануз.*

81. Зикр ул-авлиёи тунзиъ ур-рахмата, дейди Али. Бунинг маъноси эса бундай: “Авлиё сузлари раҳмат (меҳрибонлик) бағишлайди”.

Навой бу ҳикматни шундайича шарҳ қилган. Унга бирор қушимча қилган эмас. Авлиёлар сузи, уларни эслаш, билиш кишига яхшилик, эзгулик, меҳрибонлик бахш этади. Улар элга раҳмат етказадилар, уларни ёдлагил, эслаб узинга раҳмат ҳосил қил, деб угит беради шоир. Шундан сунг авлиё (валийлар, азизлар, яхши фикр эгалари) сузлари, уларнинг ёди кишиларга меҳрибонлик, яхшилик келтиради, деб хулоса қилади.

*Халқ ичра ҳақ авлиёсини бил раҳмат,
Ул хайлдин улди элга мойил раҳмат.
Зикр айлаб аларни ҳосил раҳмат⁴.
Ким зикрлари айлади нозил раҳмат.*

82. Навбатдаги туртлик Навой учун энг нафратли, энг чиркин бир иллат – таъмага қарши қаратилган.

Зул ул-маръи фи таъмаи дейди Ҳазрат Али (“Тубанлашув тамаъдандир”). Таъма – юлғичлик, узгадан бирор нарса ундирмоққа интилиш, манфаатпарастлик, порахурлик, ҳаромхурлик, қуйингки, шуларга ухшаш разил иллатлар. Навой таъманинг ашаддий душмани булган. Навой каби олижаноб зотлар ҳаммалари таъмага нафрат билан қараганлар. Ҳазрат Али ҳам шу жумладандир.

Таъма йулида узини хорликка мубтало этувчи булганлар “Таъма хорлигин буйнига олган азизлар ибтилоси” Навойда каттик ачиниш ва куйиниш ҳиссини туғдирар эди. Ушбу ҳикматга Навойнинг шарҳлари ана шу фикрни тасдиқлайди.

Навой ёздики, ҳар кимки таъма балосига учраган, уни узида касб этган булса, сахий кишиларнинг унга яқин булганларидан ни-ма фойда бор. Ушалардан агар таъмагир бирор нақд нарса ёки пул олабилганидан у иззат-ҳурмат топмайди. Аксинча, уша кимса узининг таъмагирлиги туфайли хорликка, тубанликка, пасткашликка

мубтало булади. Таъмадан четланинг, нафратланинг, узингизни хорликка булгаманг. Навоий шархнинг туб мазмуни шу:

*Ҳар кимки, таъмадурур гирифторлиги,
Не суд анга аҳли саҳо ёрлиги.
Иzzат бермас нақду дирам борлиги,
Ким булди таъмадин кишининг хорлиги.*

83. Навоий подшоҳлар хизматида киши қандай машаққатлар чекмоғини яхши билар эди. Чунки унинг узи бутун онгли ҳаётини шу хизматда кечирган. Шунинг учун у шох ёнида булмок, унинг зиёфатини емок, унинг дастурхонидан бирор нарса тотимок канчалар ёкимсиз эканини билдириб ёзади:

*Шаҳ хони гамин қуйки, тарабни уртар,
Иссиқ оши турку арабни уртар.*

Яъни шохнинг дастурхонидаги иссиқ ош ҳатто шодликни ҳам куйдириб юборади. Хох турк, хох араб булсин барини куйдиради.

*Тотмоглиг ани аҳли адабни уртар,
Тотмоглиг ани зуд икки лабни уртар.*

Бу дастурхон атрофида булмокка эришув адаб аҳлини куп мураккаб аҳволга солади, уларга куп оғирлик етказиб куйдиради. Бу дастурхондаги неъматдан татимоғинг эса егувчининг икки лабини ҳам куйдиради. Демак, бу ишга интилмаслик керак, бу ҳолдан узоқроқ турмок фойдали.

Ҳазрат Али ҳам худди шу фикрни билдирган. Лекин Алининг хикмати жуда аниқ ва лунда: *Завақат ус-салатин муҳрифат ушшафотайн* – “Подшоҳларнинг овкати лабни куйдиради”.

Навоий бу куйдирувчи таомни дастурхонга боғлаб, унинг мавзуини сал торайтирган. Аммо бу хикматда, умуман, подшоҳга якинлик, унинг хизматида эканлик туғрисида суз бораётгани аён. Навоий бу туғрида куп ёзган (Подшоҳ хизматидан йироқ, якин йуламок яхшироқ, Навоий)).

84. Бойлик, пул, молу давлат масаласи ҳар вақт жамият ва одамлар орасида маълум урин тутиб келади. Бу қандай урин? Яхшими ёки ёмонми? Ҳамиша пулдорлар иззатдаю камбағал пулсизлар беҳурмат қолаверадими? Амалда шундай ҳолни ҳам гоҳо куриб турамыз. Лекин бу айрим куринишлардир. Лекин Ҳазрат Али ва Алишер Навоий каби буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари бун-

дай айрим ҳолатлар ҳақида эмас, умумлаштириб фикр қиладилар. Уларнинг тафаккур дунёси жуда кенг, ҳар томонлама ва чуқур. Улар умумдавлат, умуминсоний, жамият ҳаётига онд масалалар тугрисида фикр қиладилар. Умуман Ҳақ (Худо), жамият, инсоният учун нима муҳим, нима муҳим эмас, шу тугрида йул-йуриқлар ишлаб чиққанлар ва шуларни амалга оширмоқ ниятида булганлар.

Мана Ҳазрат Алининг сузларини уқийлик: *Далил ул-фақри гаризун индаллоҳи* – “Фақирларнинг энг хори Аллоҳ олдида азиздир”. Демак, фақирлар ҳам турлича булади. Улар ичида унча-мунча тугзук аҳволда булганлари ҳам бор. Лекин энг қуйи, энг оғир ва машаққатли ҳаёт кечираётганлари ҳам. Ҳазрат Али хикматида ана шундай кундалик турмушда энг хору зор булган, эзилган фақир Худо олдида энг азиз булган инсондир, дейилган. Алишер Навоий бу хулоса, яқунни кундалик турмуш воқеалари билан боғлаган ҳолда шарҳ этади. Бойлик, молу давлат, мартаба (жоҳ) эгаси булмаган, ҳамиша унга зор булган одам ҳеч қачон иззат-хурматли булмайди. Узининг нақд жонини бериб қумуш тангага харидор буладиган кимса эса иззат топади⁴⁶.

Лекин ҳар ишнинг энг одил ҳаками Ҳақ (Худо). Навоий қатъий равишда ёзадики, Ҳақ олдида фақирликни узига талаб қилувчи киши иззат топади. Бу фикрни Навоий янада кучайтириб Ҳақ (Худо) олдида уша фақирларнинг энг хор булгани, эзилгани, айникса, азиздир.

*Ҳаргиз булмас жоҳу дирам зори азиз,
Жон нақди бериб сийм харидори азиз.
Халқ олдидадур фақр талабгори азиз,
Ҳақ олдида фақрнинг эрур хори азиз.*

85. Инсон умри табиатга ухшаш. Эрта баҳорда табиат уйғонади, ёзда улғаяди, кузда мева-хосил йиғилади, кишда эса совук қор, изгиринлар ҳукмрон булади. Кишининг ҳаёти ҳам худди шундай. Баҳор ва ёз қуркамлиги инсон ҳаётининг ёшлиқ фасллари, сунгра эса қуз ва қиш катта ёш ва қариллик билан алмашади.

Ҳазрат Алининг ушбу хикмати кексалик тугрисида. *Зикр уш-шабоби ҳасратун* – “Ёшлиқни тилга олмоқ ҳасратдир”. Ким учун ҳасрат? Аммо бу хикматнинг мавзуи фақат қариларга доирлиги

⁴⁶ Навоий бу ерда кузда тутаетган “Жон нақдини бериб сийм талабгори булган “азиз” ҳам шундай кимсалардан булмағи ҳерак. Адабиётда бундай “тул копининг малайлари” образлари анчагина бор (А.Қ.)

шундок сезилиб туради. Чунки ёшлар ёшлик туғрисида ҳасратлаш-майдилар-ку.

Навой эса уз шеърини қари сузи билан бошлайди. Демак, у даставвал қимлар туғрисида суз кетаётганини билдириб утади. Шунда шоир қари одамнинг қунгли синиклигини, ёшлик йиллари-ни ҳасрат билан эслаш унга одат булиб қолганини ёзади,

*Қарики, эрур қунглига синмоқ ҳасрат,
Жонига йигитликни қилинмоқ ҳасрат.
Қар ишда йигитларга ялинмоқ ҳасрат,
Суз ичра йигитликни соғинмоқ ҳасрат.*

Бу кексалар ҳаётининг сурати. Бу ҳикматдан мақсад нима. Шеърда айтилган гаплар аини ҳақиқат. Бунда қарилар ҳаётини тушуниш ва тушунча орқали ёндашув, яъни уларнинг ҳасратини чидам билан тинглаш, уларга ҳамдардлик билан ёндашув кераклиги айтилмоқда. Аини замонда ҳеч қачон қайтиб келмайдиган ёшликни соғиниш кексаларга хос сифат булгани курсатилмоқда. Шунинг учун, менимча, шундайки, йигитлар кексаларнинг ялинишларига, уларга муҳтож эканликларига бепарво булмасинлар. Кексалар ҳам йигитликни соғинганларини айтиб ҳасрат қилавермасинлар. Шунда ҳар иккала томон ҳам бир-биридан мамнун булар.

86. *Соқит эрур офоқ аро ҳол ийаси (эгаси),
Ойини фанода турфа аҳвол ийаси,
Мол улса яқин билки, эмас ҳол ийаси,
Невчунки, анинг лек эрур мол ийаси.*

Бу фикр Ҳазрат Алида сунгги мисрада қуринади. Яъни моли бор одам молнинг эгаси эмас, балки мол унинг эгасидир. Навоий бу фикрни ривожлантириб, нима учун шундайлигининг сабабини курсатади. Мол-дунё эгасига нисабатан ҳол (тасаввуфда валийлик) га етишган (руҳимда бутун олам (офок) булса ҳам сукут саклаб, билдирмайди).

87. *Зикр ул-мавти жалоъ ул-қулуб – Улимни эслаш – калб ёруғлиги (Али).*

*Қар қимки, улум сузин демак фан айлар
Уз ҳолига бу суз била шеван айлар.
Таврини сулук ичинда аҳсан айлар
Қим руҳни улмақ сузи равшан айлар.*

Ҳазрат Али ҳам, Навоий ҳам бу ҳикматда одамларни хушёрликка чорламоқдалар. Чунки бу шеърдаги мавт (улим) ҳар бир кишининг бошида бор. Уни унутмаслик керак. Ваҳоланки, куп одам кундалик турмуш ишлари билан шу қадар кумилиб кетадики, бу муҳаққак юз берадиган ва ҳеч қандай чораси йук ходиса кишиларнинг хотирасидан чиқиб кетади. Натижада шу тоифадаги одамлар ҳаётда турли хато ва нуксонларга йул қуядилар. Гар шундай эси пастлик булмаганида эҳтимол куп зарарли, бефойда ишлардан инсоният қутилган булар эди.

Шунинг учун Навоий улим сузини тилда ва дилда тутган кишининг бу сузнинг охир маъносидан нола қилмоғи уни бошқалардан кура афзал эканини таъкидлайди. Чунки улимни ёдда тутмоғи билан бундай одам уз хулқи, феъл-атвори, қилажак ишларини яхши саклайди, одамлар орасидаги гузал инсон сифатида курсатади. Ана шундан кейингина Навоий Ҳазрат Али сузларининг таржимасини келтиради. Чунки бу суз (улим) кишининг руҳини ёруғ равшан қилади. Бу эса одамларни ёмонликлардан саклайди.

*Бу гулшан ичраки, йуқтур ҳаёт гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от* (Навоий).

88. Севимли дуст юзини курмак кузни равшан қилажагини ҳамма билади ва шуни истайди. Бу фикр Ҳазрат Али ҳикматида ҳам, Навоий шеърда ҳам аниқ айтилган. *Рӯъйат ул-ҳабиби жилоъ ул-айни* (Али). Таржимаси: “Севимли кишини курмак – кузни равшан қилади”. Аммо Навоий туртлигида “дуст” сузи ҳам ишлатилган. Али ҳикматида эса “ҳабиб” сузигина берилган. Унинг маъноси ҳам севимли, ҳам дустни англатади. Менимча, бу ҳикмат ва шеърда ҳар иккала маъно ҳам мавжуд. Бу ерда ҳам махбуба, ҳам жонажон дуст туғрисида суз бормоқда. Навоий шеърининг биринчи байти бундай:

*Ҳар қимқи муҳаббат уйини маскан этар,
Кунглига ҳабиб қуйини гулшан этар.*

Бу мисралардаги муҳаббат, ҳабиб сузлари ва тушунчалари севгили ёрга оид. Ошиқ уз севиклисининг кучасини узига гулшан деб билади. Чунки бу ошиқ муҳаббат бор жойда яшайди, унинг маскани шу ер. Демак, бу байт севувчи ва севилувчи уртасидаги бир-бирга боғланиш ва интилиш туғрисида.



Иккинчи байтда эса шоир “дуст” сузини ишлатган. Инсон кузи дустнинг юзидан узига нур касб этади, демак, у дустни кургач равшанлик топади.

Куз касби зиё дуст юзидин фан этар,

Маҳбуб юзин курмаги куз равшан этар.

Демак, бу шеърда лирик каҳрамон ҳар иккала узига энг якин кишини кузда тутади. Улардан бири севгилиси. Унга муҳаббат куйган кишиси. Иккинчиси эса, унинг энг якин жонажон дусту. Уларнинг ҳар иккаласи билан учрашганида унинг кузи ҳам равшанланади, ёрнинг куйи эса унга гулшандай туюлади. Ахир халқ орасида уларни, яъни ёр билан дустни бир-бирлари билан барабар куядилар ва ёр-дуст деб атайдилар-ку!

89. Бир маҳал Жиззах шаҳридаги бир маҳаллада булган катта адабий учрашув чоғида мен Навойнинг оналарни улутлаб ёзган шеърларидан баъзиларини укиб шарҳ килиб берган эдим. Тингловчилар диққат билан тингладилар ва Навойнинг оналарга атаган бу гузал ва мазмундор сузларидан мамнун буддилар. Аммо тингловчилар орасида ёши катта эркак кишилар оз эмас эди. Оталар туғрисидаги Навойнинг айтганларини ҳам эшитмокни истаганлари табиий. Мен шу фикрни билдирган вақтимда эркаклар орасида туғри-туғри, эштайлик, деган овозлар чиқди. Навой ҳеч қачон она билан отани бир-биридан ажратмаган, ёшларга уларнинг ҳар иккаласини ҳам баланд тутмокни, уларга иззат-ҳурматини жойига куймокни ургатган.

Куйидаги ҳикмат ва шеър бунинг яққол исботидир. Ҳазрат Алининг ҳикмати бундай: “Отанга риоят қил, болангдан қайтади”. Аниқ ва лунда гап.

Одатдагидек, Навой шеърда ушандай муносабатнинг асоси курсатилган. Фарзанд отанинг олдида қуллук қилмокни узига одат қилсин (Бу ерда отанинг боладан бундай муносабатга эришмоғи учун қандай ҳатти-ҳаракат қилмоғи туғрисида суз бораётгани йук. Лекин ҳамма биладики, зуравонлик билан бунга эришиб булмайди, аксинча, сиполик, юмшоқлик ва қатъият билангина бунга эришмок керак). Ушанда бу бола бахту саодатли булади. Шундай тушунтирувдан кейингина Навой Али ҳикматининг маъносини изоҳлайди. Кимки отасининг айтганларига риоя қилса, у ҳам бир куни келиб уз углидан шундай риоятни куражак. Демак, Али ва Навой бу насихатни уғилларга қаратмоқдалар.

*Фарзанд ота қуллугин чу одат қилгай,
Ул одат ила касби саодат қилгай.
Ҳар кимки, отага куп риоят қилгай,
Углидин анга бу иш сироят (кучиш) қилгай.*

90. Бу туртлик инсон ҳаёти кундалик турмушининг тинч, хотиржам, осуда булмоғи туғрисидадир.

Абдурахмон Жомий яхши турмушнинг биринчи шартин “Фуруғи нйман” деб ёзган эди. Бутун дунёга ёйилган ҳамма ҳақимлар (ҳакимони шуҳраи офоқ) шундай фикрга бирдамлик билан келишган экан.

Ҳазрат Али ҳам худди шу гапни айтган. *Рафоҳият⁴⁷: ул-айши фил амни* – “Турмушнинг яхшилиги тинчликдадир”. Бу ҳикмат умумжаҳоний аҳамиятга эга. Бундай фикр, хулосага қушилмаган одам топилмас керак.

Навой ана шундай юксак инсоний ҳикматни бундай шарҳлаган:

*Даврон аро кимга ранж памудалиги
Бушмас, гар эмас фароғ камбудалиги.*

Бу замон давронда ҳеч кимга озор, ранж етмайди, гар озрок осойиш, тинчлик роҳати булса. Демак фароғ, яъни тинчлик, осойишталик роҳати мул-кул булмоғи керак (Бушмас – озор етмайди, зарарли эмас).

*Ноамнлиқ улди халқ фарсудалиги, (нотинчлик, тузиш)
Амн ичра булур маош осудалиги.*

Яъни тинчлик, осойишталикнинг йуқлиги (ноамнлик) эл ҳаётининг тузғиши, нотинч булишига олиб келади. Фақат тинчлик, осойишталиккина омонликни таъминлайди⁴⁸. Лекин шунини ҳам таъкидлаш зарурки, Навоий туртлиги сал мураккаброк, уни тушуниш ва шарҳ этиш осон эмас. Аммо шеър мазмуни гузал ва чуқур.

91. “Илмнинг даражаси сифатидадур”. Бу ҳикматнинг Али айтган асли сал узгачарок. Али жуда лунда қилиб илм даражасини баён қилган ва чиройли суз уйини орқали уни баён этган: *Рутб ул-илми алап рутбати* – “Илм даражаси, олим яратган илмнинг да-

⁴⁷ Рафоҳият – турмуш кенглиги, кун кечириш фаровонлиги, яхши аҳвол; айш – турмуш, амн тинчлик, осойишталик, омонлик.

⁴⁸ Бу фикр (Али ҳикмати) 20 жылдик Навоий асарлари тўпламида ҳиссагина таржима этилган: “Яшашнинг гузаллиги – осойишталикнинг маъжудлигидадир” (Т., 1999. Б. 231).

ражасида". Яъни олим канчалик баланд даражадаги илмий маҳсул яратса, унинг илмийлиги шу даражада булади.

Навойи ҳамиша илм аҳлини кадрлар эди.

*Кимиким, қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайгамбарга таъзим,*

деган шоир Али хикматининг шарҳига киришувдан олдин олимларни жуда кукларга кутариб таърифлайди.

*Ҳақ берди чу элга илм сармоясини,
Хуршид уза солди уламо соясини.*

Яъни Худо элга илм сармоясини бахш этар экан, олимларнинг соясини куёш устига туширди. Демак, оламда энг юксак уринда турувчи куёш ҳам олимлардан қуйи туради. Модомики, олимлар сояси куёшга тушар экан, улар куёшдан кура баландрок турадилар. Чунки соя қуйидан эмас, юкоридан тушади-ку. Шунинг учун насибаси (воясси) илм булганлар шундай даражада юкорига кутарилганларки, улар ҳамма нарсадан буюк ва баланд уриндадирлар.

*Олганлар анинг рутбасидин воясини,
Билдик боридин бийик поясини.*

92. Ҳазрат Али ва Навоий кишиларга уз ризку рузига қандай қараш ва ёндашув дарсини беришган. Бу жуда чуқур мазмунли хикмат. Одам боласи ҳар доим интилиб, ҳаракат қилиб, уз ризқини топмоққа уринади. Бу хайрли иш. Уни амалга оширмак зарур. Лекин бу хайрли иш ҳам уз меъёрини топмоғи шарт.

Булар-булмастагина уринавермак, насиб булганига қоникмай уни янада орттирмакка жаҳд қилавермак уринлими? Бу саволга жавобни Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида Машрик ва Мағрибда ҳазина топган шахс туғрисидаги хикоясида уқиганмиз. Уша шахс ҳар иккала ҳазинани эгалламоқ учун зур кучлар сарф этди. Ниҳоят, уларни қулга киритди. Шундан сунг эса улди. На унисидан, на бунисидан фойдалана олгани йук. Али ва Навоий ана шундай беҳуда ишдан сакланмоқ учун уз хикматларини айтган булсалар керак.

Ризқука юатлубука фастарих дейди Али. "Хотиржам бул – ризқинг узи сени топиб олади" (Сузма-суз эса "Сенинг ризқинг сени узи талаб қилиб топиб келади", булса керак).

Навоий эса бу фикрни шарҳ этиб дейди. Агарда тил осойиш топса, у дам олади, чарчамайди. Азоб уқубат чекувчи одамлар ҳам

сал тинчиб дам олмоқлари лозим. Ризқу руз талабида тинмай ури-наётганлар ҳам сал тинчисалар тузук. Шу тинчлик, осойиш ва дам олишдир. Сен тинчлан. Ризқу рузинг узи сени топиб келади. Демак, керагидан ортик уринмок ва тинимсиз интилмакнинг ҳожати йук.

*Айлар чу чуқут топса тил осойиш,
Ҳам булмаса дастранж эл осойиш,
Рузини тилар таркини бил осойиш,
Рузи тилар эрмиш сени, қил осойиш.*

93. Туркий халқларнинг энг қадимий Урхун-Энасой битикла-рида инсон ҳаёти туғрисида инсон боласи улмок учун туғилган, де-ган ҳикмат бор. “Назм ул-жавоҳир”даги Али ҳикмати, Навоийнинг шу мавзуга оид туртлиги шу ҳикмат билан ҳамоҳанг.

Ҳазрат Али дейди: *Ро ул-мавт ил-валодаду* – “Улимнинг хабарини туғилиш беради” (Сузма-суз таржимаси: Улим элчиси туғилишдир). Навоий шарҳи бундай: ҳаёт жоми тан учун муроду мақсадларга етказувчидир. Сен танга ҳаёт жоми билан хурсандлик, яхши мақсадларга эриштирувчи булгин. Улим етиб келмасидан бурун жонга куп ором ва хузурлар бахш айла. Чунки туғилмокнинг узи улимдан хабар етказиб туради. Демак, уша хабар (улим) етиб келгунгача жонга роҳатлар етказмоққа улгуриб қол.

*Танга ҳаёт жомидур комрасон,
Бул танга нишот комидин жомрасон.
Жонга ҳам улимдин бурун ором расон,
Ким тугмоқ зрур улумга пайгом расон.*

94. *Раъунот ин-нафси таобуҳо* – “Нафсга безак бериш – уни чарчатади” (Ҳазрат Али).

Навоий:

*Ишдур сенга ҳақ сари қадам-фарсолиқ,
Қилма тилабон лаҳв жаҳонпаймолиқ,
Куп нафсга бермагил жамол оролиқ,
Ким ранжи солур ани куп раънолиқ.*

Бу ҳикмат ва шеърда нафс тушунчаси “уз” маъносида булса керак. Нафснинг бошқа маъноси, яъни очкузлик, еб туймаслик, ҳаддан ташқари ундан фойдаланмоққа интилув бу ҳикмат ва шеърнинг маъносига тугри келмайди. Шунинг учун Навоийнинг ҳақ

сари интилмоқлик туғрисидаги гапига амал қилмоқ, яъни уйин-кулгу, бефойда ишлар (лахв)дан узини тиймоқ лахв учун жаҳонни кез-моққа иштиёқ куймоқдан сакланув зарур. Узини безамокка ҳаракат қилмоқ кишини озорга учратади.

95. Бундан кейинги туртликда ҳам нафс туғрисида суз боради. Лекин бу ердаги нафс носоғ интилишларни билдиряди. Навоий огоҳлантирадики:

Урмоқта амал заръи фано досини тут.

Иблис бу йулда ақл васвосини тут.

Ҳақ йулида нафсингга улум косини тут.

Нафсинг ғалаботи вақти ҳақ носини тут.

Бир ишни қилаётганда йуклик дехкончилигида машаққат уругини тут, ишлат. Иблисининг бу йулдаги ғийбат алдовига учмагин. Ҳақ йулида нафсингга улим косасини тут, яъни уни йук қил. Нафсинг устун кела бошласа, Ҳақ куриқловчисига суян.

Ҳазрат Алининг ҳикматида бу уғитлар соддарок берилган: *Роъ ал-Ҳаққа ийди ғалабот ин-нафси* – “Нафсинг ғалаба қила бошласа Ҳақ йулини тут” (Сузма-суз таржимаси: “Ҳаққа риоя эт нафс ғалабаси пайтида”).

Навоий бу ҳикматни сал мураккаблаштириб шарҳлайди. У уқувчисини ҳақ йулида изчил бормоққа, йуклик ишида қанча оғир булса ҳам азоб-уқубатларни енга олишга йул-йурик беради. Яъни шайтон васвасасидан ҳам зарба бермоққа чақиради. Ҳақ йулидан қайтмаслик шундай эканини таъкидлайди.

96. *Рифқ ул-таръи далилу ақлиҳи*” (Али). “Юмшоқлик, мулойимлик ақллиликдан далилдир”.

Демак, ақлли одам ҳар қачон кишиларга ҳуш, мулойим, юмшоқ муносабатда булади. Ҳушмуомалалик ақл нишонасидир.

Навоий бу фикрни шоирона кенгайтирган. Кимки ақл йулида узига бир жой яратмоқчи булса, ундай киши эл орасида доно булиб танилади. Нимаки иш юз берса уни юмшоқлик, мулойимлик билан ҳал этмоқ афзал. Ана шундай муомалани мадуро (чиқишиш, келишиш, битишиш, риоя қилиш, юзаки яхши муомала) деб аталади. Навоий одамларни мадурога чақиради.

Ким ақл йулида тутса маъво охир,

Тонг йуқ эл ичинда булса доно охир.

*Рифқ айламаги ҳар ишта авло охир,
Ким ақл далилидир мадоро⁴⁹ охир.*

97. “Кишиларнинг кадри – тарозиларидир” – *Зайн ур-рижзола мавозийаҳум* (Али).

Бу туртликда Навоий ана шу анча мураккаб ҳикматнинг шарҳини муфассал берган. Одамларнинг ким ва қандай эканлиги, уларнинг ҳар бир ишга мувозанат билан, уз меъёрида, ортикча ҳам эмас, кам ҳам эмас миқдорда ёндашувларида билинади, тушунилади. Ҳикматнинг асл маъноси шундай. Навоий бу фикрни бир мунча бадийлаштирган ҳолда тақдим этади. Шоир уз уқувчисига мурожаат қилиб дейди: агар бирор одамни узингга яқинлаштирмоқчи булсанг, маҳрам этмоқчи булсанг, унинг сенга қанчалар садоқати борлигига диққат қил, унинг гап-сузига аҳамият бергин. Агар узингга пир-устод, муршид истасанг бу кишининг йул босуви, эътикод ва маслакига, феълу атвориға қара, моҳияти, тағ-томирини англа, қилмишларига боқ.

Нимаики қилсанг, ҳар бир ишнинг миқдори, қанча қуп ёки оз булмоғига эътибор бер. Бу туртлик шеър нафакат бир жумладан иборат. Ҳикматнинг қисқа шарҳи, балки одамнинг уз атрофидаги кишиларга муносабатини урнатишида бутун бир низом булиб хизмат қилади.

*Маҳрам тиласанг сидқ ила гуфторига боқ,
Пир истар эсанг сулуку атвориға боқ,
Ғавр айла кишиға доғи кирдорига боқ,
Не қилсанг анинг шонида миқдорига боқ.*

98. *Зир ул-маръи ало қадри киромаҳу* – “Кишиға зиёрат қилиш унинг саховатига қариб булади” (Сузма-суз таржимаси: “Зиёрат, саховат, буюкликка боғлиқ”, Ҳазрат Али).

Навоий бу фикрни узгачароқ баён қилган. Шоир даставвал уз ёринг, яқининг, дустингни танимоқ ишида (танламоқда ҳам) маҳорат эгаси булмоқни маслаҳат беради. Уша танланган ёки яқинлашмоқчи булган кишингга диққат билан қарагин, дейди. Агар у қарам, лутф-марҳамат курсатувчи булса, унга уз ёрлигинг хақида севинчли хабар (башорат) етказгин, қули очиклигига (жудига) қараб уни зиёрат қил.

⁴⁹Ўзбеклар ва тожикларда бу турғида яхши мақол бор. У бундай: “Бо дўстан мурувват бо душманан мадоро” – Дўстларга мурувват (саҳийлик, одамгарчилик), душманларга мадоро (А.К.)

Демак, фақат яхши ва муносиб одам билан борди-келди қилмок лозим. Аввало, бундай одамни яхши билиб ва унинг карамини қуриб сунг зиёратига бормок керак.

*Ёрингни танир ишда маҳорат айла,
Диққат била ҳолига басорат айла.
Мухрим эса изҳори башорат айла,
Жудига кура они зиёрат айла.*

99. “Дунё бурчақлари мусибатларга тула” (Али). Бу ғамли хикмат айни ҳақиқатдир. Унинг арабча асли бундай: *Завоёд дунё машҳунатун бир разоё.*

Навой тўртлиги эса бундай:

*Гардунки, анинг жавфида мамлу ғамдур,
Ҳар бир ғамида юз ибтило мудғамдур.
Дунёдаки эл навҳаси зеру бамдур,
Ҳар зовияси анинг тула мотамдур.*

Осмон бушлиғи, коваги ғамга лик тула. Ҳар бир ғамида юз ба-лога учрамок беркиниб турибди. Дунёда эса унинг остию усти эл-нинг нолалари билан тулиб тошган. Шунинг учун дунёнинг ҳам хар қаваги ғамга тула. Бу тўртликнинг ортиқча шарҳига зарурат булмаса керак.

100. “*Зиёрат ул-ҳабиб аз-зиёдул муҳаббати*” (Ҳазрат Али) – “Дуст зиёрати муҳаббатни оширади”.

*Ҳар кимки, ҳиббинг улса эврул бошига,
Маҳв ул юзига, жонни фидо қил қошига,
Тош урса равонингни туфайл эт бошига,
Таждиди муҳаббат англа бормоқ қошига.*

Навой ҳабибни шунчалар кадрлов лозимлигини уқдирмокда. Булар шарҳсиз ҳам барчага тушунарли.

101. Бу тўртлик эркакларнинг аёлларга қандай муомала қилиш-лари кераклиги тўғрисида. Ҳазрат Али бу ҳақда бундай деб ёзган: *Зиёрат уз-зуафо мин ат-тавозуъи* – “Аёлларни зиёрат қилмок та-возеъдандир”. Тавозуъ сузининг маъноси адаблилик, узини камта-рин туттишни англатади. Демак, аёллар қошида эркак киши узини

паст тутиши, уларга иззат-хурматли, адабли муносабат курсатмоғи керак⁵⁰.

Мана энди бу масалага оид Навоийнинг айтганлари билан танишайлик.

*Заъф аҳлига алтоф таваққуъ билгил,
Лутфунг била ул элга тараффуъ билгил.
Бу нуқтадин нас йуқ тасомуъ билгил,
Ул қавм зиёратин тавозуъ билгил.*

Мазмуни:

Аёлларга лутфу марҳаматлар курсатиб, яхши умидлар билан қарамоқ кераклигини билгин; у элга яхшилик, лутф курсат, уларни юксакликка кутар, шуни билиб қуй. Бу сузларни катъий ҳукм сифатида эшит, шунчаки айтилган гап эмаслигини билгин. Уша қавмни зиёрат қилмоқ иззат-хурмат, уларга таъзим, узини улардан қуйи тутмоқ эканлигини билгин.

Навоий эркакларни аёлларга ҳурматли муносабатда булмоқни ургатмоқда. Уларга лутф-марҳаматлар қилмоққа, улардан яхши умидлар кутмоққа, улар олдида тавозуъ қилмоққа таълим бермоқда. Бу гаплар шунчаки айтилган гаплар дегувчиларга таъкидламоқдаки, бу угитлар катъий ҳукм сингаридир. Шуни билиб қуйинглар, таъкидламоқда. Хулоса шуки, аёллар зиёратида эркак киши каттик тавозуъ, таъзим ва қуйи турмоқни унутмасин.

102. Али ҳикмати: *Зийнат ул-ботини хайрун ман зийнат уззоҳири*. Бунини “Ботиний ҳусн зоҳирий ҳусндан яхшироқдир” деб таржима қилинган (15-жилд, 232 б.).

Навоий бу ҳикматни шарҳ этар экан, аввало, зеб (зийнат) туғрисида ёзади:

*Эйким, қиласен жилвау ишрат чоғи зеб,
Мустаҳсан эмас эр кишининг қилмоғи зеб.*

Яъни, эй уқувчим, ишрат чоғида узингга зеб бериб жилвалар қиласан. Эр кишини узига зеб бермоғи ярашмайди (Мухтахсан эмас – таҳсинга сазовор эмас, нолойик, номаяқул).

⁵⁰ Навоий 20 МАТ 15-жилдида бу ҳикмат “Заифларнинг ҳолидан хабар олиш - камтарликдандир”, деб таржима қилинган. Менимча, бу ерда “Зауфо” сўзи аёлларни билдиради. “Тавозуъ” эса ҳурмат, улардан узини қуйида туттиш маъносидда (А.К.)

*Гар булса ишинг купраги ё озроги зеб,
Зоҳирдан эрур сутуда ботиндаги зеб.*

Мабодо озми, купми зеб булмоғи зарур булса, ташки куринишдаги зеб эмас, гарчи одамнинг ички дунёсидаги зебу зийнат купрок унга ярашиқлидир. Ички дунёдаги зеб эса ақл, билимдонлик, одоб, хушмуомала, одамларга ҳурмат ва меҳрибонлик каби фазилатлар бирлигидан иборатдир. Навоийнинг ички ва ташки зеб туғрисида шу мазмунда айтган анча гаплари бор. Лекин ҳозирча шулар билан чекланамиз.

103. Навбатдаги ҳикмат ва туртлик зухд⁵¹ туғрисида. Лекин унда илм туғрисида ҳам гап бор.

Ҳазрат Али деган: *Зухд ул-омий – музиллатук* – “Оми кишининг зоҳидлиги – гумроҳликдир” (Бу ерда зоҳидликдан кура “зуҳд”нинг узини саклаш туғрирок булар эди (А.К.). Чунки зухднинг нималигини билмоқ ҳам бир билимдирки, ундан омийлар хабардор эмас. Бир ишни бажармоқ учун унинг моҳияти, таркиби ва вазифасини яхши билмоқ керак. Бу ҳам бир билимдир. Оми эса ундан беҳабар ёки юзаки хабардор булади.

Шунинг учун Навоий уз туртлигида уқдирадики, Ҳак (Худо) даргоҳида азиз булмоқни истаган ҳар қандай одам даставвал илм эгаси булмоғи керак. Чунки илм икки жаҳон подшолигидан ҳам юкорида туради.

Ким бор эса ҳаққи даргоҳ хоклиги⁵²

Илм ортукким, икки жаҳон шоҳлиги (Таъкид меники – А.К.).

Оми эса жаҳон фиску фуҷурларидангина оғох. У бошка нарсаларни билмайди. Зухднинг маъно ва мазмунини ҳам тушунмайди. Бас шундай экан, унинг зухдга булган муносабати, яъни унга берилмоғи йулдан адашув (гумроҳлиғи) холос.

Олам фисқида бордур оғоҳлиги,

Омий киши булди зухди гумроҳлиғи.

Навоий бу ерда нафақат омийларни танкид қилмоқда, балки илмни, олимларни улуғламоқда, илм аҳлининг даражасини икки жаҳон шоҳлигидан ҳам юкори қуймоқда.

⁵¹ Зухд – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шугулланиш. бу ишлар билан узини риёкорона машғул кўрсатиш

⁵² Матнда “хоклиги” ёзилган. 15-жыл. Б.154.

104. *Суъ ул-занни мин ал-ҳазми* (Али).

*Хуштурур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига,
Фаҳр аҳли йулида нотавонлиқ кишига.
Ҳожат эмас хурдадонлиқ кишига,
Куп ҳазмдин улди бадгумонлиқ кишига* (Навобий).

Бу ҳикматнинг таржимаси бундай берилган: “Бадгумонлик кибрдандир” (15-жил. Б.232). Навобий тўртлигида хулоса охириги икки мисрада келади.

*Ҳожат эрмас хурдадонлик кишига,
Куп ҳазмдин улди бадгумонлик кишига.*

Яъни кишига ортикча хурдадонликнинг ҳожати йўқ (хурдадонлик – нозик ва майда нарсаларни билишлик, синчиклаб текширувчилик). Ҳазм эса уйловчанлик, эҳтиёткорлик маъносида ҳам келади. Шундан Навобий демокчики, одам нозик ва майда нарсаларга ортикча (асру) диққат қилавермасин. Чунки ишга шундай ёндашув шубҳа ва ёмон гумонларни келтириб чиқармоғи мумкин.

Бу хулосага зид уларок инсоннинг нима қилмоғи дурустлигини Навобий биринчи байтда айтиб қўя қолган.

*Хуштурур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига,
Фаҳр аҳли йулида нотавонлиқ кишига.*

Яхшиси жаҳонда ҳадеб кузга ташланавермаслик, нишон курсатавермасликдир. Янада яхшироғи камтарин, узини четда тутувчи, шахслар орасида уларнинг энг нотавони булмоқ (ёки булиб қурииб юрмоқ)дир.

Ҳар холда одамлар узларини ҳавою хавасдан узоқ, фақир аҳлига мансуб тутмоқлари афзалдир. Ортикча шубҳа ва гумонларга ҳам берилиб кетмасликлари лозим.

105. *Сурурака бид-дунё гурурака* (Али).

“Дунё билан гурурланиш фирибдур” (15-жилд. Б.232). (“Шодлигинг дунёдан гурурингда” – бу сузма–суз таржимаси).

Навобий бу дунё (бойлик, ганж, молу мулк) оёғинг остида экани, яъни сенинг дунёга эғалигинг гурурлантирди, деб ёзади. Гулшанлар ичида сайр қилганинда шу гурур сенга ҳузур бахш этади. Ана шу дунё туфайли сенда гурур келиб чиқди. Улар ҳаммаси гурур, гурур ва яна гурурдир. Бу ерда гурур сузи эҳтиёткорона ишлатил-

ган. У куринишда оддийгина узини баланд тутмоқ, фахрланиш маъносини беради. Ҳақиқатда эса у кибру ҳаво, манманликни англатади. Ҳар учала ҳолатда ҳам шоир айтмоқдаки, шу чиркинлик келиб чикмоқда.

*Ганж узра оёгингга мурур улди гурур,
Гулгаит эта гулшанда ҳузур улди гурур.
Дунё соридин сенга сурур улди гурур,
Бу барча гурур улди, гурур улди гурур.*

106. *Съ ул-хулықи ло халосо фиҳо* (Али) – “Ёмон хулқдан қутилмоқ кийин”.

Навойи бу ҳикматни анча кенг шарҳлайди. У даставвал уз укувчисига хитобан ёзади:

Кунглингни арит барча ёмон хислатдан.

Ёмон хислатдан узингни қутқар, у ёмонликдан кунглингни тозала. Шунда уларнинг урнига яхши қилиқлар келади. Бу эса яхшилик, раҳмат нишонасидир.

Ким яхши қилиг далил эрур раҳматдин.

Ана энди шоир бадхулик (қуполлик, ёмон муомала)ни қоралашга утади. У ваҳшат, шиддатдир. Бундай ёмон хислатдан эса қутулмоқ осон эмас.

*Бадхулик ул ваҳшат эрур шиддатдин,
Ким, элга халослик йуқ ул ваҳшатдин*

Навойи ёмон қилиқларни ваҳшийлик деб атади. Али ва Навойи уқдирадиларки, агар киши бадхуликка мубтало булса, ундан халос булмоқ жуда кийин. Шунинг учун бадхуликдан сақланмоқ даркор.

107. *Сийрат ул-маръи тунбиъи сариратиҳи* – “Кишининг рухий ҳолатини унинг сийрати очиб беради” (15-жилд. Б.232). Яъни инсоннинг ички дунёси (сийрати) унинг рухий дунёси қандай эканини курсатиб туради. Аммо асл нусхани сал бошқачароқ таржима қилмоқ ҳам мумкин эди. Сийрат (ички дунё) сарир – юриш-туришга асосланган. Ҳазрат Али шундай деган.

Мана энди Навойининг шарҳи билан танишайлик:

*Десаиғ тоғай эл замиридан боре хабар,
Сирридин эрур таври намудори хабар.*

Агарда одамлар, элнинг ички ҳолатидан, юрагидаги фикр ва уйларидан хабардор булмоқни тиласа, ундаги сирлар уша кимсанинг кузга ташланувчи қилгиликларидан куриниб туради. Ушалар бу ҳақда хабар берадилар. Худди шу фикр, хулоса кейинги байтда янада аниқроқ ифодаланган. Шоир дейдики, одамнинг қилиқлари, ҳаракати, куриниб турган вазоҳатига қарагину, бошқа ишларидан ҳам хабар топгин. Чунки унинг феълу атвори ичидаги нарса, уй-фикр, интилиш, мақсадларини билдириб туради.

*Таврин куру равшан айла ҳар сори хабар
Ким, кунгилдагидин берур атвори хабар.*

Куриниб турибдики, Али ва Навоий инсон руҳияти, феълига доир жуда нозик масалаларни ёритишган. Уларни чуқур ва ҳар томонлама урганишимиз ва узлаштирмоғимиз зарур. Эҳтимол, менинг тушунтиришларим ҳаммани баробар қониктирмас. Бошқалар узгачарок шарҳлашар. Лекин бир масалада ҳаммамиз ҳамфикр булсак туғри булар. Айтилаётган фикрларнинг ҳақиқатлиги, ҳаётийлиги ва уларнинг бадний назокат билан ифода этилмоғи ҳам сабоқ, ҳам завқ беради.

108. *Саломат-ин ил-инсони фи ҳифз ул-лисони* – “Инсоннинг соғлиги тилини тийишида” (Али). Бунинг китобдаги таржимаси ҳам туғри. Лекин у купроқ шарҳга ухшаш – “Инсон тилига эҳтиёт булса, саломат булади” (15-жилд. Б.232).

Навоий узига хос виқор ва кенг қуламлилиги билан бу шарҳни ажойиб шоирона шаклларда баён қилади. Шоир гапни узоқдан бошлайди.

*Ким истаса мазҳари каромат булмоқ,
Ҳар навъ ишда истиқомат булмоқ...*

Кимки, агар улуғлар содир эта оладиган кароматлар соҳиби булмоқни истаса; ҳар қандай ишда барқарорлик, доимийлик, мустаҳкамлик тиласа, билиб қуйсинки, булар суз орқали амалга ошади. Суз мужибни гаромат (пушаймонлик, азоб, қийналишлар сабабчиси) ҳамдир. Демак, одам сузлаганда, тилини ишга солганда ана шу гапларни хотирда тутсин. Уқувчи бундан хушёрлик, эҳтиёткорлик, тинч-хотиржам булмоқ хулоса қилинади, деб уйласа керак. Аммо Али ва Навоий соддагина қилиб тилни тиймоқ саломатлик гаровидир, деб хулоса қилганлар ва сабоқ берганлар.

Бир файласуф деган экан, энг яхши суз – айтилмаган суз. Замо-
намиз фозилларидан академик Абдуллажон Насриддинов (шоир
Бокий) менга деган эдилар: Бедил айтади: тилингни тий тишинг
синмасин. Бундай угитларни куп топмок мумкин. Аммо Али ва На-
воийнинг бу тугрида айтганлари алоҳида ажралиб туради.

Судур анга мужибги гаромат булмоқ,

Тил забтидадур анга саломат булмоқ.

109. *Содат ул-уммат ил-фуқаҳоу* – “Умматларнинг³³ етакчи-
лари диний конуншунослардир”. Бу угит фикҳ (конуншунослик)
илмини улуглайди. Жамият ҳаётида асосий урин тутувчи фикҳ-
ларни Али шундай улуглаган. Навоий эса буни асослайди. У дей-
дики, илмсиз машаққат ва қулфатга учраган киши у меҳнат қилиб,
каттик ҳаракат қилиб, фикҳ илмини ургансин. Фикҳ диний би-
лимлар, конунлар. Чунки у вақтларда бундай билимлар жамият
ва одамлар ҳаётида энг муҳим уринни эгаллаган. Лекин Навоий
бошқа илмларни ҳам рад этмайди. Фикҳ бошқа илмларга нисбатан
каттарок, шарафлироқ аҳамиятга эга булган. Ана шундан кейин-
гина шоир умматлар орасида фақиҳларнинг бошлик, етакчи экан-
ликлари тугрисисидаги Алининг айтганларини таржима қилиб бера-
ди. Демак, Навоий фикҳни улуглар экан, уни бошқа илмларга зид
қуйган эмас, балки барча илмлар ичида унинг нисбатан юксак да-
ражасини курсатмоққа ҳаракат қилган.

Қолгон киши қасби илмдан заҳмат аро,

Фикҳ ургансун саъй ила аввал меҳнат аро.

Илм ичра шараф фикҳда бил нисбат аро

Ким, сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

Қуриниб турибдики, Навоий дастлаб илми шарафлайди. Илм-
дан бебаҳраларнинг заҳмат чекишларини айтади. Уларни фикҳ
илмини урганишда, бу ишда қатъият билан меҳнат қилмоққа ун-
дайди. Сунг фикҳнинг баланд уринни таъкидлайди.

110. *Сакрат ул-аҳёи суъ ул-хулқи* – “Ҳушёр, қалби уйғок киши-
нинг маст булмоғи ёқимсиздир” (Китобда “Қалбан уйғок кишининг
маст булиши – хулқларнинг ёмонидир”, деб таржима қилинган –
15-жилд. Б.232).

Навоийнинг шарҳи эса бундай:

³³ Уммат – бир тилда сўзлашувчи инсонлар мажмуи; бир пайгамбарга тобе кишилар.

*Нохуш қилсанг кишига маълум қилиг,
Билким, ани зоёъ айлар ул шум қилиг.
Дун булса кишига масмум қилиг,
Душмандурур кишига масмум қилиг.*

Агарда бирор одамда бир қилиқ булса, у ёкимсиз булади. Бундай шумлик уша қилиқнинг беҳудалигини курсатиб туради. Тубан қимсаларга хос қилиқ заҳарлидир.

111. *Силоҳ ул-зуафоъи шикоятун* – “Кучсизларнинг қуроли шикоятдур (Али). Бу “Нотавонларнинг кураши шикоят орқали булади”, деб таржима қилинган (15-жилд. Б.232).

Навоий уз шеърӣ шарҳида воқеани кенгрок намоён этади. Бир киши дард чекмоқда. У уз дарди тугрисида уз меҳрибон яқинларига шикоят билан сузлайди. Бу шикоят уша гам чекаётган кишига енгиллик бағишлови мумкин. Лекин шундай иш паҳлавонларга ярашмайди. Ана шундан кейин Навоий Алининг ҳикматини айнан келтиради. Фақат нотавон, кучсиз одамларгина гинахонлик ва шикоят билан шуғулланадилар.

*Ким дардидин этса меҳрибонларга гила,
Осойиш эрур гамзада жонларга гила.
Эрмастур яхши паҳлавонларга гила,
Ким булди силоҳ нотавонларга гила.*

(Навоийнинг бу ерда паҳлавонлар ва нотавонлар сузларини ишлатуви “зуафо”нинг бошқа нисбий маъноси – аёлларни тамомила йукка чикарган) (А.Қ.). Бу ерда заъифалар ҳақида суз боради.

112. *Самм ул-маъа фит-тавозуъ* – “Баландлик тавозуъда” (Али). Бу ҳикмат ғоят мазмундор ва лунда. Тавозуъ эгилиб таъзим этиб турмоқни билдиради. Тавозуъ этувчи узининг куйи эгилган ҳолатига карамай амалда юксакликда, баландликда тургандайдир. Чунки у ақл, ҳилм, одоб эгаси эканини курсатиб турибди. Навоий бу ҳикматнинг таржимасини уз тurtлигида охириги мисрасида берган:

*Ким рифъат эрур ниёзманд улмоқ аро
(Баланд булмоқ утинувчи булмоқдадир).*

Ундан олдин эса Навоий ана шу фикрни асослайди. У ёзади:

Куп етти шикаст сарбаланд улмоқ аро

Одамларга бурнини кутариб, гудайиб, узини баланд тутмоғи туфайл куп шикаст, озор етди.

Ул навъки, қадар мустаманд улмоқ аро
Улар охири ушанча ҳам, кайғу, бечорахолликка учрадилар.

Касб айла бийикликни нажсанд улмоқ аро
Хорлик, куйи турмоқ орқали буюкликка эришгин. Шундан кейин айтилган ҳикмат келади.

Ким рифъат эрур ниёзманд улмоқ аро.

Чунки юксаклик ана шу узини паст тутмоқ, утинувчи булмоқ аро булади.

113. Бу туртлик тил хусусидаги олдинги туртликлардан бирига ухшаш (108-туртлик). Эҳтимол, ушанинг бошқача таҳриридир. Бундай хулосага келмоқ кийин албатта. Лекин бу ҳар иккала туртликнинг мазмуни бир-бирига яқинлиги аниқ. Али – *Саломат ул-инсони фи ҳифз ул-лисон* – “Инсон тилига эҳтиёт булса саломат булади” (Б.232).

Навойида:

*Тил илдамидин булур гаромат ҳосил,
Юз навъ надомату маломат ҳосил,
Оз сузлаганидин истиқомат ҳосил,
Сокитлигидин вале саломат ҳосил.*

114. *Шайн ул-илм ас-салафу* (Али) – “Илмнинг заволи мактанишдадир”. Бу фикрни Навоий узгачароқ шарҳ этган.

*Ҳар кимгаки, таъб жоми соф улди яқин,
Билмак сори анга иттисоф улди яқин.*

Кимнингки, табиати жомида софлик булса, у билмакка интилади. Билгани сари уни тавсифлайдилар, мактайдилар (иттисоф – сифатланмоқ, тавсифланмоқ). Лекин Навоий уша билимга интилувчинини огохлантирадики, агарда унинг сузларида лофу коф, беҳуда валаклаш содир булса, бу илм учун айб, нуксни яқинлаштиради. Хулоса шуки, илмга интилган илмни эгаллайверсин, ургансин, билсин, аммо узини мактаб, ҳовликиб лофу газофга берилмасин.

*Ҳар нукта аро лофу газоф улди яқин,
Ким, илмга шайни лоф улди яқин.*

Бу ҳикмат илм аҳлининг ҳар бирига тегишли. Улардан бирор-таси – хоҳ кичиги, хоҳ каттаси бундай шармандаликдан эҳтиёт булмоғи шарт.

115. *Шарр ул-умури акрибуҳо мин аш-шарри* – “Ишнинг ёмони ёмонликка яқинидир”. Бу ҳикмат ҳаммага алоқадор.

Навоний гапни яхши ишдан бошлайди. Ишнинг яхшиси улусга баробар мақбул буладиган иш, туғри, гузал иш. Ана шундай яхши ишни бажарган одам бахтли (ҳумоюн) булади. Шундан кейингина Навоний Ҳазрат Али рад этган ёмон иш туғрисида сузлайди. Ёмон иш, тесқари, номақбул иш охири бориб ёмонликка тақаладиган ишдир.

*Ҳар ишки, улус олдида мавзун булғай,
Қилган ани ҳар бахт⁵⁴ ҳумоюн булғай,
Иш поёниқи, зишту вожсун булғай,
Улдурқи, ёмон иш била мақрун⁵⁵ булғай.*

116. *Шаммир фи талаб ил-жаннати* – “Жаннат талабида интилгин” (Али). Бу ҳикматда ҳазрат Али уз уқувчисини жаннат боғига тушмоққа ҳаракат қилгил, деб ундамоқда. Навоний эса ана шу ҳаракатнинг қандай булмоғи лозимлигини бирма-бир кўрсатиб берган. Биринчи шарт. Гап-сузинг улусга асал каби ёқимли, ширин булсин, лаззат ва тот бахш этсин. Иккинчи шарт. Аллоҳ билан аҳд қилгинки (яъни Худо номига қасамёд этгинки), ҳеч қачон ҳеч қимга қупол, ёқимсиз, аччиқ гаплар гапирмагайсан. Жонингни эса чин юракдан фақатгина худо учун боғлайсан, уни бешиққа айлантирасан. Шу йул билан жаннатга етишмоққа саъй-ҳаракат қиласан. Бу ердаги биринчи шарт ҳам тил ва суз билан боғлиқ эканига диққат қилинг.

*Нутқунгни улусқа уйлақим, шаҳд айла,
Суз талх демасга ҳақ била аҳд айла.
Жонингни маҳзи худо учун маҳд айла,
Жаннат талабида жидд била жаҳд айла.*

117. *Шаҳ ал-ҳанийю уқубатун* – “Бойнинг бахиллиги (унинг учун) азобдир”. Навоний бу гапни уз туртлигининг охири мисрасида баён этади. “Гар булса гани бухл (бахиллилик) унинг азобидир”. Лекин Навоний дархол бой туғрисида суз бошламайди. У олдин саховат, инъом-эҳсон этувни касб этган кишилар эл орасида фахрли булғайлар, дейди.

*Ҳар кимсаки, жуд иктисобидур анинг,
Эл мафхаридур зоти комёби анинг.*

Шундан кейин Навоий олдин бахилликни кораловчи суз айтади. Агар бирор киши бахилликка киришган булса, бу иши яхши эмас. Фақат шундан кейингина агар бахил одам агар бой булса, унинг бахиллиги жонига азоб эканлигини билдиради.

*Ҳар кимсаки, бухл иртиқобидур анинг,
Гар булса ганий, бухл азобидур анинг.*

Демак, бухл ҳар қандай одамга куп укубатлар туғдиради. Айниқса, бойлар учун бу оғир азоб.

118. *Шамматун мин ал-маърифати хайрун мин касир ил-амали* (Али) – “Оз маърифат куп тоат (амал)дан яхшироқ”. Навоий амални тоат сифатида англатган. Демак, маърифат, мактаб, маориф, билимдонликнинг ози ҳам бехуда вақт утказиш, куруқ тоат-тиловатдан кура яхшироқдир. Лекин Навоий дархол бу ҳулосани баён қилмайди. У одатига кура билимдонларга элнинг муносабати, яхши қарашларини билдиради. Халқ уларга лутфу марҳамат курса-тадилар, чин дилдан кадрлайдилар.

*Ирфон аҳлига эл ниёзи яхши,
Таъзим ила лутфи дилнавози яхши.*

Маърифатни эл баланд тутади. Чунки маърифат куп кийинчиликларни барҳам этади, чорасини топа олади.

Гар маърифат улса чорасози яхши.

Ана шундан кейин Навоий тоат туғрисида сузлаб унинг купидан кура оз булса ҳам маърифатнинг яхшироқлигини ёзади:

Тоат купидан маърифат ози яхши.

Лекин мен Навоий асарлари лугатида “амал” сузининг “тоат” маъносида ишлатилмоғини учратмадим. Барибир Навоий бу гапларни биздан яхшироқ билган. Шунинг учун “амал”ни “тоат” деб шархлаган. Биз эса ҳамма нарсани Навоийдан урганамиз.

119. Бу туртлик қариллик ҳақида. Бу масала жуда қадим ва бу туғридаги гаплар куп такрорланади. Ҳаммаси манфий мазмунда. Алининг *‘Шайбука ноийка’* ҳикматини таржимада “Қариллик улим хабарини келтиради” деб берилган (15-жилд. Б.232). Бу Навоий туртлигининг охириги мисрасидаги

Улмак хабарин бергучи даги қарилик

шаклида баён этилган.

Навойи олдин қариликнинг таърифини беради. У инсон бағрига доғ солади. У ҳазинлик доғи. Яна шоир кушимча қиладики, қарилик одамга гаму бало етказади. Бу ҳали халво. Қарилик кишига йуклик қадахини тулдириб тутади ҳам. Ана шундай муқаддимадан сунг хулосавий мисрада улмак хабарини ҳам қарилик келтиради, дейилади.

*Қўйғувчи бағирга ҳузн доғи қарилик,
Солғувчи гаму бало суроғи қарилик,
Тутқувчи тула фано аёғи қарилик,
Ўлмак хабарин бергучи даги қарилик.*

120. Ҳазрат Али “Қалб шифоси – Қуръонни уқимок” – “*Шифоъ ул-жинон мин қироат ил-Қуръон*” деган. Навойи Қуръонни уқимок кераклигини астойдил таъкидлайди. Бу иш, шоирнинг ёзишича, жонга хушxabар етказади, балки, ҳатто ҳаёти жовидон (абадийлик) бағишлагандай булади. У кунгилга шифо беради, бу фикрни икки қайта такрорлайди.

Қуръонни нафақат уқимок, уни уқмок, ундаги яхши гаплар, фикр ва хулосаларни урганмок, билмок ва уларга амал қилмок керак.

*Қуръонки, эрур муждаи жони уқумок,
Йуқ, йуққи, ҳаёти жовидони уқумок,
Бил кунгилунга истасанг шифони уқумок,
Ким келди кунгул шифоси они уқумок.*

121. *Шарт ул-улфати тарк ул-кулфати* – “Улфатчилик шарти – кулфатнинг йуклиги” (“Кулфатнинг йуклиги улфатчиликнинг шарти” (Али).

Навойининг ёзишича, улфатчиликка айрим хилоф буладиган сабаблар булади. Кунгил очиш иши учун хабардор булмок зарур булган шартлар бор. Улфатчилик шартини беафсус амалга оширмок учун уша нохушлик, кийинчиликларни олдин бир тараф этмок зарур. Яъни беташвиш, хотиржам шароит булса улфатчилик қилмок макбул. Навойи туртлигини биз шундай тушундик. Ҳақиқатан ҳам дилжуйлик қилишга имкон булмаган, кулфат бор вақтда улфатчилик юракка сигармиди. Улфат турғисида суз борганда бу ерда тор доирада дустлар учрашуви эмас, улфатчилик билан боғлиқ

каттарок тадбирлар кузда тутилаётган булиши мумкин. Майдарок иш булса ҳазрат Али ва Навоий бунчалик диққат қилган буларми эдилар.

122. Бу туртликнинг маъноси катта ижтимоий аҳамиятга эга. Суз шахс ва жамият тугрисида бормоқда. Али деган: *Шарр ун-носи ман ятқиқиқи ин-носу* – “Ёмон одам – ундан эл қочган одам”.

Навоий очиқ ёзадики, агар эл бировдан қочса, яъни одамлар узларини бирор кимсадан узоқроқ тутиб, ундан юз угирсалар, уша энг ёмон одамдир. Чунки кишилар яхши кишидан қочмайдилар, аксинча, ёмон одамдан қочадилар.

Эл қочса бировдин эл ёмони бил ани.

Ана ундай кимса бахтсизлик, омадсизликка дучор булади, аҳволида бадбахтлик нишони куринади:

Аҳволида идбор нишони бил ани.

Ушандай шахснинг феъл-атворида улусга, элга етадиган балолар мавжуд. Оламдаги одамларнинг энг ёмони ушадир.

*Феъл ичра улус балойи жони бил ани,
Олам элининг ёмон-ёмони бил ани.*

Демак, бундай ёмон одатли кимсани эл рад қилган, ундан узин олиб қочган. Энг ёмон одам шу. Хулоса, эл билан бирга булмоқ, элнинг ташвишини бирга тортмоқ, узини элга қарши қуймаслик керак.

123. *Сидқ ул-маръи нажотуху* – “Сидқ нажотдир” (Али).

Навоий бу масалани эркак киши (эр) билан боғлайди. Демак, бу туртликнинг қаҳрамони давлат хизматидаги, жамоат орасидаги айрим вазифаларни ижро этувчи ижтимоий шахс. XV асрда бу хизматларда айрим юкори табақадаги аёллар ҳам бундай ишларга алоқадор булганлар. Лекин Навоий асосан эрларни кузда тутмоқда. Шоир ёзади:

*Сидқ ичра қачонки чиқса оти эрнинг,
Фош улса садоқатда сифоти эрнинг.*

Демак, эр киши уз тамойил ва эътиқодига, уз сафдошлари ва ҳаммаслақларига садоқатли булмоғи керак. Шундай сифат билан элга танилган, уз садоқатини курсатмоққа қодир булмоғи лозим.

Навоийнинг айтишича, ана шундай чин эрлик (мардлик) узоқ умр курмоқдан кура яхшироқ. Бу

Хушироқки, тавил улса ҳаёти эрнинг.

Навойй уз фикрини ана шундай яқунлагандан кейингина Али ҳикматининг таржимасини беради:

Ким сидқдин оқдурур нажоти эрнинг.

Ана шундай мард уз садокати туфайли нажот топади.

124. Али ва Алишер Навойй бу ҳикмат ва туртликда рузани баданининг соғ булмоғидаги ахамиятини таъкидлашган. Али соддагина қилиб “Тананинг саломатлигига руза фойда келтиради” дейди. *Сихҳат ул-бадани фис савми.* Навойй эса руза тутувчига руза оғирлигини кутармокка маслаҳат беради. Кишининг руҳ сафоси давлати рузадан, дейди. Кимки, соғликни тиласа руза тутмокни ният қилсин. Чунки бадан сихҳати рузадан.

Доим тут узинга рузанинг меҳнатини

Ким, руҳқа еткурур сафо давлатини.

Сихҳат тиласанг қилгил анинг ниятини,

Ким рузада қуйдилар бадан сихҳатини.

Али ва Навойй сузларини тиб олимлари ҳам маъқулласалар керак.

125. *Сабрука юврас уз-зафар* – “Сабринг зафар келтиради” (Али).

Бир маҳал мен бир кумуш тангасимон қалин ёрликни курган эдим. Уни чиройли қилиб арабча ёзувда *Мин сабри зафарун* “Сабрдан зафар” деб ёзиб қуйилган эди. Навойй “Хамса”даги “Ҳайрат ул-аброр” асарида сабрни иймоннинг хусусиятларидан бири сифатида таърифлайди.

Бир маҳал илмий баҳсда бир адабиётчи мени ноҳақ равишда танкид қилди. Мен бундан хафаланиб, қизишганимда илмий раҳбарим жизиллаб қизишмасликни, сабр-бардош билан ҳар бир кунгилсизликни енгиш кераклигини айтган эдилар. Бу уғитга амал қилиб зарар курмадим. Ҳатто кейинчалик уша “танкидчи”га унинг бир мушқулини ҳал этишда ёрдам ҳам курсатганман. Устозлар маслаҳат, пандларига амал қилмоғимиз фақат фойдалидир.

Мана бу туғрида Навойй нималар деган:

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,

Охир киши фолини ҳумоюн айлар.

Сабринг нечаким, кунгулни маҳзун айлар,

Ҳам сабр сени зафарга мақрун (яқин) айлар.

Бу доно угитларга шархнинг хожати йукдир.

126. Бу туртлик намозхонларга каратилган. *Салавот ул-лайли баҳорун бин наҳори* – “Тун намози эрталабки ишга баҳодир” (Али).

Навой:

*Куп қилма намоз амрида бепарволик,
Ракъат била қил оҳ ҳадангин ёлиқ.
Қилсанг кеча саждага жабин фарсолик,
Кундузунга ул намоз эрур зеболик.*

127. Бу туртлик 108-ракамли билан мазмундош. Бу учала панд-угитларда Али ва Навой кишиларни жим турмоқ, куп сузламас-ликка чакирганлар. Мақсад киши саломатлигини сақламоқ. Дарҳақиқат, халк маколи ҳам дейди-ку: “Оёк югуриги ошга, тил югуриги бошга”.

Али тутридан-тутри бадан соғлиги жимликдандир, деган: *Салоҳ ул-бадани фи-с-сукути*.

Навой бу тутрида кенгроқ сузлайди. У одамни жимлик (сукут) жомидан маст булмоққа даъват қилади. Лаби ва оғзини берк тутмакка маслахат беради. Шоир суз айтмоққа рағбатлантирмайди, аксинча, хомушликни тарғиб этади.

Яна энг муҳими, шундай қилмоқ саломатликни сақлаяжагини ҳам айтади.

*Даҳр ичра сукут жомидин мадҳуш ул,
Лаб бирла сузунг юзига бурқатуш ул.
Демонки, суз айтурга балогаткуш ул,
Нафсинга (яъни узингга, А.К) салоҳ истар эсанг
хомуш ул.*

Жим булмоқ, сукут, хомушлик саломатлик учун фойдали экани ана шу уч ҳикматнинг туб мағзини ташкил этади.

Навбатдаги ҳикмат ҳам шу мавзуда.

128. *Салоҳ ул-инсонни фи ҳифз ул-лисонни* – “Инсон соғлиги тилни сақлашида” (Али).

Навой ҳам шу фикрни давом эттиради. Озрок гапир, жонингга соғлик етишади. Бу сени ташвишдан куткаради. Хавфдан сақлаб, иймонни соғлом қилади. Уз саломатлигини асраш инсоннинг мақсади. Тилни тиймоқ инсонларнинг саломатлигини сақлайди.

*Оз нукта дегил, тилар эсанг жонга салоҳ,
Ташвишли галат биймидин имонга салоҳ.*

*Инсон ани билки, ком эрур анга салоҳ,
Тил ҳифзидадур зумраи инсонга салоҳ.*

129. *Соҳиб ул-аҳёри яъману ул-ашрора* – “Яхшилар суҳбати ёмонликлардан саклайди” (Али).

Навой бу фикр мазмунини аниқлаштирган. Навоий суҳбатни кuzда тутган. У дейдики, суҳбат, учрашув, бирга булмоқ мақсад йулини очади. Ана шундай суҳбатни топа олган, унга эришмоққа мушарраф булган киши бахтлидир. Суҳбатни ана шундай қадрлаб, унинг аҳамиятини курсатиб булгандан кейингина Навоий уз укув-чисига угитини айтади.

*Асли мақсуд саридур йул суҳбат,
Фархунда кишики топқай ушул суҳбат.
Яхши кишилар бирла тутар бул суҳбат,
То бергай омон шарардан ул суҳбат.*

Ҳазрат Али яхшилар суҳбати ёмонликдан асрашини айтган эди. Навоий эса, умуман, суҳбатнинг тутган урни ва аҳамиятини тушунтирди. Унинг мақсад йулига етаклашини билдирди. Факат яхшилар билангина суҳбат курмокни маслаҳат берди. Охири эса шундай суҳбат ёмонликдан сакланишини англатди. Бу туртлик суҳбатга онд сабоқлардир.

130. *Самт ул-жоҳил сутруҳу* – “Нодоннинг жимлиги пардасидир” (Али). Бу ҳикмат ғоят қиска ва чуқур маъноли. Шунинг учун Навоий бу масалани ечмоққа куп урин берган. Шоир, аввало, жоҳилнинг мақсади нимада эканини айтади. Жоҳилнинг гарази туси, куринишини оқартувдир. Оти худди окимтир рангда. Суз оти секин юрса у шодланади. Жоҳил ақлли, маънили гап гапира олмайди. Жим утиради. Ана шуним жимлиги унинг жоҳиллигини беркитувчи парда каби узига фойдалидир.

*Жоҳилки, гараздур ашҳабу жарда анга;
Суз раҳши батийдур тараб айларда анга.
Эрмас чун нутқ нуктапарварда анга,
Хомушлиги ҳолигадур парда анга.*

131. *Сил раҳмака тақсуру ҳашамака* – “Раҳмлилигинг сени баландлайди”. Яъни иззат-хурматинг, мартабанг, даражангни сенинг меҳрибонлигинг, раҳмлилигинг оширади (Али).

Кимларга раҳм қилмоқ керак? Бу саволга Алишер Навоий жавоб беради. У уз туртлигида ёзади:

*Ҳар неча қароботдин алам куплуғидур,
Сухбатлари андуҳу ситам куплуғидур,
Вуслатлари гарчи элга гам куплуғидур.
Қил, вуслат аларгаким, ҳашам куплуғидур.*

Яқинлар орасида ғамлилар куп, уларнинг ғап сузлари хасрату кайғу ва ғам туғрисида купрок булади. Улар билан бирга булмоқ одамларга ортикча ғам-андуҳ келтиради. Сен ана шуларга яқин бул, уларнинг дардини енгил қил, раҳм-шафқат, меҳрибонлик курсат. Шунда сен баланд мартаба, даражага етасан, иззат-ҳурматнинг ошадди.

132. *Салоҳуд дини фил вараъи вал фасодуҳу фит-тамаъ* – Дин софлиги худодан куркишда, фасоди эса таъмагирликда (Али). Демак, худонинг айтганларини амалга оширмоқ дин тозалигини сақлайди. Таъмагирлик эса уни булғайди. Ҳикматнинг туб маъноси шу.

Навоий диннинг куп жиҳатдан уз тобеларининг феъли-хуйидан (афъоли табаъдан) боғлиқлигини айтади. Динни хуружлардан асровчи қалқон машҳур ҳадис “Изза ман қанаъ”дир. Бунинг маъноси шуки, ким бориға қаноат қилиб яшаса у иззат-ҳурмат топади, элда азиз булади. Диннинг тозалиги уша тобеларнинг дин таҳкик этган ишларни қилмасликлари туфайли сақланади. Диннинг фасоди – бузилиши эса таъма туфайли юз беради.

Шундай қилиб, Навоий уз туртлигида Али ҳикматининг доирасини кенгайтирган. Унга “Изза ман қанаъ” ҳадисини киритган. Гарчи Навоий бу ҳадиснинг “Залла ман таъма” (Ким таъма қилса узини хор қилади, тубанлаштиради) қисмини уз туртлигига киритмаган булса-да, таъманинг динга зарар етказмоғи, унинг бузилмоғига сабабчи булмоғини очиқ курсатиб, таъманинг нақадар чиркин иллат эканини очиб ташлайди, унинг нафратли бир қуриниш эканини фош этади.

*Динким, анга афъоли табаъдин булди,
Қалқон анга “изза ман қанаъ”дин булди.
Андоққи, салоҳ анга вараъдин булди,
Билгинки, фасод анга таъмадин булди.*

133. *Залла саъйу ман ражсаъи гайруллоҳи* – “Аллоҳдан узгага караганнинг ҳаракати адашувдир” (Али).

Одам барча орзу-умидларининг амалга ошмогини факат ҳақдан тиласин. Агар шундай қилмаса, унинг ҳатто шоҳлиги ҳам гадолик сингаридир. Чунки у Ҳақ олдида гадо кабидир. Агар у факат ҳақдангина огоҳ булиб унинг йулидан бормаса, барча умидлари пуч булади, чунки у йулдан адашган кимсадир.

Бу ҳикматнинг⁶ Навоийдаги шарҳи ана шундай. Мана Навоийнинг уз сузларини уқийлик:

*Ҳақдин кишиким, йуқ орзухоҳлиги,
Билгилки, гадоликдур анинг шоҳлиги.
Жуз ҳақдин анингки, булса огоҳлиги,
Умиди эрур гояти гумроҳлиги.*

134. *Ҳар кимки, яқин анга муҳаққақ булди,
Олдида маош ишида равнақ булди.
Қилмоқ тамаъ элга саҳви мутлақ булди,
Эл қисматининг кафили чун ҳақ булди.*

Бу туртликдаги охирги мисрани Али ҳикматининг айнан таржимаси деб қаралса булади. Чунки ҳикмат бундай: *Замман аллоҳу ризқа қулли аҳадин* – ҳар бир (кишининг) ризкига Аллоҳ кафилдир (Али).

Олдинги учала мисра шу хулосани асослайдилар. Яъни кимки, агар ҳаққа яқин булса уша кишининг тирикчилиги равнақ топади, яхши булади. Агарда у таъмагирлик қилса, мутлақо хатога йул қуйган булади. Демак, Худонинг берганига шукр қилиб, шу билан қаноатланиб яшамок керак. Таъма қилган кимса барибир ҳеч нарсага эриша олмаслиги аниқ. Чунки юқорида айтилгани каби, Аллоҳ ҳар кимнинг ризкига кафил, ҳар кимга узига яраша улушини етказиб бериб туради. Аллоҳдан узгадан бирор нарса тилама.

135. *Зарб ул-ҳабиби анжиъу* – (Али). Бу ҳикматни китобда “Дуст ачитиб гапиради” деб таржима қилинган (Навоий, 15-жилд. Б.232). Энди Навоийни уқийлик:

*Ким дустдурур нозу наим англа ани,
Душман эса нийрони жаҳим (дузах ути) англа ани,
Тан хок эса хасмдин салим англа ани,
Зарбеки, ҳабиб хасмдин алим англа ани.*

Бу туртликда Навоий дустнинг тақдир нозу неъматини каби ёқимлилиги, душманнинг эса дузах ути каби қуйдирувчи экани билан

суз бошлаган. Ҳар иккиси бир-бирига тулалигича қарама-карши. Кейинги икки мисра мазмуни турлича талкин қилинмоғи мумкин. Агар, дейди шоир, сенинг танинг душман томонида тупрокка белантирилса ҳам уни соғлом деб билгин. Лекин дустнинг зарбаси (зарбеки ҳабиб урар) алимдир. “Алим”нинг икки хил маъноси бор. Биринчиси – донолик. Иккинчиси эса – оғир азоб. Демак, китобдаги таржимада “алим”нинг биринчи маъноси олинган. Гарчи душман сени тупрокка кориштириб юборган булсада, узингни соғлом ҳисобла, дустнинг зарбасини эса фойдали, донолик деб бил.

Айни замонда дустнинг зарбасини энг оғир азоб сингари қабул қилгин, бундан ортиқ азоб йўқдир, деб ҳам таҳлил этмоқ мумкин.

136. *Зиё ул-қалби мин ақл ил-ҳалолӣ* – “Дилнинг ёруғлиги ҳалол емишдандир” (Али).

Навой бу ҳикмат шарҳини узоқдан бошлайди. Шоир биринчи мисрада ишқ сузини тилга олган. Агар кунгил ишқ балосига учраб фақирлик касб этса, икки кузи ёр яшайдиган жойга тикилган булади. У асиру банди булиб қолади. Сайргоҳи уша ер булади. Навой бу мулоҳазаларни, улар қанчалик таом, ишғаҳа, емиш каби гаплардан узоқда булса ҳам нега ишлатмоқда. Шоир уз фикрини баён этмоқда лозим топган нисбат ва сифатларни ишлатмоққа ҳақли. Навой бу ерда одамнинг энг муҳим машғулотларини кузда тутмоқда. Емоқ ва ичмоқ ҳамда севмоқ шу машғулликлар ичида бош урин тутуши аниқ. Мана севмоқ туғрисида Навойнинг ёзганлари:

*То ишқ балосига фақир улди кунгул,
Ҳар кузи ҳаримиға асир улди кунгул.*

Ана шундай мубталолик изҳоридан сунг уша кунгилнинг шу жойга тийра (қора сайргоҳга) боғланиб қолганини ёзади.

Ҳурмат аро тийра масир улди кунгул.

Фақат шундан кейингина ҳулосавий мисра келади.

Маъқули ҳалолдин мунир улди кунгул.

Демак, ҳалол емиш инсон учун покиза севги каби унинг кунглига ёруғлик бахш этади. Бу ҳикмат китобда ҳам ана шундай шоирона таржима қилинган: “Қалб нури – ҳалол таомдан пайдо булади” (Б.232). Ҳулоса шуки, инсоннинг ҳар бир қилмиши ҳам, емиши ҳам пок ва ҳалол булмоғи лозим.

137. *Зарб ул-лисони ашадду мин таън ис-синони* – “Суз зарби тиг зарбидан қаттиқроқдир” (Али).

Тил оркали берилган зарба, яъни аччик, ҳақоратли, купол суз билан етказилган озор найзанинг тиғи билан етказилган зарбадан кура огиррок. У кунгилни каттик яралайди. У жонни огритади (танани эмас). Сенга биров томонидан етказилган бундай огрик тиг оркали урилган зарбадан кура каттикрок эканини билиб қуй. Хулоса шуки, узинг одамларга шундай огрик етказма. Узгаларнинг ҳам сенга шундай огрик етказувидан эҳтиёт бул.

*Чун синса кунгул захми забон огригидин,
Ким эрмас анинг огриги жон огригидин.
Ҳар неки анга етар либон огригидин,
Билгилки, қатикдурур синон огригидин.*

138. *Залла ман ракана шал ашрари* – “Ёмонликка яқинлашган хор булади” (Али).

Ўзбеклардаги мақол “Қозонга яқин юрсанг, қароси юқар, ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар”га ҳамоҳанг ва ҳаммазмун ҳикмат.

Навой одамларни аввало яхшиларга яқинлашмоққа чакиради. У одам боласи меҳрибонлар, яхшилар, ишчан, тажрибали кишилар билан яқинлашмоғи керак деб маслаҳат беради. Шундан кейингина шоир ёмонлар билан яқинлашувдан кочмоққа чакиради. Чунки ёмонга яқинлашувчи қонга беланади, ниши унмайди, йулдан озади.

*Майл айла, ҳамиша меҳрибонлар сори,
Яхшилару турфа қордонлар сори.
Дол улди ёмон кишига қонлар сори,
Озди кишиким, борди ёмонлар сори.*

139. *Залла ман боъ ад-дини бид-дунё* – “Динни (молу) дунёга соғувчи хор булди” (Али).

Бу жуда катта масала. Гап молу дунё, бойлик туғрисида бормоқда. Шунинг учун Навоий уз туртлигини дунё сари интилувчи биродарнинг аҳволи туғрисида сузлайди. Бундай киши белигача дунёга ботиб кетади. У улус уртасида йулдаги адашган кимса булиб танилади. У динини дунё учун сотган кимсадир.

Навой туртлигида дин сузи ишлатилмаган. Бу туртликнинг охирги мисрасида ҳикматдаги “дин” сузи “дунё” билан алмашган. Яна “ахий” – биродар сузининг радиф сифатида ишлатилмоғи ҳам шоирнинг бу ҳикматдаги кескинликни юмшатишга интилганини билдиради. Ахир Навоийнинг мақсади бундай гумроҳларни жазо-

лаш эмас, балки буларнинг кузини очмоқ ва туғри йулга етаклов эмасми?

*Дунё сориқим, майл уқин отти ахий,
Анинг ваҳмига белича ботти ахий.
Гумроҳ улус ичра узин қотти ахий,
Дунёга бировки, дунёни сотти ахий.*

140. *Зоқа садруҳу ман зоқа ядуҳу* – “Кули куруқ булган кишининг кунгли ғамли булади.

Навоий ҳам “Ғамгиндурур улки, илги (кули) холий булғай” деб таржима килган.

*Улким, кулида дурур лаъолий булғай,
Ғамнинг анга қайда эҳтимоли булғай.
Муфлис булмоқ тараб заволи булғай,
Ғамгиндурур улки, илги холи булғай.*

Навоий уз туртлигини ёқимли ҳол тасвири билан бошлайди. У ёзадики, кулида кимматбаҳо лаъл ёки дуру гавҳарлар бор одамда ғам қайдан булсин. Камбағаллик шодликни йук қилувчидир.

Шундан сунг туртинчи мисрада кулида пули булмаган, чунтаги бум-буш одамгина ғамгин булади, деган хулоса келади³⁶.

Навоий узи ана шундай ғамгинликка учраган пайтлари булган. Унинг Самарқанддан Ҳиротга ғамхури ва дусту Саййид Ҳасанга йуллаган маснавий мактубида (“Ҳасби ҳол”) бу туғрида очиқ ёзган. Яна Навоий бир газалида ёзадики, “Танаъум даст бермас булмайин кулда дирам пайдо”. Бу кундалик турмушда ҳар кимда ҳам юз бериб турадиган бир ҳолат. Бу Навоийнинг ҳар бир масалада кундалик ҳаёт қуринишлари билан боғлиқ булгани, ундаги барча ҳолатларга муносабатини билдириб борганини курсатади.

141. *Зоқат ид-дунё алат мутаноқизина* – “Кунгли торлар учун дунё тордир” (Али).

Бу ҳикмат кишиларни очиқ кунгилли, юраги кенг булмоққа чорлайди. Фақат кунгли тор кимсаларгагина дунё тор. Навоий ана

³⁶ Ҳар ҳолда бу ерда кулнинг куруқ, бум-буш (яъни чунтақда ҳемири ҳам йуқлиги) эканлиги кўзда тутилади. Бир маҳаллар Ленинградда аспирантурани утаётган бир дўстим билан учрашиб суҳбат қурган эдим. Шунда мен унга дедим: “Ҳамиджон, шунча вақт шундай катта марказда яшаб ҳеч узгармабсиз. Илгаригидек камтар, камсуқум. Фақирлигиниғизча қолибсиз”. Дўстим кулди ва жавоб килди: “Агар чунтақ узгармаса, киши узгармас экан”. У ғамгин эмас эди. Чунки чунтақ бушлиғига ўрганиб кетиб, унга кўникиб қолган, лекин хурсанд ҳам эмас эди. Шунинг учун бу ҳикматни мен “Кули бушлининг кунгли гаш” деб таржима

шу фикрни анча кенгайтиради. Агар кишилар, жамоа (эҳтимол, бутун давлат ҳам – А.Қ.) дустликда яшасалар, хазон пайтларини ҳам узлари учун баҳорга айлантириб юборадилар. Ана шундай гузал хулосадан кейин Навоий душманликни кескин кораловчи мисраларини ёзган. У дейдики, узларига душманликни шиор қилиб олганлар бу кенг оламни, очунни, дунёни узлари учун тангу тор қилиб юбордилар.

*Хайлеки, масаддат ошкор айладилар,
Авқот хазонини баҳор айладилар.
Жамъеки, мухосамат шиор айладилар,
Кенг даҳр узига тангу тор айладилар.*

Бу гаплар Навоий томонидан қайта-қайта такрорланган. Тошкентда Навоий номидаги кенг ва куркам Миллий боғ бор. У ерда буюк шоир ва мутафаккирнинг муҳташам ҳайкали қад кутарган. Ҳайкал пештокига устозимиз Навоийнинг куйидаги байти зарҳал ёзувлар билан битиб қуйилган:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр улинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш!*

142. Таба вақту ман насақа биллоҳи – “Худога интилувчининг вақти хушдир” (Али).

Бу ҳикматни Навоий кенг куламда талкин қилган. Шоир уқувчисини ҳақ йулида ишонч ва эътимод билан бормоққа даъват қилади. Кимнингки кунгли кечаю кундуз ҳақда булса, унинг вақти хуш кечади. Бошига қандай ташвиш тушса-да, унинг кунгли оромли булади. Қайси томонга юз угирса унинг йулбошчиси ҳақнинг узидир. Демак, худога ишонч, эътимоди бор одамнинг ҳамиша кунгли хушдир.

*Улким, туку кун кунгли муроди ҳақдур,
Ҳам гуссада ороми фуоди ҳақдир,
Юз ҳар сориким, кетурса ҳодий ҳақдур
Хуш вақти анингки, эътимоди ҳақдур.*

143. Тубо лиман рузиқа бил офияти – “Саломатлиги ризки булмоқ қандай яхши” (Али).

Саломатлик, соғлиқ туғрисидаги бу ҳикмат яна ҳақ билан боғланади. Чунки ризку рузни ҳақ беради, офият (соғлиқни) ҳам у беради.

*Дардига анингки ҳақ дово қилди насиб,
Мақсудин айламак раво қилди насиб.
Ул кимсага ойини худо қилди насиб,
Ким офият ишин анго қилди насиб.*

144. Али тоатни ташвиқ этиб ёзган: *Тул ул-умри мин ат-тоати; мин халиъ ил-анбийеи* – “Тоат умрни узайтиради. Умр буйй ибодат – набийлар шиоридир” (Али).

Али ҳикматиға Навоий шарҳи бундай:

*Тоат сари қил тилингни жорий охир,
Ким андин эрур эл эътибори охир.
Тоатда узун умр шумори охир,
Топқонга бил анбиё шиори охир.*

145. *Тулул умру ман қасара таъбаху* – “Ким гамни кискартирса, умри узун булади” (Али).

Бу фикр бошқа ҳикматларда ҳам учраган. Али ва Навоий кишиларни гам-қайғуга берилмасликка чакирадилар. Бошга гам тушса уни чидам ва токат билан утказмоқ керак.

Навоий бу фикрни бундай изоҳлайди:

*Хуш вақти фано базми сори боргоннинг,
Йулдан узлук қайдини қайтаргоннинг.*

Йуқлик базми улим сари хушвақтлик билан бормоқ керак. Бу йулдан бораётганда узинг, табиатингга хос хислатлар, замона дардини унутмоғинг, бу укубатлар тутунларини ечиб ташламоғинг лозим.

Гамга берилиб, қайғу хайратларга кумилиб кетган кишининг умри кискаради. Кимки узига етган қайғу ва озорларни кискартира олса, яъни енгил кечирмокка эриша олса, унинг умри узун булади.

*Қисқарди ҳаёти гам ичин ёргоннинг,
Умри узун улди ранжи қисқаргоннинг.*

146. *Талаб ул-адаби авло мин талаб ул-заҳаби* – “Одоб талаби олтин талаб қилишдан авло” (Али).

Демак, одоб бойлик, молу дунёдан устун туради. Чунки заҳаб (олтин) ушаларнинг тимсолидир.

Ҳақ йулида нафсингга қийноқ етгани яхшидир. У сенга нимани буюрса, уша талаб яхшидир (Ҳақнинг талаби). Шодликнинг думи

булмоғи (яъни, чузилгани) яхши демагил. Ҳар кимдан эл истаган нарса адабдир.

*Ҳақ йулида нафсинга таабдур яхши.
Неким сенга амр этти талабдур яхши.
Демак тараб айларда занабдур яхши,
Ким андин эл истарга адабдур яхши.*

Демак, Навоий нафсини енгиб, адабли муомала курсатмоқ энг яхши ҳолат, қуриниш эқанлигини ана шундай нисбатлар орқали курсатмоқда. Ҳар қандай ҳолларда адабни сақламоқ энг яхши иш-дир.

147. *Тир маъа ал-ашколи* – “Уқ уз шакли билан” (Али). Китобдаги таржимаси: “Қабутар қабутар билан учади, гоз гоз билан” (15-жилд. Б.233). Ўзбек мақолида “Тенг тенги билан, тезак қопи билан”, тожикча мақолда “Гоз бо гоз, қабутар бо қабутар” дейилади. Булар ҳаммаси бир маънода. Яъни ҳар бир нарса, одам узига ухшаш, бир хил ё яқин булганлар билан бирга булгани маъқул. Ўзбекларда яна “Ухшатмагунча учратмас” дейдилар. Яъни бир-бирига ухшаш одамларнигина (Худо) бир-бирига учратади. Навоий ана шу фикрнинг шеърий ифодасини берган. Шоир бирор бадий тасвир воситалари орқали эмас, туппа-туғри бевосита бу ҳулосани баён этади.

Узингга эид, тесқари ва яқин булмаган (ножинс) шахсларга яқин булма, улар билан хурсандлик, улфатчилик қилма. Уз ҳунарингга яқин, уни тушунадиган, ҳамқор қишилар билан бирга бул, сирлашгин: табиати, феълу атвори сен билан бир хил булганлар билан бирга шодлик ва хурсандликда бул. Фақат узинг ҳамжинс булган қишилар билан ҳаёт самосида парвоз қил.

*Ножинс ила лутфу инбисот оз айла,
Ҳампешани ҳамнишину ҳамроз айла.
Ҳаммашраб ила нишот оғоз айла,
Ҳамжинс била ҳамиша парвоз айла.*

Қуриниб турибдики, Али ҳикматидаги лундалик ва нисбийлик Навоийда йуқ. У одамларга қандай иш тутиш йулларини ургатмоқда. “Назм ул-жавохир”⁵⁷ утигларининг вазифаси ҳам шу эди. У

57 “Назм ул-жавохир” араб тилидан “Шеърий дурдоналар” деб Ўзбекчага таржима этилса булар. Лекин унис арабча, буниси форсча. Менгича, Ўзбекчаси “Ёзув нижулари” ёки “Инжу битиклар” дейилса, эҳтимол, тузук булар - А. Қ.

хаммага тушунарли булсин. Шунда одамларга, уқувчиларга ундан фонда тегади.

148. Али сузи, бу ҳикматнинг талқини икки хил булмоғи мумкин. Биринчиси дунёга ихлос қуйма, ундан кунгилни уз. Иккинчиси: молу мулк, бойликка интилма, ҳатто азиз жондан ҳам умидингни уз. Шунда сен абадий ҳаёт (умри жовдондан) ноумид булмайсан. Бунинг маъноси шундайки, дунё ишига берилмасдан ҳаёт кечирган киши абадий барҳаётлик касб этади. Чунки у дунёдан уз манфаати учун эмас, одамлар элу юрт манфаати учун яшайди ва эл ҳурматини козонади. Молу мулк, бойликка ҳирс қуймаган озодаваш инсонлар шундай буладилар. Шунинг учун улар узоқ умр ҳам курадилар.

*Дунё сари бормаву бул андин навмид,
Булгил йуқса азиз жондин навмид.
Ҳар кимсаки, ул булди жаҳондин навмид,
Ул булмади умри жовдондин навмид.*

149. *Итоат ул-адувви ҳалокун* – “Душманга итоат улимдир” (Али).
Навой бу ҳикматни бундай шарҳлайди:

*Тут ҳақ тарафи касби саноат қилмоқ,
Ҳақдин неки юзланса, қаноат қилмоқ.
Жон топмоқ эрур дустга тоат қилмоқ,
Душманга улумдурур итоат қилмоқ.*

Али ҳикматида бир фикр изҳор этилган. Душманга буйин эгма. Бу асли ҳалокатдир. Навой одатдагидек бу ҳикмат таржимасини туртинчи мисрада берган: “Душманга улумдурур итоат қилмоқ”.

Лекин олдинги уч мисрада бундай кунгилсиз ҳодисага йул қуймаслик учун нималар қилиш кераклигини Навой бирма-бир айтиб утган: Биринчи навбатда, Ҳақ шарафига санолар айтмоқни узингга хунар қилиб ол (касб айла). Иккинчидан, Ҳақ томонидан нимаики, сенга юз берса, шу билан қаноатлан, ундан ортигини тилама ёки унга даъво қилма. Бундай илоҳиётга оид гаплардан кейин шоир кундалиқ турмушга утади. Биринчи угит дустликка оид. Киши дустига тоат қилса, унга яхшилик тиласа, унинг дуойи жонини қилса, узи ҳам жон топади. Аммо душманга буйинсунмасин. Чунки бу унинг учун улим, ҳалокат булади.

150. *Тоат ул-лоҳи ғаниматун* – “Аллоҳга тоат ғаниматдир” (Али). Бу ҳикматнинг Навой ёзганича, талқини ҳеч қандай шарҳга

мухтож эмас. Бу талкинни Алининг хикматини Навоий икки мисра оркали тулдиргани, уни янада сермазмун килгани шундай кузга ташланиб туради. Аввало, Навоий уз уқувчисини шайтон йулидан узокка кочмокка чакиради. Ҳар ким раҳмон (худо) йулидан изчил борсин.

*Шайтон йулидан айла ҳазимат зинҳор,
Қилгил раҳмон сари азимат зинҳор*

Шундан кейингина Алининг хикматидаги уғитни шеърӣй йусинда ифода этади. Ушанда ҳам учинчи мисрада шоир уқувчига тоатни тарк этмасликни маслаҳат беради. Шундан кейингина у Аллоҳга тоат килмоқ ғанимат эканлигини эслатади.

*Тоат била бер узингга қиймат зинҳор,
Ҳақ тоатини англа ғанимат зинҳор.*

151. *Зулм ул-маръи язруъуҳу* – “Зулмкор узига зарар қилади” (Али). Навоий:

*Даврон кишига зулм фузун айламагай,
То они таабга раҳнамун айламагай.
Эл зулм ила халқни забун айламагай,
Ким зулму уқ они сарнигун айламагай.*

Даврон бирор кишига узи зулм утказмайди, то бир-бирига зулм қилмагунгача. Шундай булгач, одам халққа оғирлик, кулфат етказмасин. Акс холда унинг зулми унинг узини ер билан яксон қилмай куймайди.

Зулм ҳақида. 151-, 152-, 153-, 155-, 161- ва 165-туртликлар ёзилган.

Зулмга қарши фикрлар Али хикматларида анчагина. Навоий уларнинг барчасини қувватлайди. Уз шарҳлари билан уларнинг мазмунини бойнтади.

152. Навоий золимнинг дунёни талаш, уни йук қилиш (зоё қилмоқ) тилагини рад қилади. Золимнинг жабру ситамлари эзилганларни қийинчилик, мухтожликка элтади. Бундай мазлумларни ғам эзади. Лекин уларнинг чеккан алам-уқубатлари бекор кетмайди. Уларга етишган ғамлар бекорга кетмайди. Улар золимни ҳам йукликка итаради.

Мана Алининг хикмати: *Золиमत ул-мазлуму ло тузиъу* – “Мазлумларнинг эзилиши беҳудага кетмайди”.

Навойй:

*Золимки, тилар айласа олам зоеъ,
Мазлумни бедоди этар кам зоеъ.
Мазлумни гарчи айлагай гам зоеъ,
Ул ранжжи чекти булмагай ҳам зоеъ.*

Қолган ҳикмат ва туртликлар ҳам бошқача шаклларда шу фикр-ни тудирадилар.

154. Али ва Навойй молу дунёга ҳирс куймоқни каттик қоралайдилар. Бу нарсанинг барча ёмон ишларнинг энг ёмони деб билладилар. Бундай дунёю бойликка интилиш кучи ташна одамнинг сувга интилмоғи сингари кучли. Пасткашларда бу интилиш айниқса зурдир.

Замъ ул-моли ашадду мин замъ ул-маъи – “Молу мулкка ташналик чанқоқнинг сувга ташналигидан ортик”, дейди Ҳазрат Али.

Навоййда:

*Дуне сари ҳирс ҳар ёмондин ортуқ,
Тарк этмоқ ани кавну макон (борлиқ)дан ортуқ.
Сувсизга сув шавқи булса жондин ортуқ,
Бил сифлага мол шавқи ондин ортуқ.*

156. *Зил ул-қарими васиъун* – “Саховат эгасининг сояси кенг” (Али).

Одамларга қарам қилувчи, уларга ёрдам курсатувчи, қувватловчи, мушқулини осон қилувчи қарамли кишиларнинг сояси ҳам кенг булади. Навойй бундайларнинг иши гузал, деб ёзади. Унинг боғида ҳамиша баҳор булаётгандайдир. Унинг бошида ҳар доим мурод гули чехра очиб юксалиб туради. Ана шундай шарҳлардан кейингина Навойй ҳикматнинг таржимасини беради (охирги мисрада):

*Мукрим ишини қурки, бадеъ улди баче,
Боғида ҳариф анга рабеъ улди баче,
Чун гули мурод анга рафеъ улди баче,
Ул нахлга ҳам соя васеъ улди баче.*

Ҳикматда “нахл” – “дарахт” сузи йук. Аммо “соя” бор. Навойй “нахл”ни киритган. Чунки соя бир нарсадан тушмоғи керак. Модомики, қарамлининг боғида баҳор яшнаб турган булса унда дарахтлар булмоғи керак, соя шулардан тушади. Ҳикматда қарамлининг



сояси нисбий маънога эга. Навоий шеърда эса шу фикр аниқ ва бадиний шаклда уз ифодасини топган.

157. *Зил ул-аъвижи аъвожу* – “Букри кишининг сояси ҳам букри” (Али).

Навоий уз туртлигида “букри” сузини “эгри” билан алмаштирган. Чунки агар букри – елкаси қийшайиб усган кишини билдирса, у фақат жисмоний нуқсонни англатади. Аммо эгри сузининг маъноси купрок ва чуқуррок. У туғри йулдан озган, қилмишлари ноҳуя ва нотуғри қимсани билдиради. Ана шундай шахс фақат эгрилик ва хатогагина қодир. Унинг ишлари соғломлик ва туғрилиққа зид.

Мана сузни Навоийнинг узидан эшитайлик:

Ким эгри эса тузлук эмас пояси ҳам.

Кимки, агар узи эгри булса, унинг оёқ босиши ҳам, қиладиган иши, мартабаси ҳам туғрилиққа тесқаридир. Унинг оладиган фойдаси ҳам, сарф этадиган сармоясини ҳам узига ухшаган эгри булади:

Бор узидек эгри суду сармоясини ҳам.

Бундай шахснинг мақсад, тилақ ва интилишлари ҳам эгри. Бундан ташқари яна шоир киноя қилиб курсатадики, эгри одамнинг шифосини ҳам нотуғри.

Тузлук эрмас шифосию воясини ҳам.

Шундан кейингина ҳикматнинг таржимасини келади. У хулосадир:

Ким эгри кишининг эгريدир соясини ҳам.

Демак, эгрининг борлиғи, эгрилиғи соясида ҳам қуринади.

158. *Иш қониъан, тоқун малиқин* – “Қониъ бул, султонликкача етасан” (Али). Бу ҳикматнинг мазмуни Али томонидан фақат қаноатга қаратилган. Бориға шукр қилиб яшамок, шу бори билан қаноат қилмок кишини улугълайди. Ҳазрат Али бу фикрнинг оддийгина баён қилган. У қонеъ (қаноат қилувчи)нинг бу фазилати уни шундай баландликка кутарадики, у султон даражасигача кутарилмоғи мумкин.

Навоий қаноатни улугълаш билан чекланмаган. Навоий қаноатнинг зидди – таъмага қарши фикрнинг билдириш билан суз бошлайди.

*Қилсанг таъма элдан ҳадафи ҳузлон бул,
Сарғаштау хору бесару сомон бул.*



Кимки таъма қилса унинг ёмонлик нишони булмоғини, тенти-раган, хору зор, ҳеч нарсаи йук бир кимсага айланмоғини шоир таъкидлайди. Шунинг учун одам таъмани тарк этмоғи керак. Ана шундай йулни тутса, бу одам давронни бошқарувчи даражасигача етишади. Таъмани тарк этмоқ эса қаноатдир. Шунинг учун Навоий ҳулоса қилиб кишиларга панду угит қилади. Уларни қаноат шундай юксакликка кутармоғини тушунтиради.

*Тарки таъма айла, ҳокими даврон бул,
Яъники, қаноат айлау султон бул.*

159. *Улув ил-ҳиммати ман ал-иймони* – “Ҳимматнинг баландлиги иймондандир” (Али).

Навоий ҳимматнинг баландлигини ҳамиша улуглаган. Ушбу ҳимматга онд туртликда ҳам уша айтган фикрларини узгачарок йу-синда изҳор этади.

*Гар булса асоси қасри давлат олий,
Иймонга эрур равони ҳашмат олий.
Ҳиммат топар иймон била рутбат олий,
Иймондан эрур гар улса ҳиммат олий.*

Демак, олий давлат қасрининг асоси ҳимматнинг баландлигига боғлиқ. У иймонга алоқадор. Шу уни буюк ва муътабар қилади. Ҳимматни иймон юксакликка кутаради. Ҳимматга онд нимаки нарса булса ҳаммаси иймондандир.

Инсон ана шундай унга муносиб баланд даражадаги ҳиммат⁵⁸ эгаси булмоғи керак.

162. *Адувун оқилун хайрун мин садиқин жоҳилин* – “Ақлли душман жоҳил дустдан яхшироқ” (Али). Узбекларда бир мақол бор: “Дусти нодондан кура душмани зийрак афзал”. Бу ҳикмат шу мақолга оҳангдошдир. Навоий бу оддийгина қилиб билдирилган ҳикматни узбек тилига иккига булиб талқин қилган. У даставвал асл дустнинг қандай булажагини тушунтиради:

*Ҳар кимки, ҳирад йули сори мойил эса
Бу дуст анга, ҳар нечақим қойил эса.*

Ҳақиқий дустнинг қандай булмоғини изох қилиб булгачгина, Навоий Алининг уз ҳикматида кузда тутган ҳулосасини айтиб бе-

⁵⁸ Ҳиммат (бирлиги ҳиммат) ниёт, бирор ишга иштилош, уриниш. Ҳиммат фақат баланд, юксак, олижаноб булмоғи керак. Имон билан боғлиқ ҳиммат шундай булади: Ҳимматсиз киши эр сонда эмас. Рухсиз баданни киши тирик демас (Навоий).

ради. Олдинги куп ҳикматларни Навоий бир мисрага (туртинчига) жойлар эди. Аммо бу туртликда Али ҳикмати икки мисрада баён этилган.

*Бир дустдан ортуқдур агар жоҳил эса,
Андоқ душманки, зийраку оқил эса.*

Демак, уша зийрак ва оқил душман жоҳил дустдан кура яхшироқдир. Навоийнинг “бир дуст” деб курсатмоғига ҳам аҳамият беринг. Чунки дустлар орасида жоҳиллари куп булмаса керак.

163. *Уср ул-амри муқаддамат ул-йусри* – “Ишнинг қийини осонига эшик булади” (Али).

Навоий:

*Мушқиллик илаки, иш адоси келди,
Сунгра анга “ал-айш” нидоси келди.
Иш саъбки, одама балоси келди
Осонлигу айш ибтидоси келди.*

Русларда бир мақол бор: “Сделал дело, гуляй смело” (“Ишни битирдингми, дадил уйнаб-кулавер”). Бу ҳикматнинг мазмуни шу мақолга яқинроқ туюлди менга. Чунки Навоий ёзадики, агар бирор ишни бажармоқда чигалликларга дуч келган булсанг, шу иш биттач, “ал-айш” – “энди уйнаб кулавер” деган овоз эшитилди. Шунинг учун оғир ва қийин ишни битирган одамга энди енгиллик ва “уйнаб кулмоқ” бошланади. Хулоса шуки, оғир ишдан қурқма. Уни муваффақият билан тугалла. Шундан кейин сенга хурсандлик ва осонлик келажак. Али ҳикматидаги “ишнинг жуда қийинлиги шодликнинг бошланишидир” деган лундалик туртлик шеърда кенг ва шарҳли равишда берилганига ҳам диққат қилмоқ керак. Навоий бу ерда уз уқувчисига анчагина мураккаб ҳикматни енгилроқ тушунтириш мақсадида ортикча лундалиқдан сақланган.

164. *Алайка бил-ҳифзи дум ал-жамъи мин ал-кутуби* – Китобларни йиққандан кура ундаги нарсаларни хотирангда сақлаганинг яхшироқ (Али).

Бир танишимиз айтиб берган эдики, унинг илмий раҳбари “китобларни йиғавермоқдан кура кутубхонадан маданий усулда фойдаланмоқни одат қилгин” деб унга маслаҳат берган экан. Китоб мухлислари бу маслаҳатни қабул қилмоқлари керак булар. Чунки уйда йиғилиб купая бораётган китобларни ҳар доим уқиб чиқишга имкон булмай қолмоғи табиий. Чунки кутубхонадан олган китоб-

ни албатта уқийсиз. Чунки уни қайтариб кутубхонага топширмак шарт. Али ва Навоий ҳам китобларни йиғавермоқдан кура уларни укимоқ ва уқилганларни ёдда тутмоқ кераклигини укдирмоқдалар (кейин шу уқилганлардан амалда истифода этмоқ учун). Мана Навоий бу ҳикматни қандай шарҳлаган:

*Дониш тилаю ҳар сори гар кетгайсен,
Ҳифз айламасанг варақ йиғиб нетгайсен.
Саъй айлаки, ҳифзи ганжига етгайсен,
Йуқ улки кутуб саъй ила жамъ этгайсен.*

Навоий туппа-туғри айтадики, билим истаб ҳар ерга борасан; агарда уша билимларни хотирда тутмасанг варақларни йиғавермоқдан сенга не фойда. Сен, дейди шоир, бу билим бойликлари хазинасини кулга киритмоққа ҳаракат қилгин. Бу иш китобларни йиғавермоқдан кура куп фойдалидир.

166. *Ақийбу қулли авми лайлатун* – “Ҳар бир кун тун билан алмашинади”. Алининг ҳикмати.

XIX асрда Қуконда яшаб ижод этган шоир Муқимий бундай деб ёзган эди: “Ойнинг ун беши қоронғу қолгани мохтоблар”. Бу ойга оид мисра. Ҳазрат Али ва Навоий кеча ва кундузнинг бирлиги ва бир-бири билан алмашуви туғрисида сузламоқдалар. Навоийнинг талқини бадияятга тула алоҳида бир тўртлик. Лекин унинг мазмуни ҳикматнинг мазмунига монанд.

Ўзбек шоири Собир Абдулла ҳам “Собиро, ҳар бир туннинг охи-рида тонги бор” деб ёзган (“Тоҳир ва Зухра”).

Навоий куннинг тун билан бирлигини табиатдаги турли қурнишларга ухшатади. Окнинг қаршисида соф қоралик туради. Гулнинг ёнида қора сунбул урнашган. Ҳар бир юз билан қора зулф бир-бирига яқин. Худди шунинг сингари ҳар бир кундуз кетидан қора тун келади.

Аммо Али ва Навоий уз ҳикматларида умуман ёруғлик ва қоронғулик, оклик ва қоралик, уларнинг бир-бирларидан айру булмасликларига диққатни қаратаётганлари ва булардан ижтимоий амалий хулосалар чиқараётганларини ҳам унутмаслик керак.

Навоий тўртлиги:

*Қофур қошида мушки соро эрмиш,
Гул жанбида сунбул ошқоро эрмиш.
Ҳар юз била бир зулфи сумансо эрмиш,
Ҳар кун сунгида бир кеча пайдо эрмиш.*

167. *Ғанима ман салама* – “Соғликни ғанимат бил” (Али). Ҳақиқатан киши соғу саломат эканида ҳар хил ташвиш, юмуш, вази-фалар ижроси билан банд булади-да, узининг соғ юрганига шукрона қилмоқни унутиб юборади. Ваҳоланки, агар соғ булмаганда ҳеч қандай фаолият, амалий машғулот билан банд була олмас эди-ку.

Навобий бу уғитни ҳам кенг шарҳлайди. Осмон худди тиг урувчи жохилга ухшайди. Ҳар бир кун бир йилдек узун туюлади кишига. Уша жохил худди қотил сингари эрталабдан кечгача қон туқиш билан банд. Шундай шароитда элу юрт, одамлар узларининг соғ юрганларини ғанимат билиб шодлансинлар, шукроналар қилсинлар.

*Гардунки, эрур тигзани жоҳилдек,
Ҳар кун анга узундурур бир йилдек.
Тонгдан оқшомгача қон туқар қотилдек,
Солимлигин андин эл ғанимат билдук.*

Агар Навобийнинг ҳар куни бир йил каби туюладиган, турли кунгилсизликлар билан тула умрда соғ-саломат юрганига инсон шукр қилиб бу давлатни ғанимат тутмоққа даъвати булмаганда, барча соғ кишилар уз саломатликлари шукронасини унутиб юборган булармидилар.

168. Ҳазрат Али уз ҳикматида тангрига таваккул қилувчилар фахрлидирлар. Улар тақво билангина яшовчилардан устун турадилар, дейди.

Навобий бу фикрни қувватлар экан, уша таваккул аҳлининг қимлардан кура кадрлироқ эканини бирма-бир курсатиб, Али ҳикматини тасдиқлайди.

Жохилларнинг кадри булмайди. Сусткаш ёрдамчилар тудаси ҳам шундай бекадрдир. Дунёда бепарволар ҳам кадрсиз. Узини билиб-билмасликка солувчиларнинг ҳам кадри булмайди. Ана шундай бекадрларга қарши улароқ худога таваккул қилувчиларнинг кадри баланд булади.

Али: *Ало қадр-ил муттақийна ва ало қадр им-мутавакқилийна* “Тақводорлардан кура Аллоҳга тавакқал қилувчиларнинг кадри купроқдир”.

Мана Навобий сузлари:

*Не булеусидур аҳли таҷоҳул қадри,
Ё зумраи аъвону тақосул қадри,*

*Йуқ дайрда арбоби тажоҳул қадри,
Беҳад булур асҳоби таваккул қадри.*

Ўзбеклар таваккал ҳақида бир мақолга эгадирлар: “Ақли уйига етгунча таваккалчи уйига етар”. Демак, бу ҳикматдаги гаплар халқ ичида ҳам уз тасдиғини топган.

172. *“Гоби хаттуҳу ман гоба нафсаҳу”* – “Ўзини йукотган йулини ҳам йукотади” (китобда – “Йулини йукотган, узини ҳам йукотибди”. 15-жилд. 233) (Али).

Навоий:

*Эй ҳажр, мени сен айла жондин гойиб,
Лекин қилма ул остондин гойиб.
Ҳар кимсаки, булди бир макондин гойиб,
Ҳам булди анинг баҳраси ондин гойиб.*

Навоий туртлигидаги асосий маъно – кишининг узи учун кадр-ли ва зарур макони, остонидан айрилмаслиғидир. Ким шундан айрилса, уша даргоҳдан оладиган баҳрадан ҳам маҳрум булади. Бу эса унинг маънавий ҳалокати билан баробар.

177, 179, 181. *Фихо ул-маръи бифазлиҳи авло мин фаҳриҳи би аслиҳи* – “Кишининг фазилати билан фаҳрланиши – асл эканлиғи билан фаҳрланишиндан авлодир” (Али).

Бу ҳикматнинг ижтимоий аҳамияти анча улкан. Қуплар биз фалончининг авлодимиз, фалон-фалон улуғлар бизнинг ота-боболаримиздир, деб гердайдилар.

*Гарчи кузингизга чал жуҷаман
Маҳдуми аъзамлик, узим хуҷаман.*

(Муқимий)

Шундай деб узини бошкалардан устун қуядиган танобчилар шундай қилиб бечора кишлок аҳллариға зулм утказар эдилар.

Ҳажвғуй шоир Муқимий ёзган бу шеърдаги танкидий фикрни буюк устоз Алишер Навоий юмшоқроқ шаклда, улуғсифатлик билан, лекин қатъиян айтиб утган эди.

*Элга шараф келмади жоҳу насаб,
Элга шараф келди ҳаёу адаб.*

Худди шу фикр Навоийнинг туртлигида Али айтган ҳикматни ўзбек тилиға қилган шарҳли таржимасида уз урнини топган.

Кимки, агар у одамлар орасида донорок булиб курингудай булса, ундай одам ақлу хуш, билимдонлик одатларини яхши эгаллаган эътиборли зот булади. 186-туртликда ҳам шу ҳақда айтилган.

Агарда киши уз келиб чиқиши, аждодлари билан фахр қилса бу галати туюлади. Инсон узининг асл зоти билан эмас, балки фазилатлари билан фахрлансагина арзийди.

*Ҳар кимки, халойиқ ичра доно куринур,
Ойини хирад аро тавоно куринур.
Фахр асл била ажаб таманно куринур,
Фахр айласа фазл бирла авло куринур.*

178. *Фалажука ала ҳасмика фил эҳтимоли* – “Душманингнинг ҳалокати эҳтимолдир” (Али).

Қачон ва қандай қилиб бу эҳтимоллик юзага келади. Бу саволга Навоий тула жавоб берган.

Ҳар бир мақсаднинг чуқур уйлаб (тааммул) иш тутсанг амалга ошади. Агарда мақсадга етолмасанг, буни билмаслик, сезмаслик, бепарволик туфайли эканини билиб қўй. Албатта мақсад таваккулдан амалга ошмоғи, яъни тангрига ишониш, суяниш орқали эканини ҳам унутма. Душман устидан галаба қозонмоқ юмшоқлик, сабр-чидам (таҳаммул) орқали мумкин булади.

“Ситамларга таҳаммул бахш бу сабру қароримдан” (Собир Абдулла).

*Ҳар ком сенга етса тааммулдан бил,
Нокомлиқ урса юз тагофудан бил.
Мақсудга етмагинг таваккулдин бил,
Ҳасмингга зафар ҳилму таҳаммулдин бил.*

179. *Фитнат ул-маръи ядуллу ило аслиҳи* – “Равшан фикрлилик аслидан далолат беради” (Али). (Китобда “Кимки ақлли булса, у асл кишидир”. 15-жилд. Б.233).

Бу ҳикматнинг Навоий таҳрир ва таҳлилидаги куриниши бундай:

*Нодонлиг эрур элда малолатга далил,
Доно улус оллида хижолатга далил,
Беасл иши булмади¹⁹ адолатга далил,
Донолиг эрур элда асолатга далил.*

¹⁹ “Бўлмас” деб ёзилгани тузуқ эмасмикин – А. Қ.

Бу хикмат шарҳга муҳтож эмас. Асл инсон доно булади.

180. *Фоза ман салама мин шарри нафсиҳи* – “Нафс ёмонлигидан соғ булган одам бахтли” (Али).

Навойи бу хикматни шеърга туширар экан, турмушдаги айрим зиддиятларга ургу беради. Нодон, билимсиз кишиларга олимлар ҳар доим фируз (бахтли) қуринадилар (ваҳоланки, олимлар ичида ҳам нафс бандалари оз эмас. А.Қ.).

Адолатга меҳр қуйган кишиларга (одилларга) ҳеч қачон зolim кимса бахтли қуринмайди. Булмаса, сен савол беришинг мумкин-ки, ким бахтлидир? Бу саволга Али ва Навоий жавоб бериб дейдиларки, кимки нафс ёмонлигидан қутилган, бу балога мубтало булмаган булса, ўша одам бахтлидир!

*Нодонга эрур ҳамиша олим фируз,
Одил кишига булмади зolim фируз.
Бордур дер эсанг халқ аро ким фируз?
Ким, нафс шарридин улди солим фируз!*

183. *Фи қулли қалбин шуглун* – “Ҳар бир қалбнинг уз хунари бор”⁶⁰ (Али).

Ҳар бир ихтисос эгаси уз хунарини севади, унга ихлос қуяди. Шундай булмаса у бу касб билан шугулланмаган булади.

Менга бир ошпаз уз қасбини бундай улутлаб гапиргани эсимда: “Бир вақт келадикки, куп хунарлар учади, унутилади, кераксиз булиб қолади. Лекин икки хунар ҳеч қачон улмайди, иккаласи ҳам ҳар доим одамларга зарур булиб сакланади. Бирини туғрук иши билан шугулланувчилар. Чунки улар одам наслини қабул қиладилар ва асрайдилар. Иккинчиси, бизнинг хунаримиз – ошпазлик. Чунки биз инсон ҳаётини саклаймиз”.

Бир ипак матоларни маҳорат билан туқувчи қосиб уста нафрат билан деган эди: “Туқувчи булмаган кишининг қули кесакка ухшайди”. Чунки узининг қуллари қалин ипак қатламлари ичидан (танди) узилган нозик ипак ипларини бармоқларининг учи билан илиб олар, уларни боғлар ва яна туқиш ишини давом эттирар эди. Бир куни мен бу устанинг боғда ҳамма қатори кетмон чопиб ишлаётганлар ичида қурдим. У дадил кетмон чопар эди. Шунда бир кетмончи унга:

⁶⁰ Китобда “Ҳар бир қалбнинг ўз ташвиши бор” деб таржима қилинган. “Шуглун”ни Навоий “машгулли” деб ёзган. Бу эса ўша қалбнинг бир касб, хунар, машгулотга мойил ва банд

– Уста ака, сиз ҳам кетмонни биздек чопа олар экансиз-а, – деб кинояомуз гап килди. Шунда уста унга:

– Сиз килган ишни мен ҳам кила оламан. Аммо мен килган ишни сиз кила олмайсиз, – деб жавоб бергани эсимда қолган.

Ҳар холда ҳар бир киши уз ҳунари, касбини кунгил бериб, се-виб, шу ишидан лаззатланиб ишласа, унинг қалби хурсанд булади.

Шу фикр, менимча Навоий туртлигида узининг ёрқин бадийй ифодасини топган.

Анинг қаро қошу кузга машғуллиги⁴¹,

Мунинг доғи пок сузга машғуллиги.

Бирнинг туқумоғда бузга машғуллиги.

Ҳар қайси кунгулнинг узга машғуллиги.

196. Навоий олимларни жуда ҳурмат қилар эди. Бу туғрида куп ёзмок мумкин. Лекин “Назм ул-жавоҳир”даги Навоийнинг бир туртлиги олимнинг кундалик турмушда узини қандай тутмоғи кераклиги туғрисидаги низомга ухшаб кетади. Навоий Ҳазрат Алининг ҳикматини узбек тилига утказганида буни ёзган. Демак, ҳазрат Алининг олимларга ҳурматли муносабати ҳам шундай булган.

Али деган: *Камол илми фил ҳилми* – “Илмнинг камоли хилм-дадур”. Ҳилм дегани ҳалимлик, юмшоқлик, хушмуомалали булмок, сабр, токатлилик, инсон табиатининг мулойимлигини англатади. Навоий ана шу фикрни уз шеърда ифодалаган.

Олимки, тисандадур ҳисоли билгил,

Ҳилмин тан аро руҳ мисоли билгил,

Комилда керак ҳилм хаёли билгил,

Ким ҳилмдурур илм камоли билгил.

Олимнинг энг кузга ташланадиган хусусияти унинг хилми. У тан ичидаги руҳ сингари. Комил инсонда ҳамиша хилм хаёли булмоғи лозим. Чунки илмнинг энг мукаммал қуриниши хилмдир.

197. *Камол ул-жуд ил-эътизору минҳо* – “Яхшилик – узрли булиш билан эътибор топади” (Али).

Демак, яхшилик килмок керак. Яна уни узр билан килмок лозим. Яъни зинҳор-зинҳор миннат билан эмас. Ушандагина бундай яхшилик эътиборли булади.

⁴¹ Навоий шоирни ҳўзда тутаетган бўлса керак – А.К.

Навойи бу фикрни янада кенгроқ шарҳ этган. Эҳсондан кура яхшироқ иш оламда булмас. Барчага, бутун осмон остида яшовчиларга лутфу эҳсон, бунинг чексиз булмоклиги гоят ёкимли иш. Лекин бундай яхшилик бенуксон ва хайрли булмоги учун агар у узр билан амалга оширилса, беминнат булса жуда ҳам яхши булади.

*Йуқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин,
Офоқ элига жуди бепоёндин,
Гар мужтаниб улса давр аро нуқсондин,
Жудига камоли узр билгил ондин.*

198. Дуне ишлари туғрисида Навоийнинг фикрлари жуда кескин. Лекин Ҳазрат Али дунё айблари орасида фақат унинг бақосизлигинигина тилга олган. *Кафока мин уюб-ид-дунё ан ло ябқо* – “Дунё айбларидан унинг бақосизлиги сенга етарли эмасми?”

Навойи эса дунёни бир вафосиз аёлга ухшатади, уни ҳаёсиз деб атади. Унинг айбу хатоси йуқ деган гапни гапирма. Унинг асосий айби бақосизлигидир, деб хулоса қилади.

*Бу даҳр ажзузеки, вафоси йуқ анинг,
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йуқ анинг,
Дема муниким, айбу хатоси йуқ анинг,
Айби бас эрур буким, бақоси йуқ анинг.*

200. Ширин суз, ёқимли гап, хуш муомала инсонни безайди. Одамлар уртасидаги ҳурматли муносабатларни мустаҳкамлайди. Шаллақилик, беҳуда гапдонлик, суз орқали одамга озор етказмоқ ҳамиша энг ёмон одат ҳисобланган.

Навбатдаги ҳикмат чучук суз таърифида:

Лайин ул-каломи қийду қулуби – “Юмшоқ суз калбларни бири-бирига боғлайди” (Али).

Навойи шу фикрни жуда оддий, енгил тушунарли ифодалар орқали баён этган.

*Ҳар кимки чучук суз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки, агёрдурур ёр айлар.
Суз қаттиги эл кунглига озор айлар,
Юмшоги кунгулларни гирифторм айлар.*

203. *Лайса ли султон-ил-олими заволун* – “Қайси султон олим булса, унга завол йуқ” (Али).



Навойй бу фикрни чуқурлаштиради. У ёзадики, кимнинг агар илмдан хабари булмаса, илм туғрисида сузлашмоққа тайёр булмаса, илм аҳли олдида суз айтмоққа мажולי булмаса, олим унинг мулкнини ушлаб турувчи булмайти. Яна агар шоҳ узи олим булса, унда мулки заволга учрамайти.

Демак, илм мулкнинг ҳам, салтанатнинг ҳам куч-қувватини оширадиган кучдир.

*Ҳар кимдаким илм қийлу қоли булмас,
Илм аҳлига дерга мажולי булмас.
Олим мулкнинг интиқоли булмас,
Шаҳ олим агар булса заволи булмас.*

204. *Лайса-ш-шуҳрати мин ар-руъунати* – “Калтафаҳмлик, бесабрлик (руъунат) билан шуҳратга эришиб булмайти” (Али).

Навойй бу ҳикматни талкин қилар экан, даставвал, сузни до-нонинг умуман шуҳратдан четда булмоққа, шуҳратпарастликка интилмасликка чақиради. Шоирнинг ёзишича, доно учун шуҳрат, хашамат, безак туни ярамайти, аксинча улар донони қийнайди. Бу нарсаларнинг тунини доно қиймасин. Чунки унинг ҳар бир чоки доно юзида чизиклар (яъни озор излари) яратади. Умуман, дейди шоир, шуҳрат тунини қиймагин, у сен учун калтафаҳмлик, бефарахлик булади. Яхшиси фақирликнинг эски чопонини қийгину хотирингни жамъ қилиб бемалол юравер.

*Донога такаллуф туни қиймак қиндур,
Ҳар чини сори оразида бир чиндур.
Шуҳрат туни қиймагинг руъунатдиндур,
Кий хирқаи фақру хотирингни тиндир.*

211. *Мажлис ул-илми равзат ул-жаннати* – “Илмий йигин жаннат гулшани кабидир” (Али).

Навойй:

*Ким олим эса нуктада барҳақ де ани,
Гар базм тузар, биҳишти мутлақ де ани.
Ҳар кимсаки, йуқ илм анга аҳмақ де ани,
Мажлисдаки илм булса, учмақ де ани.*

Илм ва илм аҳлини бундан ортиқ улуглаш булмаса керак. Илм-сизликни қоралаш ҳам шунчалиқдир.



219. *Найл ул-манйи фил ано* – “Максадга кийинчилик оркали эришилади” (Али).

Бу хикматнинг Навоий талқинидаги маъноси анча чуқур. Навоий уқувчисига мурожаат килар экан, унга дейди: Агар бирор гам келса, узингни шодон тутмоққа одатланиш кераклигини билиб ол. Озик-овқат йуклигида худди керакли озуқа топгандек булмоқ кераклигини билгин. Билиб қуйки, ҳар бир мушкуллик меҳнат оркали ҳал булади. Шуни билиб қуй.

Шундай угитларни бериб булгач, Навоий умумий хулоса сифатида уша хикматнинг таржимасини келтиради. Муродга эришмоқ фақат ранж (озор чекиш, машаққат, кийинчиликлар) оркалигина юз беради.

Демак, гам-ташвиш тугилса, кайғуга берилиб кетмасдан шодлик билан уни енгмоқ лозимдир.

*Гамдин эрур узни шод топмоқ, билгил,
Бетушалиқ ичра зод топмоқ, билгил,
Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,
Ранж ичрадурур мурод топмоқ, билгил.*

222. *Назфат ул ваҷҳи фис-сидқи* – “Юз софлиги туғрилиқ-дандур” (Али).

Туғрилиқ, ростлик ҳар доим кишига расм, одат булмоғи шарт. Эғрилиқ, кинғирликдан кўра одамга ташвишлар туғдирувчи қилиқ булмаса керак.

Навоий “Садди Искандарий” достонида шундай хикояни келтирган: Бир подшоҳ янги қаср қурдираётганда қаср олдига урнатмоқ учун туппа-туғри устув керак булган. Уни бир камбағал кампирнинг ховлисида борлигини қурганлар. Уни сотиб олмоқчи булганлар. Кампир кунмаган. Шунда шоҳ буюрибдики, уша тусин оғирлиги миқдорида олтин бериб олингиз. Кампирга шуни бериб олиб келганлар ва уни қасрга урнатганлар. Сунг бу тусинни олтин нақшлар билан безатганлар. Кампир келиб буни қургач, тусинни кучоклаб йиғлар ва дер эмиш: “Туғрилиқинг туфайли узинг ҳам олтинга беландинг, мени ҳам олтинга кумдинг”. Туғрилиқ ана шундай. Ҳамиша туғри булинг, дуслар!

Навоий Али хикматидаги маънони уз шеърин талқинида туғрилиқни улуглашдан олдин эғрилиқни қоралайди. Кимнингки эғрилиқда оти чиққан булса, у туғри йўлдан адашиб йўлдан озган кимсадир. Сунгра шоир туғрилиқни улуглашга утади. Туғрилиқда

шодлик куп, бемиқдор ва улчовсиз. Кимки туғри булса, унинг юзи ҳар донм тоза булади.

*Ҳар кимки, эгриликда овоза дурур,
Туз жодда ичра йулидин оза дурур.
Тузлукта тараб беҳаду андоза дурур,
Ким ростдурур, юзи анинг тоза дурур.*

Ўзбек эртаги “Уч оға-ини ботирлар”да ҳам ота уғилларига “Тутри булинг, бехавотир буласиз” деб насиҳат қилган эди-ку!

225. Бу ҳикмат кундалик турмушнинг ҳар бир кўринишига оид. Шунинг билан бирга катта сиёсатга ҳам бевосита алоқаси бор.

Али дейдики, *Вилоят ул-аҳмақи сариъ уз заволи* – “Аҳмоқ юрт бошқарса, заволининг келиши тезлашади”.

Навой купрок умумлашма тарзида фикр юритади. Ҳар бир кишига хирад (ақл-хуш) йули узига мос тарзда берилган, бу йулнинг тартиби уша шахснинг узича нисбати бор. Агар кимки, давлатга эришса, яъни юқорига кутарилиб давлат эгаси булиб қолса, узига яраша маълум бир муддатга эгадир. Агар салтанат эгаси булган бу кимса аҳмоқ булса, у узининг заволини тезлаштиради, холос. Бу ҳақиқат тарихда узининг куп исботини топган.

*Ҳар кимга хирад тариқининг нисбати бор,
Давлатқа агар етса анинг муддати бор.
Аҳмаққа чу етса салтанат шанъати бор,
Султонлигининг заволига суръати бор.*

227. *Ваҳдат ул-маръи хайрун мин жалис ус-суъий* – “Ёмон билан ҳамсухбат булмоқдан ёлғизлик яхшироқ” (Али).

Бу ҳикмат куп адиблар томонидан тасдиқланган. Навой ҳам бу фикрни қувватлайди. Одамларсиз якка-ёлғиз булмоқлик, дарду ғам ичида чангга айланиб кетмоқлик ёмон билан дардлашмоқдан кура куп яхшидир Ёлғиз булавер, дарду озорингни биров билан булишмоққа ҳаракат қилма. Шундай булмоқ ёмон таниш билан сухбат қурмоқдан афзалдир.

*Бекаслигу дард қуйида гард улмоқ
Хушроқки, ёмон била ҳамовард улмоқ.
Ёлғиз бул, топма ранжпарвард улмоқ,
Хушроқ чу ёмон рафиқдин фард улмоқ.*

229. *Вофока ман лам йуаъдука* – “Душманлик қилмаганга вафо қил” (Али).

Навойй олдин уз уқувчисига қандай қилиб яхшиликлар қилмокни ургатади. Сен, дейди шоир, олам уйида яшовчиларга доим жонингни фидо қилиб марҳаматлар кургизгил. Агарда одамлар сенга ёмонлик қилсалар уларга яхшилик билан жавоб қайтаргин. Уз ёру дустингга эса сидки дил билан хурсандлик бахш эт. Умуман, кимки сенга душманлик қилмаса унга вафо, яхшилик курсатавергин. Демак, фақат яхшилик қилмоқ керак. Кимки сенга душман булса, ушангагина қаршилик курсатиш мумкин. Навоййнинг “ким қилмаса хасмлик” деганини шундай тушуномок ҳам мумкин.

*Давр аҳлига лутфи жонфизо кургузгил,
Эл қилса ёмон яхши жазо кургузгил.
Йуқ, ёринга сидқ ила сафо кургузгил,
Ким қилмаса хасмлик, вафо кургузгил.*

230. *Вайлун ли ман ватар ал-аҳрору* – “Яхшилардан ажралиб қолганларнинг ҳолига вой!” (Али).

Навойй: “Хамса”нинг якуний қисмида ёзган эди:

*Навосиз улуснинг навобахши бул,
Навойй ёмон булса, сен яхши бул!*

Бебахт одамларга бахту саодат етказмоқ, яхшилик қилмоққа одатлангин, агар Навойй ёмон булса, сен яхши булгин. Бутун умрини инсониятга яхшилик қилмоққа бағишлаган, тарихга яхшилик тимсоли булиб қирган буюк ижодкорнинг ҳаётини шиори ана шундай эди.

Шунинг учун Навойй хикматдаги яхшиликка ундовчи, яхшиларни улугловчи гапларни қувватлаб ёзади:

*Даҳр уйида улки ранжпарвард улгай,
Қуп яхшики, бедардга ҳамдард улгай.
Жон гулшанида чу яхши эл вард улгай,
Вой ангаки, яхшилардин ул фард улгай.*

Демак, дунёда машаққат, кийинчилик, оғирликларни бошидан кечириб яшамок. бедард кимсалар билан бирга булмоқдан кура яхшироқдир. Яхши одамлар жон гулзоридаги атиргул сингаридирлар. Яхшилардан узилиб ёлғиз қолган кишининг ҳолига вой!

Алининг ҳикматида фақат яхшилардан узилмоқнинг зарари, бундай ҳолга тушиб қолган кишининг ахволи қанчалар ачинарли бўлмоғи туғрисида суз боради. Навоий эса одамларни турмуш оғирликларини чидам билан кечирмоққа чақиради. Бу машаққатларнинг бедардларга яқинликдан кура “куп яхши” эканини тушунтиради. Яхшиликни гузаллаштиради. Уни жон гулшанидаги атиргулга ухшатади. Фақат кишиларга яхшиликни ургатиб ташвик этгандан кейингина яхшилардан узилмасликка, улардан ажралиб ёлғиз қолмоқдан эҳтиёт бўлмоққа даъват этади.

232. Бир уртоғимиз менга айтиб берган эди: Уларнинг кишлоғида бир киши булган. Унинг оиласи катта, болалари куп экан. Бечора ота эса ҳам уз кишлоғида, ҳам қушни кишлоқда иш топиб ишлар экан. Яна кичик бир томорқасида деҳқончилик қилиб, ҳар доим шу қадар банд, иши куп булганидан каттик толиқар экан. Унга раҳми келган қуни-қушнилари:

– Биродар, мунча узингизни қийнайсиз? Ҳар бир ишни эвида қилмоқ керак. Бунақа оғирликлар сизни эзиб қуйиши мумкин, – дебдилар. У киши жавоб бериб:

– Биласизлар-ку, бола-чакам куп. Уларни боқишим, таъминлашим зарур. Шунинг учун менга куп ишлашга туғри келади, – дебди.

Шунда унга ҳамдардлик қилганлар дейишган экан:

– Сизга шу болаларни берган Худо уларнинг ризкини ҳам берган. Шунинг учун куп хавотир булманг, улар ҳаммалари уз ризку рузига эга буладилар.

Албатта, отанинг ташвиши бежиз эмас. Лекин ортиқча уринишлар сабабли у одам ишдан чиқиб қолса нима булади? Болаларни яхши тарбиялаб, уларни ҳунар ё ишга аста-секин ургатиб, одатлантириб уша худо ризку рузига умид боғловни ургатган дуруст эмасми? Бу саволга жавобни қуйидаги ҳикматда уқиймиз.

Валлоҳ ут-тифли марзуқун – “Болани худо ризки билан беради” (Али).

Мана бу туғрида Навоийнинг айтганлари:

*Ҳар кимгаки тифл улса эрур кузи очуқ,
Шугли била хотири гамандузи очуқ.
Булмоқ не ажаб базми дилафрузи очуқ,
Ким тифли бор эрса ё анга рузи очуқ.*

Кимнингки, агар кузи очик боласи булса, улар билан машғул булиб, ғам чекади. Лекин ҳеч ажабланарли жойи йукки, агар кунгилга ёкимли булган базму хурсандчилик уларга насиб этса. Чунки кимнингки боласи булса, худо уша болаларнинг ризку рузини ҳам бериб куйган. Албатта, уша ризк осмондан тушади деб, бекорчиликка берилиб кутиб ётиш керак эмас. Меъёрида ҳаракат килиб, уша ризку рузини топмоққа эришиш керак. Лекин ана шу ризкнинг улар учун, яъни болалар учун бериб куйилган эканини унутмок керак эмас. Уша ризкни уз ҳаракатларни билан топиб олмоққа ҳам умид боғлаш, ҳам шу ниятда ишлаш ва яшаш керак.

251. *Юсир ул-умр ус-сабуру ила муродиҳи* – “Сабр килувчи муродига эришади” (Али).

Ўзбек мақоли бор: “Сабр қилсанг ғурадин ҳалво битар”. Буни узумга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Нордон узум ангурлари сабр қилиб кутсанг охири ҳалводек ширин узумлар булиб пишадилар. Урик ҳам шундай. Ҳатто олма ва шафтоли ҳам. Нисбий маънода бу мақол ҳам нарсаларнинг бора-бора ширин ва ёкимли зукага айланмоғини ҳам англатади. Ҳамма ғал сабр ва тоқатда.

Навой ана шу сабр, чидам ва тоқатни бош уринга қуяди.

Ҳар кимки, фалак зулму инодига етар.

Сабр айлаган охир эътиқодига етар.

Чун булди сабур тенгри додига етар.

Собир киши оқибат муродига етар.

Бу туртлик алоҳида шарҳга муҳтож эмас. Ҳар бир одам сабрли булмоғи афзал.

253. *Ясуд ул-маръу қавмуҳу бил эҳсони илаҳим* – “Ким элга яхшилик қилса, унинг бошлиғи булиб қолади” (Али).

Бу ҳикмат жамият, унинг бошлиғи, уша бошликнинг уз урнида ишонч билан устивор булажағи тутрисида. Бунинг учун бошлик фақат уз эли, юртига яхшилик қилмоғи шарт.

Шунинг учун Навой шу ҳикматта оид туртлигини кескин ва катъий фикрлар изҳори билан бошлаган. Кимки жафо, жабр, зулм билан эл ҳаётини оғирлаштирса, бу ҳаётни дузах четига яқинлаштирадуй булса, уша кимса узи учун кавсар сувини улим селига айлантириб юборади. Демак, элга жафо қилувчи узига узи жафо етказади.

Агарда одам уз халқига, элига, кавмига яхшилик қилса, яхшилик қилмоққа мойил булса, жавобан элда иззат-ҳурмат топади, шу

элнинг йулбошчиси, раҳбари булиб қолади. Бу унинг яхшилиги учун берилган эҳсон, мукофот кабидир.

Навой халқпарварлик, элпарварлик гоёларини шундай таъсирли равишда ташвиқ этади.

*Ким элга жафо чоҳин томуғ зайли қилур,
Кавсар суйин узиға улум сайли қилур.
Уз хайлиға кимки яхшилик майли қилур,
Эҳсон ани билки, қавм сархайли қилур.*

Ҳазрат Алининг киска ва лунда ёзилган насрий хикматлари асосида Навой узининг тўртлик шеърларини ёзди. Бу шеърлар том маънодаги назмий дурдоналардир. Шунинг учун ҳам Навой бу тўртликлари тупламини “Назм ул-жавоҳир” деб атади.

“Назм ул-жавоҳир” ҳар бир инсон учун мазмундор ва гузал турмуш уғитларидир. У жамият учун эзгулик, тўғрилик, яхшилик низоми булиб хизмат қилади.

Навойнинг “Назм ул-жавоҳир” шеърӣй тўртликлар туплами таълим-тарбия соҳасида, баркамол инсонни шакллантириш ишида муҳим аҳамиятга эга булган бекиёс бир бадий асардир. Ундаги ҳар бир хикматни бирма-бир урганиб чиқмок ва ташвиқ этмок навойшуносликнинг галдаги вазифаларидан бири булиб қолади.



НАВОЙҲОН ЛИК АЛИФБОСИ

2008 йил бахори. Мева дарахтлари гулга кумилган. Лолалар юз очиб оламга кулиб бокадилар. Ҳаво эрталаб тоза, салқин. Кундузи эса қуёш бир меъёрда иситади. Жуда иссик ҳам эмас, совук ҳам. Қушлар чуғурлашиб узаро суҳбат қурадилар. Ҳозир Навруз кунлари. Одамлар кук сомса, сумалак, ҳалимлар билан бир-бирларини меҳмон қилаётган пайтлар.

Бундан 570 йил бурун 1441 йилда ҳам баҳор, Навруз ана шундай ясанда булган. Табиат одамларга ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган бир фурсат эди.

1441 йилнинг 9 феврал куни дунёга юз очган чақалок Алишер Навруз байрами келган вақтда эндигина бир ярим ойлик эди. У Ҳирот шаҳрида туғилган. Отаси Ғиёсиддин Баҳодир юкори лавозимдаги давлат арбобларидан булган. Алишернинг онаси ҳам олийнасаб оиланинг кизи. Фақат бу бахтли онанинг отини биз билмаймиз.

1967 йили Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида адабиёт уқитувчилари учун навоийхонлик дарслари утказилди. Катта зал одамга гулиб кетганлигидан ҳовлига ҳам радиокарнайлар урнатилган эди. Навоий ижодини яхши билган олимлар сузга чиқиб бу буюк шоир ва мутафаккирнинг ижодий мероси туғрисида куп мазмундор нутқлар сузладилар. Ҳамма одам буюк ижодкор хотираси билан нафас олаётгандай булган. Навбатдаги бир нутқ тугагач, залда утирганлардан бири бир савол ёзиб, йигин раҳбариятига йуллаган. Бу савол рус тилида ёзилган эди. Савол уқиб эшиттирилди:

– Кто была та счастливая мать, которая имела такого сына?

Таржимаси: Шундай фарзандга эга булган бахтиёр она ким эди?

Барча навоийшунос олимлар бу саволга ҳозиргача аниқ жавоб йук эканини айтдилар.

Навоийнинг узи отаси ва онасининг Хуросон ҳукмдорлари даргоҳида хизматда булганлари, уларнинг табақага мансуб зотлардан эканликлари туғрисида, кейинчалик бундай деб ёзган:

Онам ҳам шу сарой бустон канизи

1981 йили мен – Азиз Қажумов Афғонистон республикасида утказилган Навоийнинг 525 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этганман.

Ушанда Афғонистон Фанлар академиясининг президенти, шоир ва давлат арбоби Сулаймон Лойик билан суҳбатлашиб утирганимизда у киши менга деди:

– Биз Навоийни узбек адабий тили ва узбек адабиётининг асосчиси деб тан оламиз. Уни узбек халқининг улуг фарзанди, маданият ва сиёсат арбоби деб биламиз. Лекин сизлар ҳам тан берингизки, Навоий Ҳиротда туғилган, Ҳироту Хуросонда яшаган ва шу ерда дунёдан утган.

Мен унга жавобан деган эдим:

– Яна Сиз учун ёкимли бир гапни айтсам. Навоийнинг тоғаси Мирсаид Кобулий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Демак, у киши Кобул шаҳридан дир. Тоға дегани Навоийга она булган аёлнинг ё акаси, ё укаси булади. Шунинг учун, эҳтимол, Навоийнинг онаси ҳам Кобул шаҳридан дир.

Ҳамсуҳбатим бу гапдан мамнун булгани эсимда. Орадан куп йиллар утди. 2008 йил 25 март куни мен Тошкентда қадрли дустим ва ҳамкасабам, Навоий ҳаёти ва ижоди буйича куп самарали илмий тадқиқотлар яратган машҳур олима, профессор Суйимахон Ғаниева билан суҳбатда Навоийнинг онаси туғрисида фикр алмашдим.

Суйимахон Навоий уз асарларида онаси туғрисида кам маълумот берганини кайд этдилар. Лекин бу аёлнинг Абу Саид Чангийнинг кизи эканини айтдилар. Бу киши Кобул шаҳрида амирлардан булган. У адабиёт ва санъатни, унинг аҳлини жуда севар, узи ҳам мусиқий илмдан яхши маҳорат касб этган экан.

Демак, Алишернинг она томонидан бобоси Абу Саид Чангий асли Кобулдан дир ва шу ерда икомат этган.

Энди гапни Навоийнинг узидан эшитайлик:

*Ҳар кун ичинга ишимда қайғу,
Ҳар тун қузунга ҳаром уйқу.*

*Гар луқмаи нонки айлабон қут,
Андин гаразинг менга булиб сут...*

*Уйқунгни ҳаром этиб фиғоним,
Тинмай кеча зор йиғлагоним...*

Мажнуннинг онаси қабри устида йиғлаб айтган бу сузлари худди шоирнинг уз онасини хотирлаб қилган фиғонлари каби жаранглайди.



Алишернинг отасини Ғиёсиддин Баходир ёки Ғиёсиддин Кичкина деб атаганлар. У Хуросон мамлакатигаги йирик давлат арбобларидан. Сабзавор деган шаҳарда ҳоким бўлиб ҳам хизмат қилган. Кичкина дейилгани эҳтимол жуссаси кичик булгандир. Аммо узбекда бир гап бор-ку: “Кичкина деманг бизни, кутариб урамиз сизни”.

Ғиёсиддин билан боғлиқ бир воқеа тасвири Навойнинг “Насоийм ул-муҳаббат” китобида келтирилган.

Бир маҳал Ғиёсиддин хизмат вазибаларига биноан вилоятлардан бирида сафарда булган. Кеч куз. Ҳаво анча совуб қолган. Йулда унга бир каландар учраган. У Ғиёсиддинни дуо қилиб сунг садақа сураган. Ғиёсиддин уз йигитларига хуржундаги тангалардан каландарга бермоқни буюрган. Берганлар. Аммо каландар Ғиёсиддин устидаги ним пустинни (жубба) унга бермоқни сураган. Ғиёсиддин бунга жавоб қилмай йулида давом этган. Орадан бир неча кун утди. Ғиёсиддин яна бир шаҳарга йул олди. Ҳаво анча совий бошлаган. Дала йулида арик ёқасида яланғоч бир одам елкасини йулга қаратганича хомуш утирар эди. Ғиёсиддиннинг кузи одамга тушди. Совукда жунжиқиб утирган бу кийимсиз одамга унинг юраги ачиди. У дарҳол устидаги ним пустинни ечиб, уни уз йигитларидан бирига берди ва уни уша совукда утирган кишининг елкасига ёпмоқни буюрди.

Йигит бу топшириқни бажарди. Улар уз йулларида давом этдилар.

Кейинчалик маълум булдики, уша йулда учраган кийимсиз киши бир неча кун олдин Ғиёсиддиндан нимчани узига сураган каландар экан.

Шундан қуринадики, Ғиёсиддин раҳмдил, муҳтожларга ёрдам бермоққа тайёр бир киши булган. Алишердаги инсонларга меҳру муҳаббат томирлари шу асосда ҳам юзага келганига шубҳа булмаса керак.

Алишерни турт ёшида уқишга берганлар. У олти ёшда Қуръонни ургангани, болалиқ йиллариёқ машҳур “Қушлар мантиқи” номли дostonни ёдлаб олганини узи ёзган. Шунга диққат қилмоқ керакки, Қуръон араб тилида, “Қушлар мантиқи” дostonи форс тилида ёзилган. Алишернинг она тили эса туркий (эски узбек тилини у вақтларда шундай деб атаганлар) эди. Демак, Алишер жуда ёшлиқ

вактларидаёк она тилидан ташқари араб ва форс тилларини чуқур ўргана бошлади ва бу соҳада маълум натижаларга эришди.

Ғиёсиддин Баҳодирнинг уйида шоирлар, санъат арбоблари тез-тез йиғилиб турар, бу ерда адабий суҳбатлар утар, санъат усталари уз маҳоратларини намойиш этар эдилар. Алишер болалик чоғларидан шу муҳитда усган. Анчагина шеърларни ёдга олган эди.

Шу йусинда булажак буюк шоирнинг адабий таланти шакллана ва ривож топа борган.

Мактабда уқиб юрган пайтларида Алишер узининг бир мактабдоши билан дустлашди. Бу талабанинг оти Ҳусайн. У подшоҳзодалардан булган. Насаби то буюк жаҳонгир Амир Темур соҳибкиронгача боради. Аммо Ҳусайннинг отаси Бойқаро тахту тож даъвоси қилмаган. Узини давлат ишларидан четга тортиб ҳолий ва оддий ҳаёт кечирган. Унинг угли Ҳусайн эси ёшлиқдан Хуросон тахтига даъвогар булди. Бу мақсад ижроси учун курашмоққа қарор қилди.

Алишернинг бутун оиласи бу курашда Ҳусайн тарафида эдилар. Шубҳасиз, уша пайтда мактабдаги уқишни эндигина тамомлаган ёш Алишер ҳам бу масалада Ҳусайннинг содиқ иттифоқчиси булган.

Шоҳруҳ мирзонинг Ҳиротда вафот этгани (1447)дан икки йил кейин эса Самарқандда Улутбек мирзонинг улдирилиши (1449) билан Хуросонда темурийлар хонадонига мансуб шахслар уртасида тахт талашуви авжига чиқиб кетди.

*Ота қасд этиб углин улдиргали
Углил ҳам ота қасдига юргали.*

*Қариндош топса қариндошини
Дамодам тилар кесгали бошини*

Ана шундай алғов-далғовли йиллар бир мунча вақт давом этди. Ниҳоят, 1457 йили Хуросон ҳукмронлигини Абулқосим Бобур мирзо эгаллади. У мамлакатда маълум бир муддатгача тинчлик урнатди. Абулқосим Бобур мирзо шеърни яхши кураар, узи ҳам гоҳо шеър машқ қилиб турар эди.

Абулқосим мирзо ёш Алишерни ҳам, Ҳусайнни ҳам уз даргоҳига хизматга олди. У Алишернинг шеърларини диққат билан уқирди. Бу шеърлар унга жуда ёқар эди. Ёш шоир Алишер бу вақтда 12-14 ёшларда булган. Мамлакат ҳукмронининг унга курсатган

гамхурлиги, ҳимояси, албатта, ёш шоир учун жуда муҳим эди. Аммо ҳаёт ҳеч қачон бир текис кечмайди. У гоҳо хурсандлик бағишлайди, гоҳо эса гам-кайгуларга дуч келтиради.

1456 йили Алишер 15-16 ёшлар атрофида экан вақтида у огир бахтсизликка учради. Отаси Ғиёсиддин ва гамхури Абулқосим Бобур мирзо бирин-кетин дунёдан утишди. Ёш шоир ҳаётнинг бундай зарбаларини мардлик, матонат ва чидам билан кечирди. У ёлғиз қолмади. Тақдир Алишерга қалби юксак фазилатлар ва инсонпарварлик ҳислари билан тулиб-тошган улуг бир зотнинг диққат-эътиборини қаратди. Бу киши уз даврининг обрули ва зукко инсонларидан булмиш Саййид Ҳасан Ардашер эди.

Саййид Ҳасан Ардашер Навоийга ҳам ота, ҳам гамхур дуст сифатида булди. У Навоийнинг шеърларини севиб уқир ва тинглар, ҳамиша ёш шоирга меҳрибонлик курсатар эди. Ун уч-ун тurt ёшларидаёқ узининг гузал шеърлари билан элга танила бошлаган ёш шоирнинг камол топишида шулар ҳаммаси катта аҳамиятга эга булди. Алишер Навоий Ҳирот, Машҳад, Самарқанд шаҳарларидаги мадрасаларда улуг олимлар қулида таълим олди. Йилдан-йилга унинг шоирлик шухрати орта борди.

Ҳусайн Бойқаро эса узининг ёшлиқдан белгилаб олган мақсади Хуросонда ҳокимиятни қулга киритмоқ ишини амалга оширишга киришди. У қуролли кучларни йиғиб ҳарбий ҳаракатларни амалга ошира бошлади. Бу ишда у гоҳ ғалаба қозонар, гоҳ енгилиб чет улкаларга чиқиб кетар, аммо уз мақсади йулидан ҳеч чекинмас эди. Ниҳоят, 1469 йили Ҳусайн Бойқаро Ҳирот шаҳрини эгаллаб, бу ерда уз ҳокимиятини урнатди. У дарҳол уз дусту ва иттифокчиси булмиш Алишер Навоийни уз ҳузурига чақирди. Бу вақтда Самарқандда булган Алишер Навоий тезда Ҳиротга етиб келиб Ҳусайн Бойқаро билан учрашди. Шу билан 1469 йилдан иккала дуст ва маслакдош Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийлар бош урин тутган ҳокимият Хуросон пойтахти Ҳиротда барпо булди.

АЗИЗ КИТОБХОН. Мен ушбу рисолани ёзмақдан мақсадим Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти ва сиёсий, оммавий фаолиятини ёритиш эмас. Бу тугрида куп асарлар ёзилган. Шунинг учун менинг рисола сарлавҳасида курсатилган навоийхонлик алифбосига утади-ган пайтим келди. Маълумки, алифбе ҳарфлардан ташкил топади: а, б, в, г, д... Бадий ижод ҳам шунга ухшаб бадий асарлардан ташкил топади. Шунинг учун навоийхонлик алифбосини мен буюк

шоир ва мутафаккирнинг асарлари билан танишгирмоқдан бошлайман ва шу билан якунлайман.

“ҲИЛОЛИЯ” КАСИДАСИ Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга етиб келганида Султон Ҳусайн Бойқаронинг сиёсий галабаси шарафига ёзилган биринчи қасидаси “Ҳилолиё”ни унга тақдим этди. Бу қасиданинг матни Навоий “Ҳазойин ул-маоний” девонининг 3-китоби “Бадоеъ ул-васат”да жойланган⁶². Бу қасида 91 байт, яъни 182 мисрадан иборат.

Шоир қасидада Султон Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига утиргани билан табриклайди, унинг шону шавкати куйлайди.

Қасиданинг биринчи байти бундай:

*Ҷун ниҳон қилди турунжи меҳр рахшон талъатин,
Ошкор этди фалак бир тавқи габгаб ҳайъатин.*

Маъноси:

Ушбу қасиданинг бош қисмида шоир султон давлатининг мухташамлигини, унинг куч-қудрати, улуглиги ва гузаллигини тасвир этади. Жуда муболагали ва мураккаб ифодалар орқали унга қарашли туккиз маскан, ундаги шону шавкат, узига хос нодир ва гузал куринишларни таърифлайди.

Ана шундан сунг шоир Уторид деб атаган бир нозим, Навоийнинг узи, яна шеърда маҳваш деб аталган бир зот бири-биридан гузал байт ёзиб султон давлати, унинг юксак даражасини улуглайдилар. Шох бу байтлар билан танишгач, унинг узи ҳам шу мавзуда бир байт айтади. Бундай мазмундор ва бадиияти баланд жавобдан барча шеър аҳли хайратланиб унга таҳсинлар айтадилар.

Шох Абулғозий саодат ахтари Султон Ҳусайн эди. Унинг ҳашамат осмонининг буюклиги қаршисида куёш бир заррадек қуринар эди. Ана шундай муқаддимадан кейин шоир Султон Ҳусайннинг мадҳига кучади.

*Шоҳлар шоҳи демай ул шоҳларнинг шоҳиким,
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.*

Яъни бу султон шоҳларнинг шоҳидир. Ваҳоланки, унга тобе булган шоҳларнинг ҳар бири юз шоҳларнинг шоҳи қабидирлар. Аммо Султон Ҳусайн шундай подшоҳдирки, унинг шоҳдек булсада, вужуди, ички дунёси дарвешона.

62 Алишер Навоий. Муқамал асарлар тўплами. 5-жилд. 1990. Б.477-483.

*Шоҳлар дарवेशию дарवेशлар шоҳики, Ҳақ
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш қилди сийратин.*

Ана шундан сунг Султоннинг барча сифатлари тавсифига утади. Бу шоҳ илоҳ химоясидадир. Унинг лутф жаннатидан эсган на-
сими уликка жон берувчи Масихонинг нафасига ухшади. Вужуди
яхшилик жам булган бир жой. Саховати олдида нур сочувчи кўёш
хайратда қолади. Жангларда қаҳрамон, ҳамиша унга галаба ёр...

Қасида ана шундай улут шоҳнинг мактовни беҳад булгани учун
Навойнинг бенаволиғ одатини касб этмоғи мақбулроқ экани ик-
рори билан яқунланади. Шеър охирида шоир шоҳ давлатини дуо-
лар қилади.

*Янги ойу ийд икки қуллугчинг улсун, айлаган
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу ернинг қунятин.*

Навой султон Ҳусайн Бойқаро билан бир умр дуст, сафдош ва
ҳаммаслак булган. Шунинг учун у “Ҳилолийа” касидасида шоҳни
таъриф этар экан, у чин юракдан самимий ҳис-туйғуларини баён
этган.

“ИЛК ДЕВОН” Навой каламига мансуб шеърларнинг бирин-
чи туплами 1466 йилда тузилган. Унда шоирнинг 25 ёшгача ёзган
шеърлари йиғилган. Бу девонни хиротлик машҳур хаттот Султон-
али Машҳадий кучириб ёзган. Шу қулёзма ҳозир Санкт-Петербург
шаҳрида Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида
сакланади. Инв. № 564. Уни навойишунослар шартли равишда
“Илк девон” деб номлаганлар. Девонда Навойнинг ғазаллари, ру-
бойлари ва икки мустахзод шеъри бор. 143 варақ.

“Илк девон”даги биринчи ғазал қуйидаги байт билан бош-
ланади:

*Илоҳо, подшоҳо, кирдикоро,
Сенга очуг ниҳону ошкоро.*

“Илк девон”да ҳозир ҳам эл оғзида ашула булиб қуйланиб кела-
ётган Навой шеърлари учрайди. Жумладан:

*Не ажаб, ҳарён мени мажнун бошида ёралар,
Баски, ёғди устига атфол элидин хоралар...*

*Дустлар, мен телба аҳволига йиғланг зор-зор,
Ким солодурки куз қунглумга тушган зор-зор... (?)*

*Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо
Айламас тутти такаллум шаккарстондин жудо...*

*Кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келмади,
Кузларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади ...*

матлаъли ғазаллар бунга мисол була олади.

Навоийнинг ёшлик йилларида ёзган куп шеърлари унинг калбида севги кучи, ҳарорати, изтироб ва умидларини узида акс эттиради.

"БАДОЙИЪ УЛ-БИДОЙА" (ГУЗАЛЛИКЛАРНИНГ БОШЛАНИШИ) ДЕВОНИ. Бу Навоийнинг узи томонидан тузилган биринчи шеърлар тупламидир. Уни Навоий 1469 йили туза бошлади ва 1470 йилдан кейин тугаллади. Бу девонга Навоий кичик бир сузбоши ёзган. Унда девонни қандай туза бошлагани, шеърларнинг тартиби, мазмуни туғрисидаги фикрларини баён этган.

Ҳар бир ғазалда уз аксини топган мавзулар орасида, албатта, бирор байт угит, насиҳат тарзида булади. Уни шоир *мавъизот* деб атайди. Мавъизотлар уқувчини ҳушёрлантирувчи, турмуш қурнишларига соғлом ва оқилона қарашга чақирувчи байтлардир.

Ғазалларнинг асосий мазмуни севги, садоқат; ёр ҳусну латофатининг шонрона тасвирлари, ошиқ кунглининг ёрга мафтунлиги; айрилиқ аламлари, ёрнинг илтифотсизлигидан шикоят кабилардан иборат. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ошиқ калбининг уз маҳбубасига содиқ ва фидойи эканлигининг тасвири ғазалларда бош урин эгаллайди. Қуйидаги ғазалда шоир узининг севгили ёри билан учрашгани, бу учрашувнинг қандай кечгани туғрисида марокли равишда ҳикоя қилади.

*Ҳаво хуш эрдию илкимда бир қадаҳ майи ноб,
Ичар эдим вале гамдин қадаҳ-қадаҳ хуноб*

*Ки ҳозир эрди ушул сарви нарғиси махмур,
Валек рағзима қилмас эди қадаҳга шитоб.*

*Менга не захраи улким, десамки бир қадаҳ ич,
Не онсиз ичгали май, не қарору тоқату тоб.*

*Бу гусса бирла ичим қон булуб нечукки қадаҳ
Кузумга ҳар нафас ашк эврулуб мисоли ҳубоб.*

*Чу англадики, борур ихтиёр илгимдин
Кулуб қадаҳ киби лутф айладию қуйди итоб.*

*Қадаҳни ичтию юз лоба бирла тутти менга,
Ки онинг ичгани уқ қилди мени масту хароб.*

*Чу соқий этса қадаҳ кузгусида жилваи ҳусн,
Не айб ошиқи майхора кунгли булса кабоб?*

*Навойй, васл биҳиштида шукр қил бу нафас
Ки, ёна чекмагасен ҳажр дузахида азоб.*

Бу ғазалда шоир ошиқнинг уз махбубаси билан учрашувини тасвирлаган. Улар ёлғиз икковлари. Сухбат ширин ва ёқимли. Аммо негадир махбубанинг кайфияти нохуш. Шунинг учун булса керак у ошиқ таклиф қилган қадахни бушатмокни токати кутармайди. Ошиқ эса унинг бундай илтифотсизлигидан ношод. Аста-секин унинг ҳам кайфияти чоғлиги йукола боради. Махбуба буни ва ошиқнинг ихтиёри қулидан кета бормоқдалигини сезди. Махбуба кулди, у нозини ташлади. Ёрига лутф курсатиб унинг тутган қадахини олди, бушатди ва энди узи ёрига қадах тутди. Бундан ошиқнинг юраги шодлик билан тулиб масту хароб аҳволга тушган эди.

Шоир севишганларнинг бундай бир-бирига етишувини биҳишт лаззати билан тенг қуяди. У ошиқ-маъшукларни бундай нафасга эришув, уларнинг дузах азобидан қутилмоғи эканига, бунга шукроналар қилмоққа қакиради.

“Бадойнъ ул-бидоя” (“Гузаликларнинг бошланиши”) девонида Навойининг 777 ғазали бор. Бундан ташқари бу девонда мустаҳзод, мухаммас, мусаддас, таржеъбанд, китъа, рубойй, луғаз (топишмоқ), муаммо, туюк, фард каби шеърлари ҳам киритилган.

Шундан маълум буладики, бу девонга Навойй узининг девон тузилган давргача ёзган барча шеърларини жамлаган. Бу девон Навойининг биринчи шеърлар туплами, уни шоирнинг узи тузганлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир.

Алишер Навойй дунёқарашини белгиловчи асосий таълимот нақшбандийликдир. Бу таълимот асосида Яратувчининг улуглиги ва гузаллиги, унга талпиниш ётади. Солик (йулчи) барча машаққатларни енгиб йул босади. У Яратувчи билан қовушиб кетмоққа интилади.

Яратувчини қурмоқ мумкин эмас. Унинг беҳад буюклиги ва гузаллиги сонсиз-саноксиз кузгуларда уз аксини топади. Бу кузгулар эса коинот, табиат ва инсондир. Демак, уларнинг буюклиги ва гузаллиги Яратувчи буюклиги ва гузаллигининг инъикосидир.

Шундан келиб чикиб, зинхор-зинхор ишки ҳақиқий билан иш-ки мажозийни бир-бирига қарама-қарши қуймоқ мумкин эмас. Чунки иккаласининг ҳам асосида Яратувчининг гузаллиги ва буюк-лиги туради. Бу таълимотни Шарқда тасаввуф, Ғарбда суфизм деб атайдилар.

Нақшбандийликнинг бир неча қондалари бор. Улар анжуманда хилватни сақламоқ; ватанда сайр қилмоқ; ҳар қадамда атрофга на-зар қилмоқ; ҳамиша, ҳар дамда ҳушёрлик билан иш тутмоқ.

“Бадойиъ ул-бидойа” девонида Навоий ана шу қондаларнинг бадий ифодасини берган:

*Десаиғ хилватим анжуман булмасин,
Керак анжуман ичра хилват сенга.*

*Ватан ичра сокин булиб сойир ул,
Сафардин агар етса меҳнат сенга.*

*Назарни қадамдин йироқ солмоғил,
Бу йул азми гар булса рағбат сенга.*

*Дамингдин йироқ тутмағил хушни
Ки юзланмагай ҳар дам офат сенга.*

Мен бу мисраларни “Бадойиъ ул-бидойа” девонидаги қитъа-ларнинг бирдан келтирмоқдамен⁶³.

Инсон ҳаётини гузал ва мазмундор қилмоққа қаратилган нақш-бандийлик таълимоти Навоий яшаган даврда давлат мафқураси даражасига кутарилган эди. Бу таълимотга амал қилувчилар узла-рининг ғоявий душманлари зуҳд аҳлига қарши кескин кураш олиб борганлар. Дунё ишларидан воз кечиб, узлатга чекиниб реал ҳаёт-дан узилмоққа чақирувчи баъзи сохта зоҳидларни Навоий қаттиқ танқид остига олган.

“Бадойиъ ул-бидойа” девонидаги бир қитъада уқиймиз:

*Қурқутма мени томугдин, эй зоҳиди ях,
Жаннат менга булғуси деб урма занах.
Ким дузах онинг ёди била жаннат эрур,
Жаннат бори сенинг биладур дузах⁶⁴.*

Демак, шоир бу рубоийда муздек совук булган зоҳидга қараб дейдики, мени дузахдан қурқитма. Жаннат менга насиб булади деб

⁶³ Алишер Навоий. 20 томлик. Муҳаммад асарлар гўплами. 5-жилд. Т., 1987. Б.629.

⁶⁴ Уша хитоб. Б.646

жагингни шакиллатма. Севикли ёр ёди билан мен учун дузах жаннатга айланиб кетади. Агар сен билан бирга жаннатда буладиган булсам, ундай жаннат менга дузах кабидир.

“Бадойиъ ул-бидойа” девони фард шеърлар билан яқунланади. Фард дегани якка, ёлғиз, биттагина демақдир. Фард фақат бир байтдангина иборат булади. Аммо унда бир дунё мазмун бор.

*Мурувват барча бермақдур, емак йуқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йуқ.*

*Тиндурур бойу жигойни ҳоқими равшан замир,
Ёритур обод ила вайронани меҳри мунир.*

* * *

*Элни хор айлаган тамаъ, билгил,
Доимо изза ман қанаъ, билгил.*

(Элни хор этувчи таъмадир. Яъни очкузлик, хирс, юлғичликдир. Ҳар доим қаноат қилган одам иззат-хурматга эришади. Шулари биллиб қўй).

Албатта, барча фардлар ҳам шундай эмас. Фардлар орасида шеърятга ҳос булган севги мавзусидаги байтлар ҳам анчагина.

*Чун илик бермаски, урсам, ул ситамкор илгини,
Ул киши илгин упайқим, тутқай ул ёр илгини.*

* * *

*Икки қузунгу лабинг гамидин
Мен хаста улуб, улуб тирилдим.*

* * *

*Уқ эди, эй тонгки, оттинг жонима вуслат туни
Бу жиҳатдин, ёрума дермен сени ҳар субҳдам.*

* * *

*Белу огзидин дедиларқим, дегил афсонае
Бошладим филҳолқим, “Бир бор эди, бир йуқ эди”.*

Биз мухтарам ўқувчида Навойнинг биринчи узи тузган девони “Бадойиъ ул-бидойа” тугрисида умумий тушунча тугдириш мақсадида эдик.

Бунга эриша олдиқми, йукми, бир нарса дея олмайман. Буни ўқувчилар айтмоқлари керак. Лекин бу девондаги шеърлардан кел-

тирилган мисоллар Навоий шеърятининг кенг камровли, инсон ҳаёти билан боғлиқ барча ҳолатларга алоқадор эканини курсатиб турибди. Чин юракдан эл хизматида койим турувчи талант шундай булади.

Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидойа” девони тузилиб битгач, ундан куп нусхалар кучириб ёзилган. Улар турли эллар орасида ёйилган. Шулардан бири ҳозир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Беруний номи Шарқшунослик институтида Бобо-хон Қосимхонов бошқараётган фондда сақланади. Инв. № 216. Бу қулёзми Али Нур деган котиб 1486 йили кучириб ёзган. Ушанда Навоий барҳаёт эди. Демак, бу қулёзма китобни Навоий уз қулида тутган, унга буюк шоирнинг нигоҳи тушган. Ана шу қулёзма матнини бошқа қулёзмалар билан солиштириб чиққандан сунг “Бадойиъ ул-бидойа” Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлар туплаמידан жой олди.

АБУЛҚОСИМ БОБУР МИРЗО **(1422–1456)**

Хуросонда XV аср уртасида шахзодалар уртасида тахт учун кураш авж олди. 1451 йили ҳокимият Абулқосим Бобур мирзо қулига утгач, мамлакатда нисбий бир осойишталик урнашди.

Абулқосим Бобур мирзо шеър ва адабиётни севар эди. У узи хам гоҳо шеър ёзиб турган. Унинг

*Неча юзинг куруб ҳайрон улайин,
Илоҳо, мен сенга қурбон улайин.*

деган байтини Навоий “Мажолис ун-нафоис” китобида келтирган.

Ёш Алишер Навоийнинг шеърларини бу Султон севиб уқир эди. Шунинг учун 13-14 ёшлардаги ёш шоир Алишер Навоийни султон уз хизматиға олди, унга куп ғамхурлик ва ҳомийлик курсатиб тарбиялай бошлади. Кейинчалик Алишер Навоий Султон Абулқосим Бобур мирзони ёдлаб, унинг туғрисида ҳурматли фикрлар изҳор этган: “Дарвешваш ва фоний сифат ва карам ул ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олдида олтуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча хисоби йўқ эрди...”

Маъноси: “Фақирона, камтар ва яхши хулқ эғаси булган киши эди. Одамгарчилик, яхши ишлар қилмоққа мойиллиғидан олтин

ва кумушни унинг қаршисида тош ва тупроқ каби ҳисобласа ҳам булар эди”.

1456 йили Алишер 15 ёшларда экан пайтида унинг учун катта бахтсизлик юз берди. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир ва ёш шоирнинг ғамхур тарбиячиси Султон Абулқосим мирзо биринкетин дунёдан утишди. Ёш Алишернинг бошига оғир қунлар келди. Шундай пайтда Алишер Навоийга меҳрибонлик ва ғамхурлик курсатган зот – Хуросоннинг муътабар кишиларидан Саййид Ҳасан Ардашер булди.

СУЛТОН ҲУСАЙН (1438–1506)

Бу киши темурийлар авлодига мансуб. Отаси шахзода Мансур ибн Бойқаро тахту тож ишларига қизиқмади, сиёсий ҳаётга қатнашмади. Аксинча, унинг угли Ҳусайн Бойқаро эса ёшлиқдан ҳокимиятни кулга киритмоққа ҳаракат қилди. У 1969 йилда Хуросон пойтахти Ҳиротни эгаллади. Ҳусайн Бойқаро уттиз етти йил ҳукмронлик қилди. Султон Ҳусайндан сунг Хуросонда Темурийлар салтанати барҳам топган.

Алишер Навоий болалик пайтидан Султон Ҳусайн билан кадрдон дуст эди. Улар бирга уқишган. Ҳусайннинг сиёсий курашларида Навоий у билан мустаҳкам алоқада булган.

Ҳусайн ҳокимиятни эгаллагач, Алишер Навоий унинг содик сафдоши булди. Навоий то ҳаётининг охиригача Султон Ҳусайн ҳокимиятида бош урин тутган давлат арбобларидан бири булиб қолган.

Навоий ҳам Ҳусайний девонидаги шеърларга қисқача шарҳ ва талқинлар ёзган.

Ҳикоя. Бир куни Ҳусайн Бойқаро шаҳардаги темирчилар кучасидан утмоқда эди. Дастгоҳларда темирчилар чуғга айланган темирларни болға уриб ишламоқдалар. Атрофга учкунлар сочилмоқда. Шунда бир учкун келиб Ҳусайний тунининг этагига тушибди. Саройга келгач, Ҳусайний Навоий билан учрашишган. Шунда Ҳусайний Навоийга хозир фикрига келган бир мисрани айтибди:

Тушди дил доманина бир шарари шур ангез

Навоий дарҳол бу мисрага бундай жавоб берган экан:

Ишқ оҳангари занжири жунун ишлар эди.

Маъноси:

Хусайний – Дил этагига куйдирувчи бир учкун келиб тушди.

Навой – Ишқ темирчиси (ошиқлар учун) телбалик занжирини
ишламоқда эди.

Султон Хусайн ҳам шоир эди. Унинг шеърлар девони бизгача етиб келган. Тахаллуси Хусайнийдир. Навоий ижодига бағишланган, уни улуғлаб ёзган кичик бир рисоласи ҳам бор. Султон Хусайн ва Алишер Навоий уртасидаги дустлик ва маслакдошлик XV аср иккинчи ярмида Хуросонда маданият, санъат ва адабиётнинг ривож топишига сабаб булди.

САЙЙИД ҲАСАН АРДАШЕР

Бу муътабар зотни Навоий “солиқи фоний ва гавҳари коний, орифи маоний...” деб таърифлайди. Яъни Саййид Ҳасан Ардашер берилиб ҳақиқат йулидан борувчи, кондаги гавҳар сингари кимматбаҳо табиат эгаси, чуқур билимдон (маъноларни билувчи) бир зот эканлигини ёзади.

Алишер Навоий 1455-56 йилларда Саййид Ҳасан Ардашер билан танишиб суҳбат қурган. Ушанда Алишер 14-15 ёшларда эди. Лекин бу ёш шоир ёзган гузал шеърлар Хуросонда шухрат топа бошлаган. Саййид Ҳасан Ардашер бу шеърларнинг купини ёд билар ва завқ билан уқир эди.

Навоийнинг

*Фурқатингдин заъфарон узра тукармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парчалар .*

ёки

*Ул паривашким, булубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.*

деб бошланадиган ғазалларини Саййид Ҳасан Ардашер айрим йиғинларида берилиб уқигани маълум ва машҳур булган.

Падари бузруквори ва султон Абулкосим Бобур мирзо вафотидан кейин ёш Алишерга ҳам ота, ҳам меҳрибон хомий Саййид Ҳасан Ардашер булган.

Навой бу кишини узининг энг якин ғамхури дусту деб билган ва бир умр юксак даражада ҳурматлаган. Саййид Ҳасан Ардашер 1489 йили Ҳиротда етмиш уч ёшда дунёдан утганлар.

Навой бу мухтарам ва кадрдон дусту ва ғамхурининг хокини Ҳиротнинг шимолий булагнда, тоғ этагида бир мақбара ясаб уша ерга кучириб дафн этди. Саййид Ҳасан Ардашерга якин булган, лекин қабрлари турли жойларда булган марҳум муътабар зотларнинг хоклари ҳам шу жойга келтириб кумилди. Охир-оқибат бу ер “Азизлар хазираси” деб атала бошлади ва шу исм билан шуҳрат топди.

“ҲАМСАТ УЛ-МУТАҲАЙЙИРИН” (БЕШ ҲАЙРАТЛАНУВЧИЛАР)

Абдурахмон Жомий (1414-1492) XV аср адабиётида бош урин тутган шоир ва мутафаккир эди. У Навоидан йигирма етти ёш катта эди. Жомий ва Навоий 1469 йили Самарқанддан Ҳиротга қайтгач, яқиндан танишишди. Улар уртасидаги дустлик, маслакдошлик, ижодий ҳамкорлик бир умр давом этди. Ҳар иккаларини ҳам шу даврнинг энг улуг адиб ва мутафаккирлари сифатида тарихда қолганлар.

Навой Жомийни узининг муршиди, пири, кадрдон дусту сифатида ғоят улуглар эди. Жомийнинг вафотидан сунг Навоий устоз шоир ва мутафаккир Жомий хотирасига бағишлаб узининг ушбу асарини ёзган.

Навой Жомийнинг унга қандай ҳурмат билан қараганидан фахрланиб бундай деб ёзади: “Бундай соҳиб давлат бузургвор ва буянглиг соҳиб қамоли нубувватқирдор бу хоксори паришонрузгор (яъни, Навоий)ни азим илтифотлари била сарбаланд ва ғариб навозишлар била аржуманд қилиб, абнон жинсим аро сарафроз, балки жинси башардин мумтоз қилур эрдилар” (Навой, 15 томлик. 14-том. Т., 1967. Б.7).

Маъноси: “Шундай буюк давлат эгаси, бу янглиг пайгамбарлардек қамол даражасидаги (зот) бу тупрокка қоришган, рузгори

паришон (одамни, яъни Навоийни) буюк диккат-эътиборлар курсатиб, бошини баландга кутарар ва гузал меҳрибонликлар курсатиб, бахтли килар, уз тенгқурларни орасида баланд тутар, балки инсон жинси аро юксак даражага куяр эдилар”.

“Хамсат ул-мутахаййирин”да Навоий Жомийнинг узи туғрисида ёзган бир шеърини келтирган. Унинг маъноси бундай: “Тутилган жойим Жом. Қаламим тинчиси Шайхул ислом (Аҳмади Жом)-нома қадахининг қултумидир. Бинобарин, шеърлар дафтаридида икки жихатдан тахаллусим Жомий булди” (Навоий 14-том. Т., 1967. Б.239).

Жомий куп билимларни урганди. Илм ва бадний ижодда улкан ютуқларга эришди. Сунг Ҳиротда устоз Саъдиддин Кошгарий макбарасида урнашиб шу ерда яшади. Ҳиротнинг куп афзаллари бу ерга Жомийни зиёрат килиб келар эдилар. Навоий ҳам Жомий билан шу ерда учрашган. Шу икки дуст ва улуғ мутафаккирлар бир умр биродар ва қардошлиқда умр кечиришди.

Навоий уз китобини уч булакка булган. Аввалида Навоий ва Жомий урталарида булиб утган суҳбат, воқеалар туғрисида суз боради. Иккинчи булагиди, улар уртасидидаги ёзишмалар бор. Учинчи қисмида Жомий асарлари курсатилган.

Жомийнинг энг катта асари “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”). У етти дostonдан ташкил топган. Яна Жомий шеърлар туплами уч катта девондан иборат. Жомий қаламига мансуб “Нафаҳот ул-унс” насрий асарида Жомийгача ва унинг давридаги мутафаккирлар туғрисида маълумот берилган. Уни Навоий узбек тилига таржима килдим, дейди. Амалда эса Навоий бу асарни маълум даражада кискартирган, айрим уринларини тулдирган. Унга “Насойим ул-муҳаббат” деб ном куйган. Шундай килиб, шу мавзудаги янги бир асарни туркий тилда яратган. Ҳар холда Навоий ва Жомийнинг бу икки асари улкамиз халқининг тафакқури тарихини урганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Жомий шеърларини таҳлил этар экан, Навоий унинг қариллик туғрисида ёзган бир қасидасини тилга олади. Бу қасиданинг биринчи байти:

*Сафед шуд чу дарахти шкуфодор сарам,
Вазин шукуфа ҳамин меваи гамаст барам.*

Маъноси:

Бошим худди гуллаган дарахтдек окарди,
Бу гуллардан ҳосил факат гам меваларидир холос.

Навойи бу шеърдан қаттиқ таъсирланган. У бундай гузал, мазмундор, чуқур маъно ва нозик ҳаёлли, нафосат билан яратилган шеърни курган эмасман деб ёзади.

Жомий яратган ва бизга қолдирган асарлар жуда қуп. Уларнинг ҳар бири туғрисида айтсак гап чузилади. Шунинг учун мен Жомий ҳақидаги сузни унинг бир туртлиги билан яқунламоқчиман.

Ҳамма одам яхши турмуш кечирмокни истайди, унга интилади. Аммо яхши турмуш узи нима, у қандай булади? Жомий ана шу саволга қисқа, аммо жуда ишонарли тарзда жавоб берган:

*Ба панж мерасад асбоби зиндагонийи хуш,
Ба иттифоқи ҳақимони шуҳраи офоқ.*

*Фарога шиману сиҳатию кафофа маош
Рафиқа хуб сияру ҳамдама неку ахлоқ.*

Маъноси: Яхши турмушнинг бешта асосий сабаби бор. Бутун дунёга машҳур ҳақимлар бу туғрида бир фикрга келганлар. Тинчлик, хотиржамликнинг фарогати; Соғлик-саломатлик, етарли иш ҳақи, яхши сифатларга эга дуст ва хуш хулкли умр йулдоши.

Демак, яхши турмушта баркамол инсон уз меҳнати ва яхши нияти билан эриша олади. Шунинг учун улуг устозлар ҳикматларини урганайлик, улардан ибрат олиб ишлайлик ва яшайлик, дустлар!

ПАҲЛАВОН МУҲАММАД

Паҳлавон Муҳаммад замонасининг номи чиккан куштигир (полвон), мусикашунос ва хонандаси булган. Ёш Алишер Муҳаммад Паҳлавон билан Ҳиротда танишган. Шу билан улар уртасидаги дустлик то Паҳлавон ҳаётининг охиригача давом этди.

Муҳаммад Паҳлавон ёш куштигирларни тарбиялаб устирар эди. Бу бизнинг давримиздаги ҳарбий билим юртининг бошлиги ва муаллими деганга туғри келар эди. Бундан ташқари Муҳаммад паҳлавон яратган машҳур мусикий амаллардан “Чоргоҳ”, “Сегоҳ” каби куйлар, уларга туширилган шеърлар – ашулалар Хуросон-

дагина эмас, балки Самарқанд ва Ироқда ҳам кенг тарқалган ва шуҳрат топган эдилар.

Муҳаммад Пахлавон Алишер билан якин дуст булганидан улар бир-бирлари билан учрашганларида шоирлар, олимлар, мусика билмдонлари ва хонанда, санъаткорлар туғрисида Алишерга сузлаб берарди: бу суҳбатлар дустлар учун жуда ёқимли буларди.

Навоий хизмат юзасидан Астрободга ҳоким этиб жунатилгандан сунг Муҳаммад Пахлавон дуст Навоийга бир неча шеърий мактублар йуллаган. Шулардан бирини келтирамиз.

Куштигир ҳасрат билан уз дустига ёзган:

*Гар жон ажалам аз мани ношод барад,
Хошоки маро меҳр ту аз ёд барад.*

*Хоҳамки, шавам хок, маро бод барад,
Бошадки, бу суйи Астробод барад.*

Маъноси:

Агар ажал ношод танимдан жонни олиб кетса,
Барибир менинг ёдимдан сенга булган
меҳримни ола билмайди.

Истардимки, тупроқ заррасига айлансаму мени
шамол учириб

Астробод сари элтиб ташласа.

Самимият билан битилган бу мисраларда баён этилган соғинч ва изтиробли юрак ноалари Навоийга қаттиқ таъсир этди. У ҳаётнинг бундан беш баттар зарбаларига чидаган, Машҳад ва Самарқандда дарбадарликда эзилган кунларини эслади. Ушанда ҳам Саййид Ҳасан Ардашер ва Муҳаммад пахлавон каби дустлари у билан бирга эдилар. Орадан куп йиллар утди. Уларнинг дустлиги нақадар кучли экани маълум булди.

Кейинчалик Навоий уз кадрдон дуст Пахлавон Муҳаммад хотирасига “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” китобчасини ёзди ва унинг ҳурматли номини абадийлаштирди.

НАВОЙНИНГ ШЕЪРИЙ АСАРЛАРИ

“ХАЗОЙИН УЛ-МАЪОНИЙ”

Бу шеърлар тупламида Навойй ёзган шеърларнинг барчаси жамланган. Навойй бу тупламни “Хазойин ул-маъоний” деб атади. Бу “Маънолар хазиначлари” демакдир.

“Хазойин ул-маъоний”га Навойй кириш мақоласи ёзган. Унда шоир бу китобнинг яратилиши, унда шеърларни жойлаштириш тартиби, узининг шеър тузилишига оид фикр ва мулоҳазалари тўғрисида сузлайди.

“Хазойин ул-маъоний” шеърлар туплами Навоййнинг шеъррий меросини урганишда энг асосий манбалардан ҳисобланади. Энди биз “Хазойин ул-маъоний”га кирган ҳар бир девон билан алоҳида-алоҳида танишиб утамыз.

“Ғаройиб ус-сиғар”

Навойй “Хазойин ул-маъоний” девонининг биринчи китоби “Ғаройиб ус-сиғар” деб аталади. Унинг маъноси “Болалик ғаройиботлари” булади. Унда Навоййнинг успиринлик йиллари ёзган шеърлари жамланган. Бу китобнинг бошланиш булагиди “Хазойин ул-маъоний” китоби учун ёзилган сузбоши бор. Унда Навойй етти-саккиз ёшдан то йигирма ёшгача булган даврни умр фаслларининг навбахори ва ҳаёт гулшанининг гунча очиши ва гулзори деб атайди. Шу туфайли бу девонга “Ғаройиб ус-сиғар” – “Болалик ғаройиботлари” деб ном қўйган.

Йигирмадан уттиз бешгача булган давр йигитлик йилларидир. Бу пайтларда ёзилган шеърлар “Наводир уш-шабоб” (“Ёшлик но-дирликлари”) девонида жамланган.

Уттиз бешдан қирқ бешгача булган вақтларни шоир фаслларнинг хазони, дебди. Бу фурсатда ёзилган шеърлар “Бадоеъ ул-ва-саъ” (“Урта ёш гузалликлари”) девонига йиғилган.

Қирқ бешдан олтмиш ёшгача булган фурсат одамнинг кексалик чоғига тўғри келади. У умр фаслларининг киши. Бу йиллардаги шеърлар “Фавойид ул-кибар” (“Кексалик фойдалари”) деб номланган девонни ташкил этади.

Навойй бу фикрларни қуйидаги тўртликда бундай баён этади:

*Эллик била олтмишқа етти қаламим,
Не маъниким, булмади эркин рақамим.
Не турфаки, сибт этмади эркин қаламим,
Ким йуқ баридин хотир аро жуз аламим.*

Узининг қандай ижодий иш билан машгул булгани туғрисида Навоий дейди:

*Кун бор эдики, бир газалу икки газал,
Бал уч газалу турт газал баъзи маҳал*

“Ғаройиб ус-сиғар” девони Навоийнинг машхур

*Ашрақат мин акси шамсия каъси анворул ҳидо
Ёр аксин майда кур деб жомдин чиқди садо*

байти матлаъ булган газали билан бошланади.

Маъноси:

Кимнинг жомида (қалбида) илохий маърифат майн
Булса, унда ёр (Аллоҳ) жамоли акс этади.

Бу газал фақат ёшлик девони учун эмас, балки бутун “Хазойин ул-маъоний” учун мукаддимадир⁶⁵.

Ана шу девонда яна Навоийнинг ёш экан пайтида ёзган

*Ул паривашким, булибмен зору саргардон анга
Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга ...*

деб бошладиган ва

*Қилмамиш жоним фидо жононга етмас, дер эмиш
Эй Навоий, ушбу суз бирла фидо юз жон анга*

деб тугалладиган газали ҳам бор.

Бу газал Навоийнинг дусти, хомийси ва устоз даражасидаги кадрдон Саййид Ҳасанга ғоят мақбул эканини шоир кейинчалик айтиб утган.

Қуйидаги газал ёш йигитнинг гузал кизга бағишлаб ёзган шеърий тавсифномаси кабидир. Унда усма қуйилган кош ва усманнинг яшил ранги жонни олувчи жаллоднинг қиличига кин сингари туйилмоғи айтилади.

*Вусма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш,
Кузи жаллоди қиличига яшил қин айламиш.*



Ёр зулфи, кипряклари мактовидан сунг шоир ёрнинг қулига куйган хиносини, гулгун куйлак узра кийган тунини таъриф этар экан, уларни бир-бирига ухшатади.

*Уйладурким, илгини хино уза қилмиш нигор
Улки, гулгун кунглак узра тунин экин айламиш.*

Шундай гузал шоирона мадхларни ёрига бағишлаб булгач, лирик қахрамон реал дунёнинг гуссаларини ҳам эслатиб утади. Чарх золи унинг кунглини гамга тулдирган. Шунинг учун у сокийга му-рожаат қилиб май тут, кунглимни шод эт дейди:

*Раз, қизидан, соқиё, бир дам мени шод айламиш,
Чарх золи гуссаси кунглумни гамгин айламиш.*

“Ғаройиб ус-сигар” девонида ҳам 650 ғазал бор. Яна 1 мус-тахзод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 50 китъа, 131 ру-бонӣ бор.

“Ғаройиб ус-сигар” девонидаги маснавийни илмий адабиётда хасби ҳол деб ҳам аталади. Бу маснавий Навоий ҳаёти ва ижодини урганишда муҳим аҳамиятга эга. Унда ёш Навоий уз кадрдони

*Вафо анга пеша, саҳо анга фан,
Вафоу саҳо кони Саййид Ҳасан*

га юраги дардларини, ҳаёт режаларини баён қилади.

Навоий узининг назм, шеърга муҳаббати ва қобилиятини дус-тига аён этади. Агар Фирдавсий уттиз йил давомида уз “Шох-нома”сини ёзган булса, мен шундай асарни уттиз ойда битказар эдим, деб ёзади.

*Агар хосса маъни гар ийҳом эрур
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Аммо шоирга ҳеч ким бу ишни қилгин деган эмас (“Вале айт деб, ким менга тутти юз”). Яна Навоий мамлакатнинг ваҳшато-бодга айланиб кетганидан нолийди. У жаннат каби эди. Энди эса дузах булиб кетган. Сунг шу фикрни исботловчи қатор мудҳиш лавҳаларни келтиради. Узининг оғир аҳволи, ёлғизлигидан шикоят қилади. Ватанни тарк этмоққа мажбур эканлигидан зорланади. Бир раҳбар топиб, унинг йулбошчилиги остида иш тутиш фикрини изҳор қилади.

Девондаги китъаларнинг мавзу доираси ниҳоятда кенг.

Шоир жамият ҳаётининг турли-туман қуринишларига уз муносабатини билдириб боради. Масалан, у инсон камол касб этар экан, дунёдан камол топмай утмоқ ҳаммомдан ювинмай чикканга ухшаш эканини айтади:

*Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз улмагай гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом утмоқ, бияйниҳа
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Қари кишиларга ҳурматли муомалани ташвиқ этиб шоир ёшларга дейдики, болалар уйнаганда қуриган шох тезроқ синади. Қариялар ҳам шундайдир.

*Қарилар хотири нозикдур, эй тифл (бола)
Шикастидин қилиб ваҳм, улма ғустох.
Унуттунгмуки, атфол уйнаганда
Синар оз майл қургандин қуруқ шох.*

Ёки рубоийлардан биридаги мана бу уғитни қаранг:

*Жондин сени қуп севармен, эй, умри азиз,
Сондин сени қуп севармен, эй, умри азиз.
Ҳар неники севмак андин ортиқ булмас,
Ондин сени қуп севарман, эй, умри азиз.*

Ёш Навоий ҳаётни шунчалар севган. Сиз ҳам, азиз уқувчи, ҳаётни, инсонларни ана шундай севингиз!

“Наводир уш-шабоб”

Девон отининг узбекча таржимаси “Ёшлик нодирликлари” булади. Демак, бу шеърлар тупламага Навоийнинг йигитлик йилларида ёзилган шеърлари киритилган. “Наводир уш-шабоб” Навоий яратган катта девон “Хазойин ул-маъоний” (“Маънолар хазиналари”)нинг иккинчи китобидир.

Бу девонда Навоий ёзган газаллар (650), мустаҳзод (1 та), мухаммаслар (3 та), мусаддас (1 та), таржеъбанд (1 та), таркиббанд (1 та), қитъалар (50 та), муаммолар (52 та) бор.

Биринчи газал қуйидаги байт билан бошланади:

*Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш каби пайдо
Юзунг қуёшига зарроти қавм улуб шайдо (Б.7.)*

Охирги байт (муаммо). Юнус

*Зулф очмаки юзунгдур менга шамъи мажлис,
Маҳв қил тун рақамин кун юзидин, эй мунис (Б.537)*

Навойнинг ушбу девондаги газалларидан бири билан бир танишиб утайлик. Шоир уз ёрининг оғзини очмай ошиқ дардини сурамаётганига олдин ажабланди. Кейин эса ёрнинг суз'демай жим утирганининг сабабини англайди.

Ёрнинг гузал ва ширин лаблари шунчалар чучук эдики, улардаги шира бу лабларни бир-бирига ёпиштириб куйган экан. Шунинг учун ёр оғзини очмаган.

*Ёр оғиз очмасқи дардим сурғали топтим сабаб.
Кун чучукликтин ёпишмишлар магар ул икки лаб.*

Газал шу йусунда давом этади. Агар ёрнинг нигоҳи, бутун борлиги ҳаёт зилол сувини (хайвон зилоли) эслатса-да, унинг аччиғи чикқанда ана шу зилол аро тулқинлар пайдо булганга ухшаб кетади.

Навой ёр ва ошиқ муносабатини шундай давом эттиради. Аммо асосан, у ошиқ номидан сузламоқда. Юқоридаги айтилган ҳолат ҳам ошиқ тасавури натижасидир.

Ошиқ уз ҳолатини бундай изоҳлайди:

*Кўхи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб.
Чун сени дермен чучук жоним, эрур Ширин лақаб.*

Дардманд ошиқ агар Фарҳод булса, унинг ёри ошиқнинг Ширин (чучук) жонидир. Ширин эса бу гузалнинг лақаби ҳолос.

Навой ошиқ ва маъшукнинг муҳаббатини улуглар экан, уларнинг қавми, эли, миллатига эътибор бермайди. Чунки муҳаббат бундай зоҳирий тушунчалардан баланд туради.

*Ишқи комил элни ё Фарҳод ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшук ёхуд арманий, ёхуд араб.*

Мавъиза байт (утит, насихат) умумлашма мазмунга эга. Агар сени талаб қилмасалар, сен талаб қилганингдан ҳеч бир фойда йук, деб уқдиради шоир.

*Эйки, фақир ичра қадам қўйдинг талаб водийсига
Булмаса толиб сенга матлуб, суд этмас талаб.*

Яқунловчи байт эса умуман шох ҳузурида киши узини қандай тутмоғини ургатади.

*Шаҳ ҳаримида, Навоӣ, неча топсанг эҳтиром,
Билгил уз ҳаддингнию беҳад риоят қил адаб.*

Бу умумий уғит жуда муҳим. У кундалик турмушга оид. Айни замонда шоҳ деб ёрни, дилбарни тушунмоқ ҳам мумкин. Унинг ҳаримида ҳам адабга риоят шарт.

Шундай қилиб, Навоӣ бир ғазалда ҳам ёр гузаллиги, ҳам ошиқнинг унга мафтунлиги туғрисида суз юритади. Ёрнинг миллий ёки ирқий мансубиятини иккинчи қаторга суриб бош уринга муҳаббатни қуяди. Яна шоир йигитларга ошиқлик қондаларидан таълим беради.

Навоӣ таржеъбанд шеърда олам ишларига якун ясайди.

Одамларни жаҳоннинг фоний (уткинчи, бузук) эканлигини унутмасликка чакиради:

*Жаҳон фонийдурур, эй хожя, зинҳор
Ки сен боқий (абадий) тасаввур қилма они.*

Таркиббанд эса Навоӣнинг ёшлик йиллари, (Б.488) дустӣ, хомийси, тарбиячиси булмиш Саййид Ҳасан Ардашерга марсиядир. Шоир бу муътабар зотни улуглаб ёзади:

*Баҳра урфон дурри Саййид Ҳасан улқим афлок,
Етти дуржи аро бир курмади андоқ дурри пок. (Б.497)*

Шундан сунг унинг дунёдан утганига афсус қилиб фиғон чекади.

*Мени мотамзадога ҳам ота, ҳам муришиду пир,
Балки ҳам гамхуру ҳам ёвару ҳам ёр қани?*

Девондаги китъалар турли-туман мавзуда. Ҳар бир китъа, шеър унинг мазмуни ва шарҳини билдирувчи сарлавҳага эга.

Масалан: Олтин, қумушга хирс манъиким, тутмоғи илиқни қора қилур ва муҳаббати қунгулни. Нақадар ихчам ва мазмундор сузлар!

*Қуп олтун, қумуш сори қул сунмағил
Ки тутсанг қафтингни қора занг этар.*

Шундай қилиб, “Наводир уш-шабоб” девонида Навоӣнинг йигитлик йиллари қалбини тулдирган ҳис-туйғуларнинг бадий изҳори уз урнини топган.



(Урта ёш гузалликлари)

Бу девондаги шеърлар ҳам мавзу жиҳатидан бошқа девондаги шеърлардан кам фарк қилади. Улар ишкий, орифона, ҳаётий умумлашмаларга бой асарлардир. Бошқа девонлардаги сингари турли шеърӣй шакллардадир.

Навийнинг машҳур “Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру келмади” деб бошланадиган ғазали “Бадоеъ ул-васат” дадир.

*Кеча⁶⁶ келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,
Кузларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади.*

*Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йулида интизор,
Келди жон оғзимгаю ул шуҳи бадҳу келмади ...*

*Эй Навоӣй, бода бирла хуррам эт кунглинг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.*

Бу ғазал бир севгучининг уз севгилисини қандай интизорлик билан кутгани, унинг қалбидаги ҳаяжон ва изтиробларни билдиради. Ёрнинг ваъдасига вафо қилмаслиги, шу туфайли ошиқ юрагида тугёнлар кутарилгани, кузидан қон ёшлар оқаётганини курсатади. Шунинг учун энди кунглини бода билан юпатмоқчи ошиқ. Чунки бода келган жойга қайғу келмас деб умид қилади. Ғазал кундалиқ турмушга оид, ҳар бир севгучи қалбида буладиган аниқ кечинмаларнинг бадий изхоридир.

“Бадоеъ ул-васат” девонида ғазаллардан, мусамматлардан ташқари бошқа шеърлар – таржеъбанд, қасида, қитъа, қиссон, туюқ ҳам бор. Уларда шоир инсон ва жамият ҳаётига оид қуп қуринишларга уз муносабатини билдириб утган.

Маълумки, инсон ва жамиятга энг катта зарар етказувчи иллат таъмадир. Бу – юлғичлик, очкузлик, манфаатпарастлик, ебтуймаслик, хирс, порахурлик ва шунга ухшаш жами чиркинликларнинг йиғиндиси булган бир қуринишдир. Улуғларимиз таъмани нафрат билан рад этиб келганлар.

Навий таъма тугрисида ёзади:

*Эй Навоӣй, олам аҳлида таъмасиз йуқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йуқтур, анга булғай шараф.*

⁶⁶ Баъзи қўлёзмаларда “Кеча” урнига “Неча” деб ёзилган экан. Менимча, “Неча” тугрирок

*Сен агар тарки таъма қилсанг, улуғ ишдур буқим,
Олам аҳли барча булғай бир тараф, сен бир тараф.*

Ўзбек шеърлятида туюқ кам учрайди. Аммо Навоий туюқлар ёзган ва улар гузал бадиияти билан ажралиб туради. Мана шулардан бир мисол.

*Лаълидин жонимга утлар ёқилур,
Коши қаддимни жафодин ё қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодмен,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.*

Бу ерда ёқилур суз уйини бор. Биринчи мисрада ёнмоқ маъносида. Ёр лабининг кизиллиги сингари жонимда уша лаъл лаблар шавкида ут ёнади (ёқилур). Иккинчи мисрада ёрнинг эгма коши жафоси билан менинг қоматим уша кош сингари ёйга ухшаб эгилиб кетган (ё қилур). Ёр менга вафога ваъда қилди. Билмайманки ваъдасига вафо қиладими ё қилмайдими (ё қилур). Туюқлар ҳам гузал, ҳам она тилимизнинг бойлигини курсатиб туради.

“Бадоеъ ул-васат” девонидаги бир қитъа Навоий шеърй асарларининг миқдори туғрисида шоирнинг узи берган маълумотдан иборат. Унда Навоий бундай деб ёзган:

*Эй Навоий, суз ила онча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди қаро ерга сенинг қилкингдин.
Бирига, ё унига, ё юзига, ё мингига
Дегай эл найлагай ортуғ эса элик мингдин.*

Шундан маълум буладики, Навоийнинг шеърлари элик минг мисрадан ортиқдир. Бу ҳали “Бадоеъ ул-васат” девони тузилаётган вақтга оид булса керак. Ҳар ҳолда шу қитъанинг сарлавҳасида ай-тилганидек ҳеч ким бу ишда унга баробар кела олмас.

“Фавоид ул-кибар” (Кексалик фойдалари)

“Ҳазойин ул-маъоний”нинг туртинчи охири девони мундарижаси ҳам олдингиларга ухшаш. Асосан, газаллар, мусамматлар сунг узун шеърлар (таржеъбанд, таркиббанд), қитъа ва муаммолардан иборат.

“Кексалик фойдалари” деб аталмиш бу шеър тупламида қари одамнинг юрагидаги фикр, уй, туйғу ва кечинмаларнинг ифода

этилноги табиийдир. Шу муносабат билан Навонийнинг “Йигитларга” радифли газали, айникса, диққатга сазовор.

*Йигитлигимда эдим мубтало йигитларга,
Қариб ҳам узни тилармен фидо йигитларга.*

*Юзи сариг, боши оқ бир қари улса не ҳайф
Энги қизил, кузу қоши қаро йигитларга ...*

*Навойи, қарисанг ҳам, жаҳонда бир неча кун
Рафиқ бул тилар эрсанг наво йигитларга.*

Ун бир байтдан иборат бу газалда шоир кекса, кунгли ва кузи пок бир инсоннинг ёш навкирон авлодга мухаббати, уларга ихлоси ва гурури шундай кузга ташланиб туради. Бу шеърда ҳам қарилар, ҳам ёшларга қаратилган ҳикматли уғитлар ҳам бор. У ёшларга хитобан дейдики, гарчи ёшликда кунгил шухликни тиласа ҳам адаб ва ҳаё йигитларга ярашиб туради.

Қари одам эса ёшларни дуо қилмоқ билан машгул булгани тузук. Гарчи ёшлардан қарига гоҳо озор етса-да, қари уларга нисбатан дуодан бошқа нарса қилмасин.

*Нечаки, булса йигитликда шухлик матлуб,
Вале адаб била хуштур ҳаё йигитларга.*

*Қарига ҳар неча булса ситам йигитлардин
Не булгуси қаридин жуз дуо йигитларга.*

Албатта, “Фавойид ул-кибар” девонида факат шундай қарилар доир шеърларгина бор деб уйлаш нотугри. Девонда ишқий шеърлар ҳам куп. Севгучи инсон ёр билан кеча бирга булган эди. Энди узига уни айтадики, бу тушми эди ё ҳаёлми эди. Бу туш эмасдир. Чунки у ёр уйлай-уйлай ошиқнинг кузига уйқу келмайдиган булиб қолган-ку.

*Кеча ул ой бирла эдим, ваҳ бу тушдур ё ҳаёл,
Туш эмас, чун уқтурур уйқу ҳаёледур муҳол.*

Бечора ошиқ ёрдан висол тилайди. Бу тилак эса бир гадонинг уз аянч аҳволини курсатиб сунг тиланчилик қилаётганига ухшаб кетади. Гафур Гулом йигитларни бошқача таърифлайди:

*Йигитлар бор жойда хавфу хатар уйқу,
Қалқон бор, қалъа бут, қургон саломат.*

*Чоллар уйқусида ҳузур ҳаловат (жаннат фароғат)
Қизлар кулгусида авжю даромад.*

Навойи ошиқнинг эзилиб, янчилиб кетган вужуди, ишк дардида чекаётган азоб-уқубатларини бирма-бир тасвир этади. Яқунловчи байтда шунчалар жафожуй булган нигорини барибир кукларга кутаради, унинг жонбахш, ҳаётбахш гузаллигини улуглайди. Ёрнинг покиза лаби шу қадар муъжизакорки, унга кунгил берган кимса учун бу лаблар нами абадий ҳаёт бахш этувчи зилолдан ҳам афзалдир.

*Ком эрур жсонимга ул олудалиқдин поклаб,
Эй Навоий улсам ичмон Хизр нуш этган зилол.*

“Фавойид ул-кибар” девонида анча муаммолар ҳам бор. Муаммода яширилган сузларни шеър мазмунидан чиқариб олинади.

Ушалардан бирини келтириб утамиз. Бу муаммодан Саъд деган от чикмоғи керак.

*Бу гулшан ичраки, йуқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Маъноси:

*Бу (ҳаёт) гулшанида мангулик гули булмайди
(Агар) яхши от чиқсагина шу ажаб саодатдир.*

Яъни инсон узидан яхши от қолдирмоғи керак. Бутун умр одамларга яхшилик қилган одам шунга эришади. Энди бу байтдаги муаммо қандай? Агар саодатдан от чиқарилса (Саъодат – от), унда Саъд сузи келиб чиқади.

*Ҳам қоши бирла орази хуш эрур
Ҳам кузи бирла қадди дилкаш эрур.*

(Одил)

Девондаги китъаларда ҳам Навоий турмуш ҳолатларини ва уларга муносабатни курсатиб утади.

Куйидаги китъада шоир дейдики, олтин ва қумушга хирс қуйган кимса қулини ва қунглини қора қилади.

*Қуп олтун, қумуш сари қул сунмагил
Қи тутсанг кафингни қора занг этар.*

*Қунгулда доғи майлини асрама
Қи қунгунгни доғи ҳамул ранг этар.*



НАВОЙНИНГ “КУШ ТИЛИ” ДОСТОНИ

Навой узининг бу достонини “Лисон ут-тайр” деб атаган (арабча). Унинг узбекчаси “Куш тили” булади. Чунки бу достонда тилга олинганлар ҳаммаси қушлар. Бу қушларнинг пешвоси, сарвари Худхуд (Попушак). Ривоятга қура, у Сулаймон пайгамбар хизматида булган экан. Бир куни қушлар жамоаси йиғилган пайтда бетартиблик содир булиб, ҳаммалари бир-бирларидан норози буладилар, низо чиқади. Барчага йул-йурик курсатиб турадиган бошликнинг йуклиги сезилиб қолади. Шунда баланд тоғ устида қушлар шохи Семурғнинг борлиги, унинг барча қушларга пешво була олмоғи тутрисида суз кетади. Бу тутрида қушларга Худхуд хабар қилади. Шунда барча қушлар Худхуд бошчилигида уша тоғ сари учадилар.

Йул машаққатли ва олис. Бир қанча вақт учиб қушлар чарчаб қоладилар. Улардан баъзилари орқага қайтувни истайдилар.

Навой ана шундай оғир ва машаққатли парвоздан воз кечишни истайдиган қушлар билан Худхуд уртасидаги айтишув-тортишувга куп урн берган. Худхуднинг бундай қушларга танбехларининг тутрилигини катор хикоялар орқали тасдиқлаган. Шулардан айримларини келтириб утамыз. Тути дейди: Мен шакар еб, гузаллар қулида эркаланиб урганганман. Шунинг учун у даргоҳга бормоғим нега керак.

Худхуд унга жавоб берган: Сен фақат масхара булмоққа муносибсен. Гумроҳсен, сенда огоҳлик йук.

Хикоят. Бир гофил бозорда юз афсун ва хийла билан бир лукма ёки пул йиғар эди. Ниҳоят халтаси тулди. Шунда бир пири комил халтангни курсат, деди. Гофил халтани очди. Ичи лик тула ахлат эди. Пир унга ердан бир ховуч тупроқ олиб тутди. Қараса, бу тупроқ олтинга айланибди. Энди хижолатдан узини улдирса ҳам нима фойда.

Тутининг ахволи ана шу гофилнинг холи кабидир.

Товус дебди: Мен қасру гулшанларга чирой бергучимен. Гузаллигимни улус тамошо қилади. Бошка ишга токатим йук.

Худхуд: Одамлик ташки чирой туфайли эмас. Кимки, бундай чирой билан гердайса у одам эмас. Эр киши дарду меҳнат билан яхши. Ташки чирой фақат масхарага сабаб булади, гурур боиси була олмайди.

Ҳикоят. Бир хинди ясан-тусан қилиб, ёнига узига ухшаганларни олиб қуп масҳарабозликлар қилди. Шунда мухтасиблар уларни тутиб хуб қалтақладилар.

Қумри деди: Мен чамандан чикмаган қушмен. Шунинг учун йул оғирлигини қутара олмайман.

Қудхуднинг жавоби: Минг йил боғда яшаганинг билан бир қуни келиб мушук қонингни ичади ё ук еб уласан. Ундан қура юксак мақсад йулида узингни фидо қилсанг юз қатла яхшироқдир.

Ҳикоят. Бир беҳунар боғбон бор эди. На мева устира олар, на дон сочмоқни билар, доим беҳуда уринар эди. Охири тоқ кесаётганида бир илон чиқиб қақди. У ҳалок булди. Беҳуда ишнинг оқибати шундай булади. Бундай диалоглар анча давом этади. Қушлар қуп сирлардан огоҳ буладилар. Сафар давом этади. Қуп қушлар ҳалок булади. Баъзилари орқага қайтиб кетадилар. Йул машаққатлари борган сари ортар эди. Узок йул босиб, дард, мусибатларга чидаб, Семурғ яшаётган Қоф тоғига фақат уттиз қушгина учиб етиб кела олади.

Тирик қолган, қузлаган манзилигина етиб келган бу уттиз қуш бу сафоли ерда жуда қуп гулларни қурдилар. Улар ҳаммаси бир қузғу сингари. Аммо бу қузғуларда қушлар фақат узларинигина қураб эдилар.

*Қурдилар узни қажнқим тушти қуз,
Оллоҳ, оллоҳ бу ажойибдур бу суз.*

Шундан маълум булдики, Семурғ (си – уттиз, мурғ – қуш) ана шу уттиз қушнинг узи экан!

Навойи қишининг уз нафсониятидан воз кечиб, риёзат орқали қокланиб, руҳий ҳолатининг узи билангина қолса, қамол қасб этажаги туғрисида сузлайди.

Қулоса сифатида қелтирилган мисрлар яна инсонни шарафлашга бағишланган.

Навойининг “Қуш тили” – “Лисон ут-тайр” достонидаги бош мавзу инсон, унинг қамолотидир. Инсон бутун мавжудот орасидаги энг олий вужуддир.

*Турт унсур, етти қук, олти жиҳот
Нодиру олий асоси қоинот.*

*Барчасидин ашраф ул инсон эрур
Қим, қамолиги хирад ҳайрон эрур.*

Достонда ана шу юксак даражага мансуб булгани учун инсон кандай риёзатларни чекиб покланмоғи, узидаги турли-туман нуксонлардан кандай қилиб қутилмоғи мумкинлиги туғрисида суз боради. Энг олий даражага етган уттиз куш (Семурғ) ана шундай камолот касб этган зотлар тимсолидир. Бу ғоя Навоийдан олдинги мутафаккирлар ижодида шаклланган эди. Навоий ана шундай инсонпарварлик гояларини зур куч билан янада юксакликка кутарди, уни илҳомли ва таъсирчан ифодаларда эхтирос билан ташвиқ этди. Навоийнинг устози Фаридиддин Аттор туғрисида ёзганлари, унинг “Мантиқ ут-тайр” (“Кушлар мантиғи”) достонидан олган чуқур таассурот бунинг шохидидир.

Навоий “Куш тили” достонига “Фоний” деб тахаллус туширган. Чунки бу достон охират туғрисида, кушларнинг фақру фано водийсига етганларини курсатиб туради. Аммо бу достондаги чин инсоний севғига оид Шайх Санъон ҳикоясига Навоий деб тахаллус куйган.

“Куш тили” достони Навоийнинг уз халки, она тили туркийга муҳаббатини ҳам намоиш этиб туради. У вақтларда юксак ғоя ва максадларни ифодаловчи асарлар куп булган. Лекин улар форсий тилда ёзилган. Шунинг учун туркий (эски узбек) тилида уқийдиган улус улардан бебаҳра колар эди. Шунинг учун узининг деярли барча асарларини шу, жумладан, “Куш тили” достонини ҳам Навоий она тили туркийда ёзди. У уз халкининг бу олижаноб фикрларни уз она тилида уқиб уларни уқий олмоғини тилар эди.

*Чунки топтим ул калом ичра камол,
Турк алфози била сурдум мақол.*

*Назмалар туркона соз эттим уқуш,
Мастликдан уйлаким хуш назма қуш.*

Бу асар Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижодий фаолиятининг мазмуни ва моҳиятидан ёркин бир лавҳадир.

АРБАЪИН'

Навоийнинг бу шеърий асари қирк туртликдан иборат. Улардан олдин шеърий муқаддима келади. Унда Навоий Арбаъиннинг ёзилиш тарихини баён этган.



Улуг устоз Абдурахмон Жомий:

*Наср ила назмини мураккаб этиб,
Форсий лафз ила муруттаб этиб.*

*Арбаъине чиқардиким, жонлар,
Балки қирқ арбаъин чиқорганлар...*

Демак, Жомий қирқ ҳадисни танлаб олиб насрий ва назмий тартибда форс тилида арбаъин (қирқта) шеър-туртлиқ ездди. Форс тилида уқийдиган китобхон улардан баҳра топди. Аммо бошқалар бебаҳра қолдилар. Маълумки, уша туртлиқларга асос булган ҳадислар насрда араб тилида эди. Шунинг учун туркий китобхон на араб тилидаги асл ҳадисларни, на уларнинг Жомий томонидан ёзилган форсий нусхасини уқиб тушуна олдидлар. Шунинг учун Навоий устози Жомийдан рухсат олиб шу қирқ туртлиқни форс тилидан узбек тилига утказди. Шундай қилиб, Навоийнинг ёзганлари инсон ҳаёти ва фаолиятининг моҳиятини ташкил этмоғи керак. Навоий шу фикрни «Арбаъин»да юксак илҳом ва хаяжон билан ифодалайди.

*Халқ аро яхшироқ дединг кимдур,
Эшитиб шубҳа ашла рафъ андин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса қупрак улусга нафъ андин.*

Навоий оналарни ғоят баланд кадрламокка чақиради. У Жаннат боғининг оналар оёғи остида эканини билдириб ёзади:

*Оналарнинг аёғи остидадур
Равза жаннату жинон боғи.
Равза боғин жамолин истар эсанг
Бул онанинг оёғи тупроғи.*

Навоий фақат яхшилик сифатларини тарғиб этиш билан чекланмайди. У ёмон хусусиятларни қатъий равишда рад этади. Тубан интилишлар, пасткашлиқ, манфаатпарастликни қаттиқ қоралайди. Пул-мол учун муккасидан кетганларга лаънат уқийди. Уларга юксак мақсадли, покиза тийнат, олижаноб инсонларни қарама-қарши қуйиб пулпарастларнинг тубанлигини қош этади.

*Раҳмат озодага ки, ул олмас
Даҳр динору дирҳамин гамга.
Лек лаънат ангаки, қул булгай
Хоҳ динору хоҳ дирҳамга.*

Ана шу мисолларнинг узиданок куриниб турибдики, Навоий кишилар учун юксак адаб низоми буладиган бир туркум шеърлар яратган. Улар «Арбаъин» номи билан узбек адабиётига кирди ва Навоий ижодий меросида узига хос бир урин эгаллади.

НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИ

“МАЖОЛИС УН-НАФОИС”

Бу сузнинг лугавий маъноси:

Мажолис – мажлислар, йиғинлар; нафоис – нафислар, нозик таъблилар. Демак, Навойнинг бу асари номи араб тилидан узбекчага таржима қилинса “Нозик таъблиларнинг йиғинлари” булади. Аммо қулланишда қулайроқ булмоғи учун илмий адабиётда уни “Нафис мажлислар” деб қабул қилинган. Лекин агар “Нафисларнинг мажлислари” дейилганда туғрироқ булармиди⁶⁷.

Навой бу асарида узи яшаган замонга яқин шоирлар, уз замондоши булмиш ижодкорлар ҳақида маълумот бермокка ҳаракат қилган. Тоқим уларнинг отлари учиб кетмасин.

Асар саккиз бобдан иборат. Ундар ҳар бир шоир туғрисида қисқа маълумот ва унинг шеърларидан бир байт нишона қилиб утилган.

*БИРИНЧИ МАЖЛИС*да шоир азиз, валий инсонларни таърифлаб “бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозаматлари шарафига мушарраф булолмадим” дейди. Биринчи тилга олинган шоир Қосим Анвор. Бу киши асли Озарбайжондан. У уз устози Садриддин Ардабилининг маслаҳати билан у ердан Хуросонга келган. Қосим Анворнинг шеърлари эл уртасида кенг ёйилди ва севиб уқилар эди. Бир муддат Балх ва Самарқандда яшаб, сунг Ҳиротга қайтди. Вафоти 835ҳ./1431-32 милодий. Навой таърифича, у Кошифи асрор, яъни илоҳий сирларни кашф этувчидир.

Навой 3-4 ёшлик пайтларидаёқ Қосим Анворнинг бир шеърини ёдлаб, уқиб берганида азизлар хайрон қолар эдилар. Бу байт бундай:

*Риндему ошиқему жаҳонсузу жома чок
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чибок.*

Маъноси: Риндмиз (беғам, бепарво), ошиқмиз, жаҳон уртовчилар ва ёқавайронлармиз. Сенинг ғаминг турганда дунё ғамини чекишдан не фойда?

⁶⁷ Шунга аҳамият бермок керакки, Навойнинг ҳам, уша даврда яшаб ижод этган бошқа шоирлар, олимлар ёзган асарлар ҳам дярли ҳаммаси араб тилидаги номларга эга. Демак, уша замонда шундай анъана булган. Навой ҳам ўз асарларига ном қўймоқда шу анъанага риоя қилган – А.К.

*ИККИНЧИ МАЖЛИС*да киритилган олимлар ва шоирларнинг баъзиларини Навоий ёшликда курган. Аммо ушбу китоб ёзилаётган 896 х./1430-31 милодий йилгача улар дунёдан утган эдилар.

Ушалардан бири Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий туғрисида Навоий ёзади: “Самарканд акобириндидур (улугларидан). Факих (қонуншунос) Абуллайс авлодидиндур...”

Навоий Самарқандда икки йил бу устоздан сабоқ олган. Устоз бу шогирдини кадрлар, уни фарзандим деб атар эдилар.

Китобда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ёзган шеърлардан қуйидаги байт намуна қилиб келтирилган:

*Қади чун сарви ту жонаст маро, балки равон
Суюм, эй сарв, равон шавки, фидо созам жон.*

Маъноси:

Сенинг сарв каби каддинг менинг учун жондир,
балки равондир.

Эй сарв, мен томонга кел, сенга жонимни фидо айлайин.

(С.Ғаниева талқини)

Бу мажлисда Навоий уз замони шоирларининг шоҳи (малик ул-каломи) булиб танилган беназир шоир Лутфий туғрисида куп таъриф ва тавсифлар ёзган. Китобда Лутфийнинг туркий (эски узбек) тилида ёзган шеърдан қуйидаги байт келтирилган:

*Нозуклик ичра белича йуқ тори гисуйи,
Уз ҳаддини билиб белидин ултирур қуйи.*

Маъноси: Унинг сочининг тори нозикликда унинг белича эмас. Шунинг учун у уз урнини топиб белидан қуйирокда туради.

*УЧИНЧИ МАЖЛИС*да Навоий узи билан бирга яшамокда ва ижод қилмокда булган шоир ва олимлар туғрисида ёзади. Бу мажлис Навоийнинг устози ва пири машҳур шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомий (1414-1492) туғрисидаги мақола билан бошланган. Жомий ушбу китобда тилга олинган жамоатнинг боши ва йулбошчисидирлар. Асарларининг гузаллиги таърифидан баланд. Уларнинг миқдори берилса саҳифалар тулиб кетади. Шунинг учун Навоий устоз Жомий туғрисидаги қуйидаги мадҳия билан чекланади:

*Ёраб, бу маъоний дуррининг уммони,
Бу донишу фазл гавҳарининг кони.*

*Ким айладинг они олам аҳли жони
Олам элига бу жонни тут арзоний.*

Жомий туғрисидаги мақолада яна бир кичик лавҳа бор. У юқорида айтилганлардан фарқли: Жомийнинг махсус мулозими Хожа Муҳаммад Тайбодий деган кимса булган. Навоийнинг ёзишига қура, у одам Жомийнинг бирор байт шеърини билмас, билса ҳам бу кишининг ёзган шеърини ва насрий асарларини мутлақо тушунмас, агар сал-пал фахмлайдиган булса, уларни тескари талқин қилар эди. Жомийдек бу одамнинг бадхуёлигига йиллар давомида чидар ва бу ҳолга ортқча аҳамият бермас эдилар.

Учинчи мажлисда куп шоирлар туғрисида маълумот бор. Аммо улар гоъят лунда ва қиска. Масалан, Рукний деган шоир туғрисида “Шерозликдур. Таъби ёмон эмас” дейилади, сунг унинг шеърдан бир байт келтирилади. Ёки Носихий деган шоир туғрисида “хуштаъб йигитдир” деган бир кичик жумладан сунг бир байти келтирилган. Ёки Зебой деган шоир туғрисида Навоий ёзади: “Фақир ани қурмайман, аммо шеърини эшитибмен”. Сунг унинг байти келади. Булардан маълум буладики, Навоий уз китобида барча назм аҳлини камраб олмаққа интилган. Шунинг учун устоз Жомийдан тортиб то унчалик маълум булмаган, ҳатто узи қурмаган шоирларни ҳам тилга олиб утган.

Гадоий туғрисида Навоий ёзади: “Туркигуйдур, балки машоҳирдандур”.

Бобур мирзо замонида (Абулқосим Бобур мирзо – Хуросон ҳукмдори, вафоти 1457) шеъри шуҳрат тутти” (13-жилд. Б.105).

Навоий даврида Гадоий 90 ёшдан ошган экан. Шундан сунг Навоий Гадоийнинг шеърларидан икки байт келтиради. Улардан бири бундай:

*Дилбаро, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш,
Ким анинг дарди қошида юз улум ҳайрон эмиш.*

Бу мажлисда яна туркигуй шоирлардан Мавлоно Мажнуний туғрисида ҳам маълумот бор. Тирикчилик туфайли китоб кучириб ёзиш билан шугулланган.

Унинг шеърдан:

*Моҳи тобоним иситти, қилди бағримни кабоб,
Ой эди, эмди ҳароратдин булбутур офтоб (Б. 99).*

*ТУРТИНЧИ МАЖЛИС*да эса шоирлик қобилияти бор, лекин бу ишга қуп берилмаган фозиллар тугрисида суз боради. Улар ҳам Навоийнинг замондошларидирлар.

Мир Муртоз – кичик ёшидан илмга берилган. Тинмай китоб уқир эди. Шу билан қуп илмлардан билимдон булди. Тонгдан то окшомгача бутун кун китоб уқиш билан банд булган. Илмий бахсларда унинг ҳарифи енгилган тақдирда ҳам ундан қутила олмас эди.

Шаҳмат уйинига жуда ишқибоз булган. У ҳарифларини ҳеч қуйиб юбормас, улар эса Мирдан қочар эдилар. Агар икки ҳариф буладиган булса, бири билан шаҳмат уйнаётганида иккинчисининг этагидан ушлаб утирар эканки, қочиб кетмасин деб.

Бундай беназир кишилар оз булади.
Ушбу матлаъ (биринчи байт) ундандир.

*То наёйод суйи дил гайри хаёли дилситон
Бар сари раҳ мардумони чашим гашта дидабон.*

Маъноси:

Кунгил олувчининг хаёлидан бошқа нарса кунглига
Келмагунгача, йули устида куз қорачуглари назоратчи
буладилар.
(С.Ғаниева талқини)

*ТУРТИНЧИ МАЖЛИС*да Навоий Пахлавон Муҳаммад, Атоуллох Хусайний, Воъиз Кошифий, Али Сафий, Мирхонд ва Хондамирлар тугрисида ҳам маълумот берган.

У Мирхонд тугрисида бундай деб ёзади: “Саъид Ховандшоҳ углидурким, Балх (Қуббатул ислом)нинг мутааййин донишманди ва бузурги эрди ва узи йигитликда улум тақбири қилди. ... Иншо ва тарих фанида беназирдур” (Б.121).

Яна Навоий хабар берадики, Мирхонд дунёнинг яралишидан то ҳозирги замонгача умумий тарихга оид китоб ёзмокда. Бу иш ҳозир ярмига етган. Мирхонд бу ишни Навоийнинг тақлифи билан бошлаган. “Иншооллох, тугатурига муваффақ булгайким, таворих оромда андан муфидрок тарих булмагусидир”.

Узимиздан қушиб айтамызки, Навоийнинг тақлифига биноан Мирхонд бу тарих китобини ёза бошлаган эди, уни ёзиб тугаллади. Асарнинг номи “Равзат ус-сафо” (“Софлик жаннат боғи”) деб ата-

лади. Бу асар форс тилида ёзилган. “Равзат ус-сафо”ни XIX аср охири – XX аср бошларида хоразмлик бир гуруҳ олимлар Хоразм шоҳи Муҳаммад Раҳимхон II Ферузнинг топшириғига биноан форс тилидан узбек тилига таржима килдилар. Бу таржимоннинг кулёма нусхаси Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Шу институтда “Равзат ус-сафо”нинг форсий нусхаларининг кулёмалари ҳам бор.

Хондамирни Навоий Мирхонднинг фарзанди эканини ёзган. Уни салоҳиятли йигит деб сифатлайди. Тарих фанида маҳорати бор, дейди. Яна тўртинчи мажлисда Навоий Мирхонд ва Хондамирнинг ёзган шеърларидан намуналар ҳам келтирган. Улар форс тилида ёзилган.

БЕШИНЧИ МАЖЛИС Хуросон ва бошқа ерларнинг “Мирзодалари ва бошқа озодалари зикри”га бағишланган. Бу мажлисда тилга олинганлар, Навоийнинг айтишича, улар шеър айтмоққа мойил, аммо бу иш билан давомий равишда машғул булмаганлар. Шулар орасида биринчи булиб Амир Давлатшоҳ тугрисида маълумот келади.

“Амир Давлатшоҳ хуштаб ва дарвешваш ва куп салоҳиятлиг йигитдур”, деб ёзади Навоий. Гарчи у амирлик ва баланд мансабга эга булмоғи мумкин булган эса-да, улардан воз кечиб фақир ва даҳканат билан чекланади ва камол касб этмоққа интилиб бир четда яшади.

Навоий узининг “Мажолис ун-нафоис” асарини ёзаётган вақтда амир Давлатшоҳ шунга ухшаш шоирлар туплами (“Мажма ушшуаро”) китобини ёзган. Яқинда Давлатшоҳнинг вафоти тугрисида хабар келди, деб унинг тугрисидаги мақолани тугаллайди.

Навоий Давлатшоҳнинг шеърдан бир намуна келтирган.

Яна Навоий Султон Ҳусайн Хотамий тахаллусли шоир тугрисида маълумот келтирган. Бу кишининг отаси шайх Баҳлулбек Хоразм тахтида ҳукумат килиб, амирлик девонида муҳрдор эди.

Султон Ҳусайннинг угли Мир Иброҳим тугрисидаги мақолада Навоий ёзади: “...фақирнинг оғасининг набирасидир. Фақир уни угилчалай асрабмен”. Шундан маълум буладики, улар ҳар иккови ҳам Навоийга қариндошдирлар. Шу мажлисда яна Муҳаммад Солиҳ тугрисида ҳам маълумот бор. У Нурсайдбекнинг углидур. Нур Саидбекнинг отаси Шоҳ Малик эса Темурийлардан Мирзо

Улугбекнинг хизматида булган ҳарбий ва давлат арбобларидан эди. Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхон хизматида булган ва юқори лавозимларни эгаллаган. Унинг “Шайбонийнома” дostonи шуҳрат топган.

Навой **Иброҳим Халил** деган шоир тугрисида унинг отаси Халилбек Нимруз мулкидан то Ғазнагача булган ерларда булганини айтади. Узининг мулойим таъб адиб ва ҳурматли йиғит эканлигини билдиради. Қуйидаги байт ундандир:

*Қуруб ағёрни филҳол илик қуксумгаким, урдум
Эмас таъзим учун, ханжарлари захмини ёшиурдим.*

Соқий деган шоир тугрисида ёзар экан, Навой унинг туркий ва форсийда шеър ёзганини, сипоҳийлик хизматида баланд даражада булганини ва “Ҳеч маълум булмадики, анга на бало урдиким, ушбу сифатлардан ҳеч нима анда қолмади ва эл орасидин чикти” деб ёзади. Соқий шеъридан бир намуна келтиради. Бу байт таърифида.

*Тазарве эрди раъолиқда оти,
Ики ёнчоқ булуб икки қаноти.*

Бешинчи мажлисда зикр этилганларнинг марҳумларига фотиҳа тортиб, барҳаётларига шох ҳазинасидан баҳраманд булмоқларини тилаб Навой бу мажлисни ёпади.

ОЛТИНЧИ МАЖЛИСда Навой Хуросондан ташқарида яшаб ижод этаётган ширин сузли ва девон эгаси, фазл аҳли тугрисида хабар беради. Улар Самарқанд, Хоразм, Қарши, Бадахшон, Ҳисор, Қазвин, Сова, Кирмон, Туркман, Қум, Ирок, Шероз, Лор, Йазд каби улкалардандирлар.

Хожа Хурд деган зот Самарқандда Улугбек мадрасасида мударрис экан. Бу киши тарих ва муаммо шеърлар ёзмокка моҳир булган. Навойнинг “Вақфийа” асарининг ёзилган ватқини билдирувчи тарих шеъри шу ерда келтирилган. Мин вақфи Алишер (886х./1481-82м.).

Адҳами Иброҳим деган шоир туркман бекларидан “Хуш таъб ва зарофатли киши эрди”, деб ёзади Навой. Унинг байти:

*Ҳарғизам дил беҳаёли анбарин холе набуд
Ин дили девон ҳарғиз холи аз холе набуд.*

Маъноси:

Ҳеч вақт кунглим қора хол ҳаёлисиз яшай олмайди;
Бу девона дил қора хол (хаёлидан) холий була олмайди.

(С.Ғаниева талқини)

“Салотин изом ва авлоди вожибул ихтиромлари зикрида...” деб бошлайди Навоий “ЕТТИНЧИ МАЖЛИС”ни.

Бу боб Амир Темурнинг бир авбош (безори)нинг гуноҳини кечиргани тутрисидаги ҳикоя билан бошланади. Улимга маҳкум этилган гуноҳдор тавба йуснида Қуръон уқимокка киришган. На-тижада ул ҳазратнинг газаби лутфга алмашди.

Абдал зи бийм даст ба мусҳаф зад

(Безори қурқувдан Қуръонга чанг солди) деб шеър уқидилар ва унинг гуноҳини кечирдилар.

Навоий ана шундай урнида ишлатилган бир байт минг яхши байт айтганча бор, дейди. Бу сифат Султон Ҳусайн Бойқарода ҳам борки, бу унга маврусийдир (мерос булган) деб хулоса қилади.

Султон Искандар Шерозий Шохрух мирзонинг набирасидир. Унинг таъби назми булган. Қуйидаги туюқ ундандир.

*Тулун ойга нисбат эттим ёруми
Ул хижолатдин кам улди уруми.
Тори муйуннинг закотин мен берай
Ё Мисрни ё Халабни ё Руми.*

Бобур Мирзо (Абулқосим Бобур). Навоийнинг ёшлик йилла-ридаёқ унга марҳамат курсатиб тарбиялаб устирган Хуросон под-шоҳи. “Ҳиммати олдиди олтуннинг, доғи кумушнинг тош ва туп-рокча ҳисоби йук эрди” деб таърифлайди Навоий узининг бу ҳо-мий ва ғамхорини. Бобур мирзо шеърдан бир намуна:

*Неча юзунг куруб ҳайрон улайин,
Илоҳи мен сенга қурбон улайин.*

Сайид Аҳмад Мирзо. “Латофатнома” маснавийсини ёзган. Туркий ва форсий шеър девонлари бор. Қуйидаги байтни келтириб уни “яхши воқеъ булутур” деб баҳолайди Навоий.

*Сайд этти фироқинг мени мурғи сафарийдек
Қил одамилиқ, қилма ниҳон юзни паридек.*

Мажлисда яна Шохрух мирзо, Халил Султон, Улугбек мирзо, Бойсунгур мирзо, Абдуллатиф мирзо, Жахоншоҳ мирзо, Яъқуб мирзо (туркман), Султон Ахмад мирзо, Бойқаро мирзо, Кичик мирзо, Бадруззамон мирзо, Шох Ғариб мирзо, Фаридун Хусайн мирзо, Султон Масъуд мирзоларнинг шеърларидан намуналар келтирилган.

САККИЗИНЧИ МАЖЛИС туласича “Султон соҳибкирон (Хусайн Бойқаро)нинг латиф таъби натойжининг зеболари, хусн ва жамоли зикрида...” дир.

Бу мажлисда Навоийнинг адабиётшунос, шеър тахлили устаси сифатидаги маҳорати намойиш этилган. Жумлаларнинг ихчамлиги, маънонинг чуқурлиги, таҳлилнинг назокати Навоийнинг қисқа ва мазмундор баёнларида узининг ибратомуз намунасини топган.

Мажлиснинг бошланиш қисмида Султон Хусайн туғрисида ёзилган Насабнома ва Ҳасабномалар тилга олиниб, уларнинг мактовига бир неча суз дейилган. Сунгра Навоий “Ул ҳазратнинг хуб ашъори ва марғуб абёти бағоят куптур ва девон мураттаб буллубтур” деб ёзади. Сунг девондаги ғазаллардан бир матлаъ (бошланиш байт)ни келтириб, қисқача таъриф беради.

Навоий бир байтни келтирар экан, унинг шарҳини олдин айтиб утади.

“Манзурнинг хуйининг булжажаблиғидаким, меҳрида ошиқ жон берса бовар қилмаслиғининг бесабаблиғида.

*Не ажойиб хуй эрур, ул шуҳи сийминбар санга
Ким неча меҳрингда жон берсам эмас бовар санга”.*

Манзур – севиқли ёр, ниғор, дилбар. Унинг (Б.174) феъли-хуйи тушунарли эмас. Ошиқ аввал уни “кумушбадан” деб сифатлайди, сунг унга нега сенинг феъли-хуйинг бундайдир деб савол беради. Чунки мен, дейди ошиқ унга, сенга қанчалар жон фидо этмайин барибир ишонмайсан. Сабаби нимада?

“Маҳбубнинг муфрат илтифотидин беҳол буллуб беҳудина ул илтифотни изҳор қилур маънида бу матлаъ ғариб адо топибдурким:

*Эрулуб гул бошига булбул висол улгай анга,
Гул анинг бошига эрурса, не ҳол улгай анга”.*

(уша ерда)

Булбул гулнинг бошида гир айланса, унга шу висол – етишувдир. Агарда гул унинг (булбулнинг) бошига эврилса, у қандай ах-

волга тушиб колмоғи мумкин. Ана шу маънонинг Навоий таҳли-
лидаги баёни уша шеърнинг гузаллигидан ортиқроқ туюлади:
“Махбубнинг муфрит илтифотидан беҳол булуб беҳудона ул ил-
тиқотни изҳор қилур...” (уша ерда).

Қофияси “Б” ҳарфи билан тугалланадиган ғазалдан бир байт:

*Фурқатингда йуқ эди жисмида жон, кунгумда тоб
Кузда хуноб эрдию гамгин кунгулда изтироб.*

Бу байтга Навоийнинг таҳлили бундай: “Фурқат утидин жисми
бетоб эканин ва гамгин кунгли печу тобидин кузида хуноб эканин
бу матлаъда ғариб навъ адо қилур”. Яна Навоий укувчига кур-
сатадики, бошқа байтларга бу байт бошловчидир. Аммо ушбу китоб
учун белгиланган дастурга биноан шу матлаъ билан чекланилди.

Ана шу йусинда Навоий “алиф”ли қофия ё радифли ғазалдан
тортиб то “ёй” ҳарфи билан тугалланувчи ғазалгача ҳар бирининг
матлаъини шундай қисқача, лунда ва дилкаш таҳлил ва шарҳ этиб
чиккан.

Хусайний шеърларининг бундай таҳлили Навоёна маҳорат би-
лан амалга оширилган.

“Мажолис ун-нафоис” (“Нафислар мажлислари”) тазкираси
XV асрда биринчи маротаба эски узбек тили – туркийда тузилган
тазкирадир. Унда Навоий уз замонасидаги адабий ҳаёт манзара-
сини тасвирлайди. Куринадики, у вақтда форс тилида шеър ёзган
шоирлар қул булган. Туркигуй шоирлар ҳам форс тилида шеърлар
ёзганлар. Ана шундай шароитда Навоий ва Хусайний она тили тур-
кий (эски узбек тили)нинг адабиётдаги урнини кутармоққа ҳаракат
қилганлари ва бунга Навоий туфайли эришилгани аниқ куришиб
туради. Яна бу тазкира Навоийнинг ҳар иккала тилдаги шеърятга
баробар диққат-этибор берганини ҳам намоён этиб туради. Бу
асар Навоий замонасида адабий ҳаётнинг нақадар бой булганидан
далолат беради.

Навоийнинг бу асари “Насойим ул-муҳаббат фи шамойимул футувват” деб аталади. Унинг узбекча таржимаси бундай: “Мардлик хушбуйликларини таратувчи севги шаббодалари”. •

Унда узок асрлар давомида бутун шарк халклари тафаккури тарихида муҳим урин тутган мутафаккирлар туғрисида маълумот берилган. Навоий улар қаторига туркий халқлар ичидан чиққан азизларни ҳам киритган. Шу билан бирга уз замондошлари орасидаги эл эътиборини қозонган улуглар туғрисида ҳам маълумотлар берган.

“Насойим ул-муҳаббат” асарида Навоий ёзадики, Муҳаммад алайҳиссалом вафотидан сунг набилар эшиги ёпилди. Яъни энди бошқа пайгамбар чиқмайди. Аммо эл уртасида йул-йурик курсатувчилар булмоғи керак. Бу вазифа умматлар орасидаги қомил ва олим зотлар зиммасига юкланди. Олимлар пайгамбарларнинг вори-сидирлар, деган ҳадис шунини билдиради.

Ана шундай умматга йулбошчи булган зотлар тирикчиликларини уз ҳунарлари орқали утказганлар. Шайхлар шайхи Абу Саид Ҳарроз этик тикар эдилар. Шайх Муҳаммад Сакко пичокчи, Шайх Абул Аббос Омилий қассоб булган ва х.к.

“Насойим”даги **Бобо Шаҳхоб** туғрисидаги ҳикоя ҳам диққатга сазовор. Бу одам тоғасининг кизига ошиқу шайдо булиб қолган. Шу аҳволда унга жазба (жазава, берилмок, тортилмок; тариқат аҳлининг узидан кетган ҳолати) келди. Уни жинни деб уйлаб болалар унга тош отганлар.

Мен билан улфатлиғи бор эди, деб ёзади Навоий. Қошимга келар эди. Бир кун бағоят чиркин либос бида келиб юқори чиқиб ултурди. Ёқимсиз куриниш эди. Шундай фикр туғилгач, қуйидаги байтни уқигани эшитилди:

Мен уз урнимга эмас, балки хоҳлаган жойимга ултираман.

Сунг Навоий ёзадики, у эл қузидан гойиб булди. Улук тириғи маълум булмади (Б.451).

Китоб сунгида Навоий бир неча Шарк адабиётининг улуг ар-боблари туғрисида маълумот бериб утади. Улар орасида Лутфий, Жомийлар бор.

Қадим даврларда яшаб ижод этган улуг адиблар ва олимлар Ҳаким Санойи Ғазнавий, Шайх Фариддин Аттор, Шайх Мусли-

хиддин Саъдий Шерозий, Шайх Фахруддин Иброхим Ирокий, Амир Хусайний, Шайх Махмуд Шабустарий, Шайх Авҳадуддин, Афзалиддин Хоконий, Шайх Низомий, Хусрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавий, Шайх Камол Хужандий, Носир Хисрав ва бошқалар бор.

“Насойим ул-муҳаббат” асари гарчи асосан тасаввуф ва унинг арбоблари туғрисида булса ҳам айни замонда уни адабий манба сифатида қаралса ҳам булади. Юқорида санаб утилган шоир ва мутафаккирлар бадий адабиётнинг улуғ намояндаларидир. Навоийнинг бу ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодиёти туғрисида берган маълумотлари катта илмий аҳамиятга эга.

Яна бир хикоя Шайх Саъдуддин Фарғоний туғрисида. Навоий бу кишини “ирфон арбобининг мукаммали ва завқу виждон асҳобининг ақобиридандур” деб таърифлайди. Бунинг маъноси билимли арбоблар ичида энг билимлиси, завқли ва виждонли ҳамсуҳбатларнинг улуғларидан демақдир.

Ҳақиқатга оид билимларни бу киши даражасида ҳеч ким боғлик ва мустаҳкам тарзда баён қила олмайди.

Навоий шундай одамга узининг хизматда ва суҳбатда була олмаганидан афсусланади. “Лекин, – деб ёзади Навоий – алар уз қарамлари била бу бечорага ҳусни қабул била иршод тариқидин фуругузашт булмадилар (йул-йурик курсатувда бепарво булмадилар, 17-жилд. Б.400)

Демак, Навоий Шайх Саъдуддин Фарғоний билан замондош ва яқин. Бу зотнинг парво ва эътиборига сазовор булган.

Занги ота туғрисида Навоий бундай деб ёзган: “Туркистон машойихидандур ва куп машойих хидмату суҳбатиға етибдур. Ва турк улусида машохирдандур. Анинг бобида ҳам куп сузлар манқулдур”.

Навоий Хожа Аҳмад Яссавийни таърифлар экан, уни Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи (шайхларнинг шайхи) деб атади; Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир, дейди. Қутбиддин Ҳайдар эса Аҳмад Яссавийнинг муридидир. Хуросонга борган. Ҳайдарий қавми узларини унга нисбат берар эканлар. Қабри Турбат деган жойда экан. Унинг қабри уша ерда эканлигидан у жойни Турбат (қабр) деб атаган эканлар.

Навоийдек билимдон олим ва шоирнинг ана шу улуғ ижодкорлар туғрисида ёзганлари “Насойим”ни бой фактик материалга

эга булган адабий манба даражасига кутаради. Шу билан бирга “Насойим”да халк оғзида булган ва ҳаётда юрган турли афсонавий ва ҳаёлий тарздаги ҳикоялар ҳам учраб туради. Булар ҳам ижод маҳсуллари дидир. Уларнинг ҳар бири тадқиқ ва таҳлил этилганда адабий ижод туғрисидаги тасаввурлар анча кенгайган булар эди.

Нихоят “Насойим”даги воқеий ҳикоялар ҳам диққатга сазовор дидир. Навоий кундалиқ турмушда юз бериб турган бу воқеалар туғрисида сузлар экан, улардан муҳим хулосалар қилади.

Воқеий ҳикоялар ҳам бадиий ижод маҳсули. Улар ҳам ҳар томонлама урганилиб таҳлил этилмоғи шарт. Ана шулар ҳаммаси “Насойим”ни адабий манба сифатида қаралмоғига асос була олади. Бу маълумотларнинг бадиий матоси, улардаги бадиий тасвир воситаларининг қулланилиши ҳам бу хулосани қувватлайди.



“ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО”

(Пайгамбар ва ҳақимлар тарихи)

Хуросонда Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти уттиз етти йил давом этди. Алишер Навоий Султоннинг хизматида бир умр булди. Бу давр нафақат Хуросоннинг, балки бутун узбек маданиятининг энг юксалган даври эди.

Алишер Навоий Султон Ҳусайн ва унинг давлатининг тарихини ёзишга киришди. У даврда тарихшуносликда урнашган тартибга кура ҳар бир тарихнома ёзувчи умумтарих воқеаларидан иш бошлар эди.

Аввало, Одам алайҳиссалом тарихи, яъни инсоннинг пайдо бўлишидан бошлаб то пайгамбарларгача ёзиб чиқар, сунг тўрт авлод Ажам сулоалари туғрисида, сунг Ислом даври тарихини ёзар эди. Шу йусинда аста-секин уз замонаси тарихига утар эди. Навоийнинг узи уйлаган Султон Ҳусайн Бойқаро тарихига оид асари ёзилиб битганми ёки йуклиги бизга ҳозирча қоронғу. Аммо унинг бошланғич булаклари ёзилиб битган ва улар бизгача етиб келган.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” ҳамда “Тарихи мулуки Ажам” асарлари уша Навоий ёзмокчи булган тарих китобининг бошланғич булақларидир.

“Тарихи анбиё...” Одамнинг яратилмоғи туғрисидаги афсона билан бошланади.

Худо Жаброилга буюрдикки, ҳозирги Макка жойлашган ердан бир миқдор тупроқ келтурсин. Аммо ер уз тупроғини унга бермади. Охири Азроил бориб уша тупроқдан келтурди. Бу тупроқка қирк кун раҳмат ёмғирин ёғдирилди. Шундан сунг Одам вужудга келди. Худо буюрдикки, барча унга сажда қилсунлар. Аммо иблис бу буйрукни рад қилди ва Худо лаънатиға учради. Сунг Одамнинг ёнидан Ҳаво яратилди. Улар жаннатда истиқомат этдилар. Одам ва Ҳаво бугдой егани учун жаннатдан чиқарилдилар. Яна Худо одам авлодининг ер юзасини қопловини тилаган эди. Одам ва Ҳаво Маккада Арофат тоғида, сунг Ҳиндистонда яшадилар. Одамга Жаброил қуш хайдаб экин эқмокни ургатди. Ҳаво фарзанд тугар эди. Шу йусинда ер юзасида одам болалари пайдо булдилар ва ҳар ёққа ёйилдилар.

Навойи бу ҳикояни одам авлоди, ундан чиққан пайгамбарлар, яъна Худога талпиниш пайдо булмоғи, бу соҳадаги курашларгача олиб келади.

“ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ” *(Ажам матиклари тарихи)*

Бу асар Ажам подшоҳлари тарихига бағишланган. Улар турт сулоладан иборат булганлар. Пешдодийлар, Кайёнийлар, Ашконийлар, Сосонийлар. Биринчи подшоҳ деб Каюмарсни биладилар. Подшоҳлик қондасини биринчи булиб тузган шудир. Ундан кейин набираси Хушанг подшоҳ булди. Пешдодийлардан ун бир подшоҳ чиққан.

Иккинчи табақа Кайёнийлардир. Улардан туккиз киши подшоҳлик қилди. Кайёнийларнинг охирги подшоҳи Доро ибн Дорондир. У Рум подшоҳи Искандар вақтида узининг икки ноиби томонидан улдирилди. Искандар Доро хузурига келиб оғир ярадор булган Доронинг бошини тиззасига олиб у билан хайрлашди. Доро Искандарга уч васият қилди. Қизи Равшанакни уз никоҳига олсин. Унинг қотилларини улдирсин. Доро қариндошларини улдирмасин. Искандар бу тақлифни қабул қилди.

Учинчи табақа – Ашконийлар. Улар Доронинг угли Ашклар авлодидир. Ашконийларнинг охиргиси – Ардувондор. Уни Ардашер Бобак орадан чиқарди. Сунг сосонийлар сулоласи ҳокимиятта келди. Улар уттиз икки подшоҳдир (адади аниқ эмас).

Сосонийларнинг охирги подшоҳлари опа-сингил Турондухт ва Озармидухт эдилар. Турондухт бағоят ақлли аёл эди. Адолат билан элни бошқарди. Олдингилардан қолган нарсаларни элга улашди. Яхши одатлар жорий қилди. Румдан улжа қилиб Мадойинга келтирилган бутларни уларга қайтариб бериб Рум билан яхши муносабатлар урнатди.

Бу вақтда арабда Саййид ул мурсалийн с.а.в. (Муҳаммад пайгамбар) вафот этган эдилар. Хилофат Або Бакр Сиддик ихтиёрига утган эди.

Турондухт бир йилу турт ой подшоҳлик қилгач, дунёдан утди. Кейинчалик унинг урнига утирган синглиси Озармидухт узи мамлакатни бошқарди. Вазир қуймади. Озармидухтни сипоҳсолор

Фируз Хурмузнинг угли Рустам улдирди. Охири Язджирд деган Ажам мулкига подшоҳ булди. Бу вақтда Ажам ниши бузила бошлаган, амирал-муминин Умар Ажамга бостириб кира бошлаган эди. Йигирма йил ҳукмрон булган Язджирд турли шаҳарларда сарсон кочиб юрди ва охири бир тиланчи томонидан улдирилди.

Навоийнинг Ажам маликлари туғрисидаги китоби шу билан тугалланади.

Юқорида биз “Тарихи анбиё...” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарлари Навоийнинг Султон Хусайн Бойқаро ҳукмронлигига оид тарих китобининг бошланғач қисмлари эканини айтиб утган эдик. Шу туғрида Навоийнинг узи “Тарихи мулуки Ажам” китобидаги яқунловчи шеърда бундай деб ёзган:

*Вале эмди азим будурким, Худой,
Агар булса умрумга муҳлат фазой.*

*Чекиб турфа тарихинга хомани
Қилиб нуктага тез ҳангомани.*

*Сифотингни аввалдин охиргача
Хаёлотни маҳфию зоҳиргача.*

*Валодат кунидан тутуб то бу дам
Барин шарҳ ила айлагаймен рақам...*

*Анга тегруким, шаҳи некбахт
Отадин – ато вориси тожу тахт.*

*Ки холо чолиб салтанат навбатин
Топибсен жаҳондорлиқ шавкатин.*

*Адолат била хос эзур йуқса ом
Жаҳон аҳлини тиндурубсен тамом..*

Демак, Навоий узининг ёзажак тарихий асарида Султон Хусайн Бойқаронинг ҳокимияти тарихини тула ёритмоқни мақсад қилиб олган эди. Шоир бу ишни “Панж ганж” – “Без хазина”, яъни “Хамса”ни, девон дебочасини, “Назм ул-жавохир”ни ёзиб тугаллагач, ёза бошлаган. Лекин бу асар охиригача ёзилиб булдими ёки йукми, хозирча бизга маълум эмас.

МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН”
(Икки тил тугрисидаги муҳокамалар)

Навой бу асарини суз тавсифи билан бошлайди. Суз бир гавхар. Унинг дарёси кунгил. Ғаввослар дарёдан дурни топиб ва тортиб чиқарганлари ва кўрсатганлари сингари суз сузловчи нутқида уз кимматини курсатади. Бутун дунёдаги одамларнинг тиллари бир-биридан фарк қилади. Улар ичидаги энг юксаги араб тилидир.

Нух пайғамбар уч углини уч минтақага бош қилиб юборди. Ёфасни Хитойга, Сомни Эрон ва Туронга, Хомни Ҳиндистонга. Шундан Ёфасни Абул турк (Туркларнинг отаси), Сомни Абул форс, Хомни Абул хинд дейдилар. Уларнинг болалари ана шу уч мамлакатда ёйилдилар ва яшаб қолдилар. Тиллардан турк ва форс тиллари кенг тарқалди. Бу иккала тил аралашиб кетган. Лекин турклар сарт (тожик-форс) тилини биладилар. Лекин сарт ахли туркийни яхши билмайдилар. Чунки турк тилида энг кичик тушунчаларга ҳам махсус суз ясаладики, уни ҳар ким ҳам била, тушуна олмайди.

Масалан, қувормок ва курукшамок ва ушармоқ ва жийжаймоқ ва чекримак ва думсаймак ва умонмоқ ва усанмоқ ва ичирмак ва эгармак ва ухранмак... Бундай сузларнинг маъноси сарт (тожик) тилида алоҳида суз билан берилмайди. Навоий турк тилидаги ушандай сузлардан юзтасини санаб чиққан ва уларнинг ишлатилишига оид мисоллар келтирган.

*Соқий чу ичиб менга тутар қуш,
Томший-томший ани қилай нуш.*

Туркча безанмоғ ясанмоғнинг муболагали ифодасидир:

*Эрур бас чу ҳусну малоҳат сенга,
Ясанмоқ, безанмоқ не ҳоҷат сенга.*

“Муҳокамат ул-луғатайн”да бундай мисоллар анча бор. Яъни бир суз орқали турли маънони бермоққа доир мисоллар ҳам бор. Масалан, *от* – исм, буйрук маъноси (*от!*), яна *от* (хайвон – лошади русчаси). Ёки *кук* – осмон, оҳанг, кукаламзорда *куклаш*, *қодоқ*, *сабза ва уланг* ва ҳ.к.

Асарда луғавий жиҳатдан ҳар иккала тилда бир-биридан фарқли сузлардан қуп мисоллар келтирилган. Турк тилининг мулоқимлиги, бойлиги чуқур асослаб берилган. Шундан сунг Навоий турк

тили хазинасидаги беҳад бойликлардан истифода этиб, уларни юзага чиқармоқ мақсадида яратган асарларини санаб чиқади. Узининг форс тилини яхши билгани ва уни ҳурматлаши тугрисида ёзади, форс тилида ёзган асарлари ҳақида маълумот беради. Яна форс адабиётининг мумтоз вакиллари ижоди билан яхши таниш эканлигини билдирувчи фактлар келтиради.

“Муҳокамат ул-луғатайн”ни ёзишдан мақсади турк улуси одамларини уз тили ва луғатидан яхшироқ хабардор қилмоқ ва уларни форсийгуйларнинг ибора ва сузлар бобидаги таъналаридан қутқармоқ эди. Навоий бу мақсадни тула амалга оширди. Асар Султон Ҳусайн Бойқаро фаолиятига мадҳиялар билан тугалланади.

“Муҳокамат ул-луғатайн” 905 хижрий йили Жумадул аввал ойида чоршанба куни ёзилиб битди (П.Шамсиевнинг ҳисобига кура, бу вақт ҳозирги календарда 1499 йилнинг 18 декабрига тугри келади).

“МЕЗОН УЛ-АВЗОН”

(Вазилар тарозуси)

Аруз саккиз фаслга эга: фаъулун, фоиъйлун, мафоиъйлун, мустафъилун, фоиълотун, мафоъилатун, мутафоъилун, мафъулоту.

Мафоиъйлун – форсий шеърда бештаси бор. Туркий шеърда ҳам. Мафоилун, фоилотун, мустафъилун, мафъулун ва фаулун. Бу беш усулларнинг турлари ҳам булади. Уни зихоф дейилади.

Фасл. Мафоиъйлуннинг зихофлари ун битта.

Фоиълотун зихофи унта. Мустафъилунда тукқизта. Навоий ҳар бир усулнинг зихоф ва фуруъларини бирма-бир курсатиб утган. Сунг баҳрларни санаб чиқади.

Шеър ана шулардан ташкил топади.

Чехрадан бурқасъ очиб утқа куйдурдинг мени,

Чун кул улди пайқарим, кукка совурдинг мени.

Фоилотун фоилун...

Навоий беш усулнинг ҳаммасини доирага солиб сувратини чи-зиб чиққан. Масалан, Ҳазажи мусаммани солим (саккизлик соғ ҳа-жазда мафоийлун саккиз марта такрорланади).

Ражазда мустафъилун, рамалда фоилотун саккиз марта такрор-ланади. Ана шуларни муъталифа доирада тасвир этилган.

Китобда ана шундай доирадан еттита. Сунг ҳар бир баҳрга мисол келтирилади.

Масалан, Ҳазаж баҳри (Ҳазажи мусамман).

Ҳазажи мусаммани солимул арконга мисол:

Зиҳи мулкингнинг ун саккиз мингидан бир келиб олам,

Бу олам ичра бир уйлуқ қулунг Ҳавво билан Одам.

Мафоиъилун, мафоиъилун, мафоиъилун, мафоиъилун.

“Мезон ул-авзон”да Навоий аруз вазни шакллариға оид ҳамма вазнларға мисоллар келтириб чиққан.

Навоийнинг аруз вазни қондалариға оид “Мезон ул-авзон” асарини узбек тилида бу фан тугрисида яратилган шоҳ асардир. Унда Навоий аруз фани усулларини тушунтириш билан чекланган эмас. Бу вазнини узбек шеърини, узбек адабий тили табиатиға хос янгиликлар билан бойитган, узбек арузининг мукаммаллашувига хизмат қилувчи қондалар жорий этган. Бу асарнинг узбек шеърини тараккиётида тутган урни ва аҳамияти гоят улқандир.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ”

(“Қунгилларнинг севгани”)

Бу асар Навоий ҳаёти ва ижодининг охириги йили 1500 йилда ёзилган (Навоийнинг вафоти 1501 йил 3 январ куни юз берган). Демак, унинг сунги катта асардир.

Бу асарда Навоий сермазмун, воқеалар ва таассуротларға бой ҳаёти давомида жамият ва шахсға доир тугилган фикр ва мулоҳазаларини, хулоса ва яқунларини баён этган.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг аввалги қисми “Ҳалойик аҳволи ва афъоли ва ақволининг кайфияти” деб аталади. У қирк фасл. Биринчи фаслда адолатли султоннинг қандай булмоғи кераклиги айтилган. У шунчалар яхшиликлар қилсинки, “фуқаро иши анга ҳам дуо, ҳам нозиш (эрқаланиш), анинг дабъи (қилиги, феъл-атвори) фуқароға ҳам саҳо ҳам навозиш” булсин.

Навоий бу асарда жамиятнинг ҳар бир табақаси аҳли тугрисида уз фикрларини билдиради. Уларнинг ҳам яхши, ҳам нуқсли томонларини руйи-рост курсатади. Фақат икки тоифани яхшилаб таъриф этади. Улардан бири дехқонлардир. “Дехқонки, дона сочар,

ерни ёрмоқ билан ризк йулин очар... Қуши ҳам икки зур пахлавон, юкига буйинсунуб олдида равон, иш килурда ҳамдам ва ҳамкадам... Олам маъмурлиги алардин, олам ахли масрурлиги алардин...”

Демак, деҳкон ва унга буйсунувчи ва ҳамдами булмиш кушхукиз олам ахлининг шодлиги сабабчиларидир.

Яна бир тоифа шоирлардир. Навоий уларни “Назм гулистонининг хушнагма кушлари” деб атайди. Шоирлар маънолар хазиналаридаги маърифат жавҳарларини терадилар.

Айни замонда шоирлар ичидаги айрим шахсларни Навоий танкид килиб ҳам утган. У ёзади:

*Аълolariдур нединки, дерсен аъло
Аднилари ҳам барча даний (тубандан ҳам) адно (паст)
Авсатлариким, (уртачалар) ҳеч нимага ярамас
Балким, нафас урмамоқ авло.*

“Махбуб ул-қулуб”да Навоий ёзган куп танбехлар бор. Улар турмушнинг турли қуринишларига доир. Агар улар йиғиб чиқилса ва шарҳ этилса, бутун бошлик ҳикматлар туплами вужудга келган булар эди.

Агар бахтли киши олим булса, нодонларнинг сузлари унга ибрат булади, шуларга эътибор қилади. Бебахт жохиллар эса олим сузидан ор қиладилар.

Худписанд – нохирадманд (узини кузловчи кимса, беақл), *мустағний* – мағбун (бой – алданган), *мутакаббир* – маъжун (ғудайган – лаънатланган).

Ҳунарларни топмоқ – едурмақдур ва айбларни ёпмоқ – кийдурмақдир. Десаңки, таоминг зоеъ булмағай – едур ва тиласаңки, либосинг эскирмағай – кийдур.

Комиллар – ахли ҳаё ва ноқислар беҳаё, хилм (юмшоқлик, хушмуомалалик, халимлиқ) инсон вужудининг мевали боғи, одамийлик оламининг жавохирлиг тоғи.

Укало салотин лутфига эътимод қилмайдурлар ва ҳукамо мажонин кавлиға эътимод жойиз билмайдурларким, ул бири соҳиб ихтиёр ва бу бири беихтиёр. Хирадмандга иккаласидан эхтироз қилмоқ сазовар (ақллилар султонларнинг лутфу марҳаматига суянмайдилар, ҳакимлар телбалар сузига ишонмайдилар, (чунки) бири ихтиёр эгаси, бошқаси эса ихтиёрсиз. Ақлли одам ҳар иккаласидан сақланмоғи керак).

Умуман, “Махбуб ул-қулуб” инсонлар кунглига мақбул ва фойдали хикмат ва йул-йуриқларга бой бир асардир. Уни уқиган ва ёд олган одам кам булмайди.

Навой “Махбуб ул-қулуб” асарининг ёзилганига “хуш” деб таърих берган. Яъни у 906/ 1500 йили ёзилган.

МУНШАОТ

(Хатлар)

Туркий тилда хат ёзиш тартиб ва қондаларини курсатиш учун намуна була оладиган хатларини йиғиб Навоий ушбу китобни тузди. Унинг мақсади туркий тилда қандай қилиб хат ёзмоқ туғри булажагини намойиш этмоқдир.

Айрим хатларда Навоий табиат қуринишлари, дунё ва осмон гузаллиги, инсон ва ҳаёт афзалиятлари туғрисида муфассал ёзади. Баъзи хатларда эса шоир фақат воқеани баён этмоқ билан чекланади. Аммо деярли қул хатларга шоир гоҳо шеърӣ парчалар ҳам киритган. Масалан, шоҳга ёзилган жавоб мактубини Навоий бундай бошлаган:

*Ул нишонқим келди шаҳдин танда жон булди менга
Улмиш эрдимқим, тирикликдин нишон булди менга.*

Шундан сунг олатдагидек: “Қуллук арзадошт улқим, сафар ойининг гуррасида (бошида) шоиба сабоҳи Нишопурдан бир манзил Сабзавар сари Абушужоъ Ансорӣ мазори бошида юқорида келган пиёдарав муборак нишонқим, бу банданинг мужиби сарфарозлиги эди, етқурди. Шу парчада Навоий шоҳга узини бошини қуқка етқурган хатни пиёда келтирган кишидан олганини, қаерда бу воқеъ булганини хабар қилмоқда” (Ансорӣнинг мазори бошида).

Хатни қандай эъзоз билан қабул қилганини шоир бундай тасвирлайди:

*Утуб ер бармоғим қош узра қуйдум,
Ани худ уптиму бош узра қуйдум.*

Шоҳдан келган бу нома айриликдаги шоир учун худди жон орасида алиф (I) дек туюлди.

*Жонда қуйдум чирмагон мактубини ҳижрон аро,
Билмон ул мактуб эрур ёхуд алиф жон аро.*

Шундан сунг хат ёзувчи хатга битилган жавобни юборганини ёзади ва бориб етгандир деб умид билдиради.

Демак, бир кичик хатда шунчалар ҳурмат изҳори, аник хабар ва гузал шеърлар бор.

“Муншаот” китобида шундай хатлардан бир юз учтасининг матни келтирилган. Бундай маълум буладики, Навоий олинган хатлар ва уларга ёзилган жавобларни сақлаган. Уша йигилган хатлардан “Муншаот” китоби тузилган.

ВАҚФИЯ

Бу асарни Навоий 886/1481-82 йилда ёзган.

“Вақфия” кенг куламдаги ижод маҳсули. Унда Навоийнинг таржимаи холи, Хуросонда Султон Ҳусайн бошчилигидаги давлатнинг ташкил топиши тарихига оид маълумот ва мулоҳазалар бор. Шунингдек, Навоийнинг давлат ходими қандай булмоғи кераклиги туғрисидаги фикрлари баён этилган. Лекин асосий масала Навоийнинг шахсан узига қарашли молу мулки, бу мулкнинг қандай сарф этилмоғи туғрисида берган йул-йуриқлари ва ҳатто васияти битилган.

“Вақфия”да Навоий уз ота-бобоси улуғ Султон даргоҳида “улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор” (“Улуғ мартабалар ва юксак мансабларга сазовор”) булганларини ёзади. Султон Ҳусайн тахтга утиргач, Навоийни уз хизматига чорлади. Шунинг учун Навоий ҳам бу таклифни қабул қилиб:

*Қуйиб бекорлик, фарзона булғил,
Илик ур ишгаю мардона булғил –*

дея ишга киришди.

Шундан сунг Навоий Султон томондан унга берилган бир ерда узи учун ҳовли – жой бино қилганини ёзади. Яна Навоий бу ерда мадраса, масжид, касалхона қурдирди. Яна бир гумбаз қурдирди. У ерда қорилар Қуръон уқир эдилар. Яна хонақоҳ қурдирди.

“Вақфия”да Навоий узига қарашли барча мулку мол-еру сувлар, боғ ва узумзорлар, дуконлар ва ҳ.к.ни бирма-бир санаб чиккан. Улардан келадиган даромадни туласича мадраса, масжид, хонақоҳ, касалхоналарга вақф қилиб берган. Яна одамлар учун ҳайит кунлари бериладиган зиёфатларга сарф қилмоқни буюрган.

Мадрасада дарс берувчи икки мударриснинг ҳар бирига йиллик бир минг икки юз олтин ва йигирма турт юк дон тайинлаган. Икки халка толиби илмлар жамеъ йигирма икки толиби илмга олти аълочининг ҳар бирига ойлнк йигирма турт олтун ва йиллик беш юк бутдой; уртача укувчига (улар саккизта) ҳар бирига ун олти олтун, йиллик турт юк; қуйн укувчига (саккизта) ҳар бирига ун икки олтин ойлик ва уч юк дон бериб турмоқни тайинлаган.

“Вақфия”да Навоийнинг бутун молу мулки уша хайрли ишларга вақф қилингани айтилади. Навоий узи учун фақат бир кишининг озуқаси ва кийим-бошига етарлисинигина олиб қолган. Шоирнинг бутун мулкидан тушган даромадни элу юрт, одамлар учун сарф этилмоғи катъий курсатилган.

Навоий бу ҳужжатни қозилар тасдиғидан утказган. Айтилганларни бажариб бормоқни уз яқинларидан тайинланган мутаваллига юклаган. Яна Навоий ёзадики, бу вақфия ҳужжати ҳар уттиз йилда қайтадан оққа кучирилсин, қозилар уни тасдиқлаб берсинлар. Курсатилган вазифалар бузилмай ижро этила борсин.

Навоий уз “Вақфия”сини қуйидаги туртликлар билан тугаллайди:

*“Вақфия”ки, тортилди баче заҳмат анга,
То булди шаройит хатидин зийнат анга.
Машрут ила ким, қилса амал, раҳмат анга,
Улким мунга тағйир берур, лаънат анга.*

*Бу қондани қимки, тузар бор булсун,
Тенгри бори ҳолатда анга ёр булсун.
Ким бузса бузуқликқа сазовор булсун,
Ҳақ лаънату қаҳрига гирифтор улсун.*

Омин, ё раббил-оламин.

МУНОЖОТ

Навоийнинг насрда ёзилган энг қиска ва энг гузал асари “Муножот”дир. У шоирнинг бошланғич мурожаати. Бу асар аънанавий бошланғич булақлардан сунг лирик қаҳрамон юрагидаги чуқур ва таъсирли кечинмалар изхоридан иборат. Бу қаҳрамон паришон рузғор, бечора. Аммо унинг инсонийлик ғурури ва мустақиллиги бардавом. У илоҳга садоқати чексиз бир инсон. У илоҳ мархама-

тига ишонади: “Илоҳо, ёмонлигимдан агарчи куп аламиним бор”, “гамхори сен булсанг не гамим бор”.

Сунг тақдир туғрисида суз кетади. Лирик қаҳрамоннинг тақдирини севги ва жунунга гирифторликдир. Бу Илоҳнинг узи томонидан белгиланган: “Илоҳо, пари узорларга мени девона қилдинг ва парирухсорларга кунглумни парвона қилдинг. Бу сабаблардин русиёҳлиқ била оламга афсона қилдинг”.

Бу лирик қаҳрамон инсон гузаллигини чин юракдан кадрловчи соф муҳаббат соҳиби. У қора зулфлар савдосидан занжирбанд булган мажнун. У хуш хидлар таратувчи қора холлар асири.

Ёр тавсифидан кейин зор ошиқ аҳволининг аянчли тасвири келади. Бу ифодаларда чин инсоний ишқ тугёни, ошиқу мубталоларнинг оғир аҳволи уз аксини топган. Аммо ошиқ қалбининг бу ҳаяжон ва изтироб тула нидоларида заррача пушаймонлик ёки афсус йук. Аксинча, бу ишқ ҳарорати ва у туфайли юз берган савдойилик илоҳ томонидан белгиланган қисмат. Бу қисматни ошиқ сидқидил билан ризо булиб қабул қилган.

Муножотнинг охирида турмуш куринишларига онд тилақлар изҳор этилган.

Лирик қаҳрамон турмушдаги ёмонликлардан холи булмокни истади. Бу ёмонликлар – беилож дард, бемурувват номардларга қарамлик, бекасларга хор булмок, бедийнатлар тухматига учрамок, жохиллар суҳбатига боғланиб қолиш, разиллар хашаматига ҳожатмандлик. У илоҳдан ана шундай оғир аҳволлардан сақланмокни сурайди; узини ношукрлар, курнамаклардан узок тутишини илтижо қилади.

Муножот подшоҳи исломни (яъни Султон Ҳусаин Бойқаро муслимлар бошига бардавом этмок тилаги билан якунланган).

Навойнинг “Муножот” асари севги, эзгулик, чин эътиқодни улуғловчи ва шарафловчи бебаҳо ва гузал ижод намунасидир.

НАВОЙНИНГ ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДА ЁЗГАН АСАРЛАРИ

МУФРАДОТ

Навойй бу асарини 1485 йили ёзган. Унда муаммо жанрига оид қондаларни баён этган. Навоййнинг «Муфрадот»и форс тилидадир.

Муфрадот фард – битталиқдан келиб чиқади. “Фард” деб бир байтдан иборат шеърга айтилади. «Муфрадот» эса ана шу фарднинг куплиги, яъни фардлар йиғмаси маъносидадир.

Навойй бу асарда муаммони уч қисмга бўлган. Ана шу қисмларни ташкил этувчи ун беш амалнинг таъриф ва қондаларини баён этган.

Одам сузи беркитилган муаммо:

*Дили моро чу шоҳи боз жусташ
Зи оҳу дарду меҳнат чу нахусташ.*

Маъноси: Агар дилимизни яна кидирмоқчи бўлсанг, аввало, ох, дард меҳнатдан изла! Демак, ана шу уч сузнинг биринчи ҳарфларини йиғилса, муаммода беркилган ном келиб чиқади. Ох, Дард, Меҳнат (Одам). Бу муаммонинг «Интикод» деб аталган амалига ҳос қуринишдир.

Интикод амалининг бошқа бир талаби сузнинг уртасидаги ҳарфларни саралаб олиш асосига қурилган.

Вали исмига айтилган муаммони қурайлик.

*Чун намояд кофири бебоки манн
Дил зи ҳушу илму дини худ бикан.*

Маъноси: Менинг бепарво гузалим қуринса узингнинг ҳушинг, илминг ва динингдан умид уз.

Бу муаммонинг калити «дил»дир. Уни, яъни уртадаги ҳарфни узиб олмоқ керак. «Хуш»дин (у, в ҳарфлари бир белги билан ифодаланади) «в»ни, илмдин «Л»ни, “дин”дан “И”ни узиб олиб қушилса Вали келиб чиқади.

Бошқа амаллар – таҳлил ва таркиб суз уйинлари асосига қурилади.

Қаро исмли муаммо:



*Аз руҳи қаҳр чун ёр чашмаи бапой сояд
Бар руїи оби чашмам домони у намояд.*

Маъноси:

Қаҳр юзидан ёр аёғи билан кузларимни эзса,
Кузим ёшининг устида этагининг акси куринади.

«Қаҳр»нинг юзи «ю» олинади. «Оби чашм»нинг юзига қаҳрнинг этаги “к” ва “р” қўйилади. “Қаро” келиб чиқади. «Муфрадот» китобида Навоий муаммо жанрининг интиқол, таҳлил, таркиб, таъдил, тансис, тасмия, талмех ва бошка ун беш амали ва қирқ саккиз услубига алоҳида таъриф берган. Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтирган.

Яна Навоий узининг бошка асарлари, хусусан, «Ҳазойин ул-маоний»да купгина узбек тилида ёзилган муаммоларини, «Девони Фоний»да эса форс-тожик тилида ёзган муаммоларини келтирган. Навоий ёзган муаммоларнинг умумий сони беш юздан ортиқдир. Қўйида Навоийнинг узбек тилидаги муаммосини мисол келтирамиз:

*Бу гулшан ичраки йуқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Бу муаммодан саъд сузи келиб чиқади. Агар “Саодат”дан “от” чикса “Саъд” қолади. Бу муаммонинг исқот – чиқарув услубидир.

*Жаннат гулу насринига булсанг муштоқ,
Гаҳ ёр юзига, гаҳ кафи пойига боқ.*

“Ё”нинг юзи, яъни “й” “боқ”қа қушилса, Боқий келиб чиқади. «Бою»қа ёрнинг кафи пойи (оёғи) “р” қушилса, Боқир келиб чиқади. Зуннун сузига ёзилган муаммо:

*Васли саъйидин эмиш ишқ аҳли ичра можаро,
Завқдин куркам юзум олтиндек улмиш ишқ аро.*

«Завқ»нинг юзи “з” (100) олтинга айланса, “нун” келиб чиқади. Бу эса “зуннун”га шаклдошдир.

Шундай қилиб, Навоийнинг муаммо жанрига канчалар аҳамият бергани, унинг қоидаларини билимдонлик билан баён этиб чикканини курамиз. Муаммо Навоий мансуб булган адабий муҳитда кенг қуллангани ҳам шундан маълум булиб туради.

ДЕВОНИ ФОНИЙ

Навойи узининг форс тилида ёзган шеърларига Фоний деган тахаллус қуйган. Фоний абадий эмаслик, бақосизлик, уткинчи, йуклик маъноларини англатади.

Навойи форс тилида ёзган шеърларини бир девонга йиккан. Бу «Девони Фоний»дир. Унда 6000 мисрадан ортиқроқ шеър бор. Асосан, купчилиги ғазалдир.

Девоннинг биринчи ғазали қуйидаги байт билан бошланади:

*Эй хоки сари куйи ту ғаштан ҳаваси мо,
Бар пои сағат буса задан мултамаси мо.*

Маъноси:

*Эй кучангиз тупроғидан юришни биз ҳавас қилиб,
Итингни оёғини упишни илтимос қиламиз.*

«Девони Фоний»да Навоийнинг буюқ форсий забон шоирларга ухшатма (татаббуъ) қилиб ёзган шеърлари киритилган. Навоий утмиш замон мумтоз шоирлардан Амир Хисрав Дехлавий (Мир), Ҳофиз Шерозий (Хожа), Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (Шайх), Котибий, хожа Салмон, Камол Хужандий (Хожа Камол), Ҳасан Дехлавий (Хожа Ҳасан)ларга татаббуъ қилиб ғазаллар битган. Яна уз замондош шоирларидан Жомий (Махдум), Шайхим Суҳайлий (Ёри азиз), Вафойи, Ҳусайний, Шоҳийларга ҳам ухшатма қилиб шеърлар яратган.

Шунингдек, «Девони Фоний»да Навоийнинг форс тилида ёзилган қасидаси «Тухфат ул-афкор»; Жомий вафотига ёзилган марсиялар ҳам киритилган. Булардан ташқари, форсий китъалар, рубоийлар, тарих, луғз ва муаммолар ҳам бор.

Ғазаллар орасида *мухтарасъ* деб номланганлари ҳам борки, улар бевосита Фоний-Навоийнинг уз шеърлари, яъни ухшатма қилинмай ёзилган шеърларидир.

«Девони Фоний»да Ҳофизнинг «Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро» деб бошланадиган машҳур ғазалига ёзган шеъри ҳам бор.

Бу шеърда Фоний шерозлик турк гузалининг мактовини хитойлик турк гузалининг васфи билан алмаштирган.

*Гар он турки Хитойи нуш созад жоми саҳборо
Нахуст орад суйи мо турктози қатлу язборо.*

Маъноси:

Агар у хитойлик турк (махбуб) май жомини ичса
Аввал бизнинг устимизга от суриб улдириб
талон-тарож қилади.

*Рухаш дар нозукї барбод дода сафҳаи гулро,
Қадаш дар чоб укий бар хок монда сарви раъноро.*

Маъноси:

Юзи нозикликда гул баргини барбод берди
Қомати чакконликда сарви раънони тупрокка
утқазиб куйди.

Бу ғазал қуйидаги байт билан якунланган:

*Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофиз шояд, эй Фоний
Намоӣи чашни дар юза зи он назми жаҳон оро.*

Маъноси:

Ҳофиз ғазалларига ҳамма койил қолган, эй Фоний,
Жаҳонни безатган назмдан сен ҳам бир оз
тиланиб олсанг булади.

Фоний узининг татаббуъ ёзишдан мақсади соҳибдиллар эши-
гида гадо булиб, уларнинг фазилатларидан баҳра топмок эканини
очик айтиб, лутф қилади:

*Татаббуъ қардани Фоний дар ашъор
На аз даъвою не аз худкомист.*

*Чу арбоби сухан соҳиб дилонанд
Муродаш аз дари дилҳо гадоист.*

Маъноси:

Фонийнинг (форс шоирлари) шеърларига татаббуъ ёзишдан
мақсади.

Бир даъво ва ёки узини курсатиш эмас.

Соҳибдиллар суз санъаткорларидирлар.

Диллар эшиги олдида тиланиш Фонийнинг орзусидир.

«Девони Фоний»даги шеърлар Навоийнинг бошқа девонлари-
даги шеърлари билан ҳамоҳанг. Бу шеърлар орифона ва ошикона

мазмунда. Уларда инсон гузаллигининг таъриф ва тавсифи; кишиларни яхши сифатларга эга булмокка чорлаш, ҳаётнинг турли куришишларга оқилона йул тутишга ундаш асосий урин тутадн.

«Девони Фоний» Навоийнинг форсий адабиётни чуқур ва ҳар томонлама урганганлиги, унинг буюк маҳорат мактабини аъло даражада утаганлигини намоиш этиб туради. Навоий ижоди учун ҳар иккала туркий ва форсийзабон адабиёт баравар даражада ижод майдони булгани кузга ташланиб туради. Навоий ана шу катта ижодий маҳорат таълминни тула эгаллаган холда уз она тилидаги адабиётни юксакликка кутарди. Айни замонда форсий тилдаги шеърят ривожига ҳам улкан улуш кушди.

Навойнинг “Ҳукамо зикри” мақоласи “Тарихи анбиё ва ҳукамо”нинг охириги булагидир. Мен бу тугрида 1979 йили бир мақола ёзган эдим. Бу ерда келтирилаган мақола ушадир. Гарчи фактик материал жиҳатидан бу мақола (А.Қаюмов “Асарлар”. Т., 2009) туртинчи жилддаги мақоладан кам фарқ килса-да, уни ушбу китобга киритмоқни лозим топдим. Чунки ёш тадқиқотчиларга масаланинг урганилиш тарихи билан танишмоқда фойдаси тегар, деб билдим.

Доно ҳикматлар

Навой олимларни жуда кадрлар эди. Уларнинг билимдонлик билан берган уғитларини уз асарларида келтирар, улар орқали китобхонни эзгулик ва ҳақиқат хизматига йуллар эди. Навой асарларининг бадий сиймолари булмиш Ҳакимлар ва олимлар тугри-сида айтилган гаплар, уларнинг оқилона панд-насихатлари Навой тафаккурдан келиб чиққани аниқ. Умуман, ана шундай уғитларнинг яхлит йиғиндиси “Зикри ҳукамо” асарида мавжуд. Унда Навой айрим қадимий юнон файласуфлари, шарқ мутафаккирларининг эзгу фикрларини баён этади.

Бу асарда Лукмон, Фишоғурс (Пифагор), Жомасп, Букрот (Гиппократ), Сукрот, Афлотун, Аристотилис, Балинос (Фалес), Жолинус (Гален), Батлимус (Птоломей), Содик, Бузургмехр каби мутафаккирлар номидан айтилган доно мулоҳазалар келтирилган.

“Зикри ҳукамо” (“Ҳакимлар зикри”) Лукмон тугрисидagi хикоя билан бошланади. Навой Лукмоннинг ҳакимлар ёки пайгамбарлар қаторига оид эканлиги тугрисидa карама-қарши фикрлар бор, деб хабар беради. Шунинг учун Навой бу мутафаккирни уз китобининг ҳам пайгамбарларга, ҳам ҳакимларга оид бобларига киритган. Демак, олим уз тафаккурининг кучи билан пайгамбарлар билан баробар даражага қуйилган.

Навойнинг ёзишича, Лукмон қора танли экан. У кул булган. Аммо узининг ақл-фаросати, ҳозиржавоблиги ва жасорати билан кулликдан озодликка эришади.

“Тарихи анбиё” ва “Зикри ҳукамо”да Лукмон тугрисидa уч хикоя ва тўрт ҳикматли гап келтирилган. Яна Навой “Лукмоннинг ажойиб қуринишлари ва фойдали гапларининг куп экани”ни алоҳида укдириб утади.

“Хукамо зикри”да ҳар бир ҳаким тутрисида билдирилган фикр кетидан бир шеър келади. Айрим ҳикматли гаплар кетидан келган шеърларда умрнинг қисқа ва уткинчи эканлиги, барибир у бир кун интиҳосига етажаклиги эслатилади. Аммо бу фикр қайғу ва умидсизлик уйғотмайди, балки хушёрликка ундайди. Шу қисқа умрни эзгуликка хизмат қилдиришга чақиради. Бу чақирик шеърларда очикдан-очик янграмайди, балки уни уқишдан сунг пайдо буладиган таъсирли уйчанлик ортидан эшитилади.

Лукмон уч минг йил яшаган эмиш. Лукмон туғрисидаги хикояда сунгги шеър бундай:

*Ёшинг Лукмондин ар худ булмаса кам,
Чу боргингдур борур дамдур ҳамул дам.*

Ана шу байтда гарчи, уч минг йил яшаганда ҳам киши кетар фурсати келгач, кетади, деган фикрлар бор. Демак, киши барҳаёт экан, у эзгуликка хизмат қилишга улгуриб қолиши керак.

Лукмонни Фарба Эзоп деб атаганлар. Бу туғрида бизда биринчи булиб Рустам Комилов айтиб утган (Навоий. Асарлар. XV жилд. Б.231). Ҳақиқатан, Навоийнинг Лукмонга боғлаб келтирган хикоялари Эзопга оид Фарб манбаларидаги маълумотларга жуда яқиндир.

Эзоп қадимги юнон масалчиси. У асли Самос оролидан. Эзопнинг масаллари тарихда кенг шуҳрат топган. У фарб адабиётида масалчиликни яратган, деб ҳисобланади.

Эзоп қора рангли қул булган экан. Аммо ақлу фаросатининг уткирлиги, зукко ва ақли, ижодчи булгани туфайли хужаси кейинчалик уни озодликка чиқарган экан. Бу сифатларни Навоий Лукмонда курсатган. Аммо Лукмон – Эзоп масаласи узбек адабиётшунослигида ҳали ҳар томонлама урганилган эмас.

“Жаҳон адабиёти тарихи” китобининг I жилдида (М., 1967) Эзопнинг номи тилга олиб утилган. Бу тарихда Эзоп афсонавий шахс деб сифатланган. Яна шу китобда Федр туғрисида суз борганда, унинг Эзоп масал шеърларини юнон тилидан латин тилига таржима қилганлиги айтилган. Федр узи ҳам Эзопнинг масалларига ухшатма қилиб шеърлар ёзган. У ҳам қора рангли қул булган ва кейинчалик озодликка эришган. (Б.611).

Яна уша китобда ёзилганки, Эзоп насрий масалнинг яратувчиси булган. Бу масалларнинг адабий шаклланиши милоддан олдинги IV-III асрларда амалга ошди (Б.476).

1969 йили Тошкентда А.Алимухамедовнинг “Антик адабиёт тарихи” номли дарслиги нашр этилди. Унда Федрга бағишланган бобда (“Империя давридаги Рим адабиёти”) Федрнинг Эзоп ёзган насрий масалларни назм шаклида лотин тилига таржима қилгани айтилади (Б.383).

Федрнинг беш тупламдан иборат 130 масали бизгача етиб келган. “Бу тупламларнинг дастлабки иккитаси “Эзоп масаллари”, деб аталган” (уша ерда).

А.Алимухамедовнинг ёзишича, “Масал антик адабиёт тарихида янги воқеа эмас. Бу жанрнинг асосчиси деб, қадимги юнонлар эра-миздан олдинги VI асрда яшаб утган Эзоп деган афсонавий шахсни таниганлар” (Уша ерда).

Навой олимларни бир-бирига боғлаб тасвирлайди. Ҳар бир олим кетидан унинг бир шогирди туғрисида суз боради. Шу қондага мувофиқ Лукмондан сунг икки шогирди – Фишоғурс ва Жомасп туғрисидаги сузлар келган. Фишоғурс ҳақим Лукмон ҳақимнинг шогирдидир, деб ёзади, Навоий. Шарқда Фишоғурс деб аталган мутафаккир Ғарбда Пифагор номи билан машҳур булган. Олимларнинг яшаган даврини Навоий қадимий Эрон афсонавий ҳукмдорларининг тарихи орқали курсатади.

Фишоғурс ва Жомасп Гуштасп даврида яшаганлар. Гуштасп милоддан олдинги қадимий Эрон шоҳлари сулолаларидан Кайённийларга мансуб. Гуштасп давридан бошлаб зардуштийлик (“Зораостризм”) юзага келган ва ёйила бошлаган.

Жомасп Заратуштра изидан бориб зардуштийликни кенг тарғиб этган. Агар Фишоғурс ғарб ҳақимларидан булса, Жомасп шарқ ҳақимларидандир. Фишоғурс ва Жомасп каби шогирдлар орқали биз Лукмоннинг ҳар иккала китъада қанчалар таъсир кучига эга булганидан хабар топамиз.

Навоий Фишоғурснинг мусиқий илмга асос солгани ва мусиқий асбобларни яратганлигини айтади. Фишоғурс таърифига бағишланган байт ҳам мусиқий асбоблари образини уз ичига олган. Бу шеърда умрнинг тугаллануви туғрисидаги фикр созларнинг мо-тамсаро навҳаси орқали изҳор этилади:

*Андаки, сози сафар улди анга,
Созлари навҳагар улди анга.*

Жомасп эса илми нужум (астрология) арбоби сифатида қайд қилинган. Унинг келажакни олдиндан кура олиш қобилияти ва бу

тугридаги китоби Навоий асарларида кенг тилга олинади. Жумладан, “Фарход ва Ширин” дostonида Фарходнинг севги кахрамони булиб дунёга келиши Жомасп томонидан олдиндан айтиб утилгани ёзилган. “Садди Искандарий” дostonида Кашмир камали пайтида шамол йулининг очиб юборилишини ҳам олимлар Искандарга Жомасп китоби оркали ургатадилар. Илми нужум осмон билан боғлиқ илм. Навоий Жомаспга аталган байтда осмонларни эгаллаган тафаккур эгасининг ҳам охири ер остига киражагини, умрнинг интихоси – якуни муқаррар эканлигини баён этади.

*Кишига булса кукга чиқмоқ фан,
Не осие, курса оқибат мадфан.*

Бу байт изоҳдаги Жомаспнинг дафн этилган жойи Форс вилоятида эканлиги тугрисидаги хабар билан мантиқан боғланган. Тугрироғи, уша хабардан келиб чиқади.

Фишогурснинг шогирди Букрот, Навоийнинг билдиришича, Бахман вақтида яшаган. Уни ғарбда Гиппократ деб юритадилар. Навоий ҳам Букротнинг тиб илмида мохир булганини, бу соҳада купгина китоблар ёзганини таъкидлаб утади. Бу китоблар орасида табиблар қошида эътибор қозонгани “Фусули Букрот” китобидир.

Бахман ҳам Кайёнийлар сулоласидан булиб, у Гуштаспнинг угли Исфандиёрнинг фарзандидир.

Сукрот Пифагорнинг издоши, Афлотун Сукротнинг шогирди ва Искандарга мусоҳиб булган.

Сукрот ва Афлотун Ғарбда Сократ ва Платон деб юритилган олимлардир.

Букротис тугрисида “Хукамо зикри”даги маълумотлар билан хозирча чекланамиз.

Машхур файласуф Аристотел “Хукамо зикри”да Аристотилис деб ёзилган. Унинг Искандарга вазир булгани алоҳида қайд этилган. “Садди Искандарий” дostonида Искандарнинг вазири, устози ва дусту Арасту деб юритилган эди. Демак, “Хукамо зикри”даги Аристотилис уша Арасту булиб чиқади.

Навоий бу ҳакимларнинг қисқача таърифи ва айтган ҳикматли гапларидан сунг якунловчи фикрларини бир байт оркали ифодалайди. Улар уша ҳикматли гапларнинг хулосасидир. Букротиснинг пойдорликнинг афзалияти тугрисидаги гапларидан сунг шу фикрни тасдиқловчи байт бундай:

*Бировким, пойдор улгай эрур ҳақ,
Анинг гайри эрур маъдум мутлақ*

Сукротнинг душман мактовига учмаслик тугрисидаги огоҳлан-тиришидан кейин худди шу маънони англатувчи байт келади:

*Чекса душман сенинг салоҳинга тил
Маҳзи афсад булғусидур, бил!*

Афлотуннинг угити сахийликнинг қондаларини ургатади. Ундан кейинги байт эса шу қондани изоҳлайди:

*Тиламай жуд қил, сахий эрсанг,
Тиламак муздидур тилаб берсанг.*

Аристотилиснинг ҳикматлари шохлик қондаларига бағишланган. Навонӣ уша сузлардаги даре ва ариқлар образларини бир байтда шеърӣй буюқлар орқали такрорлаб, айтилганларга яқун ясайди.

*Шоҳ даре у, халқ эрур анҳор,
Иккисининг сувига бир маза бор.*

Аристотилиснинг шогирди Болинус. Унинг айтган ҳикматли гаплари мамлакатни бошқариш тартибига оид. Шунинг учун келтирилган шеърӣй хулоса шу тартибни тасдиқлайди.

*Чу шоҳ оз олса булгай мулк обод,
Чу қун берди булур юз мулк барбод.*

Жолинус Болинуснинг шогирди. Унинг айтганлари инсон саломатлиги борасида. Шунинг учун шеърӣй яқун саломатлик боис иштаҳадир, деган фикрдан ташкил топган.

*Бемор муштаҳӣйга саломат нишонидур,
Чун тандуруст муштаҳӣй эрмас зиёнидур.*

Батлимус Жолинуснинг шогирди. Унинг айтганлари жамият ва шахс масаласига оид. Инсоннинг хатти-ҳаракати тугри ёки нотугрилиги унинг жамият билан алоқасига доир. Бу фикр шеърӣй яқунда бадиният билан ифода этилган:

*Улус иқболидин сен бул баруманд,
Йуқ улким, олгай аҳволингдин эл панд.*

“Зикри ҳукамо”ни яқунловчи олимлар Содик ва Бузуржмехр Нуширавони одил замонида яшаган мутафаккирлардан. Бузурж-

меҳр Нуширавоннинг вазири булган. Нуширавон сосонийлар сулоласидан булиб, уни Нуширавонул одил биннул Кубод деб атаганлар. У Эроннинг исломгача булган шоҳлари орасида энг адолатли подшоҳ сифатида шуҳрат топган. Пойтахти Мадойин (грекча – Ктесифон) шаҳрида эди.

Содикнинг айтган ҳикматли гапи ҳам саломатлик борасида:

*Зарари барча элга ом улгай,
Ки таом устига таом улгай.*

Бузуржмеҳр эса инсон умрининг икки палласи йигитлик ва қариллик, илмнинг инсон ҳаётида тутган урни туғрисида фикр билдирган. Навоий шу фикрни Бузуржмеҳр туғрисидаги байтида баён қилади:

*Йигитликта йиғ илмнинг маҳзани,
Қариллик чоғи харж қилгил ани.*

“Ҳукамо зикри”да ун уч мутафаккир туғрисида суз боради ва уларнинг ҳикматли гаплари келтирилади. Улардан унтаси қадимий юнон файласуфлари (Лукмон, Фишоғурс, Букрот, Букротис, Сукрот, Афлотун, Аристотилис, Болинус, Жолинус, Батлимул), учтаси шарқ мутафаккирлари (Жомасп, Содик, Бузуржмеҳр)лардир.

Ғарб олимларидан Фишоғурс, Букрот, Букротис, Сукротларнинг яшаган даври Эроннинг афсонавий Кайёнийлар сулоласидан булган подшоҳлар Гуштасп, Баҳман, Ҳумой бинти Баҳман, Дороблар ҳукмронлиги даври билан белгиланган.

Афлотун ва Аристотилис Искандар Румий билан боғланганлар. Содик ва Бузуржмеҳр эса Эрон шоҳи Нуширавон билан замондош ва мусоҳиблиги орқали таърифланади. Ҳар бир таъриф ва ҳикматли гап бир байт шеър билан яқунланади. Байтларнинг умумий миқдори ун учта, жами йнгирма олти мисра.

Лукмон туғрисида “Анбиё” бобида ҳам суз боради. У ерда Лукмон туғрисида турт мисра шеър бор (Бир туртлик). Демак, “Ҳукамо зикри” ва унга алоқадор “Анбиё”даги Лукмон ҳикоясида жами уттиз мисра шеър бор.

Ҳикматли гаплар. “Ҳукамо зикри”нинг туб моҳияти ундаги ҳикматли гаплардир. Уларнинг мавзуси хилма-хил.

Лукмон, Фишоғурс, Жомасп, Букротис, Сукрот, Афлотун, Аристотилис, Балнос, Батлимул, Бузуржмеҳрлар номидан айтил-

ган ҳикматли гаплар турли ҳаёт қуринишларида инсон узини қандай тутиши лозимлиги туғрисида панду насиҳатлардан иборат.

Жолинус ва Содик тилидан айтилганлар, асосан, тани соғлиқ қондаларига оид ҳикматлардир.

Афлотун ва Аристотилис машҳур фотиҳ Искандар суҳбатида қуп булганлар. Шунинг учун уларнинг уғитлари юрт ҳукмронлиги борасидадир. Бу насиҳатларга амал қилинса, албатта, бошқарув иши яхши кетажак. Навоийнинг бу пандларни келтирмоқдан нияти ҳам шундай булган.

Афлотун подшоҳга май ичмоқ мумкин эмас, дейди. Чунки май-хурга соқчи булмоғи керак. Соқчи керак булган посбон посбонлик қила олмайди.

Аристотилис подшоҳни бир улуг дарёга ухшатади. Подшоҳнинг амалдорлари, унинг атрофидагилар эса уша дарёдан оқиб чиққан ариқлардир. Барчасининг суви бир хил.

Бошқа уғитлар кишиларни маънавий мукамалликка етакловчи қондалар ихоридан иборат. Масалан, Фишоғурс “Киши узини мақтаса гапи чин булса ҳам писанд қилинмайди”, дейди. Содик туппа-туғри меъдада таом борида бошқа таом емагин дейди. Навоий бу маслаҳатни барчага – шоҳлар, ҳам гадоларга баробар фойдали эканини таъкидлайди.

Бу ҳикматли гаплар ғоят қисқа, лунда ифодаларда айтилган. Улар мақол даражасида аниқ. Масалан, Жомасп дейди: Каримнинг ёмонроқ хислати уз илмининг тарқи ва Лаимнинг яхшироқ хислати уз илмининг тарқи. Бу ерда натижа бир ифода орқали берилган. Уз илмининг тарқи. Аммо эганинг қимлигига қараб бу ёмонроқ ёки яхшироқ сифат қасб этади.

Букротис айтади: Яхши суз қунгулни ёритур. Яхши хат қузни. Фикрнинг бундан қура аниқроқ ва уқувчига тезроқ бориб етадиган шаклини топиш қийин булса керак.

Батлимус: Некбахт улдуқим, эл ҳолидин панд олғай; бадбахт улқим, анинг ҳолидин эл панд олғай. Бу ерда эл билан бирга булмоқ, унинг аҳволидан узига ибрат олган некбахтлар ва элга қарши иш тутиб жазо билан бадбахт булмоқ, яъни уз қилмиши орқали нималарни қилмаслик кераклигини қурсатган бадбахтлар туғрисида суз боради.

“Ҳукамо зикри”нинг мазмуни бошдан-оёқ шундай ҳикматлардан иборат. “Ҳукамо зикри” Навоийнинг элга ғамхур, устоз ва

мураббийлик вазифасини канчалар астойдиллик билан адо этганидан хабар берувчи кичик, аммо ёрқин бир ҳужжатдир.

“ЗИКРИ ҲУКАМО”ДАГИ ҲИКМАТЛИ ГАПЛАР

Луқмон ҳаким айтади:

1. Барча юкни тортдим, қарздан оғирроқ юкни қурмадим: барча лаззатни тотдим, саломатликдан чучуқроқ шарбат тотмадим.

2. Хушхулқ ётларга яқин, бадхуй ётларга ёт.

3. Ундан сурабдиларки, ниманинг фойдаси барча халойиққа етар? Дебдики, ёмонларнинг йуқлиги.

4. Турт минг юз суз битибдирлар, уни турт сузгача қискартирибдирлар. Шулардан иккитасини доимо ёдда сақламоқ, иккитасини унутмоқ керак. Олдинги икки суздан бири – узи қилган ёмонлик ва узганинг қилган яхшилиги. Кейинги икки суздан бири – узи қилган яхшилик ва узганинг қилган ёмонлиги.

Фишоғурс айтади:

5. Киши узини мактаса, чин гапирганда ҳам писанд булмайди.

6. Утганлар билан онт ичмак, ялғон нишонасидир.

7. Мусибатга сабр қилмоқ, ундан хурсандлик қилгувчининг қийноқ чекмоғидир.

Жомасп айтади:

8. Карамли кишининг ёмонроқ хислати уз ҳунарининг тарки, тубаннинг яхшироқ хислати уз ҳунарининг тарки.

Букрот айтади:

9. Умр қисқадур ва иш узун.

Букротис айтади:

10. Тубан фикрлар кунгилдан чиқиб кетмагунча, шарофатли илм кунгилда урнашмас.

11. Яхши суз кунгилни ёритур.

12. Неъмат бир келиндирки, унинг маҳри (кафолати) шукрдир.

13. Уринли оз, уринсиз купдан яхшироқ.

Сукрот айтади:

14. Нодонга тавозеъ қилмоқ, хандалга сув бермоққа ухшаш. Қанча сув ичса, шунча тахирроқ булади.

15. Интилиш уз урнида булмаса, сустликдан кура зарарлироқдир.

16. Душман билан маслаҳат қилиб, унинг душманлиги қай даражада эканини билиб олиш мумкин.

Афлотун айтади:

17. Подшоҳга май ичмоқ ҳаром. Чунки подшоҳ мулк ва халқнинг соқчиси. Узига соқчи керак буладиган соқчи яхши эмас.

18. Узини бой курсатмоқчи булган камбағал узини йўғон курсатмоқчи булган пачокка ухшайди.

19. Инъомни тиламаганда бермоқ керак.

Аристотилис айтади:

20. Подшоҳ улуг дарёга ухшаш. Унга буйсунганлар эса уша дарёдан чикувчи ариқлар сингаридир (сувларнинг куриниши ва мазаси бир хил).

Болинус айтади:

21. Подшоҳ элдан нимаики олса, адолат билан олиши керак. Шунда мулк барқарор булади. Агар у одамларга адолатсиз равишда нарсалар улашаберса, мулк бузилади.

Жолинус айтади:

22. Қайғу жоннинг касаллигидир.

23. Иштаҳали касал, иштаҳасиз соғдан яхшироқ.

Батлимус айтади:

24. Қобилиятли одамнинг бахти тез тушунувчилигидадир.

25. Эл аҳволидан узига хулоса қилувчи киши бахтлидир. Унинг аҳволидан эл узига хулоса қиладиган одам бадбахтдир.

Содик айтади:

26. Меъдадаги таом устига таом емагин.

Бузуржмеҳр айтади:

27. Устозимдан сурадим: йигитликда нима қилмоқ ва қарилликда нима қилмоқ яхшироқдир? Деди: Йигитликда илм урганмоқ, қарилликда эса уни амалга оширмоқ.

НАВОИЙ ДОСТОНИДАН БИР ПАРЧА ЛОТИН ТИЛИДА

XXI асрнинг биринчи ун йиллиги тугаб иккинчи ун йиллигининг бошланиб кетганига ҳам бир мунча вақт утди. Мана бу йил Ўзбекистонимизнинг мустақил давлат булиб тараккий топа бошлаганига йигирма йил тулди.

Яқиндагина булиб утган воқеалар ҳам секин-аста тарихга айланиб бормоқда. Ушбу китобимиз Навоий ижодига бағишланган булгани учун Навоийнинг ижодий меросини урганишга онд бир воқеани ҳикоя қилиб берсам. Унинг юз берганига ҳам қирқ йилдан ошиб кетди. Эҳтимол, янги авлод учун қизиқарли булар.

1968 йили Германиянинг Лейпциг шаҳрида утказилган қиска метражли ва телевизион фильмлар фестивалида меҳмон булган эдим. У вақтларда Лейпциг шаҳри Германия Демократик республикаси (ГДР) таркибда эди. Мен – Азиз Қаюмов Ўзбекистон кинематография давлат комитетининг раиси булиб ишлаганман. Кино куриклари орасида танаффус пайтида мен Лейпцигдаги университет кутубхонаси билан танишмоқ истагини билдирдим. Кинофестивалнинг бош директори Вольфганг Харкентал бу илтимосни кутубхона маъмуриятига хабар қилганида улар мамнуният билан кутиб олишларини айтганлар. Белгиланган фурсатда бир ёш таржимон йигит билан бирга кутубхонага етиб келдик. Бу ерда бизни шу кутубхонанинг илмий ходимаси Мюллер хоним иззат ва ҳурмат билан кутиб олди. Сухбат қурдик. Шунда Мюллер хоним дедикки, уларда узок Ўзбекистондан келган меҳмонни қизиқтирувчи бирор маълумот билан таништирмоғимиз маъқулдир, деган фикр тугилган. Шунинг учун Мюллер хоним шундай бир қўлзмани топиб қўйган экан. Шу гапдан сунг илмий ходима шкафни очиб ундан уша қўлзмани олди ва менга курсатди. Не куз билан курайки, бу қўлзманинг бош саҳифасидаги сарлавҳада ~~میر~~ Мир Алишер деб ёзилган эди. Мен жуда қувониб кетдим. Дархол бу қўлзма билан танишмоққа киришдик. Бу қўлзма асарнинг бошланғич саҳифалари ўзбек тилида араб ёзувида ёзилган. Қўлзманинг инвентарь рақами № 1046⁶⁸. Қўлзма уч таркибдан иборат.

Биринчиси Навоийнинг “Саъъан сайёр” дostonидан (уни кейинчалик бу дostonнинг Тошкентда нашр этилган нусхаси билан солиштириб курганимда (Навоий. Хамса. Т., 1960. Нашрга тайёрловчи: П.Шамсиев) “Саъъан сайёр” дostonининг XI бобидан иккинчи қисм экани маълум булди.

Бу матн парчасининг бошига сарлавҳа қилиб ёзилган:

⁶⁸ Katalog der Handschriften der Universitätsbibliothek zu Leipzig II Leipzig Otto Harrassowitz 1906 K. Wollers p. 365 (бу қўлзма каталогдаги илмий таъриф).

اعزاز دىستانى شىخ اشاه از كذا ، مير علي بير

“Огози достони Баҳромшоҳ аз китоби ҳафтхони Мир Алишер”
(форсча).

Бу жумланинг таржимаси бундай булади: “Мир Алишернинг
Ҳафтхон китобидан Баҳромшоҳ достонининг бошланиш (қисми)”.

Шундан сунгги биринчи байт:

مۇبادдийكىم واراڭا چەكتى راقام
كىم نه ناهى ۈتتىلار مۇلۇكى اجمام

*Мубаддийким варақа чекти рақам
Ким не навь ۈттилар мулуки Ажсам.*

Матн уч саҳифадан иборат. Унда йигирма уч байт шеър бор.
Матн қуйидаги байт билан тугалланади:

توكوبىل سەئىر پى در پى
انگا ھامرانگ تورتار

*Тукубон сайд қони пайдар пай
Анга ҳамранг тортар эрди май.*

Кулёманинг иккинчи таркиби ҳам Навоийнинг шу достонидан
булиб, жами ун беш байтдан иборат. У Баҳромнинг сешанба куни
тузган базми тугрисидаги бобдан олинган. У қуйидаги сарлавҳага
эга:

صور - نىف از كذا هفتخوان مير علي بير . بهرام
گلگون ناس سله مير علي بير . قلد . هله لىغ حر

Сурати боб аз китоби Ҳафтхони Мир Алишер. Мазмуни:
Сешанба куни Баҳромнинг гулгун либос билан қасри гулнорга
таважжух қилиб шафакгун хуллалиг хуршид билла...

Матн:

چۇن سەشانبا سپهخري چوبۇك هەز
تۇكتى انجم شاورىدين گۇلرەز

*Чун сешанба спехри чобук хез
Тукти анжум шароридин гулрез.*

деган байт билан бошланиб,



رھرو اول نو چون بیلدی
تفا بیر ابتدا فیلدی.

*Раҳрав ул навъ ҳукм чун билди
Суз сано бирла ибтидо қилди.*

деган байт билан яқунланади.

Лейпцигдаги № 1046 қулёзмада ҳар иккала шеърӣ матннинг лотин тилидаги насрий таржимаси берилган. Иккинчи парчанинг сарлавҳаси урнига лотин тилида *Versia Capitis unius ex poetate Miri Alişiri* деб ёзилган.

Матнлардан олдин эски узбек тили (муаллиф уни чигатой тили деб атаган) сузларининг лотин тилидаги таржималари лугат тарзида илова қилинган. Қулёманинг учинчи таркиби ана шу лугатдан иборат. № 1046 қулёманинг охири саҳифасида қуйидаги руйхат келтирилган:

فەرھاد	-	Ferhad
حدرۃ الابرار	-	Chajret ül-ebbar
میر علی شیر	-	Miri Alişir
اسکندر نامہ	-	Iskendername
سبعۃ سجان	-	Sebai Sejare
میر حیدر	-	Miri Haider

Германиядаги Лейпциг университети кутубхонасида яна бир кичик қулёзма мажмуа ҳам учради (инв. № 73). Унда Навоийнинг “Арбаин” асари тулалигича бор. Навоий “Арбаин”и ёнига Жомийнинг “Арбаин”и ҳам қушиб, кучириб ёзилган.

Булардан ташқари бу № 73 қулёзмада Ибн Синонинг форсий қасидаси; Ҳофиз, Камол Хужандий, Ибн Ямин ва бошқа шоирларнинг шеърлари ҳам жойланган.

Шундай қилиб, 1968 йили Германиянинг Лейпциг шаҳридаги университет кутубхонасида Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидан айрим парчаларнинг узбек тилидан лотин тилига таржимаси борлиги менга маълум булди. Бунинг ёнига Навоий ва Жомийларнинг “Арбаин”лари қулёмалари ҳам бу университет кутубхонасида сақланмоқда эканлиги аниқланди. Мен бу хизматлари учун Вольфганг Харкентал ва Мюллер хонимларга миннатдорликлар изҳор этганман.

Кутубхонада мен фақат ярим кунгина ишладим. Бу кулёзма-ларнинг матни билан тулароқ танишиб чиқмоққа вақт булмади. Яна лотин тилини билмаслигим туфайли “Сабъаи сайёр” дostonининг лотинча таржимаси билан таниша олмадим. Мюллер хоним бу таржиманинг айрим жойларини менга айтиб бердилар. Бу гапларни таржимон йигит немисчадан русчага таржима қилиб бериб турди. Ана шундай ноқулайлик мени анча хижолатга солди.

Тошкентга қайтиб келгач, лотин тили дарслигини китоб дуко-нидан сотиб олиб у билан таниша бошладим. Ҳеч булмаса лотин тили ҳақида умумий тушунча ҳосил қилмоқни хоҳлар эдим. Ал-батта бу иш унча натижа бергани йук. Аммо менда шундай фикр туғилдики, агар ёшларга лотин тили яхшироқ ўқитилса, уларнинг билим доираси анча кенгайган, ҳам Оврупа тилларини урганиб олмақлари анча енгиллашган булар эди.

Энди асосий масалага қайтайлик. Лейцпиг университети кутубхонасидан қайтгач, мен кинофестивал директори Вольфганг Харкентал билан учрашиб унга миннатдорлигимни изҳор этдим. Навоий асари кулёзмаси кутубхонада борлигини, унинг фотонус-хасини олмақни ишташимни айтдим. Харкентал мени диққат билан тинглади ва кутубхонадаги иш самарали булганидан мамнун экан-лигини изҳор қилди.

1969 йили август ойида мен – Азиз Қаюмов Лейцпиг қиска метражли ва телевизион фильмлар фестивалининг бош директори Вольфганг Харкентал билан Москвада учрашдим. У Москва жаҳон кинофестивалига меҳмон булиб келган эди. Харкентал менга Лейцпигдаги Университет кутубхонасида сақланаётган № 1046 кулёзмасининг микрофильми ва ундан олинган уч саҳифа фотоко-пияни топширди. Мен бу совғаларни миннатдорлик билан қабул қилиб олдим. У яна менга Университет кутубхонаси ходими док-тор Д.Дебеснинг 10.6.1969 тарихли мактубини ҳам берди. Воль-фганг Харкентал номига ёзилган мактубда (10.6.1969) Лейцпиг уни-верситети кутубхонаси кулёзмалар булими мудирини доктор Д.Дебес бундай деб ёзган эди: “Олдин телефон орқали хабар қилганимиздек, Сизга уртоқ Қаюмов учун, бизнинг каталогдаги 1046 шарқий турк кулёзмасининг микрофильмини тайёрладик. Кулёзманинг 131-138 саҳифаларида Мир Алишер авторлигидаги тарихнинг лотин-ча таржимаси бор. Уртоқ Қаюмов бу авторни узбек шоири Али-шер Навоий деб билмоқда. Кулёзмада бирор вақт курсатилмаган.

Мукованинг ички томони (астари)га кура бу кулёзма кутубхонага тушишидан олдин таникли шарқшунос Хаммер Пургсталга мансуб булган, деб хисоблаш мумкин”.

Энди Пургсталнинг кимлигини аниклаш лозим. Мен бу тугрида Тошкентда УзРФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти олимларидан, кадрдон дустим Убайдулла Исроилович Каримовга (1920-1977) мурожаат килдим. Убайдулла ака лутфан мархамат килиб, Хаммер Пургстал тугрисидаги маълумотни хабар килдилар. Хаммер Пургстал (1774-1856) Австрия шарқшуносларидан булиб, у турк, форс, араб адабиётлари буйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган. У дипломатия хизматида булган. Узоқ вақт Истанбулда истикомат килган. 1799 йилдан бошлаб шарқ мамлакатларида хизмат килган. Шарқ кулёзмаларини йиғишга кизиккан. Пургстал купгина асарлар, шу жумладан, “Турк поэзияси тарихи” асарининг муаллифидир (1857 йил). У купгина шарқ адабиёти матнларини нашр этган: форс, араб, турк тилларидан таржима билан шугулланган.

Шундай килиб, Лейпциг университети кутубхонасида Навонийнинг “Сабъаи сайёр” достонининг айрим булаклари сақланмокда. Улар узбекчадан латин тилига насрий йулда таржима килинган ва қисқа узбекча-латинча лугат билан таъминланган. Бу кулёзма Лейпциг университети кутубхонасига шарқшунос олим Хаммер Пургстал архивидан утган. Бу тугрида мен Тошкентдаги “Совет Узбекистони” газетасида (1969 йил) ва Тошкент телевидениесида (1978 йил) қисқача хабар килган эдим. Энди эса янги XXI аср авлоди учун шу хабарни такрорловни лозим топдим.

Ўрмат ила, Азиз Қаюмов. 2011 йил 29 май, Тошкент.

Ағаз дастан берәм шаһ азкбар
 حضرتان میر عالی

شم طریح اوئی لار ملوانیم	سرجو کیم وریغده چیکه رف
قلدی نارغی صغده بغه طراز	شاہ ہرام اینیہ قلبی اغاز
قلدی جاہیہ اینان قلدی سوز	یلا باروی کده سوز سوز
ماه نامای الی شوشای	ملطنت صودی ماه نامای
بلکہ خانقان بیرون و قیصر	دوم و جیب یولور ایگه کلان
رح مسکون قرار ترقی کما	شیع دولت لک باروقی کما
بش اقلیم شاهی نرو بختی	سرتن الی قلدی سرفکنه لیغین
شاہ لاریغده طراز بختی	ناج ورد لاریغده باج اییب بختی



ملک ارغوی بیمن دستور
عرفتیم تکی لاری قولی
هریل آن عزانه قیلنا بایر
جانفست قویجه بولسا
فی که دستور ای پیلور لاری
یانا هر تحنه کزان ماهه
توسه ملک ایچانی پیلور
از وده هر طرف بولسا
نهغه کی حشوق مراد ابردی
دوب ایچا حشوق اوردی
هر طرف هر که بولسا ابردی

که ادرای هنر اکر خضر
تجسار با ما فقه یلیم محتاج
تخت ساری روانه قیلنا ایلا
توتومان بو طرفین قی سولک
هریل آنی ادا قیلور لاری
کیم بولور رنساء اوجده بیاید
بولور اوردی طرف ادهغه
توتولور ابردی مالورین مجرا
ماز بیلور سرور کام ابردی
از بیدار حشوق سرور
حاشا حشوق اوردی



سقف و اعتبار بدین اوردی
سبب سبب بولمان اوردی الهی
اوقاف هر صید سلوی نایب
تو کوبان صید قوی اوردی

کودمائی اف فرای بیوفت اوردی
انرا روه و سرود اوردی کای
ز عهدین صید انبیا اوردی ازاد
انکا هر پیک تا زار اوردی می

الخ

Initium

Historia Behrums sive
suctore Mir
Alisii,
e ciarataico in latinum idio
ma translataum.

qui scripto mandavit
quales fuerint Persia monarcha,
Rex Behrum gesta incipiendo na
quis historia sua exornavit,
scripsitque Quoniam favens
fortuna felicitatem Divam qua
in caelo conjunxerat, ubique terra
rum regnavit, omniumque gentium
totius terrarum orbis qua erat
Romanum imperium, et Cinese
imperi subdita erant, unus et Divi
sum monarcha, Furanorum
Cesar, quidem mandavit scribere:
ut candela fortuna caeli sua
incendat et omnia terra

obtemperabat. Rebelles populos
pressit, septem limitum reges
sibi subiecit. coronatis monar-
chis regibusque tributa exigens.
Regni ornamentum fuit
princeps, atque licet et fides
Rex, et inarum monarchis, aut
quiscumque eidem tributarius fa-
ctus fuerat, ad eum accedere non
debent. tamen quidem thesau-
ros singulis annis augetur, et ad
resistentiam ipsius concedebant.
Nam reges hanc vitam tenentes
eundem sibi obstringebant, bene
enim noverant, qualis princeps
sit, ideoque id quoque anno
prestabant. omne pretiosum
donum, quod reges accipiant, et
quodcumque in eiusdem regno pe-
runiebatur, in thesauro eius depo-
nendatur. Cuius parvum sive
multum, quicquid pro socio dante-
bat, e thesauro (regis) ad
ipsum effuebat. Hic quoque

qui delicus indulgebatur, musica
valde) exhilarabatur. (Nulla
symphonia) (in) orbis terrarum) in ser-
vitiis ipsius erant, multique) in
consortiis ipsius) musica. Ubi-
que) hujusmodi homines inveni-
bantur, eisdem sibi comparare)
studuit. In cypriocinibus suis
nulla) ipse erat optio. usque
dum illas) non viderat, quietus
non fuit. Ubique) oratione)
quiescere nequit, et cum quocumque
canti) et musica) delectabatur.
Ubi) cumque) ipsius pro-
dam) quampiam) detulisset, hanc
amplius) a vulnere) ipse) libero
non erat, et) ~~non) moriturus)~~
psallatum) sanguinem) effunderet,
vultum) eisdem) coloris) per guttas
illius) accendebat. etc.

amocna . experitque *

impetias *

МУНДАРИЖА

<i>Кириш сузи урнида</i>	3
--------------------------------	---

ДИЛКУШО ТАКРОРЛАР ВА РУҲАФЗО АШЎОРЛАР

Таржиъбандлар	4
“Севгинома” I	22
“Севгинома” II	28
Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашер	43
“Соқийнома”. Навоийнинг дустлари	53
“Соқийнома”. Вафо туғрисида	57

СУЛТОН МАДҲИЯСИ ВА ДАВРОН ТАРБИЯСИ

“Ҳилолийа” касидаси	61
“Вақфия”да мадҳия	66
“Ҳамса”да Султонга бағишланган мадҳиялар	69
“Соқийнома”да мадҳия	83

ШЕЪР ДУРДОНАЛАРИ

“Назм ул-жавоҳир”	89
-------------------------	----

НАВОИЙҲОНЛИК АЛИФБОСИ

“Ҳилолийа” касидаси	194
“Илк девон”	195
“Бадойиъ ул-бидойа”	196
Абулқосим Бобур Мирзо	200
Султон Ҳусайн	201
Саййид Ҳасан Ардашер	202
“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”	203
Паҳлавон Муҳаммад	205

НАВОЙНИНГ ШЕЪРИЙ АСАРЛАРИ

“Хазойин ул-маъоний”	207
Навоийнинг “Қуш тили” достони	217
“Арбаъин”	219

НАВОЙНИНГ НАСРИЙ АСАРЛАРИ

“Мажолис ун-нафоис”	222
“Насоим ул-мухаббат”	231
[“Зубдат ут-таворих”]	234
“Тарихи мулуки ажам”	235
“Муҳокамат ул-луғатайн”	237
“Мезон ул-авзон”	238
“Маҳбуб ул-қулуб”	239
Муншаот	241
Вақфия	242
Муножот	243

НАВОЙНИНГ ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДА ЁЗГАН АСАРЛАРИ

Муфрадот	245
Девони Фоний	247
“Ҳукамо зикри” асари туғрисида	250
Навоий достонидан бир парча лотин тилида	258
<i>Иловагар</i>	264

АЗИЗ ҚАЮМОВ

ДИЛКУШО ТАКРОРЛАР ВА РУҲАФЗО АШЎОРЛАР

Адабий-маърифий нашр

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2014

Мухаррир Носиржон Жураев
Бадий муҳаррир ва дизайнер *Толиб Қаноат*
Техник муҳаррир *Бекзод Каримов*
Саҳифаловчи *Асал Нисанбаева*
Мусаххих *Шарофат Хуррамова*

Нашр лицензияси АІ № 201 28.08.2011.

Терншга берилди 17.10.2014. Босишга рухсат этилди 20.10.2014. Бичма
ми 60x84 $\frac{1}{16}$, «Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма табағи 15,80
Нашриёт-хисоб табағи 14,44. Адади 5000 нуска. Буюртма № 3631.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100000, Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41.







ISBN 978-9943-26-260-7

